

84(56)2

Х - 72

Ахонгир ХОЛМИРЗАЕВ



Сүнти
романтик

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

Жаҳонгир Ҳолмирзаев

СҮНГГИ РОМАНИК

Қиссалар, ҳикоялар ва бадиалар

**Ғафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2017**

УЎК 821.512.133-3

КБК 84 (5 Ў) 7

X 72

Тўпловчи ва масъул муҳаррир:
С.Холмирзаева – филология фанлари номзоди,
доцент



Холмирзаев, Жаҳонгир.

Сўнгги романтик / Ж.Холмирзаев. – Тошкент: Fa-
фур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2017 – 240 б.

Жаҳонгир Холмирзаев машҳур ёзувчи, буюк адаб Шукур Хол-
мирзаевнинг фарзанди. Ушбу тўпламдан Жаҳонгир Холмирзаев-
нинг хикоялари, эсселари ҳамда қиссалари ўрин эгаллаган. Уларда
ёшларимизнинг бугунги хаёти, маънавияти, орзу ва интилишлари
қаламга олинган. Адабнинг сўнгти йилларда ёзган “Бу кунлар ҳам
үтиб кетар...”, “Илк қадам”, “Еттинчи ҳаёт, “Тумор” каби автобиог-
рафик бадиалари ҳам ўз китобхонларини топади, деб умид қила-
миз.

УЎК 821.512.133-3

КБК 84 (5 Ў) 7

© Ж.Холмирзаев
© Faфур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2017

ISBN 978-9943-03-931-5

БУ ЙЎЛ: «БОРСА – Ё КЕЛАР, Ё КЕЛМАС»

Шодиқул, «Жаҳонгирнинг асарлари ҳақида ўзингиз бир нарса ёзиб беринг. Қизиқ бўлади: сиз барибир тўғри гапирасиз-ку...» деганингизда илжайиб, елка қисувдим.

Кейин ўйлаб қарасам, ёзсан бўларкан: ўғлим бўлса, нима бўпти. Бундан ташқари, уни бошқа ҳар қандай кишига қараганда мен яхшироқ билсан керак. Ҳечкурса ижодга, ҳаётта муносабатини... Бу бола тугилганда, атрофимиизда ўзбекча боғча йўқ эди. Русча боғчага бердик. Кейин мактабдаям олтинчи синфгача русчада ўқиди. Билардим: ўртача ўкирди. Масалан, адабиёт фанидан кўпинча «З» баҳо оларди. Аммо бешинчи синфдалик чоғидаёқ Лангфеллонинг машҳур «Гаявата» достонини ёд биларди. Музқаймоққа деб берган пулимизгаям китоб оларди. Купернинг «Сунити могикан» романидан тўрт нусха олган, яъни тўрт нашриётдан чиққанини ҳам олган эди. Кейин Америка ҳиндулари ҳақидаги асарлардан барча суратларни қирқиб олиб, битта дафтарнинг варақларига ёпиштириб, альбом қилган эди. Кейин бирдан мусиқага қизиқди: бир эмас, иккита гитара олдирди. Эшигасам, овози ҳам бор экан.

Ёзишга қизиқиши, назаримда, учинчи синфда бошланувди: бир талай бир бетлик, икки бетлик ҳикоялар ёзиб ташлаган, аксари ҳайвонлар ҳаётидан, бош қаҳрамонларидан бири – лос эди.

Кейин ўчинчи синфи тутатди: шундаям адабиёт фанидан баҳоси ўртача, умуман, дарсликка қизиқмас, Жек Лондон, О'Генри, Сетон Томпсон ва бошқа адиларнинг асарлари – унинг учун гүёки дарслик эди.

Жаҳонгирни Туркияга – бирон лицеига юборишни орзу қиласдик. Қўлимииздан келмади. Отаси казо-казо,

ўзларининг боши «2»дан чиқмаган баъзи синфдошларининг Истамбулга бепўш-пўш жўнаб кетишгани болани ғамгин қилиб қўйди. Уни халқ хўжалик институтига қўймоқчи бўлдик: ярим миллион сўм-купон сўрашди.

Нихоят, ўз-ўзича дорулфунуннинг журналистика бўлимига ҳужжатини кўтариб борган экан, қабулхонада ўтирган қизлар аттестатдаги баҳоларга кўзи тушибоқ четга суреб юборишибди: «Адабиётдан уч-у, журналист бўласанми?»

«Кўрасиз, ёзувчи бўламан», деб чиқиб кетибди.

Бу гапни эшитгач:

– Ўзи, у-бу нарса ёзаяпсанми? – деб сўрадим.

У пешонаси тиришиб, гарданини қашиди. Хотиним бош ирғади: «Ёзаяпти».

Бир куни столимга бир дафтар қўйди. Кисса экан. Ўқиб чиқиб, кўнглим бузилди. Унинг манглайидан ўпиб: «Ўғлим, тупур бошқа ҳамма нарсага. Ёз. Ўзингга ишон. Мен борман, устидан қараб бераман: бу – сен учун катта имконият...», дедим.

Нихоят, қиссанинг бош қисми «Тонг юлдузи» газетасида бир неча сонда чоп этилди.

Кейинги ҳикояларидан биттасини, Шодиқул, журналингизга беряпман. Шунинг ўзиёқ бу боланинг киму, нимадан иборат экани, қаноатлари қандок, шахс сифатида қандай – бу саволларга тўла жавоб бера олади, деб ўйлайман: ахир, асар ёзувчининг қалби – қиёфаси-да.

Энди бир мулоҳазам бор: Жаҳонгир – менинг фарзандим-у, аммо мана шу эврилиш, эътиқодлар, қадриятлар ўзгараётган, тўғрироғи, «янги»лари – асллари тикланаётган, яхши билан ёмоннинг фарқига фақат қалб кўзи билан қарабгина етиш мумкин бўлаётган мазкур Даврнинг боласидир.

Бу давр – инсон учун синовлар даври. Жаҳон ундан қандай ўтади? Ҳаёт кўрсатади.

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

1997.

(“Ёшлиқ” журнали), 1997 й. № 4.

ФАҚАТ ҲАЁТ АБАДИЙ¹

(қиссадан парча)

1

Инсон ҳаёти ҳақида қанча кўп ўйласам, шунча ишонаманки, у ўзининг кисқагина умрида кўп марта ўлиб, тағин тирилар экан. Мана, ҳозир ҳам шундай: мен кравотда ётибман-у, ҳис этаяпманки, кетаяпман. Ҳолбук, менга пичоқ урганлари йўқ, заҳарлашгани ҳам йўқ, касал ҳам эмасман, соғ-саломатман. Мен энди ҳаётнинг маъноси ҳақида ўзимга савол бермайман, шунчаки мен ундан совидим. Тушундимки, ёшликнинг алдамчи шуълалари билан жиловланган орзуларим – ҳаёлий экан. Ажабо, энг сўнг қазо қиласидиган умидлар энди йўқ. Ўзинг бирон-бир нарсани тушунмайдиган бу ҳаётдан нимани кутиш мумкин? Ҳа, йигирма икки яшарлик йигит учун бу фикрлар жуда оғир. Бироқ нима қилиш керак, қачонки шу қисқагина умринг ўзанини ўйлаб, қанчалар хатога йўл қўйганингни англаб турсанг? Вей, қанча ёлғончилик, сотқинликларни кўрдинг; қанча орзуларинг бор эди...

2

Кеча бир таниш қизни акамнинг туғилган кунига таклиф қилдим. Ўтиришдан кейин уни уйига кузатиб бораётганимда, учта йигит-унинг хушторлари экан, шекилли – мени тутиб уришди. Эсим оғиб қолибди. Бир маҳал ҳушимга келганимда йигитлар ҳам, қиз ҳам йўқ эди.

¹ Қисқартирилган нусхаси.

Уйга келиб, азбаройи қиздан хавотир олганим учун қўнғироқ қилдим. Қиз нима деди денг? «Мени ҳимоя қилолмадинг, шунинг учун улар билан кетдим», деди. Начора, балки у ҳақдир. Кучсизлар ўлади, кучлилар қолади – «жунгли қонуни» шундай бўлса керак. Демак, мен ожиз эканман. Қолаверса, учовига бас келолмасдим.

Ҳозир мен кўзгу олдида туриб, башарамга қарайпман. Чап юзим шишган, ўнг кўзимнинг таги кўм-кўк, пастки лабим ёрилган, хуллас, энди «чиройлик»кина бўлиб қолибман.

Ойна олдидан жилиб хонамга кирдим. Ҳеч нарсани ўқигим, ўйлагим келмас эди.

Шунда ўзим севган рассомларнинг уй деворидан жой олган портретларига қарай бошладим-у, фотосуратлар ёпиширилган эски альбомим эсимга тушиб кетди. Уни шкафдан олиб, диванга ўтирдим.

3

Биринчи бетини очдим, унга икки яшар болакайнинг сурати елимланган. Болакай дўмбоққина қўлчалари билан ўйинчоқ айиқчанинг қўлидан ушлаб, беғубор кўзлари билан тикилиб, жилмайиб турибди.

Бу – мен, йигирма йил бурунги мен.

Альбомнинг иккинчи варагини очаман. Биз тоғдамиз: отам, онам ва мен.

Ўшанда мен олти ёшда эдим.

Жуда яхши эслайман: илгарилари ҳар йили биз баҳорда шаҳардан ташқарига – тоқقا чиқардик.

Авжи баҳор кезлари бўларди ўша чоғлар: тоғ бағирларида лолалар энди-энди очила бошлаган, дарахтларда илк япроқлар пайдо бўлган, қуёшининг ёрқин нурлари ҳам совуқ қишининг нафаси қўтарилиб кетганидан далолат берарди. Бегюён адирларга қараб, шалолалар шовқинини эшитиб, муздек чашма сувларидан симириб ҳам бойчечакнинг нозик бўйини ҳидлаб, киши беихтиёр хаёлкаш – романтик бўлиб қолганини сезмасди.

Бизнинг оиласи из бошқалар қатори йилнинг худди шу фаслида мана шундай төғ бағрига келарди. Дадам гулхан ёқар, мен эсам қалта-култа чўпларни йиғиб келардим. Онам гул терарди. Сўнгра биргаллашиб ўзимизга егулик тайёрлар эдик.

Яна шу нарса кечагидек эсимда, этакда қолиб кетган водийда битта ям-яшил дарахт (номи эсимда йўқ) ўсиб туради. Ўткинчилар унинг бутоқларига турли тасмалар ва латта-путталарни боғлаб чиқишаради. Дарахт мана шундай ранго-ранг латталарга бурканиб туради.

Ҳар гал ўша дарахт яқинидан ўтганимизда дадам машинани тўхтатар, онам эса қўлимга рўмолча бериб «Бориб боғлагин, нимаики истагинг бўлса, рўёбга чиқади» дер эди.

Мен эсам бунга инониб чопиб кетардим.

4

Яна варақлайман альбомни. Мана бу – менинг чин холам. Термиз яқинида яшайди. У кишининг уйига биринчи марта борганим кечагидек эсимда. Бунга бир неча йил бўлди.

Ўшандада мен биринчи марта сомсага сирка сепиб ейишларини кўрганман. Қудуқдан сув тортиб ичишларини ҳам ўшандада кўрувдим. Унча чуқур бўлмаган қудуқчани тубида эса кичик-кичик балиқчалар сузиб юради.

Уларнинг оиласи катта, дастурхон бошида икки-уч соат бемалол ўтиришларини ҳам шунда кўриб ҳайрон бўлганман: холам дўконда ишлар, хоҳлаган пайти бориб очар, айрим нарсаларни уйида ҳам сотарди.

Қизиқ, улар яшаётган қишлоқнинг оти – Чашма эди. «Нега бундай, булоқ йўқ-ку» деб сўраганимда, «шунаقا булоқ чиқсин деб қўйишишган», дедилар.

Хуллас, ҳайрон қолса бўладиган нарсалар кўп эди.

Охирги марта Чашмада тўрт ой муқаддам бўлдим. Бироқ мен бу сафарни сабрсизлик билан кутгандим.

Чунки дадамнинг ёшлиқдан бирга катта бўлган бир дўсти катта бизнесчи булиб кетган, дадам менинг тентираб юрганимни унга айтгач, у киши: «Майли, келсин, фирма очиб бераман. Магазини булади. Иш ўргатман», деб ваъда берган экан.

Бундан олдинроқ – айни ёз чилласида катта амакимнинг тўйига – Термизга борганимда, тўйхонада елиб-югуриб хизмат қилаётган бир қиз билан танишган эдим.

Уни холам ҳам мақтаган, биз икковлоннинг чой-товоқ ташишимиз ва ўзаро арзимаган гаплардан кулишимизни кўриб: «Тоҳир, шу қизга уйлансанг яхши бўларди. Туёғимиз узилмас эди. Ўйлаб кур. Бундай қизлар меҳнаткаш булади. Эрнинг гапидан чиқмайди», деган эди.

Бу таклиф менга кутилмагандан маъқул тушган, қизнинг нималаринидир Абориген тоғамга ўхшатган бўлсам, унинг қандайдир соддалигини ўзимга ўхшатган эдим.

Қолаверса, ким бўлишимдан қатъи назар, уйланишим керак-ку? Балки уйлансан, ҳаётимда бирон-бир бурилиш содир булар?.. Университетнинг филологиясигами, журналистикасигами киролмасам киролмабман-да.

Бу мени адабиётдан совитадими?

Қолаверса, ҳамма ёзувчилар ҳам шу факультетларни битиришмаган.

Тўғри, мен жуда унақа «ёзувчи бўламан» дея олмайман. Аммо ҳеч бўлмаса ўзим учун ёзиб юришим аниқ: ёзганингда хумордан чиқасан-да киши, ҳатто ота-онангу дўстларингдан сир тутган дарду қувончларингни ҳам қоғоздан яширмайсан.

Хуллас, тўйнинг эртаси қизга ҳазил-ҳазил билан яқинда уйларига совчи юборишмни айтувдим, кулибгина қўйди: у чиндан ҳам содда, бокира қиз эди.

Ана шунинг учун ҳам холамнинг уйига – Чашмага боришни бесабрлик билан кутарканман, хаёлимда яна

ёркин манзаралар чизила бошлаган эди: дадамнинг ўртоги ёрдам берса, ишларим юришиб кетса, ўзим оёққа туриб олсам, хаётим чиндан ҳам ўзгаради: ўша қизга уйлансан, уни яхши кўриб қолишим ҳам мумкин... Бироқ йўл харажатининг қимматлиги менинг оёғимга кишан солди.

Нихоят, сафарга отланадиган куним ҳам етиб келди. Юқорида айтган режаларим билан қандайдир куч-кувватга тўлиб, ҳатто шу борищаёқ биринчи қадамим – янги мустақил ҳаётга қўйган қадамимдек туилиб, Термизга жўнадим.

Пезддан тушибоқ, дадам ёзиб берган манзил бўйича бизнесчи ўртоғининг уйини излаб кетдим. Топдим. Деворлари пишиқ ғиштдан қурилган, темир дарвозаси оғзида иккита ажинакучук ётарди. Мени кўриб, «душманлик» билан қарши олишди. Бир амаллаб ҳовли қўнғироғини босдим.

Дўмбоқ, ёшгина-ю, сочи тўкилиб кетган йигит чиқиб келди. Йигитнинг қовоғи солик эди.

«Фалон кишининг ўғлиман. Тошкентдан келдим», деб таништирдим ўзимни. У ҳам ўша «пистон» кишининг кичик ўғли экан. Чеҳраси хиёл ёриши-ю, лекин:

– Отамнинг мазаси йўқ, – деди. – Дўхтирлар бирорга кўрсатманглар дейишишган.

– Шунақаям бўлар экан-да?

Йигит тошиб турган эканми, ё мени отам туфайли ўзига яқин олдими, бирдан:

– Дўхтирлар «бели гарячка» дейишиди, – деди бидирлаб.– Лекин отам ичмайдилар ҳисоб... Жуда оз ичадилар. Бир табибни чақириб қаратган эдик, ўша... ўша «ўтиб кетади, восвос бўпти», деди. Илгариям бир марта шундай бўлувдилар.

– Аттанг.

– Биз жуда камбағалчиликдан шу даражага етувдик. Отамнинг душманлари кўп. Бир-икки йил олдин рекетчилар хат ёзиб қўрқитишиди. Отам уларга ҳеч нарса бермадилар... Кейин, шу касални топдилар. Ол-

дилари ухламай тонг отқизар эдилар. Кейин-кейин шундай бўлиб қолдилар...

– Тушундим.

5

Чашмада ҳам мени шумхабар кутиб турган экан. Холам ғамгин қулимсираб айтди:

– Сенинг О... билан гаплашиб турганингни кўришган экан танишлари. Қизнинг отасига айтибди. Отаси: «У бола Ташканда яшаётган бўлса, қизимни опқочиб кетиш ҳам қўлидан келади», дебди хотинига...

– Кейин?

– Қизини эрга бериб юборди. Қандайдир қариндошига... Сен хафа бўлма, қиз топилади. Ёшсан...

О.нинг синиққина жилмайишлари, соддалиги, ҳарачатчаниги кўз олдимга келиб, унга жуда-жуда ачиндим. Сўнgra, шу ҳолимда ўзим ҳам уни баҳтиёр қиломаслигимга инониб, бирдан хўрлигим келди: «Э, худойим, нима гуноҳим бор?» – дедим ичимда. – Эндигина, ишларим юришай деганида, бутун режаларим картон уйчадек бузилиб кетди. Энди уйга қайси юз билан қайтиб бораман?»

Тошкентта боргач, нима қилишимни ҳам тасаввур этолмасдим. Нимагаки, бу ёққа жўнагунимгача бир тижорат дўконида ёрдамчи сотувчи бўлиб ишлаб турувдим.

Энг ёмони шуки, мен бу ёққа жўнаш олдидан «ўз ихтиёrim билан» ишдан бўшаб, бир таниш омборчидан қарзга пул кўтарувдим: икки карра қилиб қайтармоқчи эдим.

Энди нима бўлади?

6

Вагон мутасаддиси «қирқ минутдан кейин» жўнашимизни айтди. Мен жомадонимни қўйиш учун вагонга, ундан купега кирдим. Ўрта яшар бир аёл ўтиради.

– Салом алайкум. Бешинчи жой шу ердами? – дедим.

– Мана бу пастки қават бўлса керак, – деб жавоб берди хотин.

Мен ўриндиқ қопқасини кўтариб, юкимни қўйдим. Сўнг дераза пардасини четга сурдим.

Пастда одамлар қандайдир шошқин қувонч билан пирожни, вино ва ҳар хил сақичнамо ширинликлар харид қилишар ва вагонларга қараб чопишар эди.

Мен тўшакни ёғоч ўриндиқقا ёздим-да, секин чўзилиб ётдим. Кўнглимга қил сиғмасди. Кўзимни юмиб ётарканман, купемизга тагин кимдир кирганини сездим. Кирган киши аёл товуши билан салом берди. Анави хотин ўз ташвиши билан банд эканми, алик олмади.

«Барийбир туриб ўтиришим керак. Ҳали ётишга вақт бор. Бунинг устига, хотинларнинг олдида чўзилиб ётиш ноқулай», деб ўйладим-да, ўрнимдан турдим.

Рўпарамда болали келинчак турарди. Кўринишидан йигирма ёшларда. Унинг ҳайрон қоларли даражадаги чиройи мени лол этди. Кўзлари қоп-қора ва катта-катта. Лекин қовоқлари шишиб кетган, тоза йиғлаган бўлса керак. Этнида ўта арzon куртка, оёғида – товоnlари қийшайиб, ранги ўнгиб кетган этик. Юзи рўмол билан ўралган.

Унинг боласи ўзига жуда ўхшарди; қизалоқнинг боши ҳам қийикча билан ўралган, лўппи яноқлари уни яна-да суюмли қилиб кўрсатарди.

Жувон боласини бир қўлида кўтарганча бошқа қўли билан эшик тутқичидан ушлаб турар, афтидан, ўтиришга кўркар эди. Мен дарҳол четга сурилиб:

– Нега тик турибсиз? Ўтилинг, – дедим.

– Вей, сиз анча пул тўлагансиз, мен бўлсам – бебилет, – деди. – Яқинда тушаман, акажон.

– Ўтирсангиз-чи.

– Бу ер сизнинг жойингиз ахир.

– Нима бўпти.

Нихоят, у ўтирди. Мен тағин четроққа – деразага сурилиб, ташқарыда – йироқларда қолиб кетаётган тоғларга тикила бошладим. Хаёлимда эса аламли ўйлар: «Мен ҳаётимда нима ёмонлик, нима гуноҳлар қилдимки, қисмат мени мунчалар азоблайди? Нима учун бирорларга барча эшиклар очик, менга эса – ёпиқ?.. Тўғри, отам амалдор эмас, онамнинг ҳам қўли кўп жойларга етмайди... Бироқ мен тирик жонман-ку?»

Шунда Термиз кўчаларида кўрган бир афишамни эсладим. Унда ёш хонанда кулиб турарди. Ҳолбуки, у бир вактлар бизнинг ансамблда ногора чалар, овози ҳам меникидан дуруст эмас эди. Колаверса, мактабда менинг дипломатимни кўтариб юрар, мен билган инглизча, итальянча қўшиқларни хиргойи қилишимни, яъни ўргатишими сўрагани сўраган эди.

Мен ўшанда гитара чалиш ҳам, қўшиқ айтиш ҳам – шунчаки ҳавас, ҳар бир кишиям билса зиён қилмайдиган бир сифат, деб билардим.

Бугунга келиб у шаҳарма-шаҳар концерт қўйиб юрибди. Мен эсам ўша-ўша...

Шунда хаёлим бўлинди. Назаримда, кимдир менга гап қотгандек бўлди. Бурилдим. Болали жувон менга тикилиб турарди.

- Кечирасиз, бир нима дедингизми?
- Ҳа, – деди у ғарифона бир тусда. – Нимадандир хафа кўринасиз. Тўғри, бу менинг ишим эмас-у...
- Йўғ-е, сизга шундай туйилгандир, – дедим.
- Кўзларингиздан кўриниб турипти, оғажон. Айтиб беринг, енгил тортасиз.

– Э, йўқ, ҳеч нарсамас, – деб яна ойнага юзландим.

Яна олисдаги тоғларга қарай бошладим-у, бу аёлнинг эшик оғзида туриб айтган гапи ёдимга тушди: «Сиз анча пул тўлагансиз, мен бўлсан бебилет».

Демак, ҳақиқатан ҳам бу – билетсиз, бунинг устига, боласидан бўлак ҳеч нарсаси йўқ. Демак, поезднинг паттаси – бунинг учун бир «дунё пул».

Эй, бунинг эри йўқми?

– Кечирасиз, билетингиз бўлмаса қандай чиқдингиз? Бизда билетсиз юрадиганларни қуён дейишади, – деб кулдим. Кулдимки, фикримни тушунсин, хафа бўлмасин деб.

У ҳазилни тушунди шекилли:

– Мени мелисалар ўтказвориши, – деди.

– Мелисалар-а?

– Ҳа, – уялиб қулимсиради у. Кейин давом этди: хўжайин билан ҳамиша обши вагонда юрардик. Купелисига биринчи марта тушишим... Бундан бурун хўжайин билан Сариосиёга қариндошларни кўргани бориб эдик. Кейин яна поездга ўтириб қайтдик. Биласизми, эrim кўп ичадилар, бунинг устига байрам келиб қолди... Хуллас, поездга чиққанларида маст эдилар. Биз проводник билан келишиб эдик: пулинни кейин ўзига бермоқчи бўлиб. Бор-йўғи саксон сўм пулимиз қолиб эди, шу билан амаллаб уйга етиб олардик... Эрим бўлса, шу поезддан ароқ топтилар-да, яна ича бошладилар. Бир манзилга етганда, биз тушдик, оёқни ёзиш учун. Хўжайин шундай маст эдиларки, ҳеч нарсани билмасдилар. Дуч келган одамни ўпа бошладилар... Уйдаям ичардилар, мен-ку чидар эдим, аммо йўлда мунчалик бўлмасдилар. Ўзлари-ку мулоийим. Мен у кишининг таксичи бўлишини истардим. Шунда камроқ ичармидилар...

– Ўзлари неча ёшда? – деб сўрадим.

– Ўттиз саккизда.

– Сизга зўрға йигирма ёш бериш мумкин.

– Ўн саккиздаман, – деб кулди у. Кейин яна жиддий тортиб қолди. – Термизда мелисалар опқолишиди у кишини. Қанча ялиндим – ёлвордим, йиғладим – қўйвoriшмади. Термизда мен ҳеч кимни танимайман. Шеррободгача ярим соатлик йўл бор... Шундай. Мелисалар мени яна чиқариши... – У чуқур хўрсиниб олди-да, яна давом этди.

– Эримнинг киссаларидан бир сўм ҳам чиқмаган. Мен бўлсам уйга етиб олишим керак. Автобус билан... Ўша пул йўқ, ҳеч ерда ишламайман. Биронта ошхонага идиш ювадиган булибми, ер супурадиган булибми ишга кирадиган бўлдим. Лекин мени ишга олишмади. Ёш болам бор.

– Қариндошлар борми?

– Ҳа, биз бир ота-онадан саккиз фарзандмиз. Биз жуда камбағалмиз. Шунинг учун биз – беш қизни ёшлигимиздан эрга узатишди. Акаларим уйланиб тинчиб кетишган, уларни кўрмаганимга бир йилдан ошиди. Катта опам олдинлари уйимизга тез-тез келиб турарди. Кейинги келишида бутун тақинчокларим йўқолди. Битта-ю битта сирға – булар раҳматли онамдан ёдгорлик эди. Опам кетганидан кейин бу нарсаларнинг йўқолгани маълум бўлди... Кейин мен унинг уйига бориб эдим, у мени ҳайдаб юборди. Шундан кейин алоқамиз узилиб кетди. Баъзан яшагинг келмай қолади, оғажон. Лекин мана шу қизча деб...

– Ростини айтсан, нима дейишгаям ҳайронман, – дедим. – Қаранг, тўққиз бўляяпти. Ўн минутдан кейин Шеробод... Вокзалга якин турсангиз керак?

– О, йўқ. Биз Шерободнинг ўзида турамиз. Яъни Гагаринда. Унгача ўн километр бор...

– Менимча, ҳозир автобуслар юрмаса керак, – дедим.

– Сизнинг эса такси пулингиз йўқ. Кўчалар қоронғи, мастрлар кўп...

– Бир амаллаб етиб оларман, – деди у.

Нихоят, эшикдан бошини суккан проводник:

– Станция Шеробод! – деди.

Мен ўрнимдан туриб, аёлнинг қизалоғини қўлимга олдим. Ва купедан чиқиб, йўл бошиладим.

Миямда алкаш-чулкаш ўйлар: «Шундай паризод, ўн саккиз яшар паризод шундай хор-зор... – Перронга тушдик. Мен унга жуда ачинар эдим. Ҳатто: – Юзта шоҳ ҳам, қурувчи ҳам бир тола сочингизга арзимайди».

Кўнглимни тоштириб юбораётган бошқа гапларни айтишни истардим: – Эй, синглим, ҳали ишга жойлашсан, эринг ичишни ташлайди, опанг тақинчоқларингни қайтариб беради... Энг муҳими, яхши кунлар келишига инон, шунда ҳамма нарса яхши бўлади!» Бироқ, ҳеч нарса бера олмадим.

Поезд бир-икки минут тургач, сигнал берди. Мен чўнтақларимни ковлаб, бор пулимни чиқардим. Юз сўм бор экан.

– Олинг буни, – деб узатдим.

– О, йўқ-йўқ, ололмайман, – деди у.

– Олинг ахир, бу болакайни кўтариб, ўн километр юриш осонми?

У барибир пулни олмади. Мен шахт билан унинг курткаси чўнтағига пулни тиқиб юбордим-да, жила бошлаган поездга чиқдим. У ҳеч нарса деёлмай тош қотганча қараб туради. Бир-икки қадам юрилмасдан унинг кўзларида ёш кўрдим. Поезд узоклашиб борар, келинчак ҳамон тик қотиб туради. Нихоят, кўринмай кетди. Мен зинадан кўтарилиб, вагонга кирдим.

Дераза ёнидан ўтарканман, яна тўхтаб қолдим. «Эй, худойим, – деб ўйладим фавқулодда қандайдир енгил тортиб. – Фермер бўлолмаганим, ҳатто ўзим севмаган қизга уйланолмаганим, шунчалар фожия эканми?

Нима бўлганда ҳам, бу сафарда нимадир қилдим, тўғрироғи, кимгадир фойдам тегди...

Демак, бекорга келмаган эканман. Ҳа... У бояқиши келинчак менга бир сўз айттолмаган бўлса ҳам, кўзларида миннатдорчилик ёшларини кўрдим-ку...»

Термизга қилган сафарим шу тариқа тугади.

Альбомнинг охириги варагини очдим. Унда биронта ҳам сурат йўқ эди.

Альбомни ёпдим.

Ўзимнинг қисқагина умрим ҳақида ўйладим. Ва айрим хулосаларга ҳам келдим...

Яқинда ойим шкафдан эски шимимни топиб, «ўйда кийиб юр», деб бердилар. Шимни кийиб, чўнтаклари-га қўлимни тиқсан, эски қопчиққа тегди. Уни чиқариб очишим билан Диноранинг телефон рақамига кўзим тушди. Балки у ҳалиям менинг қўнғироқ қилишимни кутаётгандир? Ахир, бу ҳаётда бирон-бир нарсани ҳам олдиндан билиш мушкул-ку?

«Бугуноқ, йўқ, ҳозироқ сим қоқаман Динорага. Кейин кўчага чиқаман», деб ўйладим.

Кейин альбомни тағин бошидан тез-тез варақлай кетдим – бу бир ҳазинадек бўлиб қолган эди: мана – мен. Бу – онам, отам, севимли бувим.

Булар – синфдошларим, буниси – Динора. Мана, Аброр – Абориген тоғам.

Холамни ҳам кўргач, охирги бетни очдим. Ҳа, бунда ҳеч қанақа сурат йўқ.

Шунда бирдан тушундимки, мен ҳали охирги бекатга етганим йўқ...

Ажабо, бу бетдаги биринчи сурат балки менинг бўлажак умр йўлдошимники бўлар, балки биринчи фарзандимники...

Бошда «мен ўляяпман» деган эдим, энди эса «тирилаётганим»ни сездим.

Демак, инсон «ўлар экан» ва «тирилар экан», бироқ ҳаёт, ҳаётнинг ўзи абадий экан...

1996.

(“Тонг юлдузи” газетасининг 1996 йилнинг август ва сентябрь ойларидағи сонларида тўлиқ берилган. “Ёшлик” журналининг 1997 йил № 4 сонидан олинди.)

ОЛТИНЧИ ҲУКМ

Рассомнинг бўёқлар ҳиди анқиган ва ҳафта давомида супурги тегмаган устахонасида ҳаво бузилган – дим, тахта полда арzon сигарет қолдиқлари сочилиб ётар, бурчакдаги эски уч оёқ столда маҳаллий винодан бўшаган бир неча шиша ва дарз кетган стакан турар, деворларга эса турли мавзудаги ажиб-ажиб расмлар – картиналар илиб қўйилган эдики, шуларгина хонага бирмунча файз бериб, киши диққатини жалб этар эди.

Хонанинг ўртасида эса рассомнинг ўзи қаққайиб турар, унинг эгнида аллақачон урфдан қолган костюм, кўкрак киссасидан қадимги соатнинг кумуш занжирни осилган эди; унинг башарасини қоплаган соқоли нақ шу занжирга етиб тўхтаган, пешонасини сонсиз ажинлар кесиб ўтган, тўзғиган соchlари бармоқ билан таралган эди, холос.

Рассомнинг шундоқ рўпарасида «Қуёш чиқаяпти» деб номланган катта бир расм осиғлик, бу ҳар қандай мезонга жавоб берадиган гўзал асар бўлиб, ижодкор буни ёзиш, яъни чизиш учун ойтган мөхнат қилинган эди.

Унинг хотини бир-икки ҳафтадан кейин даволаниш учун санаторийга бориши лозим, рассом бўлса, пулга зориқиб қолган, шунинг учун корчалон бир бизнесчи-бойваччани устахонасига таклиф этган, ушбу асарни унга тузукроқ бир баҳога сотишни мўлжаллаган эдики, шу тобда бойваччанинг ўзи ҳам шу ерда, хонанинг ҳавоси ва исқиртлигидан исқиртсанган ҳолда нари-берига юриб, картинани ҳар томондан

томуша қилар, табиийки, рассом нарх бобида унинг хукмини кутарди.

Савдогар, ниҳоят, тұхтаб, билагидаги швейцар соатига қараб олди-да, иягини қашиди. Үрта бармоғида биллур узук ялтирар, шу бармоқ устидаги қалин лаблари ва сергүшт, қип-қизил юзида енгил бир табассум үйнар, шунга баробар оғзидаги бир қатор олтин тишлари хам гүё кулар әди.

– Биласизми, Қўзибой, менимча, асарнинг баҳосини жуда кўтариб айтдингиз, – деди ниҳоят ишбилармон. – Мен бир яrim минг доллар бера олишим мумкин, холос.

Тик турган ерида терлаб кеттан рассом кафти билан пешанасини артди.

– Кечирасиз, ҳатто экспер特 ўртоқларим хам бунинг баҳоси – беш мингдан кам эмас, дейишиди. Мен шу тобда пулга жуда муҳтож бўлиб қолдим. Шунинг учун буни сотмоқчиман. Акс ҳолда... Хўп, майли, уч яrim минг бера қолинг, – деди рассом.

– Қўзибой, ўзингиз яхши биласизки, мен ёш боламасман, – расамади билан жавоб бера бошлади бойвачча. – Қулай келган вақтда мен бу асарни бошқа бирорга сотаман. Агар мен буни сиз айтган нархда олсан, зиён кўраман-ку, дўстим? Сизга пул керакми? Жуда зарил бўлиб қолдими? Марҳамат, бори шу, – деди-да, уч оёқ стол четига бир даста долларни қўйди. – Бу – икки минг доллар. Бундан бир цент ҳам ортиқ беролмайман.

Қўзибой расмга қаради, кейин пулга қаради. Сўнгра бурчакдаги картинага боқди: у бир неча йил бурун ишлагани – хотинининг расми әди.

– Бўпти. Асар сизники, – деди у хотинидан кўз узмай. – Олинг, марҳамат.

– Илҳом! – деб чақирди бизнесчи эшикдан йўлакка мўралаб. – Картинани ол! Ана.

Хизматкор кириб, боя кўрганида оғзи очилиб қолган (кейин уларнинг савдолашишини билиб, ташқарига чиққан әди) асарни олиб, йўлакка йўргалади.

Аасарнинг янги хўжайини унга эргашиб чиқаркан:

– Хайр, Қўзибой. Сизни куриб, ижодхонангизда бўлганимдан ҳам хурсандман. Мана менинг карточкам, телефонлар ёзилган. Қўнғироқлашиб турайлик.

– Раҳмат. Хайр, Ҳасанбой. – Рассом меҳмонни кўз қарали билан кузатиб, эшикни ёпди. Келиб, каравотга чўзилди. Унинг юраги эзилар-сиқилар, гап бу асарни олти ойда ишлаганида эмас, йўқ-йўқ, бу асарда у ана шу юрагини-қалбини ифодалаган, шу боис бутун борлиғи бўшаб қолгандай эди.

У ўрнидан иргиб турди-да, шишаларда қолган вино юқини стаканга қуиб, отиб олди. Кейин яна каравотга чўзилди ва ухлаб қолди.

* * *

Эшикнинг тиқиллаши рассомни уйғотди. У эриниб, эшик олдига борди, уни очди ва тек туриб қолди. Рӯпарасида ўрта яшар бир киши турар, унинг бошида ранги ўнгиб кетган шляпа, эгнидаги плаши эса ҳали уринмаган, оёғида ёшларбоп туфлиси бор эди.

– Вой, кимни кўряпман-а! – деб юборди рассом чин дилдан қувониб кетиб.

– Салом, Қўзибой. Чиндан ҳам кўришмаганимизга қўп вақтлар бўлди, – деб қўйди меҳмон.

– Ҳа, энди, машҳур ёзувчиларнинг биз факирларни кўришга вақтлари бўлмайди-да! Кел, бир қучоқлашай, дўстим! Ҳазил қиляпман, – деди рассом ва уни қучиб олди.

Ёзувчи Саид Каримнинг плаши чўнтағида иккита вино бор экан. Уни чиқариб, столга қўйди. Бир муддат гурунглашиб, шишалардан бирини бўшатишиди. Нихоят, ёзувчи бошини эгиб қолди-да, анча ўйга толди. Кейин:

– Қўзибой, дўстим, – деб гап бошлади. – Сен мени машҳур ёзувчи дейсан. Бўлсам бордирман... Аммо ўн кундан кейин ёлғиз ўғлимни уйлантиришим ке-

рак: тўйи бўлиши керак. Битта турк фирмаси эса китобимга берадиган қалам ҳақини яна йигирма кунга кечиктириди. Демак, хамир учидан патири ҳам йўқ... Мен фақат шу фирмаган ишонган эдим. Мунақа бўлди... Таклифномалар бўлса – жўнатилган. Икки юз кишига. Кафеда жой заказ қилганман, музикачи-ашулачиларга ҳам айтилган... Мен шу пайтгача ҳеч кимдан қарз олмаганман. Ҳатто қийналиб кетган чоғларимда ҳам... Борига шукр қилган одамман. Қара, оёғимда – ўғлимнинг туфлиси, плашни эса ўша турклар совға қилишган. Бу шляпани қачон олганимни эса эсласанг керак, аммо мен бундан сира уялмайман. Яхши кунлар келади ҳали... Қизиги шундаки, менинг бутун қариндош-уругларим, таниш-билишларим ҳамон мени пулдор ёзувчи, деб ҳисоблашади... – Шунда ёзувчи кафтлари билан юзини ёпди. – Қўзибой, ижодкорларгина бир-бирини тушунади. Ўн кундан кейин – тўй. Бутун умидим сендан...

– Бўлди. Бас қил. Гапирма, – деди рассом. – Сен бу ерга келиб жуда тұғри иш қилгансан. Мен ҳозиргина битта картиналарни сотган эдим. Ана, столга қара, ётибди: икки минг доллар. Ҳатто қўлимни ҳам тегизганим йўқ. Ол уни!

Ёзувчи ўрнидан турди ва стол қошига борди. Пулни санаб, боя вино үралган қоғозга қўйиб-авайлаб бандеролдай қилди. Кейин:

– Қўзибой, сенга қандай миннатдорчилик билдиришни билмайман, дўстим, – деди.

– Керак эмас менга бунақа гаплар, – деди рассом. – Уйингга жўна, ишинг бошингдан ошиб ётганини биламан. Бироқ, яширмайман, бир-икки ҳафтадан кейин бу пуллар менга керак бўлади.

– Тўйдан кейин дарҳол қайтараман. Ахир туёна ҳам тушар, – деб жилмайди Сайд Карим. Сўнг бир-икки қадам босиб, кескин ўгирилди. – Кечирасан, хаёл билан бўлиб, сенга таклифнома олиб келмабман. Таклифно-

маларни ўғлим тарқатаётган эди. Узр... Одатда, энг яқин одамларинг айтувсиз қолади...

– Тушунарли. Биламан. Тўйга албатта бораман, – деди рассом ва дўстини ҳам кўз қараши билан кузатди. Кейин эшик ёнига келди ва уни зичлаб ёпди.

Сўнгра сигарет тутатиб балконга – айвонга чиқди. Хаёлида эса олис хотиралар – талабалик йиллари: Сайд ТошДУда, ўзи – театр-рассомлик дорилфунунида ўқишича-да, бир хонада ижарашин бўлиб яшаган пайтлари жонланиб кетган эди. О, улар Тошкентнинг барча боғларида бўлишар, Сайд китобдан бош кўтармас, Қўзибой эскизлар чизар эди. Кейин иккиси – икки содда қишлоқи истиқбол ҳақида буюк орзуларга ғарқ бўлиб, гурунглашарди.

* * *

Ёзувчи Сайд Карим азбаройи хурсанд бўлганидан дачаси – Роҳатдан қайтишига ҳали вақт бор, бунинг устига, пул кетидан чопа-чоп қилиб, боғчасини тўртбеш кундан бери кўрмаган эди.

Бу боғча – унинг кейинги йилларда топган-яратган бисоти – бойлиги эди: бўш вақтини фақат шу ерда ўтказар, бу ерда экilmagan кўчату гул навидан қолмаганди, хисоб. Аммо уй қуришга кучи етмаганидан қўлбола бир капа қуриб, электр чироқ ҳам туширган, ўқтин-ўқтин шу ерда ётиб ҳам қоларди. Табиий, бундай кечаларда аёли бир неча бор қўнғироқ қилиб, ҳол сўрап, академик қўшнисининг телефонига улоғлик ускуна билан бир амаллаб уларни улар эди.

Катта йўлда автобусдан тушиб, дала ўртасидан ўтган сўқмоқ билан боғласига етиб келса, Аҳмад довдир дарчани очишга ҳаракат қиласар, терлаб кетган эди: бу ўрта яшар киши қўшни боғчаларда ҳам ёлланиб ишлаб юрар, арзимаган чойчақага Сайд Каримнинг ҳам ерини чопар, полизини сугорар, бу ишлари ҳақига боғдаги ўтни ҳам ўриб кетарди.

– О, Аҳмад! – деб хитоб қилди Саид Карим.

– Э, домла? Ассалому алайкум! – таъзим қилди Аҳмад. – Мунингизни тилига тушунмай қолдим. Олмаларни буташ керак эди. Ҳадемай гуллайди.

Саид Карим қулф осиғлиқ занжирнинг улаб қўйилган жойини ажратди.

– Қулф очилмайди, занглаб кетган девдим-ку?.. Юр, гап бор. Менинг кайфиятим жуда яхши!

У сабзазор сўқмоқдан илдам бориб, капанинг турсимдан ясалган эшикчасини очди. Ичкарига кириб, ёлғиз диванга тап этиб ўтирди-да, пулни ёнидан олиб, узун столга ташлади. Сўнг жойида ўтира олмай, яна сиртга чиқди-да, ҳовузча бўйидаги қўлбола сўрига кўтарилиди. Бу ердан анча баланд, этакдаги дачалар ҳам баралла кўриниб турарди.

Адиб ана шу энишда жойлашган маконнинг нари томонида – уфқда булаг соясидек бўлиб турган тоғларга бокди. Тоғлар пойида оқариб кўринаётган дўланазорга тикилди, боғни макон тутган, аксари яқинда учиб келган турли қушларнинг чуғури кулоғига кириб, жуда яйраб кетди.

«Дўстларинг бўлса, қандоқ яхши! – деб ўйлади. – Умуман, дунё гузал, вассалом!»

– Домла, мен ҳам сўрига чиқайми?

Ёзувчи дехқонга қараб кулди.

– Ажойиб одамсиз, Аҳмадбой! Капага марҳамат! Бизнинг кошонамизга!

Аҳмад ёзувчига эргашиб, бошпанага кирди. У яланг-оёқ, яланг баданига кийган яктаги қатирмачоқ бўлиб кетган, соқоллари ўsicқ, бошини оққина қийиқча билан ўраб боғлаган эди. У кетмонини елкасидан олиб:

– Кулоғим сизда, домла, – деди.

– Кулоғинг менда бўлса, кетмонингни қўйиб кир... Ана шундай. Бу ерда ўғри йўқ... Хўш, менинг кайфиятим жуда яхши-да, Аҳмадбой дўстим! Биласан-ку, ўн кундан кейин ёлғиз фарзандимни уйлантираман!

- Қўшгани билан қўша қарисин.
 - Ҳе, дўстим, шу пулни топиш учун қанча овора бўлганимни биласан-а?
 - Э, топдингизми?
 - Ана! Икки минг доллар!
 - Доллар? Ҳм, ўзимизнинг пулимида қанча бўлади?
 - Юз минг, балки ундан ҳам кўпроқ.
 - Юз минг... Мен бу пулни юз йилдаям ишлаб топмасам керак, – ўзича минфирилади Аҳмад қоғоз ўрамидан кўз узмай. Кейин шошиб, илтимос қилди: – Битта кўрай, домлажон! Доллар пулинни сира кўрганим йўқ.
 - Марҳамат. – Ёзувчи қоғозни очди ва кулимсиради. – Ёшсан ҳали, бундан кўпини ҳам топасан. Ҳозир оддий дехқонлар манаман деган рассому ёзувчидан ҳам кўпроқ пул топишяпти!
 - Ҳе, бунақасини топиб бўпти.
 - Үмидсизланма, биродар... Ўтири. Мен ўрадан улбул олиб келай. Бир нарса пиширамиз. Ҳўш, гўшт бор, савзи, пиёз, картошка... – Сайд Карим балки Аҳмад чиқиб, бўлажак товуқхона – ҳозирча омбор вазифасини ўтаётган нариги капа-катақдаги ўрадан айтилган нарсаларни олиб келар, деган ўйда унга қаради. Аҳмад пулнинг сеҳрига тушиб қолган, бамисоли илонга авралган каби эди.
- Сайд Карим яна кулимсиради-да:
- Оз-оздан вино ҳам ичамиз, – деб кападан чиқаркан, яна қувончини яширмади: – Қўзибой қандай олийжаноб инсон, тасаввур қилолмайсан, биродар! Ҳой, Қўзибойни гапиряпман... Майли, томоша қилақол. Ҳозир қайтиб келиб, у билан орамизда ўтган бир воқеани айтиб бераман. Чироқни ёқ... Нега бақраясан? Включателни боссанг-чи... Бўпти. Ўтири...

Сайд Карим омборга кетди. Бир тоғорачада димламага яроқли нарсаларни кўтариб келганида, Аҳмад

довдир йўқ, столда пул ўралган қоғозгина ётарди. Сайд Карим шошиб, ташқарига қаради. Бетон деворга суюб қўйилган кетмонни кўрди, холос. Сунг у жаҳл ва алам билан сўқмоқдан югуриб, тупрок йўлга чиқди: Аҳмаднинг изи ҳам йўқ эди.

Ёзувчи жуда хомуш бўлиб ортига қайтди-да, сўрига сакраб чиқди. Этакларга боқди-тикилди. Айрим хона-донлардан сигирнинг мўрагани эшишилар, қуюқ дарахтзорлар устида енгил туманми-тутунми кезар эди.

У яна қизариб қолган уфққа, энди батамом оқиш тусга кирган тоғларга, унинг пойидаги дўланазорга қаради. Кулоғига тағин қушларнинг (кеч тушаётгани учун) безовта, аммо тотли чуғур-чуғури эшишилди. Аммо дунё энди Сайд Каримнинг кўзига асло гўзал кўринмас, аксинча, шу шарпадек тоғлар ҳам, дарахtlар ҳам, улар орасида юрган одамлар ҳам унга ёт, қандайдир ёвуз ва очкўз бўлиб кўринар эди.

Сайд Карим сўридан тушиб, бошпанасига кирди. Телефон гушагини кўтариб, унинг банд эмаслигини билди-да, милисаҳонанинг рақамини тера бошлади.

* * *

Тун. Шудринг тушган яйдоқ далада ялангоёқ, яримяланғоч Аҳмад чоракор гоҳ секинлаб, гоҳ чопқиллаб кетиб борар, кўксига босиб ушлаган бир даста пулни гоҳо йўқотиб қўймадимми, бошқа нарса эмасми бу, дегандай кўзига тутиб қараб-қараб қўяр ва бутун жони-борлиғи шунда яшириндек яна бағрига босарди. Бу бало, бу оҳанрабо шу қадар сирли, ҳаяжонли куч эдики, Аҳмад довдирни учирishга қодир, ақли ва мулоҳаза этиш иқтидорини батамом олиб қўйгандек эди. Шунинг учунмикан – Сайд Каримнинг қилиш мумкин бўлган қандайдир ишлар ҳам хаёлига келмас, пулни олиб чиқдими, демак, қутулган каби бир ҳолатда эди.

Унинг бу ҳолатини аскарликка янги борган содда йигитнинг машққа саф тортилганда, бошини эгиб ту-

риши ҳақидаги латифага ўхшатиш мумкин: боланинг шапкаси ётоқда қолган, боши очиқлигини энди билиб, ердан кўз узмай тураркан: «Мен қарамаяпман – камандир ҳам кўрмайди мени», деб ўйларкан...

Бироқ Аҳмадбой бошқа масалада бемалол ўйлар эди: «Бу пул – менинг эртаниги куним, истиқболим бу. Уйимни сотаман, арzonга бўлсаям – тахта-ёғочи учун ҳам олишади. Кейин анави колхоздан кетаётган қrimликларнинг бирон ҳовлисини сотиб оламан. Кейин сигир оламан, ижарага бир-икки гектар ер оламан. Ҳа... Хотиним бечора сигирни соғади: қатиқ ивитади, қурт қилади, қаймогини сотиш ҳам мумкин. Мен бўлсам, энди фақат ўзимнинг еримда ишлайман, фақат ўзимнинг. Эртадан-кечгача бегоналарнинг томорқасида ишлаб юришни бас қиласман. Э, мардикорлик ҳам иш бўптими! Ундан кейин товуқхона қиласман. Жўжа оламан, ўнта, йўқ, юзта оламан. Кейин қўй олиб боқаман, қўй. Ўғилларим кўпайиб, менга ёрдам беришади...»

Ана шундай порлоқ хаёллар билан йўртиб бораётган Аҳмадбой жилға бўйидаги юлғунлар қошида бир эмас, учта қорага кўзи тушиб, секинлаб қолди. Улар учовлон ҳам гапларини тугатган каби Аҳмадга тикилиб қолишли-да:

– Ҳўв, ошна, йўл бўлсин бемаҳалда? – деди биттаси.

– А, уй... уйимга шу далани кесиб чиқсан ҳам бўлади, – деб жавоб берди дехқон. – Бирорнинг ишини қилиб келяпман. Хотиним, ёш болам кутиб қолди...

– Қани, бу ерга кел-чи, бу ерларни яхши биладиган бўлса... Кел-кел, бир-икки нарсани сўраймиз. Кейин сени кузатиб қўямиз. Бизда машина бор. Ана, йўл бўйида турибди... Келсанг-чи энди! Албатта мажбур қилиш керакми?.. Одамлардан инсоф кетган. Йўлдан адашганга йўл кўрсатишниям билишмайди...

Аҳмадбойнинг кўнгли нимадир хавфни сезди. Қочиб қолмоқчи ҳам бўлди-ю, улар машинада етиб олишларини ўйлаб, бу фикридан кечди. Юлғунзорга аста

жиларкан, сўзлаб турган йигит пешвоз чиқиб, дехқоннинг тирсагидан олди: унинг қўли қаттиқ, шундай қисиб ушлагандики, гўёки Аҳмадбой қандайдир молу, семиз-ориқлигини билмоқчига ўхшарди.

Анави икковлон сигарет чекишар, аммо тутуни нашанини эди: Аҳмад дарров сезди.

– Ассалому алайкум, – деди у титроқ овозда. – Уйга боряпман. Хотиним, ёш болам кутиб қолди. Ўзим чоракор...

– Шундан бир-икки торт, – деб улардан бири сигаретни узатди.

– О, йўқ, мен чекмайман. Мен носвой ҳам чекмайман, – деди Аҳмад.

– Э, олсанг-чи, девона! Бу – топилмайди. Бир маза қиласан... Ол деяпман!

Аҳмад тумшуғи олдига келиб қолган сигаретни олиб, ютоқканча уч-тўрт марта дуд олди-ю, шу оннинг ўзида мияси сал айланиб, кайфи чоғ бўлиб кетди.

– Бу, кўкрагингга босиб турганинг нима? – деб сўраб қолди шунда унга пешвоз чиқсан йигит ва қўлини узатди. – Бер-чи, нима экан бу матаҳинг?

– Э, бу шунчаки... кийим... Эскиси... Шу, э, тушириб қолдирибманми...

– Эскисини туширган бўлсанг, эгнингдаги – янгиси экан-да? – деб кулди йигитлардан бири ва сира иккиланмай Аҳмадбойнинг иягида пастдан бир урди: жағлари такиллаб, оғзи шўртанг бўлиб кетди. Тили ачиша бошлади.

– Мен сизларга нима қилдим, акалар?.. Мен шунчаки, бирорнинг олмасини абрезка қиласман деб...

– Қани, бағринга босиб турганингни чўз! – Уни урган йигит ҳам қўлини узатди.

Шунда кайф таъсиридами – Аҳмадбойнинг мақтангиси келиб кетди: аммо бу пуллар – унинг учун ҳаёт-мамот масаласи эдики, эсини йиғиб олиб, уни бағрига қаттиқроқ босганди, сигарет сўрдирган йигит

бир ҳамлада тахи бузилмаган пачкани тортиб олди ва чақмоғини чаққунча унинг пул эканини англади. Кейин кўзларини йириб очиб:

– Вой, вой, – деди. – Вей, қаранглар, биз кимни ушлабмиз, оғайнилар? Бу – милёнер-ку! Ялангоёқ милёнер!.. Хўш, кимники бу?

– Бу, бу... – Аҳмад Жабройил қаршисида тургандек жавоб берди: – Битта ёзувчиники... Мен, мен шунчаки бойиб кетсам... Мен сигир сотовлмоқчиидим, кейин товуқхона...

– Жим бўл, қароқчи.

– Лекин мелисага айтманглар, хотиним касал, бола... Майли, ярмисини олинглар.

– Бу қанча ўзи?

– Икки минг доллар.

– Ҳм, нима дединглар, йигитлар? Ўзи факир экан, мана шу яғир чопондан бошқа бисоти бўлмаса керак. Хотини... Ҳм, бўпти, ярми бўлса – ярми-да!

– Машинага кирайлик. Санаймиз, – деди Аҳмад-нинг иягига урган йигит.

– Ҳўп бўлади, аммо ёзувчи ёлғон гапирмайди... – Аҳмад уларга эргашди-ю, сал юрмасдан юраги яна нимадир сезгандек бўлиб, тайсаллаб қолди: – Бормайман машинага... Шу ерда санайлик. Майли, мен гулхан ёқаман, ёруғида...

Шу пайт орқадан нақ гарданига урилган муштдан у, кўзларидан ўт отилгандек бўлди-ю, юзтубан ғуппа тушди. Учовлон секин жилиб, машинага киришди. Кичкина чироқ ёруғида пулни санашибди: икки минг доллар.

– Бу довдир бизни алдамаган. Ёзувчилар ҳам шуларга ўхшайди, тавба...

– Оғайнилар, бу пул бизга осмондан тушди, деяверинглар, – деди деҳқонни чақирган йигит. – Келинглар, шунга Ғайратни сотиб олайлик. Айтишларича, терговчи пора олармиш... Ахир, у тўрт йил ўтириши керак!

– Бўпти, – дейишиди бошқалар.

Сўнг беихтиёр юлғунлар ёнига қайтишиди. Биттаси майсага ёзиғлик газетани газаклару ичимлик билан қўшиб ўраг экан, қолган иккиси дехқоннинг устига боришиди. Ағдариб кўришиди: унинг жони чиқиб кетгандай кўзлари бақрайиб ётарди.

– Ҳў, насиб қилмаган экан сенга бу пуллар, ошна, фақир эдинг, фақирлигингча қолдинг.

– Кетдик! Ё яна битта урайми?

– Нимасини урасан... Үғри-ку бу... Ҳа-ҳа-ҳа! Қани, шаҳарга олға!

* * *

Улар машинага киргач, «кетар жафосига» деб ҳамда омад қулиб боққанини нишонлаш учун газетага ўроғлик шишадаги қолган ароқни ҳам пластмасс стаканларга қуйиб, табассум иличиб олишиди. Ва тағин биттадан сигарет тутатиб, йўлга тушишиди.

Маълумки, наша кишини ланж ва хаёлпараст қиласди. Ана шу алфозда машинани елдириб кетаётган йигит тўрт кўча туташган жойда тўхтаб қолган каттакон юқ машинасининг қуйругига урилиб, ағдарилиб тушди. Тарак-турук, гуп-гурс эттан товушга йўл четидаги ДАН уйчасидан назоратчи-инспектор етиб келди. Юқ машинаси қандоқ турган бўлса – шу ҳолда, ағдарилиган «Жигули»нинг ичидан сас-садо чиқмасди. Инспектор рациясини олиб, дарҳол нарядни чақирди-да, «ўлжа»ни айланиб кўра бошлади.

Енгил машинанинг оёқлари осмонда, битта ғилдираги ҳамон айланиб турар ва ундан бензин ҳиди анқирди. Юқ машинасининг ҳайдовчиси эса рулга пешанасини қўйганча қолган, чаккасидан қон оқарди. Инспектор «Жигули»да ёниб кетиш хавфи борлигиданми, фонар нурини яна унга – унинг ичига қаратди-да, ҳушсиз йигитларнинг тиззасида ва оёқостида сочилиб ётган долларни кўриб, кўзи ўйнаб кетди.

– Ё, тавба! – дея атрофга аланглаб олди. – Ҳа, доллар... Анча экан...

Ана шунда унинг киши билмас армони эсига тушиб кетди ва бу пулга омихта бўлиб, миясида айлана бошлиди: «Бир умр ишласам ҳам бу пулни тополмайман. Нима қилай? Қаллоблик қўлимдан келмаса... Қўрқоман. Худодан қўрқаман... Аммо – булар тўғри йигитлар эмас! Аниқ наркаман булар... Эсиз умр... Дарвоқе, яқинда пенсияга чиқаман-а? Агар шу пуллар меники бўлганда, ҳечқурса, битта дўкон очиб олардим. Газет, журнал сотиб ўтирадим... Улимингни куттандан кўра қимиirlаб турганинг яхши-да! Э, Ҳудо, бир фарзанд ҳам бермадинг. Етимни кўрсанг, тепиб ўт, деганлари рост экан: асраб олган ўғлим уйимни шип-шийдам қилиб кетди... Айтмоқчи, газет, журнал киоски очмасам-у, болаларга шириналик, «синикерс» сотадиган дўкон очсан, тойчоқларни қувонтирсан...»

Йироқдан эшитилган сирена овози қари инспекторнинг ҳушини ўзига келтириди. Елиб келаётган кўк чироқ орқасида «Тез ёрдам» ҳам келмокда эди.

Инспектор синиб кетган эшик ойнасидан қўлини суқиб, кейин бошини суқиб, йигитларнинг ён-вериу тиззалирига сочилган пулларнигина эмас, оёқ остидагиларини ҳам битта қўймай териб олди. Кейин четга чиқиб турди.

* * *

Нихоят, гиёҳвандлар опкетилиб, пачаги чиқсан машина ДАН идораси биқинига худди кўргазмага қўйилгандек ўрнаштириб бўлингач, инспектор хизмат бурчини ҳалол адо этган кишидек мамнун, аммо пулни тезроқ яшириб қўйиш дардидা безовталик ичра соатига қараб-қараб чой ичаркан, ўрнига ўрин – ёш лейтенант келди.

Қари ходим воқеалар қайд этиладиган дафтарни ва постни унга топшириб, уйига шошиб жўнади. Уйига

пиёда борса ҳам бўларди: атиги чақирим нарида эди. Эгнида формаси, ўзи атрофдагиларга таниш бўлишига қарамай, ўткинчи машинада борди.

Кўп қаватли иморат эшигидан кирибօқ лифтга интилган чоғида бирор унинг йўлини тўсдики, додлаб юборишига оз қолди. Аммо бирорнинг ушбу гапи уни тутиб қолди:

– Амаки, бормисиз?

– Э, Раҳимжонмисан? Уф... Туф-туф... Бу ерда нима қилиб турибсан?

– Ахир, амакижон, бугун менинг туғилган куним-ку? – жиян ширакайф ва асабий эди. – Ҳамма қариндош-уруг ўша ерда, фақат сиз йўқсиз. Ана шунинг учун келдим-да! ГАИга юз марта телефон қилдим, ҳеч ким жавоб бермади. Кейин, кенойим айтдиларки, сменшиги вақтли келган бўлса, у киши уйга кетган, дедилар... Кейин, мана бу жинкўчадан келдим. Кайфим бор. Сизни хижолат қилмайин дедим, ГАИнинг олдиндан ўтсам-у...

– Хўп-хўп, – деди қари инспектор. – Раҳмат сенга... Тавба, кенойинг ҳам тайинловди менга, сменани топшириб, жияннинг уйига ўтинг, деб...

– Кетдик, амакижон. Мен сизни жуда яхши кўраман. Энг ҳалол инспектор сиз бўласиз...

– Хўп, жиян. Мен шундоқ уйга чиқиб тушай, жўнаймиз! Мана бу хужжатларни қўйиб тушаман.

– Беринг шу попканি менга. Мен йўқотмайман... Ҳозир кетишимиз керак!

– Ахир, мен бир минутга...

– Ярим минутгаям рухсат йўқ!

Шуңдай қилиб, инспекторнинг ўзи панада турган машинанинг рулига ўтирди.

Бир туман нарида жойлашган беш қаватли ғиштин иморат пойига етиб, машинадан тушдилар ва жиян амакининг тирсагидан олиб, йулакка бошлади.

Бир қават тепага күтарилигандарда инспектор вахима ичида чарм папкани, демак, долларни ўриндиқда қолдирганини эслаб:

– Раҳимжон, попка қопти! Опчиқай, илтимос, – деди.

– Э, мошинага ҳадди борми бирор тегиб... Бўпти! Ўзим опчиқаман!

– Йўқ-йўқ, мен... бир-иккита телефон номерини кўриб чиқаман, холос. Боя авария бўлди. Шу масалада тепага қўнғироқ қилишим керак...

– Уф, хўп. – Жиян машина калитини узатди. – Мен эшикни очиб тураман.

Инспектор ғизиллаб пастга тушди-да, машина эшигини очиб, жилдни олди. Кейин негадир бармоқлари қалтираган ҳолда уни очиб, доллар устига кафтини қўйди: кафти куйиб кетгандек бўлди. Аммо бу – совқотган одамга ҳаёт бағишлайдиган иссиқлик эдики, кейинги ҳаёти шу ҳароратга боғлиқ эди.

«Эй, қаерга қўяй? – деб ўйлади бирдан. – Бу ерда қолдириб бўлмайди: ҳозир ҳамма нарса бўлиши мумкин. Ўйга опчиқсам, йўқ: бирортаси кўриб қолса, ўғирлаб қўйишиям ҳеч гап эмас! Ахир, мендек одам...»

У пулни бўлиб, ён чўнтакларига солди-да, жилдни ўриндиқча ташлаб, эшикни қулфлади. Бироқ зинапоядан кўтарилар экан, ўзини нокулай сезиб, жиянининг болалари дарҳол шу қаппайган киссаларига қўл суқадигандек бўлаверди.

Инспектор тўхтади ва йўлка четида, кимнингдир эшиги ёнида тахлаб қўйилган бир тўп ғиштга кўзи тушди. Ва енгил тортиб кетди: «Шу ерга яширсам-чи?.. Тўгри, уй эгаси уйини ремонт қилаётгандир. Аммо соат ўн икки бўляяпти... Ана, сас-садоям эшитилмайди: балки булар ҳам тепададир? Қайтишда ҳаммадан олдин чиқаману оламан: шу ер тузук...»

Автоинспектор пулларни аста чиқариб, ғиштлар орасига тиқиб юборди. Кейин, олишда адашмаслик

учун яхшилаб зеҳн солди. Нихоят, кўнгли хотиржам бўлиб, тепага кўтарилиб кетди.

* * *

Бу пайтда ушбу эшик ортидаги – уч хонали уйда оила бошлиғи, жуғрофия муаллими болғасини тополмай ҳар бурчак-ҳар тешикни тимирскилаб юрар, жуда хуноби ошиб кетган эди.

– Ҳой, Мадина, болға... болға қаерда?

– Ўзи нега керак бўлиб қолди болға? – сўради хотини ўз хонасидан.

– Бу ремонт охири мени жинни қилади. Ишчилар каравотимни сурганда бир оёғини синдиришган экан. Қийшайиб қолган-да, ерга тегмайди. Уч оёқда туроди лопиллаб бу жонивор... Оғирлигимни бир томонга ташлаб ётаман. Кулгили... Э, худойим-ей, овқатга аяган пулингни буларга берасан, булар бўлса – қўл учиди ишлашади.... Каравотни суришганда, линолиумниям йиртвoriшган!

– Болға нега керак, болға? – ўз каравотига ётиб олган хотин яна сўради.

– Вей, оёғини тўғрилаб қўйдим. Битта мих қоқиш керак-да ахир! Ёнидан қоқсам, қотиб қолади...

– Вей, шунинг учун шунча вайсашга нима бор. Ана, подъездда қанча ғишт ётибди. Опкиринг биттасини, ўша билан уринг михни! Жуда ношуд одамсиз-да, дадаси...

– Дарвоқе, дарвоқе, бу гал ҳам сен ҳақсан, хотинжон. Ҳозир шундай қиламиз!

Муаллим дарҳол йўлакка чиқиб, уюғлик ғиштдан бирини олди. Салмоқлаб кўрди-ю, бошқа ғиштга бир туширган эди, бўлинниб кетди. Жуғрофия ўқитувчиси бу ишидан мамнун, яъни ўзини ишбилармондек туриб, бошқа ғишт олди. Буям синиб тушди. Ўқитувчи яна бир ғиштни жаҳл билан олганди, оралиқда, э, худойим, оппоққина қўлрўмолга ўралган бир нарсага

күзи тушди. Бу – шунчаки қолиб кетган рўмолча эмасди, чунки ичидаги тўртбурчак нарса ўхшатиб ўралган эди. Муаллим уни олиб, аста очди-ю, қотиб қолди: қўлида илон, йўқ – шайтон табассум қилиб турарди.

У бу балони ўзидан ҳам яширмоқчилик дарров рўмолчага қайта ўради-да, яна жойига қўймоқчи бўлди. Кейин шошиб, қўйнига тиқди ва уйга кириб, эшикни қулфлади.

Бир неча дақиқадан сўнг эр-хотин стол лампаси ёруғида бир-бирига юзма-юз холатда ўтиришар, улар ўртасида бебаҳо доллар тўпи ётар, ундаги Амриқо подшоларидан бири мағрут табассум билан гоҳ эрга, гоҳ хотинга қараётган каби, ўзининг бу уйда меҳмон экани, шунга қарамасдан бу хонадонни обод қилиб кетажагини сўзсиз баён қилаётгандек эди.

– Менга қулоқ солинг, – деди аёл. – Иккита боламиз бор, худога шукр. Тўртта нонхўр мана шу уч хонали квартирада яшаб келаяпмиз. Лекин бу хоналарда энди яшаш мумкин бўлмай қолди. Ҳатто фарзандларингиз ҳам: «Ойи, нега Эшматларнинг уйи унақа-ю, бизники бунақа?» дейдиган бўлди. Битта меҳмон олиб киролмаймиз... Ахир, вайронা бўлиб қолди бу! Шугина ремонтни ҳам эпиломаяпмиз. Пул, пул йўқ, деб юрардингиз ўзингиз ҳам. Мана, худонинг ўзи етказди...

– Тўғри-тўғри, – рози бўлди эр. – Лекин сен Афандининг гапини айтаяпсан, хотин. Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур? Мен, мен қўрқиб кетяпман, ишон... Шу ёшимгача ҳалол яшадим...

– Вей, сиз ўғирлик қилибсизми? – хуноб бўлиб кетди аёл. – Буни қўйган одам ҳам сизга даъвогарлик қилолмайди энди... Тушунинг!

– Хўп, хўп, – яна аёлининг гапига рози бўлди эркак. – Лекин мен буни қанақа қилиб ўзимизнинг пулга алмаштираман? Ҳар қадамда мелиса кузатиб юрипти... Йўқ, қўрқаман, бўлмайди. Қўлимдан келмайди!

– Бўлмасам, менга беринг, ўзим алмаштираман. Сал тушсан, ҳар қанақа дўкончи жон деб олади. Айниқса, хорижий молларни сотадиган супермаркетларда бунинг бозори чаққон.

– Сен алмаштирасан?! – эрнинг кўзлари каттариб кетди. – Мумкин эмас!!

– Нимага ахир?! А-а, мени ўйлаяпсизми? – аёлнинг фиғони чиқиб кетди. – Мени аյб гапиряпсизми?.. Ке-чирасиз, шу бугунги кунгача мени зигирчаям ўйлаганингиз йўқ! У ёгини айтсан, умримни заҳарлаб келаяпсиз. Ҳалоллик қорнимизни тўйдиргани шулки, бугун топганимиз эртага етмайди!

– Ҳа, рост, – деб йиғламсиради эр. – Аммо сени атайин баҳтсиз қилиш... Гапирма, илтимос қиласман!

– Ҳўп, гапирмайман. Лекин, нима, пулни жойига қўяман, дейсизми?

– Ҳа.

– Ўзимизнинг ғишталарнинг орасига?

– Ҳа.

– Бўлғи. Чиқинг, – деб ўрнидан турди аёл. – Аммо ўзингизни ўша ғишталарнинг орасига қўйиб қўйинг!

– Вей, бу нима деганинг, хотинжон?

– Етар! Бу турмушдан тўйиб кетдим!

Эр бошини эгиб қолди... Ётганидан кейин туш кўрди: қамоқхона камерасида географиядан дарс ўтаётган эмиш. Бир маҳал қараса, маҳбусларнинг ўрнида қип-қизил ғишталар мультфильмлардаги ажиналардек кулаётган эмиш...

Муаллим уйғониб кетиб, қайта кўз юмолмади. Барвакт ўрнидан туриб ювинди, кийинди ва соатдан кўз узмай чой ичиб ўтирди. Нихоят, пулни кўкрак киссасига солиб ва шу пул тақалиб турган юраги қинидан чиққудек гуп-гуп урганича, нақ бозор яқинидаги ҳашаматли супермаркетга йўл олди.

У бу магазиннинг олдида ҳатто тўхтамасдан ўтар, киришга уялар эди.

Аста ичкарига қадам босиб, одамлар камлигини күрди ва анча енгил тортиб, ялтироқ пештахта олдига борди.

– Ассалому алайкум, укахон, – деб мурожаат қилди ажнабий радиофонга тасма-лента қўяётган йигитга. – Сиздан бир нарсани сўрамоқчиидим.

– Сўрайверинг. Лекин бизнинг моллар фақат долларга сотилади, – деди хизматчи унга қия қараб қўйиб.

– Буни биламан, – табассум қилди ўқитувчи. – Гап шундаки, мен долларнинг ўзини, нима десам экан, сотмоқчиман яни ўзимизнинг сўмга алмаштироқчиман.

Йигит буткул бурилиб олди. Муаллимдан кўз узмасдан суради:

– Қанчадан сўрайсиз?

– Ҳм, мен билмайман, – дудукланиб деди муаллим. – Умуман, билмайман... Лекин энг паст баҳогаям розиман. Мана, мана, икки минг доллар...

– Чиқарманг. Ҳозир. Бир минут кута туриング.

Сотувчи йигит муаллимга тағин бошдан-оёқ зеҳн солиб, антиқа чий тутилган эшиқдан кириб кетди. Йўлакдан юра-юра директорнинг хос хонасига етди. Бошмалдогининг тирноғини тишида ғажиб, бир муддат ўйланди-да, темир эшикни очиб, башанг хонага кирди.

– Шеф, битта қуш келди. Патини юлдирмоқчи.

Шеф унга олайиб қаради.

– Одамга ўхшаб гапир.

– Битта меров доллар сотмоқчи. Икки минг долларим бор, дейди.

– Икки минг... – шеф ўрнидан турди-да, энди у сотувчига тикилди, – меров дедингми? Қайдан била қолдинг унинг бунақа эканлигини?

– У ҳатто бир доллар неча сўм туришиниям билмайди, шеф. Ким билади, бир жойдан ўмарид келяптими... Лекин ўмарадиган одамгаям ўхшамайди...

– Шундай де?

– Ҳа. Бир долларига бир сўмдан берсангиз ҳам, хурсанд бўлиб кетадиганга ўхшайди.

Шефнинг қовоғи уюлди. Ясама бир олийжаноблик билан:

– Унақа дема, Илҳомжон, – деди босиқлик билан. – Мухтожликдан келгандир. Ҳозир ижодкорлар ҳам муҳтоҷ бўлиб қолган пулга... Содда одамлар ҳам бўлади-да. Бор, чақириб кел-чи... Мен унинг ўзи билан гаплашиб кўрай-чи...

Салдан сунг билагидаги швейцар соатига тикилиб турган хўжайиннинг ҳузурига география муаллимини бошлаб кирган Илҳом шефнинг имоси билан чиқиб кетди.

Шеф меҳмоннинг саломига алиб, тилла тишларини ярқиратган ҳолда:

– Марҳамат, ўтиринг, – деди. – Бемалол... Чой ҳам совипти. Ҳозир кофе буюрамиз.

– Э, йўқ, раҳмат. Мен шошиб турибман, – деди муаллим қимматбаҳо курсига омонат ўтириб. – Менда...

– Эшиздим, – унинг сўзини бўлди хўжайн. – Демак, сизда доллар бор?

– Бор. Икки минг. Мана... Мана, санаб кўришингиз мумкн. Бир долларниям олганим йўқ. Яъни, ишлатганим йўқ... Яъни, кам эмас, демоқчиман...

– Тушунарли, – деб яна табассум қилди шеф пулга қараб олиб. Кейин юмшоқлик билан сўради: – Нимага кассага обориб алмаштирмадингиз?

– Кассада... кассада жуда кам беради, дейишиди, – яна дудукланиб қолди муаллим.

– Ҳа, демак, мен сизга ошириб беришим керак, а?

– Йўқ, энди, мен розиман. Ҳимматингиз билади, тақсир... Эл қатори дегандай...

– Кечирасиз, қаерда ишлайсиз?

Муаллим жонланиб деди:

– Ўқитувчиман. Мактабда географиядан дарс бераман. Кўп йиллардан бўён...

– Ҳа-а, – деди чўзиб хўжайин. – Аттанг, аттанг, дома-ла. Замонанинг айнигани шу экан-да: кимсан домла, география ўқитувчиси валюта билан ўйнашса, махина-ция билан шуғулланса?

– Махинация? – кўзининг паҳтаси чиқиб кетди дом-ланинг. – Кечирасиз, бу ёмон сўз...

– Махинация! – теран бир товушда таъкидлади шеф. – Қолаверса, катта ҳажмдаги иш бу: камида иккى йил, у ёғи – ўн йил беради сизга, эшитдингизми?

– Э, э, мен ахир...

Хўжайин столдан пулларни олди-да:

– Мана, сейфга солиб қўяман буларни. Кейин ор-ганга қўнғироқ қилиб, нарядни чақираман. Қолганини ўзларинг гаплашаверасизлар. Аттанг...

– Вой-вой, жон ука, – дея ўрнидан туриб кетди ўқи-тувчи. – Унақа қилманг. Мен бошқа ҳеч қачон... Менга, менга, умуман, бу долларнинг...

– Нима?

– Мени тинч қўйинг, жон ука! Ўзи, бўларим бўлди... Падарига лаънат шу долларнинг!

– Илтимос, – деди шеф. – Залга чиқиб туринг, дома-ла. Менинг ишларим кўп. Мелиса келгунчаям қилиб оладиган ишларим бор. Чиқиб туринг.

– Хўп, хўп, – дея бирдан рози бўлди муаллим. Нега-дир: – Раҳмат, – деди кейин.

Кейин тислана-тислана йўлакка чиқди. Кейин ха-ридорлар кўпайиб қолган залга чиқди. Кейин боши-ни ердан кўтармай пилдираб юриб, ташқарига – очик ҳавога чиқиб, энтикиб нафас олди-да, келган томонига эмас, қарши тарафга қараб йўргалай қолди. Кейин эса чопа кетди.

* * *

– Илҳом, – деб чақирди хўжайин.

Илҳом кирди.

– Ишлар жойидами?

– Жойида, – деб кулди хизматчи. – Қочворди хунаса.
– Жуда соз! Энди сендан илтимос: шу картинани ҳу эшикнинг устига илиб қўй. Бу ёқда ўтирганларга баралла кўринади... Склиroz бўлиб кетяпсан-да, кеча – шуни сотиб олиб келганимиздан кейин осиб қўйишинг керак эди.

– Узр, хўжайин.

Директор уни бир нафас кузатди-да, бирдан сейфни очиб, ундан бояги доллар тахламини олди. Сўнг белидан бувлаб санай бошлади. Санар экан, қулимсираб, оғзидағи тилла тишлари ярақлар эди. – Ҳа, нақд икки минг, – деди ниҳоят. Сўнг одатига кўра, ҳар бир долларни олиб, унга синчиклаб тикила ва рақамини ҳам ўқий бошлади-ю, дафъатан додлаб юборгудек бақири: – Илҳом! Илҳомжон, бери кел! Пад-дарига лаънат... Э, кейин осиб қўясан шуни... Буни кур, укам, уф-ф...

Илҳом келиб, хўжайини узатган долларга тикилди, қадалиброқ тикилди.

– Доллар, – деб шивирлади кейин.

– Танимаяпсанми, галварс?

– Йўқ. Доллардақа доллар-ку?

– Қалбаки.

– Нима?

– Ўзимнинг пулларим – булар. Ўтган галги операциядан қолувди шу... Шунга харид қилувдим бу картинани. Тавба!

– Ҳа-а. Лекин жа эзилиб қопти. Қўлдан-қўлга ўтаверган дейман кечадан буён...

– Нима бўлган бўлсаям яна қўлимда у. – Директор пулни тахлаб, яна сейфга тикди. Уни қулфлади-да, қалитни Илҳомга узатди. – Олиб қўй. Мабодо, ҳалиги клиент келиб қолса, бир яримингини бервор... Келмаса, сўмга алмаштири. Ишқилиб, йўқот буни! Тавба, қизиқ бўлди-ку...

– Хўп бўлади, шеф.

Хўжайин хурсанд бўлишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмай – паришон ҳолда уйига жўнади: гўё уйига борса, бу сирнинг тагига етадигандек илдам қадам отаркан, баланд пошнаси ерга ётқизилган плиталар орасига тушиб – қисилиб қолди-да, директор юз тубан учиб кетди. Башараси билан лавҳаларга урилиб, бўлганича бўлди. Амаллаб ўрнидан турганда, ўнг оёғини босолмади: почасини кўтариб қаровди, тўпиги шишаётганини кўрди.

«Тавба, кейинги вақт нуқул шикаст ейман-а? Тўғри йўлдаям шунаقا бўладими? – хўжайин изтиробга тушиб, оқсоқланиб йўл бўйига чиқди. – Энди унақа дollaр билан ишламайман... Пулим етарли, худога шукр».

Хўжайин жуда эҳтиёткор ва иримчи киши эди: кўз тегади деб «Мерседес» машинасини шаҳар ичидан минмас, аммо ҳар куни ишга бориш олдидан ва ишдан қайтгач, гаражга – гўёки салонга кирап, ялтиллаган «иномарка»ни силаб-сийпаб, негадир «жонивор, жонивор» деб қўярди.

Шу боришида ҳам таксидан тушибоқ гаражга кирди-ю, боши айланниб кетди. Машинага суюнди-да, аста ерга ўтирди. Қанча вақт ўтирганини билмайди, ўзига келганида қаршисида малла тивит рўмолни елкасига ташлаб олган хотинини кўрди.

- Менга нима бўлди? – деб шивирлади у.
- Маст эмасмисиз?
- Аҳмоқ!

«Аҳмоқ» хотин бирдан чўнқайди-да, эрининг ҳаракатидан тўпигида бир гап борлигини фаҳмлади. Шимнинг почасини кўтариши билан кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

- Кўкариб кетибди-ку!

Хотиннинг меҳрибонлиги бошланди: эрини уйга суюб киритиб ётқизди, дўхтир чақириб қаратди...

Кейинги куни хўжайин шишини қайтарадиган, уюшган қонни юргизадиган дорилар суртиб боғланган оёғини стулга қўйиб, креслода ястаниб ётаркан, хотини залдан оғчиқиб қўйган телевизорни масофадан бошқарувчи ускуна тугмаларини босиб, қизикроқ кўрсатув изларкан, 1-дастурда диктор эълон қилиб қолди:

– А сейчас вы будете посмотреть криминальные новости в передаче «На волне – 02».

Директор айни шу кўрсатувнинг ишқибозларидан эди, дарҳол тасвирни тиниқ қилиб, «Марлboro» сигаретидан биттасини тутатди.

Диктор шарҳлашда давом этди, тасвирлар эса экранда бирин-кетин ўта бошлади: Самарқандда пора олиш вақтида қўлга тушган завод директори, Афғонистон билан чегара яқинида қўлга олинган гиёхванд моддалар ва уларнинг эгалари ҳам қисиниб-қимтиниб ўтишди... Нихоят, диктор:

– Энди эса, ўтган икки кун давомида шахримизда содир бўлган баъзи бир жиноятлар ҳақида ҳикоя қиласиз, – деб овозини кўтарди. Хўжайин ҳам беихтиёр хушёр тортиб, овозни кўтарди. Диктор давом этди: – «Маърифат» жамоа хўжалигига яшовчи Аҳмад Набиев деган шахс таниқли ёзувчи Сайд Каримнинг дала боғида ер чопаётган эди. Ёзувчининг бошқа хонага ўтганидан фойдаланиб, унинг ҳужрасига киради ва нақ икки минг долларини ўғирлаб қочиб кетади. Ёзувчи дарҳол милиция бўлимига телефон қилиб, воқеани айтади ва милиция иш бошлайди. Ёзувчининг айтишича, у бу пулни дўсти – таниқли рассом Қўзибой Сайдовдан қарзга олган экан...

– Э, қизиқ-ку бу! – деди хўжайин ўзига-ўзи ва сигарет ҳам халақит берадигандек уни кулдонга босиб ўчирди. – Хўш, хўш? – дикқат билан тинглай бошлади.

– Маълум бўлишича, – деб давом этди шарҳловчи, – дехқон Аҳмад Набиев пулни ўғирлаб қочганидан кейин

даладан кетган. Яъни кимсасиз-бехавотир ҳамда уйинга яқин бўлгани учун сайдонликдан йўл олган. Аммо омадсиз дехқон катта йўлга кетавериб, учта шахста дуч келади. Улар наша чекканлари, ароқ ичганларини, феъл-хўйлари ҳам шубҳали эканини кўриб, Аҳмад Набиев мулоқот қилишни истамай, йўлига кетмоқчи бўлганида, улардан биттаси дехқоннинг бошига оғир бир нарса билан уради. Жароҳатланган дехқон йиқилиб, хушидан кетади. Йўлтўсарлар уни «ўлди»га чиқарishiб, машинага ўтириб жўнаворишади. Аммо буларнинг ҳам омади юришмайди: аварияга учраб, биттаси ҳалок бўлади, қолганлари ҳозир шифохонада. Шуларнинг биридан шифохонада олинган маълумотларга қараганда, ДАН назоратчиси етиб келади, аммо ярадорнинг у билан гаплашишга мажоли етмайди. «Жигули» урилган юк машинаси ҳайдовчиси берган маълумотта қараганда, енгил машина кабинасидан ДАН назоратчиси алланималарни териб олиб, қўйнига соглан. Зудлик билан тергов қилинган назоратчи ўша икки минг долларни кабинадан олгани, жиянининг зиёфатига борганида эса, пулни бир уюм ғишт ичида қолдиргани ва базм тугагандан кейин уни тополмаганини айтди. Шундан кейин ғишталар кимга қарашли экани аниқланиб, ўша киши сўроқ қилинганида, маълум бўлдики, исми-фамилияси Адҳам Ҳамидов, ўзи мактабда географиядан дарс берадиган киши экан. Шу киши дарҳол тан олди: ҳа, пулни олибди, ҳатто уни сўмга алмаштиromoқчи ҳам бўлибди...

Шу пайт супермаркет директорининг қулогига сирена овозидек товуш эшитилди. Чўчиб тушиб, уни телефон жирингига ўхшатди-да, жон ҳолатда бўкириб юборди:

- Трубкани кўтарсанг-чи!
- Эшик кўнғироғи жиринглайти. Ҳозир! – деди хотини йўлақдан.

Телевизорда эса шарҳловчи яна давом этарди:

– Поэтому делу, будут предъявлены следующие обвинения, только после окончательного выздоровления подозреваемых. Ахмаду Набиеву – дехканину в краже в крупных размерах. Двоим молодым парням, оставшимся в живых, которые находились в машине, то есть Санжару Халилову – обвинение в покушении на убийство и Зафару Рустамову как соучастнику в покушении на убийство.

Сотруднику автоинспекции обвинение в злоупотреблении служебными обязанностями и присвоении чужих денег.

И пятое обвинение учителю географии, в попытке незаконной продажи валюты.

Дикторнинг сўзларини бутун борлиги билан тинглаб ўтирган хўжайин ёткقا бир неча киши кириб келганини ҳам сезмай қолди. Қути учиб, қалтираб қолган бойвачча хотини елкасига туртганидан кейин бошини бурди.

– Ассалому алаикум, мен прокуратура ходимиман, бу киши жиноят қилирув бўлимидан, – деди улардан бири ва ҳужжатини очиб қурсатди.

– Нима, нима хизмат бор? – фавқулодда зўриқиб ва дўқ қилиб сурари ҳўжайин.

– Сиз қалбаки валюта сотишда айбланасиз, яъни доллар сотиб юргансиз. Мана, сейфингиздан чиқкан икки минг доллар – қалбаки пуллар. Бундан ташқари, яна бир неча марта савдо-сотик бобида қилган махинацияларингиз учун ҳам жавоб берасиз, улар ҳақида кейин таплашамиз...

– Сизлар... менинг сейфимни очдингларми? – беихтиёр сурари директор. Кеинин: – Нима ҳаққинглар бор? – деб юборди ҳам. Сунг эса чайналиб қолди: – Английский замокниям...

– Ўша замокнинг калтини бизга ўз жиянингиз, яъни ўринбосарингиз Илҳом Хўжаев берди, – деди прокуратура ходими.

– Илҳом? Вой, аблах-е... Қанақа қилиб?.. Тавба...

– Шұнақа. Бошқа лұттивозыларынан ҳақидағам ариза ёзиб берған киши үша бўлади.

Хўжайинининг кейинги ҳаракатлари ҳам ихтиёrsиз бир тарзда бўлди, яъни у иккала қўлини ҳам аста узатдик, улар бамайлихотир кишан солдилар.

– Биламан, биламан, – деб тўнғиллади хўжайин. – Ўрнимга директор бўлади у. Ҳозир замон шундай: ўғлингаям ишонч қолмади... – Кейин бирдан сўкинди: – Нима кераги бор эди үша картинашинг, онасини...

– Сўкманг, у яхши асар экан, – деди жиноят қиди-рув бўлимининг ходими. – Дарвоқе, уни эгасига қайтардик.

– Рассомга?

– Ҳа, Қўзибой Сайдовга.

Хўжайин хонадан чиқар экан, аччиқ кулиб, бошини сараклатди. Сўнг телевизордаги дикторнинг охирги сўзлари қулоғига кириб, назарида, у ҳам ёлғон сўзлаётгандек туюлди:

– Йўқ, беш эмас, олти кишининг бошига етадиган бўлди үша қуруқ қоғозлар...

(“Ёзувчилар” газетаси, 1997 й. 28 апрель) 1996 й.



ЎТКАН КУНЛАРДАН

Э, дўстим Горацио, ҳаётда шундай воқеалар бўлар эканки, улар сенинг донишмандларингнинг тушига ҳам кирмаган.

«Ҳамлет». Шекспир

Онам далаҳовлимизда помидор, булғори қалампир ва қорағат қовуриб, банка ёпиш билан банд, отам билан биз – акам ва мен – шаҳардаги уйимизда эдик. Оқшом пайти телефон жиринглади, дастакни олсам – онам: узоқ тоғли тумандаги бувим қазо қилганини айтди. Отам акам билан дарҳол йўлга отланиши. Эртаси куни опам билан мен ҳам йўлга чиқдик. Манзилга етиб борганимизда, момомизни кўмиб бўлишган, ҳовли-боғнинг сайҳон ерлари таъзиячилар билан тұла эди.

Таъзиянинг учинчи куни, мени офтоб урган эканми, кўнглим айниб, бошим айланада бошлади, иссиғим чиқиб кетди. Чақирилган дўхтир бир-иккита укол қилди-да, ҳечқурса, бирон ҳафта касалхонада ётишим зарурлигини билдириди. Кейин «Тиббий ёрдам» машинасига ўтқазиб, ўзи билан олиб кетди.

Учинчи қаватта опчиқиб, икки кишилик хонага ётқизиши. Кейин билсан, биринчи қават – поликлиника, иккинчи қават тугуруқхона экан. Бизнинг қаватда ҳар хил bemорлар йифилган эди, десам бўлади. Мен ўрнашган палатада яқинда инфаркт бўлган қария ҳам ётган экан. Дастваб мен ҳайрон қолдим: ҳар хил касаллар ётса ётар, лекин оғирлашиб қолганлари ҳожат-

хонага қанақа қилиб тушиб чиқишиади? Кейин менга ҳамшира тушунтириди, ҳар бир беморнинг каравоти тагида тостувак бор.

Мен биринчи кундаёқ ҳамхона қўшним билан танишдим. Исли Рамазон бобо Раззоқов, беш-олти йил бурун туманда милиция бошлигининг ўринбосари бўлиб, подполковник унвони билан нафақага чиқсан экан. У ўзининг муқаддас рамазон ойида туғилганини алоҳида фахр билан айтди. Бироқ кейин камгап бўлиб қолди: саволларимга қисқа, лўнда жавоб берарди, холос. Бундан ташқари, унинг столи яқин кунларда бирон кишининг йўқлаб келганига «гувоҳлик» бермас, афтидан, Рамазон бобонинг ўзиям ҳеч кимни кутмас эди. Оқшом дўхтирлар тўпланиб, менга осма укол қўйишиди. Кейин қария билан бош врачнинг ўзи баҳузур гаплашиб, сигарет чекиш ва вино ичиш у кишига қатъиян ман этилганини айтди. Аммо чолнинг ҳорғин кулимсираб тинглашидан англадимки, табибнинг айтганлари бу қулоғидан кириб, у қулоғидан чиқиб кетаяпти.

Ҳақиқатан ҳам, эртаси куни мен бир оз ўзимга келиб, дераза ёнида тургандим, у ўзига сигарет билан бир шиша «Портвейн» олиб келишимни сўради.

Мен ҳайрон бўлиб, бош дўхтирнинг гапини эслатдим: унинг бу аҳволида сигарет ҳам, вино ҳам кони зиён эканини айтдим. У миқ этмасдан чап қўлини кўтариб, кафтини кўрсатди. Тушундим: «Ўрнимдан туришимга ёрдам бер», деяпти. Мен унинг қўлидан-тирсагидан авайлаб тортдим. Чол қўзғалиб, ўтириб олди. Ёстиғини орқасига суриб қўйдим.

У ниҳоят менга тикилиб қарали. Кенг юзини ажинлар қоплаган, лаблари ҳам, қошлари ҳам қалин, қорамағиздан келган киши эди. Бошида сочи йўқ, фақат икки чаккасида жиндак-жиндак жонсиз туклари бор, соқоли ўстан, мўйлови сийрак, хуллас, менга шафқатсиз, шу билан бирга мардона бир одам тикилиб турарди.

– Менга қара, неварам, нега бу гапларни айтяпсан? – деб бошлади. – Мен олтмишдан ўтиб кетлим. Нима, сен билган бу нарсаларни мени билмайды, деб үйлайсанми? Менинг отам ҳам, бобом ҳам шу инфарктдан ўлган. Билиб қўй, учинчи приступда кетган. Мен иккитасини ўтказдим. Учинчиси, ким билади дейсан, бугун хуруж қиласидими, эртагами... Мен эллик йилдан буён чекаман, ичаман. Энди, беш-олти ой ортиқча умр куриш учун эллик йиллик одатимни ўзгартираманми? Мен ёшимни яшаб бўлдим. Қолаверса, ўз ҳаётимнинг хўжайини – ўзимман. Соғ одамни бемор қилишга қодир врачлар ҳам хўжайнин эмас менга, сенинг ачинишларингтаям муҳтоҷ эмасман, нёварам... Агар хозир чекмасам ёки бир қултум вино ичмасам, асабим бузилади. Шуни қиласам, хотиржам бўламан: эҳтимол, умрим яна бир-икки ойга чўзилар. Акс ҳолда асаб, ҳаяжон мени дарҳол йиқитади... Сен менга ёқиб қолдинг. Сен билан бироз гурунглашмоқчиман. Айтганимни кила қол, уғлон.

Унинг қўйин чўнтағидан чиқарган, тер хиди сингиб колган пулинни олиб, эшикка иуналгандим, у:

– Тұхта, – деди. – Чойнакни олиб ол. Винони шунга қуясан. Дұхтир билиб қолса, сениям расво қиласи.

Мен унинг айтганини бажардим: винони чойнакка қуйиб, сигарет билан опкелдим. У деразани очириб қуйиб, дарров сигарет тутатди. Кейин чойнакдан пиёлага вино қуйиб ичиб олди. Ана шундан кейин танимиз бир-бирига қовушиб кетди.

– Мен сенинг бувингни билардим, – деди у. – Содда аёл эди. Кун йил женотделлик қилди. Юқоридан нима буюрилса, шуни бажарди раҳматли. Отангниям узоқдан танийман... Лекин аканг, онанг сенга жуда меҳрибон экан, кеча билдим.

– Кечирасиз, сизниям фарзандларингиз борми? Келиб туришадими? – деб сурадим.

Рамазон ака хўрсиний:

- Битта ўғлим бор, – деди. – Битта, холос...
- Бошқа йўқми?
- Бошқа... яна олти қизим бор. Мен ўн йил кутдим ўғил туғилишини. Ўн йил не-не умидлар билан яшаб, охири – отини Умид қўйдим.
- Сиз билан яшамайдими?
- Ҳа, Тошкентда туради. Мелисада ишлайди. Яқинда майорлик званиясини олди.
- Кечирасиз, нега мунақа – тилаб олган ўғлингиз хақида мундай ғамгин сўзлаяпсиз?
- Биласанми, чироғим, – деди у баттар мунгланиб, – мен уни ёшлигидан қонунни ҳурмат қилишга ўргатувдим. Жамиятда тартиб-интизомнинг ҳалол соқчиси бўл, дер эдим...
- У-чи? – секин сўрадим мен.
- Яқин-яқингача мен уни худди шундай – орзу қилганимдай ишляяпти, деб юрардим. Бундан бир ойча бурун Тошкентдан келди. Биз мириқиб гурунглашдик. Ароқниям обдон ичдик, званиясициям ётволиб ювдик. Кейин у нима иш қилиб юргани, нималарни үйлаши хақида гапириб берди.
- Ҳўш, нималар деди?
- У айтдики, илгарилари мен ўзимнинг профессиям нималигини билмас эканман, дада, деди. Масалан, ҳужжатимни кўрсатиб, жамоат транспортида бемалол юришим мумкин-ку? Шунгаям хижолат торган пайтларим бўларди, деди. Ҳўт... Ҳолбуки, таксичини қўркитиб, таксида текин юришим ҳам мумкин экан. Ёки бир бойваччанинг анчайин шўхлик қилган ўғлини тутиб олиб, уни қўйвориш эвазига отасидан мўмайгина пора олишим, кейин машина олиб минишим мумкин экан... деди. Хуллас қалом, у ўзида властни ҳис қилган. Ўзини қонундан ташқари, балки қонундан устун шахс деб биларкан, чироғим! Ў, мен унинг ҳалол, честни мелиса бўлишини қанчалар орзу қилардим.
- Кечирасиз, Рамазон ака, сиз ўзингиз честний мелиса бўлганмисиз?

У бирдан бошини кўтарди-да, менга ошкора нафрат билан кўз тикди.

– Мен ўз бурчимни ҳамиша бажаришга ҳаракат қилдим, – деди. – Лекин у бошқа замон эди: шунинг учун буйруқни бажариш, хўш, жамоат тартибини сақлаш учун кўп нопок ишларни қилишга ҳам тўғри келарди. Сен тушунмайсан у замонни, отангнинг қулогида эдинг ўша кезларда.

– Илтимос, бирон воқеани айтиб беринг, балки тушуниб оларман, – дедим.

– Яхши, – деб қандайдир совук жилмайди Рамазон ака. – Мен сенга ўша йилларда кечган бир кичик воқеани айтиб бераман. – У винодан яна қуийб ичди. – Ўшанда Энди замначальник бўлган чоғларим, айни вақтда партком секретари, шунинг учун ҳуқуқим начальникнинг ҳуқуқидан паст эмас эди. Кези келганда, милициядаги ишларни райкомда мендан сўрашарди... Корасув деган тоғ қишлоғидан бир келинчак «Эримдан ажраламан», деб бизга икки марта ариза берган экан. Яна начальник номига. Шунинг учун мен бехабар қолган эканман. Бир куни начальник мени кабинетига чақириб, шундай-шундай, деди. Ўша қишлоқقا қарайдиган участка участкавойини ҳам юборган экан. Ҳеч бир натижа чиқаролмай кепти. Энди булса, район партия комитетининг идеология бўлим мудири зулм қилиб турганмиш: «Боринглар. Эр-хотинни яраштиринглар!»

– Зўрлик қилиб бўлсаям яраштириш керак экани? – ҳайрон бўлиб сурадим.

– Ҳа. Ўша вақтларда оиласинг бузилишига деярли йўл қўйилмасди. Нимагаки, – деб мийифида илжайганча, мўйловини силаб қўйди Рамазон ака, – совет оиласи бузилмаслиги керак. Оила – жамиятнинг ячейкаси: у бузилса, жамиятга соя тушади. Ҳе, ҳар қадамда «Совет оиласига шон-шарафлар бўлсин!» деган шиорлар ҳам бўларди. Газеталаримиз эса, оила бузилиши чет элда авж олгани, бу нарса – капитализмнинг бузилаётга-

нидан далолатдир, деб мақола берарди... Хотиннинг хати билан танишдим, ҳеч нарса тушунмадим. Эрим билан яшамайман, дейди, вассалом. Худди ўша куни, ха, дажи, ўша вақтда райкомдан телефон бўлиб қолди. Ўша опа – идеология секретари. Ҳе, қоқ миядан олиб, роса тузлади: «Сиз қанақанги коммунистсиз? Шундай сиёсий масалага бефарқ қараб юрибсиз? Боринг ўзингиз, нима қилсангиз қилинг, эр-хотинни яраштиринг!» – У яна сигарет тутатиб олди. – Фуражкани кийдик, отни миндик. Қорасувга жўнадик. Тоғ қишлоғи яхши-да, ҳавоси тоза, арчазор, ёнғоқзор. Одамлари ҳам содда, бечоралар. Айниқса, фуражкалидан қўркишар эди. Энди ҳамма вақт бало-қазога мелиса балогардон эди-да. Бўз ерларни ўзлаштириш бошланганда ҳам, чирогим, ерлик одамларни қўчирган – биз эдик: ким иссиқ жойини ташлаб, қизириқ чўлга – чивинга талангани боради? Лекин бориши керак эди! Ҳайдаганмиз. Кейин, кўплари қочиб ҳам келди-ю, гап унда эмас... Мелиса деган зот қонунни, буйруқни ижро этадиган ҳамда ижро этишга... мажбур этадиган кишилар эди. Қисқаси, Қорасувга етиб бордим. Одамлар икки чақиридан мени таниб, рўпарамга чиқишли. Салом-алик. Уйларига таклиф қилишлар... Мен Қурбон деган тўқимчи ни излаб келганимни айтдим. Тоғли, дашт жойларда тўқимчилик – яхши касб. Кўрсатиб қўйишиб уйини. Пахса деворли, эски бир ҳовли экан. Шундоқ тоғнинг белида. Отдан тушмасимдан бурун эшиқдан бир эркак чиқди. Мен қўрқув нималигини билмай кетган эдим, неварам... Лекин у эркакни кўриб, этим жунжикиб кетди. Ундан хунук маҳлукни умрим бино бўлиб, курган эмасман. Елкаси букур, одамсимон маймундан фарқи йўқ. Башараси ҳам худди орангутанники. Тавба, одамларни қўрқитишга туғилган десанг ҳам бўлади, қизиқчиликка туғилган десанг ҳам. Тағин де, кийим-боши ҳам беш-олти ойдан буён тоғорага тушмаган. Исқирт.

– Кимсан? Қурбонмисан? – деб сўрадим.

– Ҳа, начайлик бобо, – деди у.

Мен отдан тушиб, жиловни унга бердим.

– Иккаламиз гаплашиб олишимиз керак, Қурбон.

– Хуш күрдик.

Мен уйига кириб, бурчакда сандал турған экан, шунга үтиредим. Бирпасдан кейин одам суратидаги маймун кириб келди. Хотини кишлоқ этагида яшайдиган бир дугонасининг уйига – телевизор күргани кетган экан, ҳадемай унинг келишини айтиб, күрнача гушади.

– Құявер, менга шу ер ҳам бұлади, – дедим-да, нима мақсадда келганимни айтдым. У бирдан күзига ёш олиб, хотинини жон-дилидан севишини, усиз яшолмаслигини айтди.

– Үн иил бұлди, рузғор қурганимизга, бобожон. Аҳилгина яшаб келаётіб әдік. Битта қызчамиз ҳам бор, худога шукр. Энди дөң, мени ёмон күриб қолди хотиним. Нуқул «ажрашамиз», дейди. Ҳайронман, нимага мундай бўп қолди... Отахон, уни инсофга чақиринг. Фарзандимиз етим бўлмасин. Мен куйиб кул бўламан... Яхшилигинизни кўринг. Бутун умр хизмагингизни қиласман...

Бир замон хотини келди. Нима десам бўлади сенга? Ораларидағи фарқ – ер билан осмонча. Ундан чиройли жувонни умримда күрганим йўқ, ишонавер. Соч тақимга тушади. Кўзларини – тоғ охусининг кўзи дейсан. Лекин, мулла йигит, охунинг кўзларида хурраклик билан бирга норасида ғудак нигохидаги содла қизиқиш ҳам бўлади. У жувоннинг назарида эса, ҳе, ахмокона бир ифода бор эди, холос.

Мен Қурбонга:

– Ташқарига чиқиб тургин. Хотининг билан гаплашиб олай, – дедим. У чиқди. – Хўш, нима учун эрингдан ажрамоқчисан? – деб сурадим жувондан.

– Яшамайман, истамайман, – деди у тап тортмасдан. – Қўрдингиз-ку, у – ажинанинг үзи. Мен үзимга муносиби билан яшамоқчиман, начайлик бобо. Бизни ажратиб қўйинг.

– Насиба синглим, – дедим. – Эринг билан ўн йил-ча яшабсан. У шўрликнинг ажиналигини энди пайқадингми? Бунинг устига, орангларда фарзанд бор.

– Мени бошдаёқ мажбур қилиб беришган эди бу рўдапога, – деди у. – Ўшанда нодон эканман, энди кўзим очилди... Ана, телевизорда мендан хунук аёллар йигитлар билан...

– У телевизор-да! – дедим.

– Йўқ, ўзимиздаям менга муносиблар бор экан, – деди у. – Ваъда беришганлариям бор...

Мен уни тушундим.

– Начора, – дедим, – қолган гапни мелисаҳонада гаплашамиз энди. Райкомдаям сени билишади, женот-делдаям. Отнинг қашқасидек бўп қолгансан, синглим, ёза-ёз қилиб... Қани, эшагингни мин, йўлга туш. Мен Эринг билан яна икки оғиз гаплашиб олай, орқангдан етиб бораман.

Алқисса, яна Қурбон билан гаплашдим.

– Ука, хотинингни ҳақиқатан ҳам яхши кўрасанми? – деб сўрадим яна.

Қурбон бу сафар рўпарамда тиз чўкиб, саждага бош қўйгандай эгилди.

– Хўш, яна нима деди? – деб сўрадим Рамазон акадан.

– Уша гап... Сизга битта-ю битта соғин сигиримни бераман, деди. Бир-икки қоп ёнғоқ билан майизим бор, униям бераман, деди. Ишқилиб, хотиним мендан чиқиб кетмасин. Кетса, ўламан. Мен унга вафодор итдек боғланиб қолганман, деди. Уни бир-иккита шотирлар билан телевизор бузганга ўхшайди... – Рамазон aka янги сигарет тутатди. Кейин менгаям таклиф қилди. Виносидан ичмадим-у, сигаретдан олдим. Кейин у яна ғамгин тус олиб, ҳикоясини давом эттириди: – Менга сигирининг нима кераги бор! Тоғда бир сигир бир оилани боқади. Уни олиб қўйсанг, район марказидан сут-қатиқ ташийдими?.. Умуман, йигитча, мен порахўр

эмасдим. Мен ҳалол ишлардим, буйруқларни бекаму күст бажаардим. Түғри, ижро усуллари баъзан жуда қабиҳ бўлган...

– Раҳмат, Рамазон ака, – дедим. – Мен анча нарсани тушуняпман.

– Хўш, сўнг Қурбонга айтдим: «Уйда босиб ўтири. Менинг нима учун келганимни бировларга гапириб юрма. Хотининг бир-икки кун келмай қолса, хавотир олма... Мен қўлимдан келган ишни қиласан, сизлар ажрашмайсизлар», дедим. У мени дуо қилиб, ўлгунича хизматимга тайёр эканини айтиб қолди.

Ҳадемай Насибага етиб олдим. Отим қаерга қайтиб бораётганини сезиб, ўйноқлайди: мелисанинг оти-да, катта боғда арпа еб, кўпкарибоп бўп қолган. Жувон ҳам буни кўриб, ўзи яқин йўлдан кетишини айтди: чироғим, от юролмас йўллардан эшак юради. Мен тўғри йўлдан кетдим. – Чол қулимсираб қўйиб, пешана терини артди. – Отделениега борсам, паризод аллақачон келиб, мени кутиб ўтирибди. Бир-икки курсант унинг атрофида искаланиб юрибди... Келинчакни кабинетимга опкириб, яна хўп насиҳат қилдим. Бўлмади. Лекин мен бу оилани бузилишдан сақлаб қолишим шарт эди.

– Хўш? Нима қилдингиз кейин?

– Нима қилардим, ўғлон... Мелисалар ичида Нормурод деган бир барзангি бор эди. Ўша куни как раз шу йигит навбатчи эди. Шуни чақирдим. «Бу жувонни обориб, палон камерага қама», дедим. Аёлни чирқиллатиб опчикиб кетди. Кейин Нормуродни яна чақириб, буюрдим: «Бу кеча тинчитма уни! Тушундингми?»

– Наҳот шунака дедингиз-а? – ҳайрат билан сўрадим мен.

Рамазон ака яна бирдан бошини кўтариб, менга хўмрайиб тикилди.

– Бошқа нима қилишим керак эди? – У тағин винодан қўйиб ичди. – Бундай ишлар бизда кўп бўп туради. Ка-

мерага тушган аёл борки, уни кечаси тинчтишмасди... Усул эди-да бу: ўша даврга хос тадбирлардан эди. Эркак одам тушса, албатта, таёқ ерди. Шунаقا...

– Тушундим.

– Эртаси Насибани чақириб, тағин насиҳат қилдим. «Эрингдан ажралишни эсингдан чиқар», дедим. У йиғлай-йиғлай яна ўз сўзида турди. Уни яна ўша камерага тиқтириб, янги дежурнига яна ўша буйруқни бердим: «Иложинг етмаса, ёнингта шерик ҳам ол», дедим. Кейин нон, сув бермасликни тайинладим... – Рамазон ака хурсиниб, анчагача юрагининг устидан си-лаб ўтиреди. Кейин яна секин сўз бошлади: – Кейинги куни келиб, Насибани кабинетга чақиртирдим. Ах, сўлиб қолган эди. Ухламагани шундай билиниб турибди. «Синглим, фикрингдан қайтмасанг, ўзингта қийин бўлади, – дедим. – Оилани бузиш мумкин эмас».

– Хўш, у нима деди?

– «Начайлик бобо, эrim билан яшайман. Бошқа ариза ёзмайман. Менга жавоб беринг», деди... «Яхши, мана энди эсинг кирипти, дедим мен. – Ҳозироқ қишлоғингга кетасан. Лекин эсингда тут, бу ердаги айрим ишларни ҳеч ким билмаслиги керак». «Онт ичаман, худо урсин, ҳеч кимга айтмайман», деди у. Лекин бирорга айтсаям – нима, ким ишонади? Қолаверса, айтолмайди... Ҳе, Америкада у: «Мени изнасиловат қилди», деб юришади бузук аёллар ҳам. Бизда – йўқ. Ўзбечкаларнинг ўзи шундоқ эди-да.

– Лекин жудаям шафқатсизлик қилибсиз, амаки.

– Начора, – деди у қўлларини ёйишга ҳаракат қилиб. – Системанинг ўзи шундоқ эди-да.

– Тағин қонунни ҳимоя қилдим, дейсиз.

– Албатта. Қонун сиёsatни ҳимоя қилар эди, – деб яна мийигида қулимсиради. – Социализмни – Социализмни, унинг капитализмдан устунилигини...

– Лекин қонун ўшандай усувларни ишлат демагандир ахир?

– Албатта, – тасдиқлади Рамазон ака. – Лекин қонун «Социалистик оилани мустаҳкамлаш керак», дер эди. Қайси йўл билан? Бу – бизнинг ихтиёризимизда эди...

– Даҳшат.

– Сен «даҳшат» дейсан, – деб тагин мийифида кулади мўйловини силаб. – Ўша воқеадан кейин бир куни парткомнинг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Идеология секретари билан сенинг... бувинг ҳам қатнашди. Менга «благадарност» эълон қилинди. «Совет оиласини мустаҳкамлаш бундай бўлади», дейишди. Зал гуруллаб чапак чалди.

Шунда Рамазон бобо тагин кўкрагини силамоқчи-уқаламоқчи бўлди. Аммо қўлида ҳам мадор қолмаганини сезиб, унинг ётишига кўмаклашдим.

Ўша тун мен узоқ вақт мижжа қоқмадим. Мен бу одамни барибир тушунолмаган эдим: уни ҳурмат қилишни ҳам, ундан нафратланишини ҳам билимасдим. Кейин беш-олти кун давомида бу чол ҳақида нимани ўйлаганимдан қатъи назар, ҳар кеч унга бир шиша вино билан бир пачка сигарет келтириб бериб турдим.

Кейин менга жавоб беришди. Рамазон чолга: «Сизни кўргани келиб тураман», деб кетдим.

Бувимнинг еттиси ўтиб бўлган эди. Йигирмаси ҳам ўтди. Тўйдан ўлимнинг ташвиши кўп бўлар экан: мен ҳам қўлимдан келганча хизмат қилдим. Нихоят, опам билан кетадиган бўлдим, отам акам билан марҳумнинг қирқи ўтгунча қоладиган бўлишди.

Автобусга билетлар олинган эди. Қўлим бўшагани учун Рамазон чол билан хайрлашай, деб касалхонага бордим.

Тўтри учинчи қаватта чиқиб, ўзим ётган палатага кирдим. Чолнинг ўрни бўш, ҳамшира каравотга янги чойшаб ёпиб, четларини тузатмоқда эди. Каравот пастида эса кийимлари гижим бўлиб кетган бир киши чўнқайиб-букчайиб ўтирас, юзини кафтлари билан ёпиб, афтидан, йиғлар эди.

- Опахон, бу каравотда Рамазон ака...
– У киши йўқ, – деб сўзимни бўлди ҳамшира. – Кеча оламдан ўтдилар. Инфаркт...

«Оламдан ўтдилар» сўзи айтилиши билан чўнқайиб ўтирган киши хўнграб йиглаб юборди. Кейин куз ёшларини муштуми билан артиб, менга қаради-ю, мен... титраб кетдим: бўкчайган елкаси ҳамон чўққайиб туар – у бўкри эди; бунинг устига, орангутандан фарқи йўқ, соқоли ўсиб кетган, исқирт дўпписи тагидан чиқиб турган чакка соchlари оппоқ... ха, бу – Қурбон тўқимчи эди.

- Сиз унинг қариндошими? – деб аста сўради у.
– Йўқ, шунчаки танирдим, – ледим. – А, сиз-чи? – беихтиёр оғзимдан чиқди.
– Мен ҳам таниш эдим, – деди у. – Жуда яхши одам эди. Менинг рўзгоримни бузилишдан сақлаб қолиб эди.

(“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 1997 и.
26 сентябрь).



ҮЛМАГАН ЖОНДАН УМИД

1

Мен у киши билан алоқа бўлими рўпарасидаги қаҳвахонада учрашиб қолган эдим. Эгнида кенг, елкалари осилиб тушган пахталик, бошида режиссёrlар киядиган кепка, чўкик кўкрагидан жингалак жунлари кўриниб турар, томоғида эса буқофини олдирган кишиларга хос узун чандик бор эди.

- Бўшми? – деди у стол ортидаги курсига ишора қилиб.
- Ўтираверинг, – дедим.
- Хомушсан?
- Шундай...

У ўтириб, қўлидаги балдоқли пиёла билан пластмасс тақсимчадаги ширинлигини олдига қўйди.

- Кетаяпсанми?
- Ҳа, – дедим.
- Йўл бўлсин?
- Жанубга.
- Ҳм, Афғонистон чегарасига, – деб бош ирғаб қўйди. – Нимасини ўйлайсан, ука. У ёқда уруш тугаб бўлди. – У чойини ҳўплади.

Мен хўрсиндим-у, жавоб бермадим.

- Қанақа шароитга тушсанг ҳам, – деди у, – ҳаётдан умидингни узма. Ҳамма гап шунда.

Мен кулимсирадим.

- Жа бир-икки урушни бошдан кечирганга ўхшайсиз-а?
- Ҳа, энди... – у ёнига бурилиб, қўпол ботинка кийган оёқларини чалиштириб олди. Кейин яна сўради: – Уйда ака-уканг борми?

- Йўқ-да. Бориям – қиз.
- Ҳм, барибир яхши, – деди у. – Ота-онанг ёшдир?
- Ҳарқалай.
- Бўлди. Ҳеч нарсадан хавотир олма. Ана, ўтган Афғон урушига ёлғиз фарзандларният опкетишган эди. Унинг ота-онаси ёш-қарими – фарқсиз, жўнатаверишган эди. У давр бошқача эди, биларсан...

Мен ана шунда бу йигитнинг дилида бир дарди борлигини гапларидан эмас, овози оҳангидан сезиб, кўпроқ эътибор қилдим унга. Кўзим яна унинг бўйнидаги чандиққа тушди. Негадир уни катта ёшдаги шипаналарга ўхшатувдимми, билмайман. Кейин олдидағи чой билан ҳамон қўл теккизилмаган ширилилка қўз ташлаб, унга ҳурматим ошди: ахир, мен ўйлаган кишиларга ширилилк нима гап! Умуман, ичадиганлар ширилилкини хуш кўришмайди.

Ана шунда жанубга кетишим аниқ бўлиб, чегара қўшинилари қисмiga тушганимдан бери ёдимга тушиб-тушиб турган бир кечмиш воқеани айтиб бергим келди.

Шу фикр калламга келиши ҳамон бу нотаниш, тепакал (ўтиргандан кейин шапкасини олиб қўювди) кишининг менга «умидни узма», «гап шунда» деганини эслаб, «Ҳа-я, – деб ўйладим. – Улар умидларини узишмаган эди-ку?..»

«Улар» деганим...

Келинг, бир бошдан ҳикоя қилай.

2

Ўшанда мен бешинчи синфда ўқирдим. Юнусобод мавзеида турардик. Беш қаватли уйнинг юқорисида. Куйида – иккинчи қаватда бир оила яшарди. Кекса одамлар: чол билан кампир. Чол етмишларга бориб қолган, бир-иккита инфарктни бошидан ўтказган, касалманд қария эди. Кампири ундан ёшрок, жуда, нима десам экан, куйинчак, ҳаяжонга берилаверадиган

онахон эди. Уларнинг яккаю ягона ўғиллари бор эди. Ўшанда у ҳарбий эди. Олдин Туркманистонда хизмат қилди, кейин уни Афғонистонга жўнатишиди. Ўша кезлари, энди билсам, совет қўшинларининг у мамлакатдан чиқиб кетишига бир йил қолган экан.

Йигитнинг исми Сардор эди. Чолу кампир унинг учун қўп хавотир олишарди. Ҳолбуки, у ҳар бир хатида ота-онасидан сира хавотирланмасликни илтимос қиласар, «Ҳамма ишлар жойида», дер эди.

Бу хатларни почтадан мен олиб келардим. Улар бир кун мендан: «Почтага қараб ўт-чи, болам. Акангдан хат келмадими кан?» деб сўрашган эди. Тушиб қарасам, почтада, ҳақиқатан ҳам, хат бор. Олиб чиққанимдан кейин улар ўқиб беришимни сўрадилар. Ана шундан кейин ўзимизнинг почта қутимииздан қачон газета оладиган бўлсам, уларнинг ҳам қутисига қарайдиган бўлдим: бўлса, олиб чиқаман, ўқиб бераман.

Менимча, уларнинг шу фарзандларидан бошқа... бошқа ҳеч кимлари йўқ эди.

Баъзан мендан дўкондан нон олиб келиш ёки бўлмасам ахлат чеълакни бўшатиб келишни илтимос қилалиган бўлишди. Менинг уларга раҳмим келар, шунинг учун айтганинни жон-дилим билан қилардим.

Албатта, улар бу – анчайин ишларимдан ҳам хурсанд бўлишар, аммо ўғилларидан мактуб олиб чиққанимдаги шодликларини кўрсангиз эди! Эсимда: Сардор акадан келган бир суратни қўлларида авайлаб тутиб ўпганлари. Унда Сардор aka вертолётнинг устида оёқларини осилтириб ўтирас, тиззасида автомат, кулиб турарди. Новча, соchlари жингалак. Орқа фонда яланғоч тоғлар кўринарди. Менимча, у киши ҳаво десанти қисмида хизмат қиларди. Аммо буни айтмасди. Сабабини энди тушунаман: десантчилардан омон қолганлари кам бўларкан.

Айтмоқчи, қариянинг исмлари Ҳабиб ота, онахоннинг исмлари Мавлуда ая эди.

Хуллас, кунларнинг бирида почта кутисидан улар номига келган навбатдаги мактубни олиб, уйга йўналдим. Зинадан кўтарилаётib хат жилдидаги ёзувга бе-ихтиёр эътибор қилдим. Одатда, Сардор аканинг манзили «Полевоя почта» деб аталар, тағин қандайдир рақамлар ёзилган бўларди. Бунда эса ҳарбий комиссариатнинг каттакон муҳри босилган эди.

Мен тепага чиққунча чидолмасдан хат жилдини очдим. Унда хат йўқ... қисқагина қилиб «Пропал без вести» деб ёзилган, худди телеграммага ўхшар эди.

Нима қилишни билмай, тўғри уйимизга кўтарилидим. Мен бир нарсани тушундим, йўқ, шу нарсага дарҳол ақлим етдики, бу «хат»ни чол-кампирга кўрсатмаслигим керак. Бундаги биргина жумла уларни ёмон аҳволга солиб қўйиши мумкин: Ҳабиб отанинг юраги ҳалигидай, тағин бир инфаркт, худо урди... Ахир, Сардор ака – уларнинг ёлғиз фарзандларигина эмас, суюнган тоғлари, ишонган боғлари эди. Бунинг устига, ўзим ҳам бу отахон билан онахонни ўзимнинг бувим билан бувам каби кўриб – шунга ўрганиб қолгандим. Ҳа, нима бўлгандаям, бу «мактуб»ни уларга кўрсатмасликка аҳд қилдим.

Орадан бир-икки ҳафта вақт ўтди. Мавлуда ая деразадан кузатиб туармиди, ё қадам товушларимни билиб қолганмиди – дарҳол эшигини очиб: «Хат борми?» деб сўрар, мен: «Йўқ, кеп қолади», деб ўтиб кетардим.

Бу сирдан фақат опам хабардор эди. У мендан тўрт ёш катта, ақли ҳам, албатта, ўзига яраша эди. Ана ўша опам Сардорнинг номидан ота-онасига хат ёзишни маслаҳат берди. Мен ўйлаб ўтирмай рози бўлдим.

Албатта, мен Сардор аканинг дастхатини билардим. Ҳўш, камгаплигиниям. Бунинг устига, унинг собиқ манзилиниям билардим. Ахир, чол-кампирнинг ҳам мактублари менинг қўлимдан ўтарди. Кейин нима бўлади? Бу ишнинг оқибати нима билан тутайди? Бу ҳақда ҳам ўйлаганим йўқ.

Сардор ака номидан хатни опам ёзарди. Чунки мен бадхат эдим, хатониям кўп қиласдим. Аммо унинг тенасида турадим. Шундай қилиб, биз биринчи хатни ёздиқ. Конвертга солиб, адресиниям битдик. Кейин уларнинг уйига тушдим. Улар мени ҳаяжон билан кутуби олишди. Мен хотиржамлик билан конвертни очиб, мактубни ўқидим.

Улар ўзларида йўқ даражада қувониб кетиши. Чол мени алқади, Мавлуда ая пешонамдан ўпди. Биз опа-ука, албатта, Сардорнинг нима учун бир-икки ҳафта хат ёзолмай қолгани ҳақида ҳам унинг тилидан ёзгандик: фалон тоғларга учдик, вертолёт бузилиб қолди. Шунга ўхшаш гаплар.

Шундай қилиб, бизнинг Сардор бўлиб, ота-онасига хат ёзаверишимиз давом этаверди. Мен ҳар ҳафта-ўн кунда тансик мактубни уларга опчиқиб... ҳа, почта қутисидан олгандек бўлиб, опчиқиб бераверадим.

Табиий, биз чол-кампирнинг ўғлига берган саволларига ҳам ўзимизча жавоб берардик. Ҳатто бир гал ёзишга қизиқиб кетиб, «Жасорат учун медаль олдим» деган гапни ҳам қўшиб юбордик.

Бу иш етти-саккиз ой давом этди.

Нихоят, совет қўшинларининг Афғонистондан қайтиши аниқ бўлиб қолди.

Буни эшишиб: «Яқинда дийдор кўришамиз», деб ёздиқ. Аммо... қўшиниар қайта бошлишди. У ёқда, айтишларича, қандайдир аэропортларни қўриқлайдиган қисмларгина қолиши маълум бўлди... Энди нима қилиш керак?

Энди, Ҳабиб ота билан Мавлуда аянинг олдига кириб, қилган гуноҳларимни... гуноҳмиди бу?.. бўйнимга олишим керак эди. Бироқ бунга журъат қайда...

Даҳшат!

Мен улардан ўзимни олиб қочиб юрган кунларимнинг бирида Мавлуда ая билан йўлакда учрашиб қолдик.

Мен салом бериб, почта қутисида хат йўқлигини айтдим.
Кейин майда-чуйда юмуш бор-йўқлигини сўрадим.

Мавлуда ая бўлса менга ачиниб тикилиб:

– Уйга кириб тур, болам, кириб тур. Биз ҳам меҳмонмиз. Буванг сўраётувди, – деди.

– Ҳозир кирайми?

– Ухляяпти.

Кейинги кун уларнинг уйига кирсам, аянинг ўзлари йўқ (эшикни сиртдан қулфламаганларидан билдимки, яқин-атрофда бўлиши керак), Ҳабиб ота дераза тагида оёқларини узатиб ўтирган экан. Салом бердим.

– А-а, Авазжон, кел, чироғим, – дедилар. Сўнг бориб ўтиргандим, ишора қилиб, яқинроқ сурилишими билдиридилар. Сурилдим. Яна ишора қилди, яна сурилдим. Ниҳоят: – Болажоним, кўп ўзингни қийнама, – деди. – Мен ҳаммасини биламан. Биламан: Сардор энди йўқ. Аллақачон фаҳмлаган эдим. Биринчи хатингдаёқ... Ҳа-ҳа, мен сенинг бошқа хатларингниям диққат билан ўқиб чиқдим. Сардорни ўстирган, тарбия қилган отасиман ахир. Наҳотки унинг қандай фикр қилиши, нималарни ўйлаши, қандоқ гапиришини билмасам... Уни бир замонлар ўзим ўқитган эдим, ҳарф танитгандим, ёзувини яхши биламан... Мен шунинг учун жим юрдимки, билиб қолса, Мавлуда аянг хафа бўлади. Ҳе, хафа бўлиши ҳам гапми! Ахир, унинг ёлғиз боласи – Сардор. Хатларини олиб келиб берганингда, еру кўкка сиғмасди. Сенинг – сен ёзган хатларни ўқиганингдаям... Аёл ҳалқи таъсирchan бўлади. Албатта, у қачондир биларди. Аммо шу дамгача мен уни овутиб келдим. Ўзимни тийиб, кўз ёшларимни тийиб... Сен бўлсанг, кейинги вақтларда ўз хатларинг билан менга ёрдам қилдинг.

Тасаввур этаяпсизми, у ҳаммасини билар, сезиб юрар экан.

Мен эсам...

Энди бу ёғини эшитинг.

Ташқарига чиқсан денг, аяниңг үзларига дуч келдим.

– Буванг билан гаплашдингми?

– Гаплашдим, – дедим.

– Нималар тұғрисида?

– Шу, хат узилиб қолгани... Афғонистонда қанча аскар қолгани, уларнинг қачон қайтиши...

Мавлуда ая майин жилмайиб, құлларига олиб турған күзойнакларини рўмоллари учи билан артиб, яна тақдилар. Кейин:

– Авазжон, мен биламан, – дедилар, – ўғлим йўқ. Ҳа, Сардор йўқ. Биламан, – деб такрорлади яна, – хатларни сен ёзиб юрдинг шу кунларгача... Ҳе, бошдаёқ сезган эдим. Қайси куни почтага нафақа олиш учун борувдим. Навбатда турувдим. Сен шошиб келдинг-да, бир ласта конверт сотиб олдинг. Кейин шу конвертларни уйимда кўрдим... Биласан, Ҳабиб бувангни юраги чатоқ, қилга илиниб турипти. Шу қил – Сардор умиди, уни кўриш илинжи. Шундан ҳам маҳрум бўлса, худо кўрсатмасин... Сен бизнинг чўкиб қолишимизни истамадинг, болам. Бувангни алдаб туришимга ёрдам қилдинг. Бир йўла ўзимни ҳам алдаб юрдим, албатта... Аммо ҳар бир нарсанинг ҳам чегараси бўлади. Ўша жойга етиб бўлдик...

Ана бунга нима дейсиз? Мавлуда ая ҳам ҳамма нарсани биларкан.

Демак, мен хатларни ўқиётганимда, Ҳабиб бува ҳам, Мавлуда ая ҳам бу хатларни мен ёзганимни била туриб, жим тинглашаркан. Тинглашаркан... бир-бири учун ҳаяжонланиб, яъни чол: «Кампирим сезиб қолмадими?» деб. Кампир эса: «Чолим пайқаб қолмадими?» деб.

Мен эсам иккаласи учун ҳам ҳаяжонланиб (аммо буни билдиrmай) ўқирдим.

Уларнинг бу мактублардаги сўзларгаю уни Сардор ёзганига ишонгилари келар, ишонишар ҳам экан.

Шу оқшом мен столим тортмаларини титкилаб, ҳарбий комиссариатдан келган икки энлик хатни топдим. Кейин... нима қилишим керак эди?

«Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир нарсанинг чегараси бор», деб уларнинг уйига кирдим-да бошимни эгиб, қўлимдаги телеграммага ўхшаш хатларни ўқидим.

Улар менинг дафъатан бостириб келганимдаёқ ҳайрон қолишган эди, энди бўлса... жим. Ўша ҳайрат давом этаётгандек, кўзларига ишонмаганлари каби қулоқларига ҳам ишонмай қотиб қолишгандек туюлди менга.

Бир маҳал бошимни кўтариб қарасам, на унисининг, на бунисининг кўзида ёш бор, на униси, на-да буниси йиғлашдан жуда йироқ, аксинча: масалан, Мавлуда аянинг нигоҳида бир умид учқуни йилтиллар, лабларида майин табассум бор эди.

– Ахир, ўғлим бедарак йўқолган экан-ку, – дедилар ниҳоят. – Ҳа, бедарак... Демак, ўлмаган. Ўлмаган ўғлимиз, дадаси! Ўлмаган экан!

– Ҳа, ўлмаган экан, демак, албатта келади, – деди Ҳабиб ота ҳам.

Бир неча ой муқаддам Сардор аканинг «бедарак йўқолгани»ни уларга маълум қилсам, тирик қолмаслар-ов, деб ўйлаган эдим. Энди билсам, Сардорнинг номидан ёзган хатларимни эшишиб ва ўқиб ҳам олгач, ўғилларини ўлдига чиқаришган экан. Ва, ва... мана, унинг «бедарак йўқолгани»ни эшишиб, назаримда, тирилиб қолишиди. Чинакамига хурсанд бўлишиди. Мен галварс ўшанда бу ҳолни хаёлимгаям келтирмаган эдим.

Тавба, мана, уларда ҳақиқатан ҳам ўғилларининг тириклигига умид туғилди.

– Кейин нима бўлди? – деб сўради тепакал, кепкали сухбатдошим.

– Кейин биз Юнусободдан кўчиб кетдик, – дедим. – Ундан бери қанча йил ўтди... Лекин бу воқеани яқиндан бери тез-тез эслай бошладим...

– Яхши, – деди у. – Шундан кейин у томонларга йўлинг тушмадими?

– Йўлим тушди-ю, киришга... журъат этолмадим. Мабодо... тушунасиз-ку?

– Тушунаман, – бош ирғади у. – Назарингда, ҳалиям ўғилларини пойлаб ўтиришган бўлсалар керак-а?

Мени яна ҳаяжон қамради.

– Ҳа-ҳа. Шу менга тасалли берарди. Ҳалиям шундай... Сиз боя тўғри айтдингиз. «Умидда гап кўп» экан...

Тепакал чойни ичib бўлди. Шириниликни ҳам еб тутатди. Кейин «Хон» сигаретидан тутатиб:

– Қачон жўнайсизлар энди? – деб сўради.

– Бугун маълум бўлади. Шуни кутиб ўтирибман... Ҳали-замон чақиришади.

– Ҳа, яхши, – деди у. Сўнг ўрнидан туриб, ёқасининг тугмаларини ўтказди-да, бўйнидаги тиртиғига суриб қўйди. Кепкани кийди. Қўлини узатди. – Хайр, яхши йигит... Сен ростдан ҳам яхши боласан, ука.

– Э, шунчаки...

У кулимсиради.

– Ўрнингда мен бўлганимда, балки мен ҳам шундай қиласдим. Ўғиллари ўлган бўлсаям, умрлари беш-үн кунга чўзилар эди. Лекин сен, ўзинг билиб-билмасдан чол-кампирни «бедарак йўқолди» деган хабарнинг ўзиям даҳшат эканига яхши тайёrlаган экансан. Яъни, нима десам экан, шу-да...

– Раҳмат.

– Хайр. – Кейин у яна кулимсиради. – Мен сенинг ўрнингда бўлсам, ҳечқурса, шу кунларда улар томонга бир ўтардим... Ҳай, майли... Лекин уларни кўргинг

келади-я? Ахир, чол-кампирга меҳринг тушиб қолган экан.

— О, албатта, — дедим.

У секин юриб ташқарига чиқди. Ёғаётган қор учқунлари тагида бироз туриб, сигаретини буриқситди. Кейин тұғри үз йўлига кетди.

Мен ўша воқеани бу бегона кишига айтиб берганим, яъни ҳасрат қилганим учунми, айрим фикрлари менинг ҳам ўйларимга мос тушганиданми, кўнглим бўшаб, ўзимни янада енгил ҳис қилдим: хаёлимдаги туманли хавотирлар ҳам кўтарилиб кетди.

1997.

(“Туркистан” газетаси, 1999 й. 28 январь)

ДАДИЛ ҚАДАМ

Мен ёш ёзувчи Жаҳонгирнинг “Тонг юлдузи” газетасида эълон қилинган “Фақат ҳаёттабадий” деган қиссасини, шунингдек, рус тилида эълон қилинган “Олтинчи ҳукм” номли ҳикоясини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ёшлар ҳаётидан олиб ёзилган бу икки асар адабиётимизга, шубҳасиз, истеъододли бир камакаш дадил кириб келаётганидан далолат беради.

Ёш адаб ўз тенгдошлари ҳаётини яхши билади, уларнинг орзу-умидлари, турмушида дүч келган қийинчилклари, изланышлари, қувонч ва қайгулари ҳақида ҳам аниқ тасаввурга эга. Жаҳонгир сюжет түзши, характер яратши, ўз қаҳрамонлари қалбидаги нозик түйгүларни ифода эта олиш каби маҳорат сирларидан ҳам воқиф. Бунинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, Жаҳонгир ёш бўлишига қарамасдан ҳаёт ва унинг сўқмоқларини яхши билади. Шунинг учун ҳам унинг қиссаси ҳам, ҳикояси ҳам ёш китобхонларда яхши, илиқ таассурот қолдиради.

Одил Ёқубов
2000

СОВФА

Ошхонада онаси билан Умида эрталабки нонушта тайёрлашаётган эди.

– Қизим, бу гал Қорбободан қанақа совға кутвоссан? – деб сўради онаси.

– Этмийман, – деб жавоб берди Умида.

– Айтақол, она қизим, – деб орага қўшилди отаси ҳам.

Шу пайт хонага Умиданинг акаси Бахтиёр кириб келди. Унинг совқотган қўллари қизариб кетган, аммо хурсанд эди.

– Роса қорбўрон ўйнадик, – дея битта стулни суриб ўтириди. Кейин синглисига кулиб қаради. – Сан Қорбобонинг борлигига ҳалиям ишонасан-а?

– Нимага бўлмасакан Қорбобо? У киши бор. Манга ҳар йили совғалар олиб келади-ку, – деди Умида.

– Э, галварс. Қорбобо санга ҳеч нарса олиб келмийди. Совғаларни санга...

– Бахтиёр, – деб ўғлининг гапини бўлди дадаси. – Қорбобо бор-ку! Бор деб қўя қолсанг, нима бўлади? Ахир ўзинг шунинг ёшида эканингда қўшнимиз Акмалжон aka: «Қорбобо йўқ» дегани учун қанча йиғлагансан. Ҳозир эсингда йўқдир-да...

– Хўп, Қорбобо бор, бор, – деб қўйди Бахтиёр.

– Ёлғон этвотти. Ўзи ишонмайди... Ёмон бола! – деб ўрнидан туриб кетди Умида.

Отаси унинг қўлидан ушлади.

– Хафа бўлма, қизим. Қорбобо албатта, бор-де. Бу гал ҳам сан ухлаганингда, уйимизга кириб келиб, сан

истаган совғаларни ёстиғинг ёнига қўйиб кетади. Бизга эса «Менинг келганимни айтманглар», дейди. Биз этмимиз. Аммо сан барибир билволасан... Хўш, бу йил қанақа совғалар кутвоссан бобонгдан? Умида ўйланиб қолди-да:

– Майли, биттасини эйтаман, – деди. – Гулсараникидек оппоқ қўйлак. Мустақиллик байрамига шунақа қўйлак кийиб чиқувди. Бирам чиройли эканки, мана бўтида яшил тасмаси бор, – кўкрагини кўрсатди, – байроғимизга ўхшийди.

Эру хотин бир-бирига зимдан қараб қўйиши.

Бир оздан кейин Баҳтиёр ҳам, Умида ҳам мактабга кетиши. Эр-хотин эса бошлари қотиб ўтиришар эди. Ҳар йили янги йил байрамидан олдин улар Умидадан Корбобонинг қандай совғалар олиб келишини кутаётганини билиб олишар, кейин байрамга бир кун қолганида, ўша нарсани ухлаб ётган Умиданинг ёстиғи остига қўйиб қўйишиарди. Қизлари беҳад хурсанд бўлар, уйда югуриб, дераза ойналаридағи ҳар хил юлдузларга ўхшаш муз суратларга боқиб: «Рахмат сизга, Қорбо-бо!» деб бақирап эди.

Бу гал Корбободан кутаёттан совғасининг «биттасини» айтди. Шу биттани топиш ҳам мушкулга ўхшайди: Гулсарадан бошқа қизларда ундаи қўйлак бўлмаган экан, демак, унга онаси тикиб берган бўлиши керак. Унинг онасига буюртма қилиш ноқулай...

– Қисқаси, Гулсаранинг қўйлаги қанақа эканини билиш керак, – деди она. – Кейин бир гап бўлар...

Она мактабга сим қоқиб, Гулсаранинг уй телефони рақамини ёзиб олди. Сўнг эрини ишга жўнатиб, ўша рақамни телефонда терди. Гулсаранинг онаси қўйлак ҳақидаги гапни эшишиб, материални эски шаҳар бозоридан харид қилганлари, қўйлакчани миллий байроғимизга ўхшаш қилиб тикиш фикри нақ қизчалиридан чиққани, унинг «Америкалик жиннивойлар ҳам

кирқ юлдузли кўйлак кийиб юради» дегани, нихоят, кўйлакни бозор дарвозаси ёнидаги дўконда ишлайдиган яҳудий хотинга тикирганини айтиб берди.

Шу кунларда Умиданинг онаси таътилга чиқсан (бунинг ўзигагина маълум сабаби ҳам бор...) эди. Демак, бўш вақти сероб. Она иккиланмай эски шаҳарга йўл олди. Бозор ёнидаги яҳудий тикувчи аёлни излаб топди. Ҳам бичиқчилик, ҳам тикувчилик қиладиган у аёл кулиб-кулиб: «Ўшанақа кўйлаклар модага кираётibi. Тағин бир неча ўзбек хотинларга тикиб бердим», деди.

Шу куни оқшом маҳали Умиданинг онаси эрига бўлган гапларни, кўйлак ҳадемай тайёр бўлишини айтиб берди. Ота хурсанд бўлди-ю, тағин ўйланиб қолди.

– Ахир, кўйлак – унинг битта истаги-ку? – деди.– Сиз тағин ундан алдаб-сулдаб сўранг...

Она сўради, Умида барибир айтмади.

Ҳадемай бир ҳафта ҳам ўтиб кетди. Янги йилга бир кун қолганида, Умиданинг ёстиғи ёнида ялтироқ қоғозга ўралган кўйлак пайдо бўлди. Умида уни қўрибок бақириб юборди. «Қорбобо, раҳмат сизга! Лекин анави совғани ҳам унутманг... «

У кўйлагини кийибоқ акасининг хонасига югурди.

– Бахти! Бахтиёр!

Ўрнини йигиштираётган Бахтиёр синглисига қарди-ю, гўёки қотиб қолди.

– Қорбобога раҳмат дедингми? Қара-я, ўзингта қуийиб қўйгандай турибди.

– Қорбобо бор эканми, бор эканми? – деб қистади Умида.

– Бор, бор, – деди Бахтиёр. – Ман санга ҳазил қилувдим-де. Ман ҳам совға сўрийман яна...

– Сўра, сўра, – Умида шундай деди-ю, кейин ғамгин бўлиб, қўшимча қилди. – Бошқа нарсаям сўровдим. Эшигмадиларми – билмайман?

– Нима? Нимайди у? – деб қизиқди Бахтиёр.

– Йўқ, сенгаям этмийман, – деди Умида. Кейин кўйлагини кўз-кўз қилгани залга чиқди.

Бахтиёрга онаси ҳам: «Синглингдан сўрагин-чи, тагин нима кутаркан Қорбободан? Билиб бер», деган эди. Бахтиёр онасини ошхонада холи топиб:

– Айтмади, айтмади, – деди.

Она бу гапни отага етказди.

– Нима бўлгандаям бугун янги йил киради, – деди ота. – Энди бир нарса деб алдаб қўямиз-да...

– Нима дейин? Қорбобо фақат битта совға қилади, деб тушунтирайми?

– Майли. Аммо бу гапни Бахтиёр унга тушунтиргани маъқул... Илгари фақат битта совға кутарди-я?

– Рост айтасиз. Бахтиёрнинг бу галги уриниши, «тушунтириши» ҳам натижа бермади. Умида унинг гапларига ҳатто қулоқ солмади. Унинг учун Қорбобо – улуғ бир сеҳргар бўлиб, болаларнинг Янги йил арафасида истайдиган ҳамма совғаларини мухайё қиладиган оппоқ соқолли, нафасидан ўрмон совуклари уфуриб турса ҳам, қалби иссиқ, болажонларга меҳрибон қария эди.

Кун кеч бўлди. Қоронғи тушди. Ҳоналарда чироқлар ёнди. Залда эса Янги йил столи – дастурхони ҳам тайёр бўлди. Деразалар ортида – кўча чироқлари шуъласида лопиллаб ёғаётган қор кўринар, энг катта деразанинг ёнида турган Умиданинг назаридага Қорбобо ўша ялтироқ қор учқунларига беланиб, шошиб келаётгандек, қизчанинг пинхона совғасини олиб келаётгандек туюларди.

Ота-она ошхонада куймаланишар, яъни, ота сазан балиқларини тозалаб, кесиб, стол устига қўяр, она балик кесимларини унга булав олиб, қозонга соларди.

– Дадаси сизгаям янги йил совғаси бор, – деб кулди она.

– Менга-я? – деди ота. – Қорбободан совға кутмаганимга минг йиллар бўлди-ку...

- Барибир, күнглингиз бор экан...
- Хўш у қанақа совға бўлди?
- Менинг отпускамни декабрга тўғрилаб олишмданам бирон нарса сезмадингизми?

Ота кулиб қўлларини ёзди.

- Айта қолинг. Сиз ҳам қизингизга ўхшаб кетвоссиз.

Она унинг қулогига шивирлади. Ота бирданига хурсанд бўлиб кетди.

- Ана буни совға деса бўлади!

Аммо Умиданинг хафақонлиги яна ёдларига тушиб, Қорбобо фақат биттагина истакни бажо келтиришини унга ўзлари уқтириб қўйишга аҳд қилишди.

Қовурилган балиқ ҳам дастурхонга тортилгач, ота ўзлари учун «Шампанский»ни, болалар учун «Кока-кола» шишаларини очиб, идишларга қўйди. Бахтиёр бурчакдаги телевизордан кўз узмай ўзларининг мактабларида ўтган Янги йил байрамида, яъни, бундан бир неча соат олдин Қорбобо, Қорқиз келгани, болаларга совға улашаётганида телевизорчилар ўзларини ҳам тасвирга туширганларини сўзлар, Умида эса ҳамон деразага қараб-қараб қўярди. Ота-она бир вақтда унга гап уқтира кетишди.

- Қорбобо битта истакни...

- Ёлғон, ёлғон! – деб юборди Умида. Сўнг ўзларининг мактабида ҳам Янги йил байрами ўтгани, Қорбобо баъзи болаларга битта эмас, учталаб совға улашиб кетганини айта бошлади: – Умар жинси билан этикча сўраган экан. Сожида куртка билан...

Ота-она яна жимиб қолишли. Кейин қадаҳларни қўлларига олиб, болаларни ҳам идишларини олишларини сўраб, бир-бирларига қарашди.

- Сиз бир нима денг, – деди она.

- Узингиз айта қолинг, – деди ота.

- Бўлмаса, гап шундай, болаларим, – деб бошлади она. – Бизлар даданг иккимиз ҳам Қорбободан битта совғани кутардик. Нихоят у киши рози бўлдилар. Яъ-

ники, уч-турт ойдан кейин сизларга битта ука беради-
лар...

Она гапини тутатолмай қолди. Умида:

– Ур-ре! – деб ўрнидан туриб кетди. Кейин чапак ча-
либ, турган ерида айланди.

– Раҳмат, Қорбобожон! Раҳмат! – Сўнг эса ота-она-
си ва акасига қулиб қараб: – ана шуни кутардим... Ука,
ука! – деди-да, деразага қараб чопди. – Раҳмат, бобо-
жон. Раҳма-ат...

Унинг шодон қийқириғи хонани тўлдириб, ҳамма-
ни хурсанд қилиб юборди.

(“Оила ва жамият” газетаси, 1998 й.)



ОВЧИ

Мана, бир неча кундирки, Жума мерган тутқич бермаётган кийикнинг изидан юрибди. Кийик унга учтурт марта чап бериб кетди. Жума унинг янги босилган изини кўриб, энди ўзини кўришга кўз тутганида, ўзигина эмас, изи ҳам йўқолиб қолар, бунга сари овчининг хуноби чиқарди. Нима бало бўляпти? Бу кийикми ўзи? Ахир, кийик, тўғрироғи ёввойи тоғ эчкиси-ку?! Ниҳоят, бир ўртоғининг гапини эслади: айрим тоғ ҳайвонлари овчини чалғитиш учун яна ўз изини босиб орқага қайтармиш-да, тағин бошқа томонга қочиб кетармиш. Афтидан, бу кийик ҳам шунаقا қиляпти. Шошмай тур! Жумадан қочиб қутулиб бўпсан!

Жума янги ғайрат билан ҳайвоннинг кетидан тушди. Бу орада ҳаво бузилиб, ёмғир қуиди. Жума шалаббо бўлгани устига уйдан олиб чиқсан емиши ҳам адo бўлаёзди. Бироқ унинг орқага қайтиш нияти йўқ, ибтидоий овчилик ҳисси – қаҳри унинг қалбини эгаллаб олган эди. Ахир, бу кийик – бу ўрмонда қолган сўнгги кийик эдики, барибир бир йиртқичга ем бўлиши ёки бир келгинди овчининг ўқига униши керак эди.

Йил бошида бир чўпон шохи буралиб кетган бир тоғ такасини отиб олган, унинг айтишича, бу жонивор ўз тудасининг йўлбошчиси бўлиб, тўдада жами саккиз кийик бор экан. Керага тоғларидан ошиб келган бу тўда ҳақида огулларга овоза бўлиб кетган, кейин чин мерганлар ҳам, ҳаваскорлар ҳам ими-жимида қолган кийиклардан олтитасини отиб олишган, қолган биттаси-ушбу кийик бўлиб, мана, у ҳеч кимга тутқич бермас эди.

Энди у Жуманики бўлади, вассалом. Нихоят, унинг омади келди. Ёввойи бодомнинг тўкилмай қолган сап-сариқ барглари орқасида худди шу баргларга ўхшаб кетадиган ҳайвон кўринди. У-ўша кийик эди, ха, ўша. Эътибор қилиб кўрдики, ўша ердаги чашмадан сув ичяпти у. Жума гуннинг ураётган юрагини тўхтатгудек нафасини ичига ютиб, кийикни нишонга олди. Буларнинг ораси анчагина йироқ эди. Шунинг учун унинг бошини эмас (ўқ тегмай қолиши мумкин), бошидан чапроқни-тахминан кўкрагини кўзлаб, тепкини босди. Назарида, кийик сакраб кетиши, камида уч-тўрт қадам босиши лозим эди. Аммо ўқнинг жаранглаган товуши ўрмонда тинди ҳамки, кийикнинг ҳаракати кўринмади.

«Нима бало, яна менга чап бердими?» дея ўйлаганича, милтиққа тағин ўқ жойлаб югурди. Йўқ, ўқ охуга теккан, ўлжа намхуш ерда ёнбошлиб ётарди. Ўқ унинг олдинги оёғига – куракдан пастроига теккан, ўша ердан қон оқар, ҳайвоннинг бутун вужуди титрар, бундан ташқари, кийикнинг бўғоз экани дўмпайган қорнидан аниқ билиниб туради. Жума сал ғалатироқ бўлиб, кийик ёнига чўнқайди. Ахир, шу ҳолида ҳам қимиirlаб, нарига силжиса бўлади-ку? Нега тақдирга тан берган каби ётибди?

Ана шунда жонивор бошини буриб, осмонга қарали. Жуманинг назарида, у хаёт билан видолашаётгандек эди: ахир, уни ҳозир сўйиб олиши мумкин-да!

Бироқ шунда кийик Жуманинг кўзларига тик қаради-ю, овчининг бутун вужуди жимиirlашиб кетди: кийикнинг кўзларидан ёш оқарди. Буни кўриб Жума кўзларини чирт юмиб олди. Очса, тоқат қилолмайдигандек эди.

Шу ой иттифоқо Жума бундан бир неча йил бурун ўтган воқеани эслаб қолди: йўқ, кийикнинг бу ҳолати унга ўша воқеани эслатиб юборди.

Бундан нақ ўн икки йил бурун Жума юқ машинасини ҳайдар, бўш вақтларида бирорларнинг ҳожатини чиқарар эди. Оқшомлари эса улфатлари билан ошхонага кирав, оз-оз ичиб чиқар эди. «Оз-оз» аста-секин «кўп-кўп»га айланди ва кунларнинг бирида фирт мастиб, уйига келаётган эди, дарвоза биқинидаги ахлатхонада шарпадек бир ҳайвонни кўриб қолди. Ҳайвон ғойиб бўлди-ю, Жума уни таниди: шоқол! Кейин бақириб-чақириб, ҳовлига кирди:

— Хотин, шоқолни кўрдим. Товуғингни ўша еган, абраҳ... Ҳозир ўлдираман уни! Милтиқ қани деяпман, милтиқ?

У милтиқни топди ва ўқлаб, яна дарвозадан чиқди. Ҳовлинини айланиб, қишлоқ кўчаларига ҳам зехн солиб қайтди. Чиябўри йўқ эди.

Бу вақтда унинг хотини дордаги кирларни йиғишишиб олаётган эди. Жума тўхтаб қолди-ю, дордан силжиб тушаётган кийимга кўзи тушиб, шартта милтиқни тўғрилади ва тепкини босди. Ўқнинг варанглаши билан бирга хотинининг ҳам инграши Эшитилди. Жума отилиб борди у ерга. Аёли ёнбошлиб ўнг сонини ушлаб ётар, эшик пештоқидаги чирок нурида унинг кўзларидан оқаётган ёш кўринар, энди миқ этмас, фақат эрига таъна билан тикилар эди. Жума беихтиёр ҳушёр тортиб нима иш қилиб қўйганини англади-да, аста чўнқайиб, кўзларини юмди. Кейин ўзиниям, ич-киликниям сўкиб, бир оз ўтирди ва хотинини кўтариб, айвонга олиб чиқди. Сўнгра гаражга бориб, машинасини ҳайдаб келди. Хотинини ёнига ўтқазиб касалхонага олиб борди.

Ўқ-ку қилғилигини қилган, лекин ҳомиладор хотинини йиқитиб, боласини ҳам туширган эди: эгизак экан. Бунинг устига, дўхтирлар аёлнинг қаттиқ қўрққани, кўп аъзолари эзилиб кетгани боис ҳали-вери туғмаслигини айтишди, боз устига – аёл касалхонадан оқсаб чиқди.

Бу вөкөа Жумага қаттиқ таъсир этган эди. У ҳаргиз үзини қўйишга жой тополмас, хотинининг кўнглидан ўша ишни чиқариш ҳақида ўйлаб ўйига етолмас эди. Гангиб юриб, мачитга қатнайдиган бўлди. Намоз ўқий бошлади. Ҳатто үзининг жума кунида туғилгани боис шундай исм қўйганлари ҳақида ўйлаб, бу хосиятли исмни ҳам оқламаганини фахмлади. Бунинг устига қариндошлари аёлининг туғмаслигини айтиб, бошқа хотинга уйланишни маслаҳат бера бошлашиди. Лекин бу гапларни эшитгиси келмас эди унинг: чунки аёли олдида үзини айбдор деб билар, бу айбини хеч қачон куволмаслигига ишонар эди.

Окибат унинг қишлоқда яшагиси келмай қолди. Ховли-жойини мусофир ўқитувчига сотиб, шимолдаги Коратоғ этагида-жилға бўйида бир кулбани тикка қилиди. Шу ердаги колхоз раисига учраб, бир отар қўй-эчки олди. Чўпонлик қила бошлади. Табиий, вақт-вақти билан каклик, тулки овига чиқиб турар, баъзан тоғ эчкилари ҳам учраб қоларди. Бошқа бўш вақтларини уйида, кичкина томорқасида ўтказар ва беш вақт намозида Оллоҳдан фарзанд сурар, унга илтижо қиласарди. Олти йил деганда Тангрига унинг нолалари етли шекилли, бир фарзанд берди: ўғил! Унинг отини ўйлаб-ўйлаб Мухаммал қўйди. Шу кунларда Мухаммад олти ёшда эди...

У кўзларини очиб, кийикнинг ярадор оёғига тикилди ва хотинининг ҳам бир неча йил муқалдам шу алпозда ётганини эслади. Ўшандаги «овчи»лиги, тугилмаган фарзандларининг нобуд бўлишига сабаб бўлгани, кейин ўтган олти йиллик ғамгин умр, аёлининг ҳам оқсаб юриши – бари-бари яна кўз олдидан ўтди-да, энди ўз кўзларидан ёш қуяилиб кетди.

«Нима ёмонлик қилувдинг сен менга? Нега мен сенинг ҳаётингта зомин бўлишим керак? – деб ўйлади у. – Ким менга бундай ҳуқук берди? Иккимизни ҳам Аллоҳ яратди-ку? Бирок, мени овчи қилиб, сени оху қилиб яратган экан-да! Гап шундами, холос?»

Овчи билан ўлжа яна бир неча сония бир-биридан кўз узмай қолишиди.

Кейин Жума оғзи қақраб кетганини сезди. Секин ўрнидан туриб, чашма бошига борди. Ҳовучида сув олиб ича бошлади. Кейин она кийикка қараб турди-да, яна ҳовучида сув олиб, унинг кўпикланиб турган оғзи-га томизди. Жонивор бир неча қултум ютди. Кейин Жума белбоғини ечиб ҳўллади-да, кийикнинг ярасини артди. Сўнгра мильтигини елкасига илиб, кийикни даст кўтариб олди. Аммо бир неча қадам қўймасдан тўхтади: жонивор оғиргина эди. Жума эгнидан чопонини ечиб, ерга ёзди-да, кийикни ётқизди. Сўнг чопон этагидан ушлаб судраб кета бошлади. У ҳеч нарсани йиламас, ярадорни уйига олиб бориши лозим эди, холос. Нишаб жойлар келганда, кийикни чопонга қўшиб кўтариб олар, пастга тушгач, яна ерга қўйиб судрар эди. У энг яқин йўлни танлаган эса-да, кечқурун уйига етиб борди.

Отасини узоқдан кўрган Муҳаммад «дада-а!» деб унга пешвоз югурди. Жума ўғлини кўтариб, ўпди. Болакай дастлаб ярадор кийикка эътибор қилмаган эди, уни кўргач, чўнқайиб ўтирволди.

– Дада, у ўладими, а? – деб сўради у.

– Йўқ, у яшайди, – деб қатъий жавоб берди Жума.

– Сиз буни топиб олдингизми ё отиб олдингизми?

– Топиб олдим. Энди ўлимдан қутқараман, – деди Жума пинак бузмай. – Буни даволаймиз, ўғлим. Кейин биз билан яшайди.

– Вей, қандоқ яхши! – Муҳаммад кийикнинг ярасини куриб, ийғлаб юборди. – Жуда оғрияпти, а?

– Оғрияпти. Қани, кетдик.

Жума яна чопон этагидан ушлаб кўтарди. Бошқа бир четидан ўғли ҳам ушлаб олди. Кейин уни судраб уйга йўналдилар.

Сўнгра кийикни парвариш қила бошладилар. Жуманинг хотини жониворга дарҳол мумиё едириди –

эритиб оғзига қўйди. Жума эса ҳайвоннинг синган курак суягига тахтакач боғлади. Кейин ярасига кигиз куйдирив босди. Мұхаммад сув ташир, айтилган ишни қилар, ярадор кийикни даволашда иштирок этаётганидан хурсанд эди. Кунлар ўтиб, она кийик оёққа турди ва оқсаб юрадиган бўлди.

Жума гоҳо кийикни отарга қўшар, у жайдари әчкилар қатори ўтлар эди. Шунда кичкина Мұхаммад унинг орқасидан қолмас, у толиқиб тўхтаганда, қулогига бир нималарни шивирлар эди. Яна бир оз муддат ўтгач, она кийик қизғишига улоқча туғди. Улоқ нуқул титрар, ҳар нарсадан чўчирил эди. Шунда оҳиста ба-балаб онасининг пинжига тиқилар, онасининг оёқлари орасига кириб оларди. Она хириллаган товуш чиқариб, унинг бошини, думини яларди. Бирор ойдан кейин кийикча Мұхаммад билан ўйнайдиган бўлди: Мұхаммад сутли ўтлардан юлиб, унга оз-оздан едириб қочар, кийик бола уни қувлаб юрарди. Она кийик эса ҳамон оқсаб юрар, аммо энди олис тоғларга, ўрмонларга тез-тез қараб тикилиб қоларди.

Шундай кунларнинг бирида тонг маҳали Мұхаммад ташқарида милтиқ отилганидан уйғониб кетди. Ташқарига чиқса, каттакон тош қўра девори ёнидан отаси бир бўрини оёғидан судраб келаётибди. Олапар итлари бўлса, ўлган бўрига қараб жон ҳолатда ҳуар эди. Жума ўлжани чайла яқинига опкелгач, шоша-пишша терисини шилишга тушди.

– Ўғлим, бақрайиб турма, сув опке. Бунинг терисини тезроқ шилиб олмасак, қотиб қолади.

Мұхаммад чойгумда сув олиб келди.

– Буни қаерда отдингиз, дада?

– Молга келган экан,—деб жавоб берди Жума.– Кийигинг ҳуркак-да, қўрадан чиқиб қочипти. Вақтида отмаганимда, кийикдан айрилиб қолардинг.

– Веӣ, яна ўлимдан қутқарибсиз-да. Қандоқ яхши!

– Ҳуркаклиги чаток-да. Итдан ҳам қочади...

– Ишқилиб, токқа кетиб қолмайдими?

– Билмадим, ўғлим, билмадим, – деди Жума ўйчан тортиб. Сўнг терини шилиб олиб, пичоқни дарахт тўнкасига санчиб қўйди-да, қўлини юва бошлади. – Балки биз билан қолар, балки... Биз ахир буни даволадик, ҳимоя қилдик. Лекин, биласанми, ўғлим, бунинг ватани – ўрмон, тоғ. Бир вақт келиб, кетиб қолишиям мумкин...

Шу пайт этак томондан машинанинг товуши эши-тилди. Енгил УАЗ яқин келиб тўхтади. Ҳайдовчининг ўрнида ўтирган йигит пастга тушди. У колхоз раисининг ўғли бўлиб, ўттиз ёшлар атрофика, афтидан, ўзи-ни ҳам раисдек чоғлар эди.

– Салом бердик, Жумабой, – деб етиб келди.– Э, овинг бароридан кепти-ку! Омадли йигитсан. Хўш, бизнинг қўйлар қалай? Эчкилар? Бўри емасдан, сел олмасдан, касал бўлмасдан юритими?

– Юрити. Ҳаммаси соғ-омон, – деб жавоб берди Жума. – Бу йил яна қўпайиб қолди туёғи... Қани, уйга киринг, хўжайин.

– Мен шошиб турибман, жўра, – деди ёш хўжайин. – Айтмоқчи, бизнинг молдан биронтаси ўлса, селга оқса, касал бўлса, нима қилишни биласан-а?

– Албатга, – деб яна жавоб берди Жума. – Колхозни-кидан қўшиб қўяман-да, хўжайин...

– Маладес.

– Раис бобом тайинлаганлар. Биз бир чўпон... Айт-тилган ишни қиласиз.

– Хўш, энди яна битта айтиладиган иш бор, – деди раиснинг ўғли қўрадаги эчкиларга зехн солиб.

– Бош устига.

– Эшитишинга қараганда, отарингда кийик пайдо бўпти. Умрим бино бўлиб эшитмаган эдим... Уйда-гилар ҳам қизиқиб қолишли. Биласан, мендаям мана шундай бир ўғилча бор. Ўша де, «кийикни опкелиб берасиз. Боласини ўйнатиб юраман», деб тоза хархаша қилди, жўра. Шунинг учун бугун вақтироқ чиқиб, бу

ерга келдим. Мен... истасанг, пулини тұлайман. Истасанг, бошига – бош, анави әчкіларимдан бирини ол. Сен кийикни бер...

Ёш хұжайиннинг сүзини бўлмасдан тинглаб турган Жума:

– Кечирасиз, лекин кийикни сизга беролмайман, – деди.

– Беролмайсан? – туйқусдан ҳайрон бўлди раиснинг ўғли.–Менга қолса, ўзингдан билиб, уйга обориб беришинг керак эди. Ахир, умуман айтганда, бизнинг чўпонимизсан.

– Шундайку-я, лекин кийикни беролмайман,–деди яна Жума. – Қолаверса, майли, отар сизларники бўлсин, аммо кийик – меники, бизники...

– Меники, – деб қолди шунда Мухаммад. – Кийикчани бермайман!

– Бермаймиз, албатта, – деди Жума, – йиғлама, ўғлим... Керак бўлса, майли, отарни олсин...

– Шундайми ҳали? – деди шунда ёш хұжайин. – Ҳей, иигит, чўпонлик қиласан деб, овчилик қилиб юрганингни ким билмайди? Қанча паррандани қуритдинг, бра-коњер!.. Ҳозир овлайдиган замонми? Битта кийикни отганга фалон минг сўм жарима бор. Каклик ҳам ле-цензия билан отилади...

– Ҳа, шундай дейишади,–деб қўйди Жума.

– Қани, бўл! Кийик қани? Анавими? Опке... Ач-чиғим чиқса, сени қаматаб юборишим мумкин!

– Ҳе, аччиғим чиқса, мен ҳам нима дейишни биламан, – деди Жума. – Сизлар колхозни қуриятсизлар... Тағин уялмасдан бизнинг мол ўлса, нима қилишни биласан-а, дейсиз. Инсофсизлар...

– Жума, оғзингга қараб гапир!

Ёш хұжайин унга бостириб келган эди, Жума тўн-кага қадалган пичоқни олди.

Шунда Жуманинг хотини уйдан чиқиб келди. Аммо бир сўз дейишга улгурмасидан бурун ёш хұжайин ортига чекинди-да:

– Эрингни күрдингми? Эсингда тут!.. Бу пиёнистага ачиниб мол берган эдик... – дея шартта кабинага кириб олди. Сунг ойнадан бошини чиқариб: – Ҳали учрашамиз, – деди ва машинани жилдириб, тез юриб кетди.

– Кетди-и! – деди қувониб Мұхаммад. – Дадам зұр! Кийикни бермадилар!

– Энди нима қилар экан у? – деб охиста сұради хотин.

– Ҳеч нарса қилолмайды, – деди Жума. – Ҳовликиши, кариллаб юришни билади бу...

– Лекин қаттық гаплар айтдингиз.

– Мен ростини айтдым. Жойи келса, яна айтаман... Майли, браконьер деб штраф олсин. Лекин қандай браконьерлігимни шу кийик ҳам билади. Қолаверса, мен үзгариб бұлдым, хотин... Бупти, терини ол, туз сепиб қуй...

Тоғ этакларида бошланған баҳор аста-секин тоғларға ҳам етиб келди. Ана шундай авжи күклам күнларидан бири әди. Жума тонг сахарда үғлини үйғотди. Хотини ҳам унга әргашиб, ташқарига чиқишиди. Она кийик тошқұрадан анча наридаги тепачада қулоклағарни чимириб турар, ёнида боласи дам унга, дам уига қарапади.

– Үғлим, улар кетишаңты, – деди Жума. – Мен күп чақирдим. Қарашмади.

– Нега, нега? – деб бирдан күзи ёшланди Мұхаммад-нинг. – Ахир, биз уларға ёмонлик қилмадик-ку?

– Рост... Лекин улар кетади әнди. Сенға айтгувдим-ку, уларнинг ватани у ёқда. Уйлари ҳам...

– Йүқ, – әнди ҳүнніраб йиглаворди үғил. – Менинг кийикчам... Меники у. Ҳозир үт бераман...

Мұхаммад томорқага қараб югурди. Шунда она кийик дик-дик сакраб нарига борди. Боласи ҳам ортиға қарай- қарай унинг ёнига келди. Кейин буларға бир мұддат тикилиб туриши-да, енгил-енгил сакраб үрмөн томонға узоклаша бошлиди.

– Афсус, – деди Жуманинг хотини. – Ўрганиб қолган эдик. Тоғларда қандай яшар экан энди!

– Энди... улар ўлади, – деди Жума.

– Ўлади?

– Ҳа, хотин, улар бир оз вақт бўлсаям бизнинг шароитга ўрганиб қолишган эди. Айниқса, кийикнинг боласи... Қўлдан ўт ея бошлаган эди. Бундан ташқари, она кийик оқсоқ... Ўрмонда нималар йўқ дейсан. Мана, бўрининг биттаси...

– Вой, сиз буни... Шундай бўлишини била туриб... Тавба, бошдан билармидингиз?

– Албатта, – деди Жума. – Шунчаки, мен уни ярадор ҳолда кўрганимда сени эслаб қолдим. Дилем ранжи-ди, ўзимдан хафа бўлдим. Кейин уни сўйгим келмади. Аммо ўша ҳолда уни ташлаб кетолмас ҳам эдим. Нима килишни билмасдан уни уйга олиб келдим. Бироқ йўлдаёқ бунинг қисматини сезган эдим... Ҳа, ўрмонда қолдирсам, бир кун ҳам яшолмас эди. Биз унинг ҳаётини бироз чўздиқ, холос... Тавба дейман: ўрмонда... яхши мерганга дуч бўлган ҳайвоннинг қисмати ҳамиша шундай тугайди. Бу нима ўзи? Ҳақиқат, қисмат, тақдир... Начора. Қўлимдан ҳеч нарса келмайди, мен шунчаки...

Шунда нақ том устидан Муҳаммаднинг бақириғи эшитила бошлади:

Хайр, хайр!..

У кийиклар билан хайрлашар, овозида йифи, айни чоғда бир синиқ шодиёналик ҳам бор эди.

(“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1998 и.
3 октябрь).



ОРЗУ ДАРАХТИ

Ўшаңда олти-етги ёшларда эдим. Жуда яхши эслайман: ҳар йили баҳорнинг авжи пайтида шаҳардан тоққа чиқиб борардик. Дадамнинг машинасида. Дадам рулда, опам, яъни, онам билан мен орқада ўтирадик. Чиқиб ке-етардик. Чорвоқ сув омборларигача борардик... Ҳе, йулда лолалар очила бошлиган денг. Менга айниқса, бойчечакка ўхшаб кетадиган, бироқ ундан йирикроқ ҳамда пуштиранг Чотқол лоласи ёқарди. Бирам нозик, бирам хушбўй, бирам нафис булади у. Тоғда усадиган дарахтлар ҳам гуллай бошлиган, дўланалар эса энди ғунчалаган булади. Аммо қишининг асорати ҳали кетмаган, шунинг учун тоққа кўтарилиганимиз сари совуқ кучаярди. Биз ёнбағирларда тухтаб, курпачамизни ёзиб, уйдан олиб чиқсан овқатимизни еб, тагин ялпиз, момақаймоқ ва лолалардан териб қайтиб тушардик. Ҳа, дадам ёқсан гулханларда исиниб ўтириш ҳам олам-олам завқ берарди.

Бироқ ҳамма завқлардан завқлиси – менинг учун этакда, йул ёқасида қолиб кетган каттакон арчани томоша қилиш эди. Тоғнинг қаерига чиқмайлик, арча куриниб турарди: тоҳ кичрайиб, тоҳ каттариб. Бу арча – жуда хосиятли арча эди. Узиям иўғон, баланд, танасига дадамнинг қулочи етмасди. Унинг энг қизиқ томони шунда элики, айниқса, пастки шохларида латта-путталар, ҳар хил рангдаги румолчалар илинмаган жой йўқ эди. Ажойиб бўлиб, ўйинчоқлар билан безатилган янги йил арчасидек бўлиб турарди.

Тагин унинг менга жуда севимли бўлиб қолганининг сабаби шундаки, унинг ёнидаги йўлдан

ўтаётганимизда дадам «жигули»ни түхтатар, ойим қўлимга битта рўмолча бериб: «Бор. Илиб кел. Орзуларинг ушалади», дер эдилар. Мен машинадан чиқибоқ, югуриб кетардим. Кейин рўмолчани бирон бутоққа боғлаб: «Арчажон, орзуларим ушалсин», дер эдим. Менда нима орзу бор эди? Дадам айтган-тайинлаган, миямга қуйиб юборган орзулар эди-да. Яъни, дадам: «Яхши одам бўлгин. Мана шу – сенинг Ватанинг, унга содик ўғлон бўлгин, болам. Халқинг сендан хурсанд бўлсин, болам...» ва ҳоказолар эди. Мен рўмолчани, яъни, аламни бутоққа илаётганимда ёки боғлаётганимда ана шу орзулар кўнглимдан ўтарди, албатта.

Шунинг учун бу арча дарахти менга бошқача кўринарди. Қадрдон эди. Назаримда, у бошқа ўткинчилар ҳамда саёҳатга чиққанлар учун ҳам шундай хосиятли ва севимли орзу дарахти эди. Йўғасам улар ҳам қийқим-сийқимларни илишмасди. Ҳа, яхши-да табиатнинг шундай бир гўзал дарахтига меҳр қўйиш, унга ихлос билан қарашиб, ҳатто – унга қандайдир ишониш... ҳам яхши-да!

Бошқаларни билмайман-у, мен бундан қувониб юрадим. Ўша Чотқол тоги этакларида менинг орзуларим ушалишига қандайдир ҳиссами, улушми қўшадиган мўъжизали дарахтим бор эди! Гапнинг рости, унга қандайдир суянардим ҳам.

Хўш, бизнинг тоққа қиласидиган сафаримиз ҳар иили деярли бир вақтга тўғри келарди. Яъни, Наврӯз байрамига... Сафаримизга икки-уч ҳафталар қолгандаёқ оиласизда «Наврӯз» ҳақида гап-сўз бошлинарди, яъни уни нишонлаш ҳақида гапиришар, бироқ қизиги шундаки, бегоналар борида гапиришмас, ҳатто «Наврӯз» сўзини тилга олишмас эди. Мен бу ҳолга кўниккан эдим. Бунинг сабабини билмасдим албатта. Бироқ бунга кўникканим учун ўзим ҳам шивирлаб га-

пиардим: «Она, қачон Наврӯз келади? Қачон тоққа чиқамиз? Арчамни соғиндим...» ва ҳоказолар. Тўғри, назаримда, Наврӯз ҳақида нима учун ётлар борида гапирмай қолишлари ҳақида сўраганман. Аммо улар, биламан, гапни бошқа ёққа буриб юборишарди.

Энди мен тепада қолиб кетган гаплардан ҳам айтанин-да. Дадам машинани арча яқинида тўхтатгандарида, албатта у мўъжизали дараҳтдан нари томондаги ям-яшил майдонда бир-икки чодирлар тикилган бўлар, хотин-халаж, болалар ҳам бўлишарди. Ва каттакон қозонда сумалак пиширишарди.

Агар биз ўша вақтда етиб борган бўлсак, мен-ку аламни олиб арчага қараб чопардим, ота-онам ҳам машинадан тушиб, анави «кўчманчи» сайёҳлар билан саломлашар, «Наврӯзингиз муборак!» деб бир-бирларини қутлашар, сумалак пишган бўлса, унга бизнинг ҳам оғзимиз тегарди.

Ана шу сумалакнинг таъми оғзимизда қолгани учунми онамга кўп айтардим: «Сумалакни уйда пиширсам бўладими, она? Пишира қолинг. Нега энди нуқул тоғда?..»

Онам бу саволимга ҳам жавоб бермас эди. Жуда қисталанг қилиб сўрайверсам: «Тоғда, очик ҳавода сумалак ейиш яхши-да», деб қўярдилар.

Ана шунинг учун баъзан шундай ўйлардим: «Ўша чодирдаги одамлар ҳам очик ҳавода сумалак ейишни яхши кўришаркан-да...» Аммо мен болапақир уларнинг атайин тоғда бу баҳор таомини пиширишлари сабабини билмасдим албатта: улар яширинча сумалак қилишаркан. Уйимиздаги «Наврӯз» ҳақидаги гап-сўзларнинг бегоналар олдида тўхтаб қолишига ҳам сабаб шу экан...

Ана энди мен қандай қилиб бу «сир»ни билганим ҳақида айтиб бераман.

Тоққа чиқишлиаримизнинг навбатдагисида, яъни, ўша куни ҳаво анча салқин эди. Шунинг учун биз шаҳардан чиқишимиз билан онам бўйимга ўлчаб тикилган чопонимни кийгизиб, қалампирнусха дўппимни ҳам бошимга қўндириб: «Ана энди қип-қизил ўзбеквачча бўлдинг», дедилар. Кулишиб йўлда давом этдик. Ҳар галгидек юрагим гуп-гуп уриб, арчамга тал-пинаман денг. Ҳар галгидек сумалакни хумори тутиб, уни ялаб кўргим келади...

Мана, ниҳоят, улуғвор ва чиройли, янги йил арчасидек безатилган мӯъжизали-хосиятли дарахтимиз ҳам кўриниб қолди. Ундан сал нарида тутун чиқяпти. Демак, қозонда сумалак пишяпти... Ҳақиқатан ҳам шундай экан. Мен дарров қўлимни чўздим. Онам ҳам дарров қўлимга чиройли бир рўмолчани тутқаздилар. Уни олиб, арча томонга чопиб кетдим. Қозон атрофидагиларга салом берив, аламни бир бўш бутоққа боғладим. Бу орада отам билан онам чодир яқинидагилар билан сўрашишар ва тогдан қайтишда тўхтаб ўтишларини айтишар эди. Мен арчага яна бир бор тикилдим: хе, бунда сир кўп. Бу зўр арча. Аммо лекин юқоридаги шохларига ҳам латталар илинган-боғланган эканки, энди ҳар қанақа ўйинчоқлар билан безатилган арча ҳам бунинг олдида кўримсиз бўлиб қоларди.

Бир маҳал орқа томонимдан қандайдир зўр бир машинанинг бўкириб сигнал бергани эшитилиб қолди. Шартта бурилиб қарасам, машинамизнинг ёнида қоп-қора «Зим» турибди. Унинг кабинасидан қоп-қора плаш кийган бир хотин тушаётган экан. Эшикни чиройли костюм кийган бир полвонсифат йигит очиб турибди дениг. Нарироқда яна битта ўшандоқ йигит хўмрайиб атрофларга қараётибди. «Булар ким бўлди? – деб ўйладим. – Ҳечам кўрмаган эдим...»

Аммо шу маҳал ҳалиги хотин онамга алланималар деб бақира кетди. Ҳа, кейин отамга ҳам дўк-пўписа қила бошлади шекили... Вой бечора онам, дадам!

Улар жимгина бош эгиб туришар, қора кийим кийган хотиннинг бақиришларини жимгина эшитишар эди. Бу ҳолни кўриб, мен ҳам нафасимни ичимга ютиб қолдим. «Нимага бақирасиз менинг ота-онамга?» дегим келар, лекин бундай дейиш тугул, умуман, уларга бир сўз айтиш ҳам мумкинмаслигини фаҳмлаган эдим.

Хуллас, мен аста-аста четланиб, арча панасига ўтдим. Нимага бундай киляпман? Билмас эдим. Назаримда, мени ҳам уришиб-сўкиб берадигандек эди...

Шунда денг, ҳалиги плаш кийган хотин йўлнинг бу ёғига ўтиб, сумалак пишираётганларнинг ёнига кела бошлади. Анави иккита полвон ҳам унга эргашиб келарди. Хотин қозоннинг тепасига етди-да, бу ерда ҳам жимгина, қўрқибгина туришган хотин-халажга қараб бақира кетди. Ана шунда унинг сўзларини сал-пал тушундим.

– Нимага сумалак пиширяпсизлар? Нима, ўтмишни соғиниб қолдингларми? А, жавоб беринглар... Бу ахир – диний одат-ку?! Билмайсанларми? Биласанлар... Шунинг учун атайин тоққа чиқиб келиб, бу бўтқани пиширяпсизлар. Анави болаларни қаранглар... Уларнинг ҳам онгини заҳарлайпсанлар!

Хотин-халажнинг ахволи забун эди. Ҳа, забун эди. Одамнинг раҳми келарди-да бечораларга... Шундай яхши, мазали таом пиширишса-ю мана бу «Зим»лилардан балога қолиши. Тағин уларнинг бош эгиб туришини қаранг!

Эй, бу хотин ким бўлди ўзи? Нимага мунча карилайди?! Нимага мунча... қўрқишади бизниклар ҳам?!

– Қани, ўға сув сепинглар! – деб қолди ҳалиги аёл. – Сепинглар, тепкилаб ўчиринглар! Қани, бўлларинг тезроқ... – Сумалак эгалари ўчоқдаги ўтга тикилишарди, холос. – Қозонни кўтаринглар! – Қозонни ҳам олишмади. – Ҳай, санларга айтяпман, нодонлар, онгсизлар! Сиёsatдан бехабар гумроҳлар!

Шунда чодирдан уйқусираб чиқкан бир эркак одам:

– Нима гап? Нима шовқин? Шу ердаям тинчлик йўқ экан-да... – деди-да, меҳмонларга тикилиб қолди. Кейин оғзининг таноби қочиб илжайди. – Хуш кўрдик, меҳмонлар! Наврўзларинг муборак бўлсин!

– Нима?! – деб бақириб юборди қора кийган хотин. – Яна бир такрорла!

– Наврўз ҳайитларинг қутлуғ бўлсин, – энди пастроқ тушди эркак.

– Ахмоқ! – деб юборди хотин. – Нодон... буларнинг ҳаммасини сен бошлаб келгансан. Қаерда турасан? Манзилингни айт... Ёзиб олинглар! – деб ёнидаги йигитларга ҳам айтди.

– Э, манзилни сўраб нима қиласиз, опай, – деди эркак уйқуси тамоман ўчиб кетиб. – Жуда унақа қаматгингиз келса, мана, тайёрмиз. Мана, қўл...

– Алжима! – деди аёл. – Қани, қозонни ағдар! Кўзимни олдида тўқ сумалакни!

– Э, эсингиз жойидами, опай? Бу табаррук таом-ку, – деб эркак ва аёллар ҳам чувиллашди:

– Табаррук, табаррук...

– «Табаррук» эмиш... Эшитяпсизларми? – Фигони фалакка чиқиб кетди аёлнинг. – Йўқ, булар билан бошка ерда гаплашамиз ҳали. Қани, – дея ҳамроҳларига русчалаб бир нарса деди. – Живо! Сейчас же!

Шу пайт ҳалиги икки йигит ўчоқ бошига илдамлаб бориб, қозоннинг қулоқларини ушлашди... Ушлаши-ю, қўллари куйдими дарҳол тисланишди. Кейин қозонни олмаёқ ағдариб юборишли. Сап-сариқ қиёмдек таом кўм-кўк майсалар устига тухумнинг сарифига ўхшаб ёйилиб кетди. Ундан буғ кўтаришлар, бир аянчли манзара эди. Қозон ағдарилиши замон «ув-в» дея тик турган жойларига ўтириб-ўтириб қолган аёллар бемалол йиғлашга тушдилар.

* * *

Шу вақт мен дарахт панасидан ота-онамнинг ёнига югуриб бордим. Чунки анави хотин шериклари билан

машиналар томонга йўл олишган эди. Боёкиш дадам билан онам ҳам қўрқибгина туришарди. Улар етиб келишиди.

– Ана шундай бўлади! – деди шунда аёл дадамга қараб. Нима? Сумалак, сумалак...

– Энди, сумалакнинг саставида витаминалар куп-да, секретарь опа, – деди отам.

– Майнавозчилик қилманг. Сиз анави хотинингизга гапиринг бу гапни! – Аёл дадамга шундай деб, онамга қаради-ю, менга кузи тушиб, ишонинг-ишонманг, қотиб қолди. Кейин – чопонни еч! – деб менга бақириб юборди.

– Нимага? Кун совук-ку, опа, – дедим.

– Еч деяпман сенга! – яна зуғум қилди қора плашли хотин.

– Э, мен совқотаман-е...

– Еч, еч, – деди шунда онам. Мен ноилож түнимни ечиб, у қишига бердим.

Шунда ҳам бу жодугардан қутулолмадим. Бошимга егудек бўлиб тикилди-да:

– Дўппини ол! – деди. Индамайгина дўппимни ҳам бошимдан олдим. – Яна нима қилай, опа?

– Буларни кийма! – деб уқтирди секретарь опа. – Билдингми? Булар эскилиқ сарқити... Жуда ўзбек бўлгинг келиб қолдими? Ё отанг шунаقا насиҳат қилдими? Сизлар – совет кишисизлар. Шунга муносиб бўлинглар. Ўзбек-пўзбек, всё это чепуха... Ҳой, хоним, эшитиб олинг, – деди кейин онамга ҳам. – Болани бузманлар, онгини заҳарламанлар. Ҳадемай комсомол бўлади бу...

– Ҳўп, ҳўп, опажон, – деди онам.

– Айтганингизни қиласиз, – деди дадам.

Кейин секретарь опа ҳамроҳларига русчалаб тагин бир нималар деб вайсади-да, улардан биттаси очиб турган эшикдан «Зим»га кириб ўтирди. Эшик ёпилди. Йи-

гитлар ҳам кириб ўрнашишгач, машина жилиб, Човоқ денгизи томонга кўтарилиб кетди.

Ана шу пайтдаги ҳолатни кўрсангиз эди. Биз лолу ҳайрон ва аламда эдик. Анави хотин-халаж ҳамон чўнқайиб ўтиришар, ўша эркак бўлса қўлини очиб, бир нималар дея дуо қиласди. Улар юзларига фотиҳа тортишгач, ота-онам уларга тақлид қилгандай юзларига фотиҳа тортишди. Буларни кўриб, мен ҳам «омин деб қўйдим. Кейин онам:

- Ма, кийиб ол, – деб чопонимни бердилар.
- Анави хотин кийма деди-ку? Тағин сизлар гап эшишиб юрманглар мен учун...
- Махмаданалик қилма, – дўқ қилиб юбордилар. – Бизни ўйлайдиган бўптилар. Ўзингни ўйла. Шамоллаб қоласан!

Тўнни кийиб олдим. Дўппини ҳам бошимга бостирдим. Машинага кириб ўтирдик. Дадам чодир олдидагилар билан хўшлашаётгандек қаттиқ сигнал бердилар-да, «Жигули»ни орқага қайтардилар. Мен олдинда ўтиргандим. Рулга ёпишдим.

- Лола терамиз!
- Терамиз, терамиз... Бу ёқдаям лола бор, – деди дадам. Кейин сал юриб, паст-баланд дўнгликлар томонга ҳайдадилар машинани. Дўнгликларнинг орқасига ўтсак, фақат... дўланазор! Лекин бу ерда лола эмас бойчечаклар бор экан. Роса тердик. Ўзимизга олиб келган овқатни иситиб едик. Гулхан ёқдик.

Мен албатта байрамимизни бузган, сумалакни тўккан аёлнинг нега бунчалик экани ҳақида кўп сўрадим. Мингирилаб... дадам билан онам деярли жавоб беришмади.

Кейин уларнинг ўзаро гапларидан бир нималарни англашандек бўлдим.

- Шу ўзининг аҳмоқлик қилаётганини билмайдими дейман, а? – деди дадам.

– Балони билади. Ҳа, билмас эмиш, – деди онам. – Шунчаки бир қўғирчоқда бу!

– Лекин бу гапингиз ҳам рост, – деди дадам. Кейин ўйланиб, қўшимча қилдилар: – Қарамлик ёмон-а?

– О, ҳамма бало шунда, – деди онам.

– Мустақил бўлармиканмиз?

– Худо билади.

Кейин онам менга тикилиб қолди-да:

– Болажон, эндиgi келишимиизда, – деди, – арчага алам илаётганингда, эшитиб ол, «Илоё мустақил бўлайлик. Ўзимизга ўзимиз бек бўлайлик», де.

– Ҳа, айтмоқчи, худди шундай дегин, ўғлим. Фойда-си бор. Ёшсан, гуноҳинг йўқ. Дуойинг ижобатта ўтади... Эсингдан чиқарма, болам. Қани, энди уйга кетамиз...

* * *

Нима дейсизки, баҳор ўтиб ёз келди. Кейин куз, қиши... Яна баҳор нафаси кела бошлади. Уйимизда яна сумалак ҳақида, Наврӯз ҳақида гаплар бошланди. Тағин ўша-ўша – қандайдир яширинча... Шундай кунларнинг бирида яна тоққа отландик.

Қараб бораётибман. Арча ҳозир кўринади... Арчажоним кўринадилар...

Йўқ, арчам кўринмас эди. Лекин ўша йўлдан бораётибмиз. Рўпарамизда Чотқол тоғлари...

– Дада, бошқа йўлдан кетяпмизми? – деб сўрадим. – Нима бу йил ҳам опа чиқади дейсизми?

– Чиқса чиқар, – деди дадам. – Лекин ўша йўлдан кетяпмиз, ўғлим.

– Ахир, арча йўқ-ку? Кўринмаяпти... Ҳар ёқдан кўриниб туарди у!

Онам ҳам, дадам ҳам олдинга боқишиди. Машина тоғ секинлаб, тоғ тезлаб юриб, ўша таниш майдон қархисига келганда тўхтадик. Арчам... йўқ эди. Унинг ўрнида текис қилиб арраланган тўнка бор эди, холос. Додлаб юбордим:

– Энди нима бўлади? Орзуларим нима бўлади, дада? Ойи... Нима бўлди арчамизга?

Улар мени овутишди. Кейин ётиғи билан тушунтиришди: демак, ўша секретарь опа кейин кестириб юборган буни... Кейин ғамгин-ғамгин қулишди.

– Нимага эришар экан шу билан?

– Мен бекорга нодон демайман уни...

– Ай! – Кейин онам қўлимга яна чиройли бир рўмолчани бердилар. – Обор! Чик, чик... Бор. Хоҳлаган дарахтингга илиб қўй. Арча нима, дўлана нима – бари дарахт. Табиат ... билиб қўй, ҳамма дарахtlар хосиятли. Бу аламни илсанг, яна-да хосиятлироқ бўлади... Шундайми, дадаси.

– Худди шундай, – деди дадам.– Ўша арчагаям биринчи бўлиб кимдир латта боғлаган... Тўгрими, онаси?

– Жуда тўғри-да, – деди онам.

– Орзуларим... ушаладими кейин?

– Вей, биз нима деяпмиз! – деди дадам.

– Албатта ушалади-да, – деди онам. – Бор. Чоп! Йўлдан қолмайлик! Лолазорга борамиз. О, Чотқол лолалари...

Мен машинадан чиқиб, чополмадим, йўқ – чополмадим. Қайси дарахтга қараб югуриб бораман? Маст одамга ўхшаб тўнка бошига бордим. Уни сийпаладим. Кўнглим бузилиб, кўзларимга яна ёш келди. «Сени кестирган одам – ёмон одам, – дедим. – Унинг орзулари ҳеч қачон ушалмайди, арчажон...»

Кейин туриб атрофга қарадим. Қайси дарахтга аламни илсам экан? Дарахtlар сийрак ўсган, ёши ҳам, қариси ҳам бор эди. Афтидан, бир замонлар бу ерда одамлар яшаган, кейин кўчиб кетишган эди. Нимагаки, эски чолdevорнинг нурамалари ҳам бор эди. Ана шу чолdevор бикинидан ўсган каттакон тут дарахти кўзимга иссиқ кўринди. Арчажонимга ўхшаб кетар, лекин бу яшил эмас, – шохларининг ҳам купи каллакланган эди. Бу тоқларида ҳали биттаям япроқ чиқма-

ган эдики, шуя� менга маъқул бўлди: рўмолчани илиб қўйсам, яққол кўриниб туради... Илдим-боғладим, учини осилтириб қўйдим. Кейин тилимга келган орзуларимни айта бошладим: «Яхши одам бўлайин, Ватан учун, халқ учун яхши хизмат қиласин... Илоё Мустақил бўлайлик. Қарам бўлмайлик... Илоё орзуларим ушалсин...»

Сўнг хурсанд бўлиб, энди тез-тез юриб машинага кириб ўтиредим. Дадам елкамга қоқиб қўйди. Онам чаккамдан ўпди. Ҳаммамиз хурсанд эдик.

* * *

Ўшандан кейин, ўзингизга маълум, Ватанимиз Мустақил бўлди. Қарамликдан қутулдик. Бир қарич болакай ҳам: «Ватаним – жону таним!» деб шеър айтади. Наврўз расмий байрамга айланди. Энди уни бутун халқимиз нишонлаяпти. Сумалак ҳар хонадоннинг ўзида пиширилади. Мазза-да... Ҳамма кўнглидаги гапни айтади. Бирордан қўрқиши, ҳайиқиши йўқ...

Лекин мустақилликнинг дастлабки йилларида биз бир оз қийналиб қолиб, «жигули»ни сотган эдик. Шунинг учун тоғ саёҳати «тўхтаб» қолган эди.

Яқинда дадам янги машина олдилар. Ҳалиги номи-ям нимайди «дамас!»

Яна тоқقا жўнадик. Энди машинада кўпчилик эдик... Лекин тоқقا яқинлашарканмиз, менинг кўзларим тагин олдинга қадалиб борарди. Ҳудди ўша арчамни кўрадигандекман... Кейин ўзимни босиб, тутни – кекса тутни кўришим кераклигини эсладим. Ҳа, ҳозир кўраман... Қани, ўша рўмолчам турибдимикан?

Яқинлашиб, яқинлашиб бордик. Ва мен... тутни ҳам таний олмай қолдим. Унинг ҳам деярли бўш шох-бутоги йўққа ўхшарди: ҳар турли латта-путталар ва турфа рўмолчалар осилиб ётар эди. Во, ажаб! Шундай қувониб кетдим, шундайки, яна кўзимга ёш инди-да... Шартта машинадан тушиб йўлдан чиқдим. Тўнкамга

салом бериб ўтдим. Қария тутга етдим: «Салом, она тут! Мен келдим... Жуда безаниб олибсан. Ҳа, сен ҳам хосиятлисан. Билдим... Ана, энг сұнғги орзуларим ҳам ушалди, қария...»

Чүнтагимдан атай олиб чиққан шоҳи рўмолчамни олдим-да, танадан ўсган бутоққа боғлаб қўйдим: «Кўришгунча, хайр, она тут... қўнглимда янги орзуларим бор. Уларнинг ҳам ушалишига ишонаман. Тингла, қария...»

Ҳе, кўп нарсани заказ қилгандай гапириб ташладим. Юртнинг тинчлиги борми, тезроқ ривожланиши борми, ҳалқимизнинг тўқ-тўқис яشاши борми – шулар тўғрисида ниманики истаётган бўлсак, шуни айтдим. Ахир булар ҳам ушалиши шарт бўлган орзуларимдир... Ҳа, бу орзуларимнинг ушалишига ишонаман...

Хайр, Орзу дарахти!

(“Халқ сўзи” газетаси, 2001 й) Тошкент.



ХУШ ҚОЛ...

Кисса

I

Машина бозорда тұхтамай үтиб, үнгга бурилди. ДАН постига етишига озгина қолди. Ундан үтса – хайр, Тошкент.

– Сен шу ерлик – тошкентлик бўлсанг керак? – деб суради рулда үтирган шофёр «Хон» сигаретини тутатиб чекаркан.

– Ҳа, – деб жавоб берди унинг ёнида үтирган Жаъфар.

– Самарқандга меҳмонга боряпсанми?

– Йўқ, хотинимнинг олдига боряпман.

– Хотинингнинг олдига? Демак, Самарқандда сенинг хотининг бор экан-да? Яхши. Мен ҳам, жигар, уйга – болаларнинг олдига шошиляпман. Биласанми, кеча менинг хотиним ўғил туғди. Мен ҳамон уни кўрганим йўқ. Самарқандда бирга ўқиган ўртоғимнинг онаси вафот этган эди. Улар Тошкентда яшашади. Мен ўшанинг азасига етиб келдим. Лекин хотиним бугун-эрта кўз ёришини билардим. Мана, ўғилли бўпмиз, телефонда айтишди. Ҳе, жигар, дўстимнинг ёнида бўлмасам ҳам бўлмас эди. Бунақа пайтларда маънавий мадад керак бўлади инсонга. Қувват бўласан, кўнглини кўтарасан.

– Ҳа, албатта, – деди Жаъфар ўйчаник билан. Сўнг секин эшик ойнасини бир оз тушириб, ўзининг сигаретини тутатди. Бу вақтда ёмғир савалай бошлаган эди.

– Битта ўзим юришни ёмон кўраман-да, – давом этди ҳайдовчи. – Шунинг учун бирорта кишини олволовай деб вокзалга бурилдим. Ҳарна, гурунг қилиб кета-

миз. Қолаверса, бензин пули ҳам чиқади. Мана, сен дуч келиб қолдинг, – жилмайди шоир.

Ҳақиқатан ҳам, унинг кайфияти жуда яхши эди.

– Мен бир оз ҳайрон бўлдим сизга. Одатда, шофёрлар салонни йўловчилар билан тўлдиришга ҳаракат қиласади.

Ҳайдовчи бош ирғади-да, яна савол берди:

– Хотининг Самарқандда нима иш қиласади? Ёки меҳмонга борган-у, ушланиб қолганми?

– Узи самарқандлик. Ҳозир уруғларининг ёнида...

– Тушунарли. Демак, сизлар уришиб қолгансизлар. Кейин хотининг ота-онасиникига кетвортган. Энди уни сўраб бораётисан. Демак, келинни яхши кўрар экансан. Ешлиқда ҳамма нарса бўлади.

– Амаки, бизнинг муносабатларимиз жа сиз айтганичалик эмас, – деди Жаъфар ташқарига қўз ташлаб.

Ҳайдовчи унга савол назари билан тикилди.

– Севги ҳақида айтдим. Сиз айтдингиз-ку, яхши кўрар экансан, энди уни йўқлаб боряпсан деб. Ҳолбуки, мен уни ёмон курман. Жудаям. Ажралиш учун боряпман, – жавоб берди Жаъфар сигаретини сўриб-тутатиб.

– Лекин сен унинг ёнига орқасидан боряпсан-ку?

– Ҳе, ҳаммасига Америка сабаб, – деди йигит ва бoshини орқага ташлаб, кўзларини юмди.

– Менга қара, ука, – деди ҳайдовчи. – Менимча, сен уни-буни гапириб берсанг, енгил тортасан. Кўриниб турибди, кайфиятинг йўқ. Нимадир эзаяпти-да сени.

– Бу гапингиз рост, амаки.

– Гапир бўлмасам. Йўл узок. Кўнглингни бўшат. Худо ҳаққи, енгил тортасан.

– Бироқ мени ҳамон гумонлар эзаяпти. Тўғри иш қильяпманми, хатоми – билмайман. Умуман, Самарқандга боришим лозиммиди... Э, кечирасиз, Америкага кетишм...

– Нима-нима?

– Америкага.

— Ё, тавба қилдим, — дея ҳайдовчи Жаъфарга синовчан күз тикиб олди. — Америкага эмиш... Дам Сармарқанд дейсан, энди Америка чиқди. Бундай тушунтирсанг бўларди. Лекин яна ихтиёр ўзингда. Жуда унақа сир бўлса, майли, айтмай қўяқол. — Ҳайдовчи шундай деб радиосини буради, қандайдир эски мусиқа эшишила бошлади. Эски-мумтоз мусиқаларда ғам кўп-да.

Бирмунча вақт жим кетишиди. Ташқарида ёмғир кучайиб, гүёки челяқдан сув қуя бошлади. Жаъфар радиони аста пасайтириб, ўрнашиброқ ўтири, чўткалари гизиллаб нари-бери бориб келаётган олд ойнага қаради.

— Биласизми, шопир ака, мен ичимдагиларни икки оғиз сўз билан тушунтириб беролмиман. Сиз мени бошқача тушуниб қолишингиз мумкин. Кечирасиз.

Ҳайдовчи индамади. Жаъфар эса бошини яна орқага солиб, кузларини юмди.

II

— Ҳув, болалигимда Америка ҳиндулари ҳақидаги фильмларни томоша қилиб, у элнинг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашган мағрур, мард кишиларни – қаҳрамонларни кўриб, улар билан чин кўнгилдан фахрланардим, уларга ҳавас билан қаардим. Уларнинг, айниқса, тантиликлари ва ҳалолликлари менга ёқарди. Яна нима десам экан? Чин инсонликлари. Шундан кейин мен ҳам ўша ҳиндулар ҳақида ёзилган асарларни топиб ўқий бошладим. Фенимор Купер, Майн Рид романлари менга манзур бўларди. Улар «дикий запад» деб ёзишарди. Кейинчалик О'Генри, Жек Лондон асарларини ўқий бошладим. Уларга ҳам шу қадар берилиб кетдимки, масалан, Генри Лонг-феллонинг ҳиндулар ҳақида ёзган «Гайавати ҳақида қўшиқ» деган балладасини ўқийвериб ёд олдим. Йиллар ўтган сайин у мамлакатга қизиқишим тобора ортиб борарди. Тағин у мамлакатни – «Страна великих

возможностей» деб аташарди. Тағин: бугунги кунда дунёдаги энг қудратли мамлакат саналарди. Менда бе-ихтиёр орзу туғилғанди, яни жиндаккина имконият туғилиши ҳамон жұнаб қоламан Америкага ва бир оз муддат яшаб келаман. Хуллас, бундан бир неча йил муқаддам мен гүё йўл айрилишига дуч келиб қолдим. Ё ўз касбим бўйича телевидениега ишга киришим керак ёки Ўзбек-Америка қўшма корхонасига қарашли «Ўзбек-Америка сервизи»га. Мен ўшанда бу сервиз ҳақида зифирча тасаввурга эгамасдим. Шунчаки, бир танишим бу маҳкамани мақтаб, жуда обрўли жой деб, мени ўшанга жойлаштириб қўйиши мумкинлигини айтган эди. Бунинг устига, биз телефонда гаплашгандик. Нима дейсизки, мен дарҳол рози бўлдим. Бу идоранинг шунчаки «Ўзбек-Америка сервизи» дейилиши-ёқ мени мафтун этган эди.

Шунда Жаъфар чўнтақларини ковлаб қолди. Ҳайдовчи унинг нимани излаётганини фаҳмлаб, ўзининг сигаретини тутди. Улар биттадан тутатишди. Ва йўлда давом этдилар.

– Хўш, ўша сервизда сени қандай вазифа кутаётган экан? – деб сўради ҳайдовчи.

– Вазифа? – Жаъфар бутун йўл давомида ниҳоят жилмайди. – «Ўзбек-Америка сервизи» – Америка почта алоқалари фирмасининг филиали экан. Фирманинг бош офиси ҳақиқатан ҳам Американинг Атланта шаҳрида экан. Аммо Масковдаги филиали орқали иш юритишаркан. Хўш, «Ўзбек-Америка сервизи»да директор, буғалтири, яна икки киши хизмат қилишар, улар асосан мактублар ва посылкаларни тегишли жойларга тарқатиши, юбориш билан шуғулланишаркан. Масалан, битта конвертни эгасига етказганинг учун 25 цент тўлашаркан, посылкани обориб берсанг, 1 доллар беришаркан. Хуллас, мени ана шу – почтачилик хизматига қўйишибди. Мен барибир ғайрат билан ишга тушдим. Табиийки, мен ўша цент билан долларни те-

жаб қолиш учун мумкин қадар транспортга чиқмасликка ҳаракат қиласадим. Пою пиёда юрадим. Бундан ташқари, конверт ёки посылка жүнатилган манзиллар бир-биридан олисмас эди. Оралари бир-икки бекат келарди. Хуллас, йўртиб-йўргалаб юриб, бутун шаҳарни кезиб чиқардим. Бу – менинг ишим эди. Эртадан оқшомгача бир қўлтиқ конверт билан юрганим-юрган эди. Кор ёғяптими, ёмғир қўйяптими – менинг учун фарқсиз эди. Бизнинг раҳбаримиз собиқ таксичи эди. У шаҳарни жуда яхши билгани учун ишга олишган эди. Дарвоҷе, мен битта ўзим хат ташимасдим. Биз – беш-олти йигит эдик. Бизни «куръер» деб аташарди, – Жаъфар яна жилмайиб қўйди. – Танишим «Узбек-Америка сервиси»дан топган вазифа шу эди. Лекин мен барibir нолимасдим. Ҳарқалай, Америкадай «сехрли диёр»нинг бир маҳкамасида ишлар эдим. Аммо бошлиғими жуда жоҳил, қўпол эди. Раҳбарларга ёқиш учун бизга азоб берарди. Яъни бир кунда қилишимиз мумкин бўлган ишларга икки кунлик вазифаниям қўшворарди. Мактубу посылкаларни тарқатишга улгуrolмай бошладик. Бундан жаҳли чиқиб, маошимизни янада қисқартириб қўйди. Илож қанча.

– Сен энди ўша сервизда ишлаб, беш-ўн долларни топганингдан кейин Америкага боришни ўйлагансан-да?

– Албатта, – деб жавоб берди Жаъфар. – Бундан ташқари, америкаликларга яқин бўламан, уни-буни ўрганаман деб ҳам ўйловдим. Бўлмади.

– Сен бирон институтни тугатганмисан ўзи?

– Ҳа, «театральный институт»нинг режиссёрлик факультетини тугатганман. Кейин ўз қасбимга қайтмасам бўлмайдиган кўринди. Кинокомпанияда бўш жой йўқ экан. Телестудияга қайтадиган бўлдим. Икки ҳафтадан кейин ишга тушишимни айтишди. Мен кута бошладим. Ахир телестудиянинг режиссёрлари ҳам Америкага бориб келишади-ку...

- Ҳм, Америка жигарингдан урган экан-да?
- Ҳа, энди, шу-да...
- Ҳўш, кейин нима бўлди?

III

– Ишга тушишимга бир неча кун қолганда жуда узоқ бир қариндошимизни учратиб қолдим. Унинг отаси Америкада яшайди – қандайdir штат университетида ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради, деб эшитардим. У кишининг ўғли билан хотини Тошкентда яшарди. Опам, яъни онамгина улар билан яқинлик қиласар, уларнинг уйларига борганида мени таклиф қилмасдилар ҳам. Мен елкамни қисиб қўярдим, холос. Умуман, улар ҳақида гапирмасдилар ҳам. Мен ҳам сўрамасдим... Хуллас, бир кафеда ўшаларнинг ўғлини учратиб қолдим. Унинг исми Ҳабибулло эди. Болаликда яқин эдик. Дадаси Америкага кетмасдан бурун. Дадаси кетганидан кейин борди-кеledимиз узилганди... Биз эски танишлардек кўришдик. Ўтирдик. Кейин гап орасида ўзининг Америкага икки марта отасини кўргани бориб келганини айтди. Кейин десангиз, Тошкентда ўзининг контора очгани, Америкага бориб ишлашни истайдиган кишиларни маълум сумма ҳақига жўнатиб туришини айтди. Менга жон кирди. Суриштира бошладим. Пулни тўлаб, аризани ёзиб берганингиздан кейин бошқа ҳамма ҳужжатларни ўзи тўғрилар экан. Унинг айтишича, Америкага отланган кишилар у ерда маълум муддат ишлагандан кейин қайтиб келиши мумкин. Умуман, Америкага борувчилар сони хийлагина экан. Кейин денг, Ҳабибулло мендан ахволимни сўради. Мен айтдим. У ишсизлигимни билибоқ дарҳол ўз идорасига таклиф этди. Ойига беш-ўн минг сўм пул тайинлайдиган бўлди. Бу – овқат, йўл харажати ва сигаретадан ташқари. Кейин яна айтдики, вақти-соати билан мени Америкага юбориши ҳам мумкин... Тасаввур этяпсизми, амаки, нафасим қиси-

либ қолган эди. Кутимаганда жаннат эшигига рӯпара бўлган эдим. Ҳа, ўша дамда мендан баҳтиёр одам йўқ эди. Ахир, ҳазилми сизга: чиндан ҳам обрўли фирмада ишласанг, яхшигина маош олсанг. У ёги – орзуларинг рўёби Америка!

Жаъфарнинг ҳикоясини диққат билан эшитаётган ҳайдовчи бардачокдан бир бакалашка минерал сув олиб, бир-икки қултум ютди-да, Жаъфарга узатди. Жаъфар ҳам бир-икки ютум ичиб, бакалашкани эгасига қайтарди.

– Ҳўп, кейин нима бўлди? – деб сўради ҳайдовчи идишни жойига тиқиб қўйиб.

– Мен анча маҳмадоналик қилиб кетдим. Балки бу гапларимнинг сизга қизиги йўқдир?

– Гапиравер, – оддийгина қилиб деди ҳайдовчи.

IV

– Биз эртаси учрашадиган бўлдик. Мен келишилган вақтда унинг офисига бордим. Ҳабиб менга қиласидиган ишларимни, вазифаларимни тушунтириди. Шу кундан бошлаб менинг янги, қўшфаолиятим бошланди. Гапни чўзмасдан айтиб қўя қоламан. Ҳабибулло – уни офисда Ҳабиб, баъзилар шунчаки Ҳаби деб аташарди – қип-қизил товламачи экан. Афирист!.. Буям кам, амаки. Биринчи кунданоқ Ҳабиб қўшни хонага чиққанидан кейин у ерда ярим соатча ушланиб қоларди-да, сўнг уйқусираб ғулдираётган кишига ўхшаб чиқиб келарди. Бир куни очиқ қолган тортмасига кўзим тушди. Унда қутичада тахи бузилмаган ўнлаб «бир марталик» шприцлар, йўғон ип ётарди. Демак, Ҳабибининг наркоман эканлиги аниқ эди.

– Ипни нима қиласкан? – дафъатан сўради ҳайдовчи.

– Вена томирини қисиб чиқариш учун. Муттасил қилинган уколлардан томир кўринмай кетаркан-да. Кун ўтган сайин мен бу офисда – ўзларининг айтиши-

ча, «контора»да янгидан-янги ғаройиботларни кўра бошладим. Умуман, Ҳабиб «оффис» деб атаган бу идора икки хонали квартирадан иборат бўлиб, тўрт қаватли иморатнинг биринчи қаватида жойлашган эди. Мен бу маконда эртадан-кечгача ўтиришим лозим эди. Кундуз кунлари конторага Америкага боришни хоҳловчилар – ҳар хил тоифадаги одамлар келишар, мен уларга бундай сафарнинг барча шарт-шароитларини тушунирардим. Ҳўш, бундан олдин мен бир ҳафтача Ҳабибнинг иш тутишини кузатган эдим, кейин у бу вазифани менга топширувди. Биз асосан Америкага боришни ихтиёр қилганларнинг ҳужжатларини тайёлар эдик, аммо элчихона берадиган виза учун жавобгарликни бўйинга олмас эди. Қисқаси, бизнинг вазифа – ҳужжатларни Америкага жўнатиш ва у ёқдан ўша одамнинг номига таклифнома юборилишини сўраш эди, холос. Тағин бир хил ҳужжатларга ўзимизнинг, Ҳабибнинг айтишича, «обрўли» фирмамиз номидан ўша одамлар ҳақида яхшигина характеристика каби бир неча ҳужжатлар ҳам қўшардик. Ҳалиги одамлар бизнинг ушбу ҳужжатларимиз билан Американинг элчихонасига боришар, у ерда айримларнинг ҳужжатларига сафар визасини қўйишар, кўпчиликка виза беришмас эди. Биз ўша ҳужжатларни тайёлраб, ҳақини олардик, холос. Бошқаси билан ишимиз йўқ эди.

– Зўр, зўр экан «оффис»ларинг, – деб қўйди ҳайдовчи.

– Бошда айтдим-ку, – деб давом этди Жаъфар. – Шундан кейин Ҳабибулло кундуз кунлари фақат тушлик қилиш учун ёки навбатдаги уколни олиш учун конторага келадиган бўлиб қолди. Конторада мендан бошқа «секретарша» ҳам бор эди. У хоналарни супуриб-сицирар, овқат тайёлар, телефонга жавоб берарди. Унинг исми Гуля эди, уям наркоманка – гиёхванд эди. Кеч тушиши билан «оффис»да одам кўпайиб кетарди. Улар асосан – наркоманлар эди. Улар Ҳабибда ҳамма вақт героин бўлишини ёки дорини согиб олиш

учун пул бўлишини билганларидан келишарди. Айтмоқчи, улар фақат укол олиш учунгина келишмасди, героиндан ўраб, энтикиб-энтикиб чекишарди. Тағин дeng, катта шкафда пакет-пакет наша ётарди. Нашани шунчаки эрмак учун чекишарди. Хоҳлаган меҳмон ундан олиб, сигаретга солиб, эх, кечирасиз, папироста солиб ўрашарди. Шкафда ҳамиша беш-үн пачка «Беломор канал» ҳам бўларди. Ҳа, улар нашага қандайдир зарарсиз бир нарсадек қарашарди. Ҳе, ўйлаб қарасам кимлар келишмас эди. Ёш-ёш қизлар, яъни ўн етти билан йигирма уч ёш атрофидаги наркоманкалар ҳам келишарди. Тағин ҳар хил афиристлар. Улар бари – Ҳабибнинг танишлари эди! Ҳабибнинг икки қадрдон дўсти бор эди. Бирини Баҳром, бирини Отабек дейишарди. Улар ҳам фирт гиёҳванд эдилар. Кейин билсан, ўғри ҳам эканлар. Ҳуллас, бошда «офис» деб аталган бу фирма – ҳар хил қаланғи-қасанғилар: ўғрилар, бандилар, бузуқ қизларнинг келиб турадиган маскани экан.

V

– Бир нарсани тушунмадим, – деб қолди Жаъфарнинг ҳикоясини ҳамон жиддийлик билан тинглаб, машинани бир текис ҳайдаб бораётган ҳайдовчи. – Ҳўп, Америкага ишқибозларга хужжат тайёрлар экансизлар. Хужжатлар у ёққа кетаркан. Баъзисига виза ҳам қўйиларкан... Ҳўш, бошқаларига дейлик, таклифномани Америкадан ким, қандай ташкилот юборарди? Тавсияномаларинг қаерга жўнатиларди?

– Амаки, Ҳабибни – машенник деб айтдим-ку? Бундай бўларди... Ҳабиб Америкага борганида у ёқдаги бир-иккита товламачи билан топишган экан. Ўшалар Ҳабибнинг номига қуп-қуруқ бланкаларни юбориб туришарди, таклифнома бланкаларини. Таклифномаларга печат ҳам қўйилган бўларди. Бошқа ҳеч вақо йўқ. Ҳабибнинг улфатларидан бири бу қоғозларни ўхшатиб тўлдиради. Қарабсизки, расмий хужжат! Аме-

рикадаги «офис» номига юборилган!.. Шунинг учун бу «офис»ни – товламачилар қароргохи дедим-да... Бундан ташқари Ҳабиб вақти-вақти билан отасини күргани Нью-Йоркка бориб турарди. Ўшанда у ердаги ҳамтовоқларига ҳар битта бланка учун юз доллардан тўлар экан. Биз элчихона учун тайёрлаган бошқа хужжатларнинг бланкалари ҳам қалбаки эди. Нью-Йоркдан келарди. Сирасини айтганда, ўзимиздаги Америка элчихонасини ҳам алдардик. Тўғри, улар ўндан бир таклифномага виза босишарди. Визали хужжатга ижобий жавоб келарди кўпинча.

– Ҳужжат тайёрлаганларинг учун қанчадан пул олардинглар ҳар битта лақмадан?

– Етти юз доллардан олардик, – хотиржам жавоб берди Жаъфар. – Ҳужжатли одам элчихонадан виза ололмаса, пули қайтарилмас эди. Баъзи аламзадалар «офис»га келишарди. Лекин – бефойда... Чунки Ҳабиб уларни бошдаёқ огоҳлантирган бўларди. Мен ҳам... иккинчидан, улар ноқонуний йўл билан чегарадан ўтишини исташарди: шунинг учун милицияга шикоят қилишолмасди.

– Вей, сен ўшалар билан ишладингми, а?

– Ҳа, амаки. Лекин кўп эмас. Мен бошдаёқ бу даргоҳда бир оз муддат ишлаб, доллар топгач, Америка-га жўнатилишимни Ҳабибдан илтимос қилган эдим. Унинг ўзиям шу фикрда эди. Мен яна яхши билардими, бу ишларнинг бариси қонунга зид – қарши... Бироқ Ҳабиб менга бериб турган долларлар ҳам орзуим бўлган – Америкага кетиш истаги мени бу ерда тутиб турарди, холос. Мен кун сайин Ҳабибга қачон айтсам бўлади, Америкага жўнатсайди, деб ўйлардим. Нихоят унга очиғини айтдим: «Ҳабиб, мени жўнат энди...» Ҳе, ўша кун сира ёдимдан чиқмайди!

Жаъфарнинг хаёлида ўша алами кундаги воқеа бутун тафсилотлари билан жонланди. Ўша куни конторада Ҳабибдан бўлак одам йўқ эди. Гуляни бирор иш билан қаёққадир жўнатган, шекилли. Кундуз куни бўлгани учун Ҳабибнинг улфатлари ҳам йўқ эди. Жаъфар Ҳабибнинг бир-икки топшириқларини бажариб, идорага қайтди. Эшикни одатдагича ўз қалити билан очиб, залга кирди. Ажаб, Ҳабиб шу ерда эди! Жаъфар бир оз ҳайрон бўлиб унга тикилди. Ва биринчи марта пайқадики, атиги 25 ёшга кирган бу йигит анча қари кўринарди. Унинг қорача юзларида салқиган жойлар бор, кўзлари нуқул ғилтиллар эди. Ўзи кичкина столча ёнидаги креслода ўтирас эди ва дам яланғоч билакларини пайпаслаб кўрар, дам шимининг почаларини кўтариб, шишиб кетган оёқларига қаарди. Столчада эса героинли шприц ётарди. Пиёлачада иссиқ сув ва унга аралаштирилган модданинг қолдиги бор эди: у шу аралашмани героинга қўшиб, укол қиласарди. Ҳа, унинг кўзлари ярим очиқ бўлса-да, ғилтиллар эди. У бирданига қўлини олдинга чўзиб, бармоқларини мушт қилди-да, бутун вужуди билан силкинди.

– Вақтида келдинг-да, Жаъфар, – тамшаниб деди у. Жаъфар унга яқин келиб, қўшни креслога ўтириди.

– Тинчликми, Ҳабиб? Кўринишинг жа ёмон.

– Венамни тополмаяпман. Қўлимни сик, дўстим, менга укол қил. Сенга осон бу иш. Дори тайёр.

– Мен укол қилай?

Ҳабиб бирдан бошини эгди. Кейин яна кўтарди.

– Энди наркотик қабул қилмайман девдим. Эрталаб чидадим. Мана, ҳозирга келиб жа бўлмай кетвотти. Бир доза олмасам ўлиб қоладиганга ўхшавомман. Менга ёрдам бер, Жаъфар.

Жаъфар ўрнидан туриб ошхонага чиқди ва резина келтирди. Ундан онда-сонда фойдаланишар – тана-

нинг у ёки бу ерига боғлаб-қисиб венани чиқаришар эди.

– Мен укол қилмайман, лекин ёрдам бераман, – деди Жаъфар ва Ҳабибнинг ўнг қўлини тепароқдан резина билан боғлади. Ҳабиб эса дарҳол чап қўли билан шприцни олиб, укол қилишга чоғланди. Аммо вена кўринмади. Жаъфар қўлнинг пастки қисмидан боғлади. Кейин оёқнинг тепа қисмидан қисиб боғлади. Барибир вена томири чиқмади.

– Вой, бир йўлини топ! – деб чинқирди Ҳабиб ва ўрнидан сапчиб турди. Сигарет тутатиб, ванихаонага кириб кетди. У ерда совуқ сув билан юзини ювиб, башарасига тикиларкан, бирданига ўнг қоши ёнига – чаккасига тикилиб қолди. Кейин ўша ерни пайпаслаб эзғилай бошлади-да, бирданига чопиб залга кирди. – Топдим! – деди у. Сўнг креслога ўтириб, шприцни қўлига олди. – Мана вена! Мана! – ўнг қоши билан қулоги орасини кўрсатди. Сўнг шприцни Жаъфарга узатди.

– Укол қилмайман дедим-ку, – деди Жаъфар. – Қўлингга укол қилмайман дедим, бу – хавфли жой. Венага эмас, бошқа жойга тиқворсам нима бўлади? Э, қўй, мен бу ифлосни ушламайман.

– Жон дўстим, вена кўриниб турибди. Шприцни шундок қадасанг, бас. Растворни ўзим юбораман. Мени тушун, а?

Жаъфар миқ этмас, қимиrlамай турарди. Ниҳоят Ҳабиб кўзгу олдига борди-да, бир қўли билан чаккасидаги венани пайпаслаб босиб кўра бошлади. Иккинчи қўлида шприц. Бир маҳал, нима ҳам бўлиб, уколни венага қадади ва шприцдаги қоришма заҳарнинг ярмини бўшатди. Кейин секин юриб келиб, креслога ўтириди.

Четдан қараганда шундай манзарани кўриш мумкин эди: креслода озиб кетган, қорача йигит ўтиради. Унинг кўзлари ярим юмуқ, нигоҳида мутлақо маънойўқ. Хаёл қилиш мумкин эдик, у бу ерда эмас, бош-

ка – қаердадир. Оғзи хиёл очик, нимадир демоқчига ўхшарди. Унинг чаккасида шприц – ха, шприц осилиб турарди. Келаётганида шприцни ушлаб келган эди, ўтиргандан кейин беихтиёр қўйворди: қуввати кетиб бўлди, шекилли. Бир маҳал шприц қадалиб турган жойидан узилиб, наркоманнинг оёғига тушди ва Ҳабиб дарҳол кўзларини катта очди. Сўнг шприцни олиб, қонли жойига тикилди-да, ғулдиради:

– Жаъфар, шу ердамисан?

– Ҳа, – деди Жаъфар навбатдаги сигаретни чекканича ойна олдида тураркан.

– Жиндек пахтани спиртга ботириб кел. Уколнинг ўрнини артишим керак. Бўлмаса, доғи қолади. Ҳар ҳолда бу ишни қилиш сен учун унчалик нафратлимасдир, – дея пўнфиллади.

Жаъфар спирт билан пахта келтириб ва пахтани спиртлаб, Ҳабибга узатди. Ҳабиб чаккасини артиб бўлиб, креслога ястаниб ётди-да, кўзларини юмди. Бир дақиқача вақт ўтди. Жаъфар Ҳабибнинг бир оз ўзига келганини тахминлаб, у билан очиқласига гаплашишга ҳозирланди.

– Ҳабиб, мен сен билан гаплашмоқчиидим.

– Гапиравер, – деди Ҳабиб кўзларини жиндек очиб.

– Мен сендан илтимос қилмоқчиидим, Америкага таклифнома қилиб бер. Виза олишга ўзим ҳаракат қилиб кўраман.

Ҳабибнинг кўзларида ғоят аҳмоқона илжайиш пайдо бўлди.

– Биринчидан, ўзинг яхши биласанки, таклифнома етти юз доллар туради. Мен сенга сийлов сифатида шу пулни ярмига туширишим мумкин. Аммо қолган ярмиси ҳам сенда йўқ-ку. Шунинг учун чидагин: яна ярим йилдан кейин таклифномани текин қилиб бераман.

– Ярим йил?!

– Ҳа, яна ярим йил менинг қўлимда ишлайсан, кейин мен сенга ҳужжат тўғрилаб бераман. Ҳозир иложим йўқ. Кўриб турибсан, харажатим кўп. Бу ерда кунига камида уч-тўрт грамм героин керак бўляпти. Унинг бир грамми эса ўн минг сўм туради. Бошқа майда сарф-харажатларни ҳам кўриб турибсан.

– Ҳабиб, бу ер – мен учун хавфли. Турмага тушишни истамайман. Офисингдан кетсам керак. Мен ҳар ҳолда сенга ишонган эдим, Америкага боришимга ёрдам беради, деб. Аммо сен буни... қиммат деяпсан. Ҳолбуки, бу сафар неча пулга тушишини иккимиз ҳам яхши биламиз.

– Гап бунда эмас

– Бу нима деганинг?

– Америка ҳақида гапирмоқчиман... Иккаламиз тенгдошмиз. Лекин сен мендан ҳаёт ҳақида сўрасанг, иккита нарсани айтардим. Биринчидан, ҳеч қачон наркотикни истеъмол қилма. Бу – ўлим, бу чуқур-чуқур жарлик, ундан чиқолмайди киши. Мен жуда кўп наркоманларни кўрдим, ўндан биттаси деёлмайман, юздан биттаси тузалса тузалгандир. Мен ўзим наркологик диспансерда ётиб чиқдим. Дастворларни кунлар укол қилмадим. Сен билиб қўй, бу ерга келадиган гиёҳвандларнинг энг зўрлари ҳам даволанишдан кейин икки ҳафта чидай олган, холос. Кейин сеза бошлайсанки, сенга нимадир етишмаяпти. У шундай нарсаки, усиз сен – сен эмассан. Тушундингми, гўёки сени муҳим органингдан жудо қилишгандек. Врачлар вужудингга қандайдир дорилар юбориб, героинга интилишингни йўққа чиқаришлари мумкин. Аммо миянгда – фикрингда қолади у интилиш, чунки миянг – наркоманнинг миясига айланиб қолади... Мана бугун ҳам мен «Қани, нима бўларкан?» деб ўйлагандим. Натижасини кўриб турибсан. Ўйлайсан-у, айни вақтда миянг, онгинг шу ишни қил, уколни ол, деб туради. Унга қўшилиб организм ҳам талаб қилади. Уколни олганингдан кейин

ўзингни жуда яхши ҳис қиласан. Кейин, бир оз вақт ўтгач, яна талаб қилади... Бу ерга келиб турадиган бир неча ёш қизларни кўрдинг-а? Баъзиси ўн саккизга ҳам кирмаган ҳали. Аммо улар наркоман бўлиб қолишган. Вақти-вақти билан маълум дозани олиб туриши керак. Олиб туриши учун улар... ҳамма нарсага тайёр. Шунақа, дўстим. Аҳмад деган ёшгина йигит ҳам келиб турарди, эслайсанми? Ўшанинг хусусий фирмаси бор эди. Ҳозир ҳеч нарсаси йўқ. Барисини оқ порошок еб қўйди. Ҳозир у бир хонали квартирада касалманд хотини билан яшайди.

– Раҳмат, тўғри гапирдинг, – деди Жаъфар.

– Иккинчидан, – деб давом этди Ҳабиб Жаъфарнинг гапини эшитмагандай, – иккинчидан, яхши ҳаётни қандайдир четдан, дейлик, хориждан излама, дўстим. Ҳа, у ёқда яхши пул топиш ҳам мумкин, яхши ишласанг... Лекин сен у ёқда кимсан? Табиийки, сен у ёққа томошага ёки дейлик, меҳмон сифатида борасан. Балки у ёқда қолиб кетишни истарсан. Бироқ сен нолегал йўл билан борасан. Демак, у ёқда ўз-ўзидан нолегал боришган муҳожирлар даврасига тушганингни билмай қоласан. Афғонистондан, Ҳиндистондан ва бошқа кам тарақкий этган давлатлардан борган нолегаллар изғиб юришибди. Улар даврасига қўшилганингдан кейин сени ерга уришлари ҳам мумкин, камситишлари ҳам мумкин. Ҳаммаси мумкин. Сен эса ҳеч кимга шикоят қилиб боролмайсан: полицияга ҳам, оғриб қолсанг, врачга ҳам... Чунки сен у мамлакат учун эътиборга арзимайдиган кишисан, йўқсан! Бу ерда сен Ўзбекистоннинг фуқаросисан. Сен бу ерда хоҳлаган маҳкаманга мурожаат қилишинг мумкин. Қолаверса, бу ерда сенинг ота-онанг, қариндошларинг бор... Улар барчаси сени тушунишади, қўлларидан келган ёрдамини қилишади. Сен шу тупроқда туғилдинг, шу ватангина – сен учун уй-жой, ўлан-тӯшак... Ҳа, ўзимиздан айрим мутахассислар Америкага бориб туришади:

ишиш учун, тажриба алмашиш учун. Менинг дадамга ўхшаб! Лекин бунинг йўриғи бошқа! Сен эса биронта телефильмни қотириб қўймаган режиссёрсан. Голливудга олишмаса керак. Ҳе-ҳе... Сенга энг паст ишларни бажаришга тўғри келади... Мен ўзим ҳам Американи кўрмаганимда – ёшлиқда, у ерга бориб кўришга жуда қизиқар эдим. Борганимдан кейин ҳам дастлабки вақтлар шундай улуғ мамлакат борлиги билан фахрланардим. Кейин тушуниб олдимки, ундан ҳайратга тушган эканман, холос. Нимагаки, ҳамма нарса бошқача, қизиқ. Ўша кезларда дадамнинг ёнларида қолаверишни ҳам ўйлаганман. Кейин бир эрта туш кўриб уйғониб кетдим. Тушимни ҳалиям яхши эслайман. Тушимга ёшлиқда бирга ўсган дўстларим кирган эди. Улар орасида сен йўқ эдинг, сен билан кам учрашардик. – Ҳабиб бир нафас жим қолиб, илова қилди: – Кейин ҳам деярли учрашмаганимизга, биларсан балки, оналаримиз сабаб. Менинг кимлигимни ойим билади. Менимча, сенинг ойинг ҳам билса керак.

– Билмадим, – деди Жаъфар ёнидан тағин сигарет чиқариб. – Лекин мени уйлариніта олиб бормас эдилар.

– Мениям уйларингга олиб бормас эдилар, – тўнгиллаб қўйиб, тушини ҳикоя қила бошлади яна. – Ўша ўртоқларим билан Тошкент кўчаларида сайр қилиб юрган эмишмиз. Улар менга нуқул Тошкент ҳақида, боғ-парклар ҳақида тушунтирасмиш. Мен уларга бақиравишиман: «Мен ахир Ҳабибман! Мен сизларнинг ўртоқларингман. Мен бу жойларни жуда яхши биламан. Ахир шу ерларда чопиб-чопқиллаб ўсганман!» Улар бўлса, мени тушунишмас эди. Гапларимдан кулишарди. Кейин яна нималарнидир тушунтира кетишарди. Шуниси қизиқки, дўстларим анго-америкача кўча тилида гаплашарди. Мен эсам – ўзбек тилида гапирадим. Уйғониб кетганимдан кейин ўзимга қадрдан бўлиб қолган нималарнидир кўргим келиб кетди. Яқинларимни, уйимизни, ўзбекча вивеска-шиорлар-

ни, ширмой нонни. Кейин ўзимга-ўзим дедим: «Бўтда нима қиласман? – дадам профессор бўлсалар ҳам, мен у юртнинг одатига кўра ишлардим. – Нима, ўша эмигрант кишининг кафесига яна идиш-товоқ ювиш учун боришим керакми? Унинг кўча лаҳжасини бир нави ўрганиб олиб, сассик сўзлар билан менга иш буюришини эшитишим керакми яна?» Ўша одамга ишга ёлланганимнинг сабаби – у оз-моз русчани билар, мен эсам англизчани ўшандада, умуман, билмас эдим. Ўша тонгда мен жуда кўп ўйладим, Жаъфар. Кейин ўз ватанимда яшашим керак, деган қарорга келдим. Ахир, менинг ватаним бор.

– Лекин, Ҳабиб, – деди Жаъфар унинг ўзига қарашини истаб, – ўз ватанингга келишинг биланоқ бизнинг милиция сени ўша эмигрантнинг кафесига жунатворса яхши бўларкан. Патриот эмиш бу.

– Эй, ҳазиллашма, – деди Ҳабиб бирдан кузларини катта очиб, жиддийлик билан. – Америкага кетишни истаб менинг ёнимга келадиганилар – аллақачонлар шу қарорга келиб бўлган одамлардир! Улар енгил йул билан пул топишни, ширингина яшашни истаб келиб, менинг тузогимга тушишмоқда. Бунинг учун яна менга ҳақ тулашади. Қолган меҳмонларга келсак, улар – тамом бўлган наркоманлар, жиноятчилардир! Мен уларни шунаقا қилганим йўқ. Аксинча, агар мен уларни героин билан тез-тез меҳмон қилиб турмаганимда, уларнинг ҳар биттаси ҳам пул топиш учун жиноят қилишарди.

– Бундан чиқдики, умуман, милиция сенга «миннатдорчилик» билдириши керак экан-да? Қара, сен туфайли қанчалаб жиноятларнинг «олди олинаётган» экан...

– Жаъфар! – деб бақирворди Ҳабиб. – Бунақа нарсаларни бир-бирига аралаштирма. Агар сен мени тушунмасанг, кетишинг мумкин.

– Ҳа, мен кетаман. Ўйлайманки, биз бошқа учрашмаймиз. Ҳеч қачон. Маслаҳатларнинг учун раҳмат, – деди Жаъфар ва эшик томонга юрди.

– Жаъфар, – деб уни тұхтатди Ҳабиб. Жаъфар орти-
га қайтиб, столча ёнига келди. – Сен шунчалик түгри,
покиза экансан, нега биринчи куниёқ бўтдан кетворма-
динг?

– Мен кетмоқчидим, аммо нимадир тұхтатиб қол-
ди. А, энди эса тоқатим тугаб бўлди. Бу аҳволни кўриш –
азобгинамас, нафратли, билдингми?

– Майли, ҳар ким ўз йўлидан юради. Хоҳлаганича,
имкони еттанича яшайди. Мен биламанки, сенга иш
таклиф қилған куним офисда ҳамма нарса қонуний деб
ўйладинг. Бироқ ўшаңда сенинг нимангдир жуда ёқиб
кеттан эди. Шундай бўлгандан кейин сенга түгри гапни
айтолмасдим. Сен ёнимда бўлсанг, биласанми, қандай-
дир... Э, майли, кетишни истар экансан, кетавер. Нима
бўлишингдан қатыи назар, ёнимда бўлганингда мен қан-
дайдир хурсанд эдим. Сенда ўзим йўқотган нималар-
нидир кўрармидим, билмайман... Хайр, омадингни
берсин, – деди Ҳабиб ва қўлини узатди. Жаъфар унинг
кузларига тикилиб қаради, қўлини қаттиқ қисди ва бир
сўз демасдан ташқарига чиқиб кетди.

VII

Жаъфарнинг ҳикояси ҳайдовчига таъсир этгани
кўриниб турарди. У жуда жиддий ўтирап, гўёки Ҳабиб
наркоманию ўша кунги воқеани кўз олдига келтириб,
қайта томоша қиласади.

– Шундан кейин бошқа кўрмадингми? – бурилиб
сўради нихоят.

– Йўқ, лекин Гуляни бир куни кўчада кўриб қолдим.
Қарангки, мен кетганимдан кейин сал ўтмай контора-
ни милиция босибди, наркотик моддаларни ҳам, қал-
баки хужжатларни ҳам топишибди. Баъзи бировлар-
ни қамашибди, баъзиларини мажбурий даволанишга
кўйишибди. Лекин ўша вақтда Ҳабиб йўқ экан.

– Оббо, энг ашаддийси яна қутулиб кетган эканми?

– Э, йўқ, – деб аччиқ кулди Жаъфар сўнити сигаретини олиб тутатар экан. – Бир неча кун уни топишолмабди. Шахардан чиқиб кетган, деган овозаям тарқалибди. Лекин кейин унинг машинасини уйи яқинидаги бир боғчадан топишибди. Қиши эди, қор қалин ёқкан, машинанинг қанақалиги ҳам билинмай қолган. Бирор унга эътибор ҳам қилмаган, шекилли. Кабинада эса Ҳабиб ётган экан. Ким билади – уйига етолмаганми ёки навбатдаги дозани олиш учун ўша хилват боққа бурилганми – бироқ жуда катта доза олиб ўлгани аниқланган. Машинада уч кун ётган, жасади қотиб қолган экан.

– Мен наркоманлар ҳақида эшитган эдим, холос. Аммо бу тарафларини билмас эдим. Айтганларинг бари қизик, лекин кўнгилни жағалати қивораркан.

– Биламан, амаки.

– Хўп, кел, энди сухбатимизнинг бошига қайтайлик. Мен сендан Самарқанд ҳақида, хотининг ҳақида сўрадим.

– Сиз менга Американинг бўтда нима дахли бор, дедингиз. Шунинг учун ўша мамлакат билан боғлиқ айрим воқеаларни айтиб бердим.

– Кечирасан, ука, Америкага фақат томоша учун бормоқчимидинг? Ёки ишлаш учун ҳамми?

– Ҳар иккаласи учун ҳам. Билиб олдингиз-ку, супраси қуруқларданмиз. Америка эса – «Страна больших возможностей»! Ай, майли, энди бу ёғини ҳам айтиб бераман.

VIII

– Телестудияга режиссёр ёрдамчиси қилиб олишди. Ишим енгил эди. Кўрсатув тайёrlашга борганда операторнинг ашқол-дашқолини кўтарардим. Баъзан редакторнинг обьектга берадиган саволларини кўрадим. Ҳарқалай, адабий саводим дуруст эди: вақтида адабиётга қизиққаним яхши бўлган. Бироқ оладиган маошим

ҳам шу хизматимга яраша эдики, турган гап – бу мени қониқтирмасди. Сигаретни ташлаб, носта ўтаман, деб юрган кунларимнинг бирида уйдагилар: «Сени ўйлантирамиз», деб қолиши. Мен рози бўлдим. Ота-онам ҳамма вақт менинг раъйимга қарашарди. Навбат менга ҳам етди. «Ўзларинг биласизлар», дедим. Аммо кўнглимда бир эзилишни ҳис этдим: булар қариб қолишяпти. Мен хотинни қандай қилиб боқаман?

«Ишқилиб, ўз кунини ўзи кўрадигани учрасин-да», деган фикр ҳам хаёлимдан ўтди.

Биз оиласда икки фарзандмиз, холос. Опам уйли-жойли бўлиб кетган. Лекин менга меҳрибон. Кўпинча мен ҳақимда ўйлар, қаерда, нима иш билан шуғулланаётганимга қизиқар эди. Онам бўлса: «Жаъфарнинг ўзига яраша ақли бор, қўй, тергайверма», деб қўярдилар. Ўттиз ийл «Ўзбекфильм»да гоҳ картина директори, гоҳ администратор бўлиб ишлаган дадам нафақага чиқиб қолган, нуқул детектив асарларни топиб ўкир, телевизор кўрагарди. Менга қандайдир лоқайд, афтидан, тарбиямни ҳам, тақдиримни ҳам ойимга топшириб қўйган эдилар.

Хуллас, ойим топган қиз билан учрашадиган бўлдик. «Ўзимизга ўхшаган ўртаҳол, зиёли оиласдан экан. Лекин самарқандлик...» дедилар.

– Онанг уни Самарқанддан топган эканми? – деб сўради ҳайдовчи йўлдан кўз узмай.

– Йўқ, – деди Жаъфар. – Қиз Тошкентда яшайдиган қариндошининг уйига келган экан. Қариндоши ойим билан бир мактабда дарс бераркан. Ўша қариндоши қизни таништирган экан ойимга...

– Қизик, эр излаб келган экан-да Тошкентга? – деди ҳайдовчи ҳамон олдиндан кўз олмай.

Жаъфар унга таажжубланиб тикилди-да, ғамгин тортиб:

– Эҳтимол, – деди.

– Кечирасан, гапиравер.

Жаъфарнинг кўз олдига ўша учрашув келди. Ангелина сайргоҳ четидаги скамейка ёнида тик турар, ёнидаги баланд тагликка ўрнатилган соатга қараб-қараб қўярди. Трамвайдан тушган Жаъфар уни дарҳол сарғиш соч ва новчагина бўйидан таниди. Қўлида айтилган малла сумкача ҳам бор эди.

Биласизки, одатда, қиз билан йигитни биринчи бор қариндошлардан биронтаси танишириди-да, кеийин ўзини четга олади. Бу Ангелина дангалига: «Менга даллол керакмас», деган экан. Жаъфар уни кўрибօқ ўз аҳдига собит, мустақил фикрлайдиган қиз эканига ишонди. Қиз ҳақиқатан ҳам мағрур ва жиддий эди.

У ҳам Жаъфарни дарров таниди ва унга қандайdir совуқ синовчан тикилиб тураверди. Эътироф этиш лозимки, Жаъфар онасининг маслаҳатига кўра, «зиёли оиласининг қизи» билан учрашувга нақ зиёли йигитча бўлиб келган эди. Оппоқ кўйлак, тим қора галстук, ярқиратиб чўткаланган туфли. Бу кийим-бош унинг қотма, табиатан зиёлиларга хос гавдасига ярашиб турар, хиёл маллатоб соchlари ҳам силлиқ таралган, бирон толаси пешонасига тушиб кетса ҳам – уни сезар ва жойига қайтарар эди.

– Салом, Ангелина, – деб табассум қилди Жаъфар қўл узатишни ўзича одобсизлик ҳисоблаб.

– Салом, Жаъфар, – дея қиз ингичка бармоқларида антиқа узук ярқираб турган қўлинни узатди. Жаъфар ҳаяжон билан унинг қўлинни олди ва кўнглида ундан миннатдор бўлди: дадил қиз экан, бемалол очиқ гаплашиш мумкин.

– Самарқандлар жойидами? – жилмайиб сўради Жаъфар.

– Жойида, жойида, – деди у тезгина. – Бирон ерда ўтирайлик. Мен таксида вақтли келувдим. Оёғим толиб кетди. Юринг анави барга борамиз!

– Мен ўзим ўша ерга таклиф қилмоқчиидим, – деди Жаъфар. – Шунинг учун шу ерда учрашиш керак, девдим.

– Раҳмат. Мен Тошкентни яхши билмайман. Бунга қараганда Нью-Йоркни яхшироқ билсам керак.

– Нью-Йоркни? Америкада бўлганмисиз?

– Бўлмаганман. Аммо харитасини ўрганиб чиққанман. Канададаги Гудзон кўрфазигача топиб бороламан. – Ангелина илк марта тишини кўрсатиб жилмайди. Аммо жилмайиши ҳам хийла совуқ ва киборона эдикӣ, асло шарқона эмасди: яъни иссиқ, жозибали эмасдики, унинг аждодларида ўзга юрт қони борлигини тахмин қилиш мумкин эди.

– Касбингиз... географми?

– А, йўқ. Чет тилларини битирғанман. Шунчаки Америкага қизиқаман, холос.

– Тавба.

– Нега «тавба» дейсиз?

– Мен ҳам қизиққанман-да...

Қиз бирдан тўхтаб Жаъфарга яна синовчан разм солди. Ҳа, йигитнинг кўнглига гап келиши мумкинлигини заррача ўйламаслиги кўриниб турарди.

– Яхши, – деди ниҳоят. – Тил ўргансангиз бўларкан. – Кейин жиларкан, илова қилди: – Ҳалиям кеч эмас. – Шунда яна тўхтаб суради: – Нима, Америкадан кўнглингиз қолдими?

– Нега, у, шоир айтганидек, “сехрли диёр” бўлиб қолаверади.

– Жуда соз.

Бар йўл ёқасида бўлиб, атрофи чийdevор билан ўралган, ичкаридан қандайдир таниш, ёввойи оҳангларга тула мусиқа эшитиларди. Барга ҳам Ангелина-нинг ўзи бошлиб кирди ва четдаги холи столни ҳам ўзи танлади. Биринчи бўлиб ўзи ўтирди. Жаъфар худди унга эргашиб юрган қишлоқига ўхшар, аммо бу ҳол ўзига ёқар эди: зеро, қиз билан тобора фахрланиб бормоқда эди.

Нари-берида ўтиришган талай йигит-қизлар буларга, айниқса, бўйнида йўғон олтин занжир ярақлаб

турган, оппок ва кибор қиёфали дадил қизга қизиқиб қарашди.

Бармен келди.

– Нима ичасиз, Жаъфар? – деб сўради Ангелина барменнинг савол беришини кутмасдан.

– Сиз... – деди каловланиб қолган Жаъфар. – Сиз айтинг олдин. Кечирасиз, шу ердаги хизматни мен қила қолай.

– Майли, – деб елкасини учирди қиз ва мийигида жилмайиб қўйди. Бу жилмайишда ҳам киборлик бор. Аммо қандайдир шафқатми, раҳмдилликми – шу каби майин ҳис ҳам сезиларди.

Жаъфар барменга “Кока-кола” билан иккита музқаймок буюрди. Қиз энсаси қотгандек бош иргаб қўйди-да, бармен жила бошлаганда:

– Бир бокал шампанский! – деди.

– Менга ҳам, – деди Жаъфар. Кейин қизариб кетди ва беихтиёр қиздан маслаҳат сўради: – Ё кучлироғидан ичсамми?

– Албатта-да. Эркак кишисиз. Ёки ичиб ўрганмаганмисиз?

– Йўқ, ичиб турамиз. – Кейин кескин буюрди барменга: – Юз грамм водка!

Бармен бош иргаб кетди.

X

Ангелина яна бир қадаҳ шампан сипкорди. Жаъфар яна юз грамм ароқ ичди. Кейин ўзининг “Хон” сигаретини столга олиб қўйганди, Ангелина ҳам малла чарм сумкасидан “Марлборо” пачкасини чиқариб, ичидан битта сигаретни бемалол олди.

Шунда Жаъфар Ҳабибнинг конторасида кўрган қизларни эслади. Улар ҳам шундай – бемалол ўтиришар, чекишар, кулишар ва ҳар хил уятли латифалар айтишар эди. Йигитнинг юраги дук-дук уриб кетди.

– Кечирасиз, Ангелина, сиз анча эркин тарбия топганга ўхшайсиз-а?

– А, нима бўнти? – деди қиз Жаъфарга ҳам ҳайрат, ҳам қандайдир тепадан қараб.

– Йўқ, ўзим, шунчаки... – “Ота-онаси ўртаҳол зиёлилар дейишганди. Унақамас. Ўртаҳол одамларнинг қизи бунақа кийинмайди. Битта узугининг ўзи...” – Кечирасиз, сизлар оилада неча фарзандсизлар? – деб сўради.

– Ёлғиз қизман, – деб анча илик кулимсиради Ангелина.

– Тушунарли...

– Лекин Самарқандга борсангиз, кўрасиз, биз жуда унақа бойваччаларданмасмиз.

– О, мен унақа демоқчимасдим. Биз ҳам – ўртача хаёт кечирамиз, Ангелина. Исмни ким қўйган сизга?

Қиз бир оз анграйиб қолди-да, бемалол кулди.

– Вақти келганда айтиб бераман. Бошқалар ҳам шунга ҳайрон бўлишади. Бундан ташқари, сен тожикка ҳам, ўзбекка ҳам ўхшамисан, дейишади.

– Айтмоқчи, мен ҳам сизни ҳали кўрганда шу фикрга бордим. Кейин ҳам ўйладим. Уруғингизда бошқа қон...

Қиз бирдан асабийлашиб хўрсинди.

– Келинг, бошқа темада гаплашайлик. – У сигаретини Жаъфарнинг ғугурт чақиб тутишини кутмасдан чиройли чақмогини чақиб тутатди. Жаъфар илк бора ўзини ғариб сезди. Гугуртни кафтида эзғилаб тураркан, ҳали барга яқинлашганларида бу ердан эшитилган ёввойи оҳанглари мўл мусиқа яна таралиб кетди-ку, унга гусир-гусир от туёқларининг товуши ҳам қўшилди. – Эҳ, ҳиндуларнинг музикаси-ку! – деди Жаъфар дафъатан ҳаяжон билан. – Қаттан кевотти?

Ангелина буфет томонга ишора қилди.

– Телевизори бор экан. – Кейин тирсакларини столга тираб, сигаретни чиройли бармоқлари орасида тутганча, Жаъфарга тикилди. – Режиссёрмисиз?

- Ҳа, шундай десаям бўлади.
- Фильм олдингизми?
- Ҳозирча йўқ... Узр, неча ёшга кирдингиз?
- Йигирма бирга... Сиз йигирма бешдасиз-а?
- Ҳа, – деди Жаъфар майин қулимсираб. – Лекин, ишонасизми, мен ўзимни ҳозир сиздан ёш ҳис қивомман.
- Вой, мен шунаقا катта кўринаманми?
- Унақа демоқчимасман.
- Хайрият-э.
- Сиз гўзалсиз, ёшсиз. Аммо нимангиздир мендан устун. Буни тан олишим керак.

Қиз мийифида жилмайиб сигаретни сўрди. Шунда Жаъфар Ҳабибнинг идорасида юз мартараб хидлаб, кўнгли айниган ҳидни түя бошлади. Қаёқдан келяпти экан? У бошини ўнгу сўлга буриб, хўрандаларга қаради. Аксари чекишмоқда эди.

- Нималарга қарайпсиз? – сўради сиз.
- Йўқ, шунчаки... – Кейин Ҳабибнинг хонасидаги қизлар яна кўз олдига келиб, Ангелинага ялт этиб боқди. Бу вақтда қиз қимматбаҳо сигарет қолдигини билурнамо кулдонга босиб эзган эди. Жаъфар қолдиққа тикилди. Кейин қизга боқди. Кулмаяпти. Нашавандлар кўп кулади. Йўқ, бу сигарет чекди. Кўзи ҳам тиник, жиддий боқади: филтилаш йўқ. Яхши.

– Сиз режиссёр сифатида мени ўрганяпсизми? – сўраб қолди қиз.

– Менимча, сиз ҳам мени бўлиши мумкин бўлган куёв сифатида ўрганяпсиз, – деди Жаъфар.

– Рост, сиз келишган йигитсиз. Менга... ёқдингиз.

Жаъфар ютиниб олди.

– Сиз ҳам менга ёқдингиз. Лекин...

– Нима?

– Орамизда фарқ каттага ўхшайди, Ангелина. Сиз ўргаҳол зиёлиларнинг фарзандларидан фарқ қиласиз.

Қиз хўрсиниб юборди.

– Бу гапингизда жон бор.

– Ҳўш?

Шунда Ангелина сигарет қутисини олиб, сумкасига солди. Сезгир бармен етиб келди. Ангелина унинг юзига қарамай ўнталик долларни қопчиғидан чиқариб, стол четига ташлади.

Жаъфар донг қотиб қолди. Бармен ҳам Ангелинага олайиб қараб, пулни олди-да: “Один момент”, деб бу-фет томонга йўргалай қолди.

– Бу нима қилганингиз? – деб пицирлади тамом беҳол тортиб кетган Жаъфар.

– Нима қипман? – деди Ангелина. А-а, уми... – кейин йигитга яна уша совуқ назари билан тикилди. – Эсингизда бўлсин, мени молу дунё қизиқтирмайди... Американи курсам, бас!

– Ё, тавба!

– Туринг. Сабабини айтиб бераман. Бояги саволларингизгаям жавоб оласиз. Лекин илтимос қиласман, мени олдимда қисинманг. Сизга ярашмайди. Менга ишонинг. Ҳўпми? Ахир, мен бўлажак хотинингизман-ку? Тўғрими?

Жаъфар зўрға ўрнидан турди.

XI

– Ангелнинг эр излаб келгани рост экан, – деди шофёр Жаъфарнинг хотини билан илк учрашуви ҳақидаги ҳикоясини хўмрайиб тинглаб бўлгач.

– Нега энди?.. – жиндай ранжиди Жаъфар. – Назаримда, биз бир-биримизга тўғри келган эдик.

– Жуда тўғри келгансизлар-да, – деб кесатди амаки. Кейин Жаъфарга қараб дўқ қилди: – Нима, оринг келяптими? Ахир, у билан ажрашиш учун кетяпсан-ку Смарқандга?

– Шундай-ку-я?

– Сенда иккиланиш бор дейман?

Жаъфар тағин бошини орқага солиб, кўзларини юминқиради.

— Айтдим-ку, ахир... Унда менинг орзуларим мұжассам бұлгандек эди. Тавба, худди үзимга үхшаб фикр қиласкан-а!

— У үзига үхшаб фикр қиласы, холос, — деди шофёр. Жаъфар қузини очиб, ҳайдовчига қаради.

— Сиз қаттан биласиз? Кечирасиз, амаки, сиз менинг хотинимга бошқа агрессивни қарай бошладингиз. Нима, танийсизми уни? Дарвоқе, сиз ҳам самарқандлик-а?

Ҳайдовчи бир неча сониядан кейин:

— Хүш, давомини ҳам эшитайлик, — деди. — Учрашувдан кейин нималар бұлды?

— Сигаретингиздан чексам майлими?

— Мана, ёнингда. Мунақа нарсаны сұраб үтирма. Кемаға тушганинг жони бир, нони ҳам бир деган гап бор.

— Раҳмат.

— Хүш?

— Бардан чиққанимиздан сұнг сайилгоҳға үтдик. Коронғи тушиб қолған, лекин сайилгоҳға үрнатылған думалоқ чироклар ёна бошлаган, бу ер сайрбоп эди, — деб давом этди Жаъфар тиззалирига тирсагини тираб, ойнага тикилғанча. Мен шу пайтгача бирон қызы билан мундай юрмаган эдим. Үқиши, ўрганиш, хаёл суриш билан... бундай сайрлар бұлишидан бехабар эдим. У менинг тирсагимдан ушлаб олған эди, энди менга бир оз сұянаётгани ҳам билиниб турарди... Хуллас, у айтдики, амаки, Самарқанддаги зиёли ота-онаси — аслида үзининг чин ота-онаси эмас. Чин онаси олти яшарлигіда Наманғанда вафот этган. Кейин отаси билан Самарқандга келишгән экан. Отаси Самарқанддаги рухонийлар мактабида дарс бераркан. Мустақиллик араfasида чет әлға үтиб кетибди. Ангелинани опкетолмапти-да, үша зиёли оиласа қолдириб кетибди. Аммо шундок ҳам Ангелина үша хонадонда яшар экан. Уларнинг

фарзандлари бўлмагани учун Ангелинани ўз қизларидек кўрар экан... Эшитвоссизми?

– Жуда яхши эшитяпман, – деди шофёр овозида сезиларли ғазабми, аламми билан. Кейин бирдан бошини буриб сўради: – Отасининг нима учун хорижга қочиб кетганини ҳам айтдими?

– Унчалик тушунолмадим, – деди Жаъфар. – Ўшанда домлаларга тазийқ ўтди, дедими-е... Лекин отаси ҳозир Нью-Йоркда яшар экан. Жуда катта бизнесмен экан. Ойига аллақанча доллар юбориб туаркан қизинингномига. Ангелинанинг айтишича, ўтай ота-онаси ҳам ўшавалюта ҳисобига жуда яйраб яшашар экан.

– Билмадим, – деди шофёр. – Фарзанд асраб олгандар, одатда, яхши одамлар бўлишади. Ўша ўқитувчилар Ангелинани бағрига олган вақтида “Бир кун отасидан доллар келади, маза қилиб яшаймиз”, дейишмаган бўлса керак... Хўп, майли. Бу ёғи ҳакида кейин гаплашамиз. Сен давомини айт, ука.

XII

– Давоми нима бўларди... Тўй бўлди. Ангелинани Самарқанддан Тошкентга олиб келдик. Кейин уч кун бирга яшадик, холос. – Жаъфар шундай деб шофёрга қаради. Назарида, у киши унга ялт этиб боқиши ва ҳайрат билан савол бериши лозим эдики, Жаъфар буни истарди ҳам. Бироқ шофёр ғамгинлик билан лабини қимтиб, ўзича бош иргаб борар, баъзан бош чайқаб қўярди.

Жаъфарнинг тоқати тоқ бўлди.

– Уйимизда ўзини қандай тутганиниям айтиб берайми?

– А? Ҳа-ҳа. Айтгин-да. Бу – жуда қизиқ. Ундан бизнесменнинг қизи сизлардек ўртаҳол интеллигентларнинг уйида ўзини қандай тутибди экан? Бу қизиқ... Гапиравер. Гурунгимиз жуда қизияпти. Йўл юрганимиз

ҳам билинмаяпти. Мана, ҳаво ҳам очиляпти. Кўклам ҳавоси-да, жигар... Хўш, уйга олиб келдинглар. Балки Самарқандда бўлган тўйдан бошларсан?

Жаъфар унга тикилиб қолди. Кейин ўйланиб:

– Тўй, яъни вечер “Афросиёб” меҳмонхонасида ўтди. Лекин кўп нарса кетди, амаки. Бечора ота-онамнинг бор бисоти кетди дейман. Бир оз қарзгаям ботишиди... Масалан, ресторон залининг ўзи турт юз долларга тушди. Ҳолбуки, уларнинг ҳовлиси кенгтина экан. Саҳнга жой қилса бўларди. Арzonга тушарди.

– Ангел қиз: “Ресторанда тўй қиласизлар”, деб турриб олди. Шундайми?

– Ҳудди шундай. Айниқса, “Мени “Лимузин”да оборасизлар”, дегани қимматга тушди. Олти юз доллар кетди. Самарқандда унақа машина йўқ экан, Тошкентдан чақирдик.

– Ҳе, қисталок, бойвачча, – деб қўйди шофёр.

Жаъфар бир оз жимиб қолиб, давом этди:

– Опамнинг ҳам йигиб қўйган пуллари кетди. Вечерда беиш юзтacha одам бўлди. Тошкентдан бир автобус одам борган эди. Ойимни, дадамни, опамни танишлари – бирга ишлайдиганлари. Менинг телестудиядаги янги танишларим... Тўй жуда тез бўлиб кетди-да. Ўша учрашувимиздан бир ҳафта ўтгандан кейин уже совчилар вечер кунини белгилаб келишган эди. Ангелининг ота-онаси... ўшалар: “Бўладиган иш бўла қолсин”, дейишган экан.

– Қизимиз Америкага кетиши керак демаган эканми? – деб кулимсиради шофёр.

– Йўқ, лекин Ангелина билан иккимизнинг шундай планимиз бор эди, – деб бошини эгди Жаъфар.

– Яшанглар.

– Амаки, кесатяпсиз-а?

– Албатта.

– Лекин ҳамон бир нарсани тушунмайман. Нима учун Тожикистон орқали кетиш керак?

– Балки қочоқларга құшилиб кетишини үйлагандир? – Жаъфарға елкаси оша ғижиниб қаради ҳайдовчи. – Тошкент виза бермас эди барибир. Бу томонларини үзинг яхши биласан.

– Биламан. Ҳабибниңга үхшаган конторалар Душанбедаям бор экан. Ангелина күп нарсалардан хабардор экан.

– Ҳа, энди, тайёргарлиги бўлган-да. Нью-Йоркни билар экан-ку, қойил. – Кейин яна Жаъфарға истехзоли жилмайиш билан қаради ҳайдовчи. – Сен рози бўлдинг-а шунга? Ростини айт. Рози бўлгансан. Шунча нарсани кўриб, билиб яна... Худоё, қудратингдан! Ҳабиб жўрангнинг конторасига тупуриб кетганингни эшитганимда қанчалик хурсанд бўлган эдим. Одамнинг кўнглини тушуниш қийин экан-да. Тағин сен ўқиган, режиссёр, ақлли йигитсан. Қонунни, қонун нималигини жуда яхши биласан. Қонунни ҳурмат қиласан...

XIII

– Амаки, мен Америкага бораман девотганим йўғ-у...

– Лекин ўша қиз судраб қолса, борасан. Ўша бизнесменни ҳам қоралаб борасан. Мени яхши ишга қўяди, деб үйлайсан. Кўп долларли бўламан. Кейин Ватанга қайтаман, деб үйлайсан. Ҳа, демак, хотинни ўша ерда қолдириб... Ажаб савдолар. Ҳозирги ёшлиарни тушуниб бўлмайди: доллар дейди, хориж дейди. Бу ёқда Ватан турибди, ота-она турибди, қариндош-уруг... Ҳа, энди гиёҳваңдар тўғрисида гапирмайман. Гапиришга арзимайди улар. Оқибати ўша бўлади. Ҳабиб жўрангта ўхшаб ҳаром ўлади. Мошенниклар қамоқда чирийди. Ҳозир ўзимизда яхши сиёsat олиб бориляпти. Айниқса, наркобизнесга қарши... – Шунда ҳайдовчи сўздан тўхтаб, Жаъфарға тик қаради: – Ангел отасининг қандай бизнес билан шуғулланишини айтмадими?

– Йўқ, бизнес деди, шу, – деб елкасини қисди Жаъфар ва мийигида кулди. – Ҳар ҳолда руҳоний одам наркобизнес билан шуғулланмаса керак.

Ҳайдовчи – кўпни кўрган, кўпни қузатган шофёр хиринглаб кулди.

– Ёшсан-да, ҳали. Дунёни яхши билмайсан. Менимча, сен Ватанингни ҳам яхши билмайсан.

Жаъфар Ҳабибнинг Ватан ҳақидаги гапларини эслади. Энди, ниҳоят унинг гапларида маъно-мантиқ кўргандек бўлди. Ўшанда унга кескин гапирганига андак пушаймон бўлди. Кейин яна ўйга чўмиб, Ҳабибнинг ҳалок бўлгани учун орқасидан шу ўйга боргандек бўлди.

– Сигаретингиздан...

– Олавер дедим-ку. Ҳўш, Ангел келиннинг уйларингдаги нағмаларидан ҳам гапирасанми?

Жаъфарнинг тили қичиб кетди. Ўша ғалвалар ҳақида гапирса, ўзининг қандайдир айбларини оқлайдигандек бўлиб:

– Хонимнинг нағмаси эрталаб бошланди, – деди, – яъни Тошкентга келиб тунаган кечасининг эртасига. Уйғониб кетиб, коридорга чиқдим. Ошхонада ойим газда нимадир қиляптилар экан. “Ухла, ухлайвермайсанми? – дедилар. Даданг ҳам дам овотти. Кейин келинсаломга чиқади...” Мен юз-қўлимни ювиб ётоқقا кирсам, Ангелина тўшакда оёғини узатиб ўтирибди. “Принеси мне кофе”, деди. Жа ғалати бўп кетдим. Юзни ювмай туриб-а?

– Сен кофе дамлаб келдингми?

– Ҳа, опам дамлаб берди, – деди Жаъфар яна бошини қуи солиб. – Бизда кофе ичилмайди, одатда. Кийиниб кўчага чиқдим. Саккиз сўмга бир банка «Нескафе»дан олиб келдим. Ойимга шундай-шундай дедим. Рости гап, уялар эдим. Ойим бўлса: «Майли-майли. Ўрганган эканда», деб кофе дамлаб бердилар. Чашкани кўтариб кирсам, Ангелина ҳалиям ўшандоқ ўтирибди. Ғазаби келган. Кофени ича бошлади. «Уйдаям шунақамидинг?» деб сўра-

дим. «А, қанақа бўлишим керак?» деди у. Индамадим... Қисқаси, шу пайт опам келиб қолди-ю, бу ахволни кўриб бобиллай кетди: «Қанақа келинсан? Тур ўрнингдан! Наҳс босиб ўтиришини қаранг бунинг! Энди сен келинсан. Бирорвонинг ҳасмисан! Бизнинг урфни қилишинг керак... Самарқандла ресторанда куйдирганинг етади. Қўлимдан келганида ўша пайтда тұхтатардим. Юз минг сўмга олинган либосда ўтирганинг ёдингдами? Вей, юзини яширишни билмайди. Майли, яширма, хиёл бошингни эгибрөқ ўтири. Йўқ, залга бақрайиб қарайди. Қандайдир маст йигитлар чиқиб, у чаккангдан ҳам, бу чаккангдан ҳам ўпади. Мана бу бечора укам бўлса, ёнингда йўқ бўлиб кетди...» Хонага онам кирдилар. Опамни олиб чиқдилар. Мен каравот четига ўтиридим. Ангелина опамга қарши бир сўз ҳам демаган эди. Нихоят, «Жуда эски ўзбекча экан, – деди. – Тожиқлардаям мунақаси кам. Ну, нечего. Мен индинга Самарқандга кетаман. Ҳозир эса қариндошимнинг уйига бораман. Бу ерда тоқат қилиб ўтириб бўлмайди, кўряпсан-ку?»

– Ах, ярамас Ангел! – деди ҳайдовчи. – Ҳа, ундан буни кутиш мумкин эди.

– Уни танийсизми? – Жаъфар бутун гавдаси билан ҳайдовчига бурилиб ўтириди.

XIV

– Битта кўчада яшагандан кейин нега билмас эканман? – деди ҳайдовчи кўзлари олайиб кетиб. – Уни бутун Самарқанд билади, десам ҳам ишонавер. Отнинг қашқаси-ку у! У кирмаган видеохона, ресторан, бар қолмаган. Наша чекади дейишади. Мен бу гапгаям ишонаман. – Кейин заҳарханда қилди: – Ҳе, бечора укам! Дуч келган одамларингни қара! Узбек-Америка почтаси бўлибсан, Ҳабиб гиёҳдвандга ёлланибсан, энди тақдирнинг ўйинини қарангки, бу туллакка дуч келибсан. – Сўнг ўйланиб қолиб, давом этди: – Мен

жуда унақа ўқимаган одамман. Аммо-лекин сенинг ҳи-
кояларингдан шу нарсага ақлим етдики, бу палакатларга
дучор бўлишингта муллажиринг сабаб бўлган. Кўк қоғоз,
доллар! Уйи куйсин долларнинг... Эсингдами, Тошкент-
дан чиқаверишда менга нега бошқа пассажир олмадингиз,
дединг. Тутурдим ортиқча давлатта! Хотиним ўғил туғиб
берди, шу менга давлат!

– Кечирасиз, амаки, – деди қизариб-бўзариб кетган
Жаъфар қоматини тиклаб. – Мен жуда унақа доллар-
нинг устида ўлиб қоладиган йигитмасман. Айтдим,
шекилли, иккала ишхонадан ҳам бир сўмсиз чиқиб
кетдим. Лекин доллар ишлагим бор эди. Нима қилай?
Омадим юришмади...

– Америкага борсанг омадинг юришадими?

– Билмадим, гумонсираб қолдим. Ишонмаяпман. –
Кейин ютиниб олиб давом этди: – Қолаверса, Амери-
кага мен томошага бормоқчиидим, аслида. Бу ҳиндулар
ҳақида фильmlарни кўриб, кўнглимда туғилган орзу-
им эди. Қанақа кенгликлари, прериялар... Ўиласам,
ўша томонларга қанот қоқиб, учгим келарди.

– Ҳе, биз ҳам қизиққанмиз ўша ҳиндуларга. Ким
уларни яхши кўрмайди? Озодлик учун курашадиган
кишилар ҳамиша қадрли бўлишади. – Шу пайт ой-
надан ям-яшил бўлиб кўринаётган адирга тикилиб
қолди. Жаъфар ҳам у ёққа қараб, адир адогидаги бир
тӯп қора нуқтани кўрди. Тӯп шу томонга яқинлашиб
келаркан, ҳайдовчи шошилинч равишда машинасини
четга чиқариб, ушбу йўлдан адирни тўсиб турган ба-
ланд симтўр девор яқинида тўхтатди.

– Нима у қоралар? – деб сўради Жаъфар.

– Туш, пастга туш, – деди ҳайдовчи ташқари-
га чиқаркан. Ва тўсатдан бақириб юборди: – Биз-
нинг ҳиндулар келишяпти! Отликлар улар. Кўпкари
бўляпти. Кўпкарини кўрганмисан ҳеч?

– Телевизорда бир минут-ярим минут...

– Кўрмагансан-да! Ана энди кўрасан. Эй, укажон, отни ҳиндуга эмас, ўзбекка чиқарган. Ҳа, менимча, яратилишдан шундай бўлган. Эшишишимга қараганда, ҳиндуларга от жониворни оврўполиклар оборишган. Испанларми, ким билади. Унгача от нималигини билишмаган. Бизнинг бобокалонларимиз отда туғилишган! Битта мисол айтаман, тўғри тушунгин. Мана, тожикларимиз бор, тожик тили бор-а? Бор. Мен ҳам шу тилни биламан. Қандайдир уруғимизда тожиклар бўлган. Лекин битта нарсага ҳайрон қоламан. Отнинг эгар-жабдуғи дейсанми, абзали дейсанми, фақат ўзбекча. Тожикчада йўқ. Тожик биродарларимиз ўзбекчасини айтишади. Бу нимани кўрсатади? Фахрланмайсанми, жигар?

– Э, сиз зўр экансиз, амаки, – деди Жаъфар унинг ёнида туриб, тобора катталашаётган отлар тўпига қараганча. – Чиндан ҳам ҳиндуларга ўхшаб келишяпти.

– Мени мақтаганинг учун сенга яна бир гапни айтаман, – у Жаъфарга юзланиб олди. – Тарихни ўқигансан, ука. «Босмачи» деганини биласан-а?

– Албатта, – деди Жаъфар беғубор жилмайиб. – Улар аслида ватанпарварлар бўлишган.

– Отангга раҳмат. Шундай бўлишган. Булар балки ҳиндулардан ҳам устароқ, честнийроқ бўлишган. Чоллардан эшиитганмиз-да. Ана уларнинг ҳалиги қизиллар билан урушлари ҳақида кинолар чиқарилса! Уларнинг олдида ҳиндулар ҳақидаги фильмларинг, билмадим, нима бўлади. Ўйлаб кўр! Ў, улар зўр урушганлар! Ана шу тоғу тошлилар орасида, шу кенгликларда савашганлар.

Жаъфар шу қадар бўшашиб кетдики, негадир йиғлагиси келаётганини туйди.

– Бари гапларингиз тўғри, – деди.

– Албатта, тўғри-да, – ўзини ўзи тасдиқлади ҳайдовчи. – Ана энди де, мустақил бўлдик. Босмачилар оқланди, – бирдан жимиб қолди. Кейин қовоғи солинди. – Душманларимиз кўп, айниқса, ҳалиги динчилар ичидан чиқкан ақидапарастлар бор-ку?

– Биламан, амаки.

Кейин пишиллаб бурнидан нафас олди амаки.

– Агар менга ишонсанг, хўш, Ангел яшаётган оила билан бир кўчада яшашимизга ишонсанг, тепамда худо борки, унинг отаси ҳозир Америкада наркобизнес билан шуғулланади. Ҳа... Буни бизнинг органдагилар ҳам билишади. Ахир, иккита ўртоғимнинг биттаси – мелиса. Шу билан бирга, укажон, у мулланинг, Намангандан чиқкан ҳалигидақалар бор-ку, ўшалар билан алоқаси бор. Шу билан бирга яна бир гап: бу домла аслида намангандик эмас. У киши билан икки оғиз гаплашган одам ҳам тилидан билар эди. Тили жуда эскича. У тилни эски чолларимиз ҳам унутиб юборишган. У киши қайсиdir йилларда Намангандада пайдо бўлиб, қандайдир мактаблар очган.

– Тушунмаяпман, – деди Жаъфар.

– Э, гапнинг қисқаси, ундай домлалар бизга қарши, мустақиллигимизга қарши шерваччаларни тарбиялайдиган устозлардан экан. У одам ғойиб бўлганидан кейин эшитдик-да. Самарқанддаги диний мактабдаям хийлагина ҳалигиндай ташвиқот ишларини олиб борган экан. Шунақа. Кетдилар Америкага.

– Тушунарли.

– Ана энди қизиям кетмоқчи, – деб давом этди ҳайдовчи шошилиб. Зеро, улоқчилар яқинлашиб қолган, ҳув-ҳув этган ёввойи қийқириқлар эшитила бошлаган эди. – Менимча, гап шундаки, Ангелинанинг ватани бу ер эмас. – Сўнгра бирдан кулиб юборди. – У жонивор ўз уйингдаки, сени ҳурмат қилмабди, тўғриси, хўрлади, худо кўрсатмасин, у ёқда...

– Етади, амаки.

– Шундай бўлсин. Мана сенинг ватанинг.

– Ҳа, албатта.

– Шуни сев-е, жигар. Бошқаси бекор. Американинг ўз халқи бор. Улар ўз ватанларини севишади.


– Албатта.



Жаңонғир отаси Шукур Холмирзаев билан ҳайвонот боғида.
1977 йил



Жаҳонгир синфдошлари билан. 1980 йиллар



Жаҳонгир рассом дўсти Абдужаббор Эрмеминовнинг
устахонасида. 2001 йил



Жаҳонгир Холмирзаев Олий адабиёт курсининг битирув
кечасида. Курсдошлари – Ҳосият Рустамова, Ориф Ҳожи
ва Даврон Ражаб. 2003 йил



Жаҳонгир Холмирзаев адабий учрашувда (Жиззах).
Чапдан иккинчи – дўсти Немат Ҳайрат. 2005 йил



Жаҳонгир Холмирзаев маъруза пайтида. 2005 йил



Жаҳонгир Чигатой қабристонида отаси Шукур Холмирзаевнинг қабрига ёдгорлик тошини ўрнатилиш маросимида. 2006 йил

Шу пайт устига лой сачраган, ялтираб-терлаб, оғизлари кўпиреб кетган отлар симтўр деворга яқин келишди-ю, олдиндаги тақимиға улоқни бостириб олган бўз от бошини бурди. Бошқа отлар сурилиб келиб симтўр девор қаршисида зўрға тўхташди. Битта зулукдек от нақ деворга сапчиди. Жаъфар донг қотиб қолди. Отнинг кўзлари қинидан чиққудай бўлиб кетган, бурун катаклари кенгайган, худдики дунёни босиб кетадигандек эди. Бошига танкчиларнинг шлемини кийган йигит жиловни калта ушлаб отни тислантирди. От орқа оёқларида тикка бурилди.

Бошқа отлиқлар ҳам ўлжани обқочиб кетаётган улоқчининг орқасидан зинғиллаб кетишиди. Улар орқасидан фақат лой отилар эди.

ХОТИМА

Автобекат.

- Амаки, шу пулни олинг.
- Йўқ, дедим-ку, э... Лекин Самарқандга йўлинг тушганда бизнинг уйга киарсан.
- Қандай бўларкан, улар билан бир кўчада турсангиз.
- Э, эсим қурсин, сени яхши кўриб қолдим, ука. Майли, Тошкентга борганимда, ўзим сени телестудиядан топаман. Яна гурунг қиласиз. Лекин сен ҳалиги «босмачилар» ҳақида серия-серия фильмлар яратиш керак, деб катталарингга айт.
- Албатта, – деди Жаъфар. – Иложи бўлса, ўзим ҳам қатнашарман фильм олишда.
- Албатта қатнашгин. Хўп, мен тезроқ уйга етиб борайн. Исминг ҳам менга ёқди. Балки жиянчангни ҳам Жаъфар деб атармиз. Вай, пулни киссангга сол!
- Раҳмат, амаки.
- Шошма, сизлар қаерда ЗАГСдан ўтгансизлар?
- Тошкентда.

– Ҳа-а. Узи боради. Ана, таниш такси!

– Йўқ, мен мана шу тепаликка чиқиб бир оз ўтирайин. Айтмоқчи, сигарет олишим керак. Дўкон қатда экан?

– Дўкон, дўкон. Дўкон бардачокда.

– Раҳмат сизга.

Бирпасдан кейин Жаъфар курткасининг ёқасини кўтариб қўйиб, бекат тепасидаги тошлари чиқиб ётган қирда қунишиб чекиб ўтирас, қархисида эски ўрикзор бօғ ястаниб ётарди.

Унинг йиғлаётганини айтиш шартмикан?

2001.

(“Туркистан” газетаси, 2002 и.

Март-июль сонларида)



Бадиалар

ЙИГИРМА ЙИЛДАН КЕЙИН

– Бу киши – филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Саримсоқов бўлади. Бугундан бошлаб сизларга фольклоршуносликдан дарс беради, – деди дунё адабиёти кафедрасининг мудири. Кейин тўғридан-тўғри профессорга мурожаат қилди: – Булар – ўша Олий адабиёт босқичининг тингловчилари.

Бизлар – бор-йўғи саккиз нафар, ҳар хил вилоятларданмиз. Ўқишининг биринчи ҳафтаси бўлажак домлала-римиз билан танишдик...

Илк сабоқни бошламасданоқ профессорнинг назари менга тушди.

– Э, Жаҳонгир... Қалайсан?

– Раҳмат. Ёмонмас, – дедим. – Ўзингизнинг кайфи-ятларингиз яхшими, Баҳодир ака?

– Чидаса бўлади, – деб қўйди Баҳодир ака.

Мен билан ёнма-ён ўтирадиган наманганлик ёш шоира Гулчехра Беназир бошини эгиб, мендан сўради:

– Сизлар танишмисизлар?

– Ҳа.

Бу киши бирорлар учун «профессор Баҳодир Саримсоқов» бўлса, мен учун шунчаки – «Баҳодир ака», дадам учун «Баҳодиржон» эди. Домла кўп йилдан буён дадамнинг яқин дўсти ва маслакдоши. Оиласизнинг яқин дўстига айланиб қолган. Домланинг яшил «Жигули»сида қилган саёҳатларимизни завқланиб эслайман. Хоҳласак, шаҳардан ташқарига – тоғларга чиқардик, хоҳласак-дадамнинг туғилган юрти Сурхондарёга кетардик. Бойсунга ҳам борардик. Дадам-

нинг ўзи ҳам Баҳодир аканинг туғилган юрти – Андижоннинг Шаҳрихонида ҳам бир неча марта бўлиб қайтган эди.

Баҳодир акам билан Бойсунга борганимизни эслаб кетдим. Ўшанда момом ҳам, бобом ҳам ҳаёт эдилар. Улар ҳам Баҳодир акамни ёқтириб қолиб, «улим» деб атаган эдилар.

Домла кейинчалик Сайёра опамнинг «Достонларда бадиий шартлилик» мавзуидаги илмий ишига раҳбарлик қилди. Шуни айтиш лозимки, ҳалқ ижоди билан шуғулланишни Сайёранинг миясига дадам қўйган, Сайёра талабалигидаёқ ҳалқ оғзаки ижодидан курс иши қилган эди. Хуллас, у фан номзоди бўлгач, Тил ва адабиёт институтида бир неча йил ишлади. Бу орада янгича турмуш тарзининг ўзига хос қийинчиликларига чидай олмаган талай олимлар ҳам бошқа даргоҳларга ўтиб кетишиди. Опам ҳам Қишлоқ хўжалик институтида иш бошлади: маош ҳам кўпроқ экан. Баҳодир акам эса ўз соҳасини кўзи қиймади: Тил ва адабиёт институтини тарқ этмади...

У киши ҳақида дадамдангинамас, ойимдан ҳам эшитиб турадим: Баҳодир Саримсоқов – Ўзбекистонда саноқли фольклоршунос олимлардан бири. Бу соҳада ўнлаб тадқиқотлари чиққан, Боку, Анқара институтларида маърузалар ўқиган...

Хуллас, ана шу олим орадан йигирма йилча вақт ўтгач, Олий адабиёт босқичининг тингловчиси ҳисобланмиш менга ҳам дарс бераркан! Илк сабоқнинг ўзиёқ мени мафтун этди. Достончилик ҳақида сўзлаб, Бойсун билан боғлиқ «Алпомиш»га алоҳида тўхтади. “Кўп миллий қадрияtlаримиз айни шу достон қаҳрамонларида намоён”, деди... Бу гаплар менга ёқди, албатта. Аммо «Жаҳонгир... қалайсан?» деган биринчи луқманинг таъсири кучли бўлди. Айтишим лозимки, ўша «...қалайсан»ни эшитишим биланоқ умримда унугилмас бўлиб қолган бир воқеа ёдимга тушиб кетди.

Ўшанда, нари борсам, саккиз ёшларда эдим. Дадам билан Баҳодир ака уйимизда муҳим бир масала-да баҳслашиб ўтиришар, ташқаридағи иссиқни гүёки сезишмас эди. Мен ётқаған ойнаи жаҳонда кўрсати-лаётган қандайdir фильмни томоша қилиб бўлиб, кўчага чиққим келди. Йўлакда шиппагимни кияётиб, терга тушдим. Бунақа иссиқ кунда саккиз яшар бола-нинггинамас, балки саксон яшар чолнинг ҳам кўнгли турайдиган бир таом ёдимга тушди.

Хонага мўралаб, катталарнинг гапи ҳали-вери туга-маслигига иқрор бўлдим-да:

– Дада, – деб чақирдим.

Дадам ҳозиржавоблик билан:

– Лаббай, ўғлим? – дедилар.

– Музқаймоқ егим кевотти. Йигирма тийин бера қолинг.

– Ҳозир, – дея дадам чўнтакларини ковлай кетди-лар. Биридан қоғоз пуллар чиқди, биридан, умуман ҳеч нима. – Ўғлим, майдам йўқ экан. Каттасидан бер-сам, томоғингни шамоллатиб келасан. Эртага ерсан музқаймоқни... – Дадам менга шўхчаник билан шу гап-ларни айтиб, яна Баҳодир акага юзландилар.

Мен негадир Баҳодир акадан ҳам уядим. Йўлакка бу-рилаётиб, у кишининг менга зимдан қараб турғанларини сезгандим. Тағин енгил шиппагимни кийиб, боғичларини ўтказаётгандим, ёнимда бироннинг соясини сездим. Ва шу заҳоти соядан узатилган қўл менинг шимимнинг чўнтағи-га тушди. Қадимни ростласам, Баҳодир ака ваннахонага ўтаётган эканилар. Албатта, бундан хурсанд бўлдим. Аммо хижолат ҳам тортдим. Кейин кўчада ҳам ўйлай бошладим: «Баҳодир акам менга пул бермоқчи экан, нега дадамнинг ёнида бера қолмади?» Ўшанда бу одамнинг нақадар одоб-ли ва маданиятли эканини қайдан билибман!

Хуллас, мен дадамдан битта музқаймоққа пул сўра-ган эдим. Бир талай музқаймоққа етадиган пулга эга бўлдим!

Лифтдан чиққаң, саҳийлигим тутиб кетди: дадам айтганидек, шунча музқаймоқни еб, томоғимни шамоллата-манми? Биронта танишим билан баҳам күраман энди...

Болалар гавжум бўладиган футбол майдончасига ўтсам, аргимчоқда Митя ўтирибди. У – яхши танишим эди, бизлардан бир-икки қават пастда туришар, ўзи машхур ёзувчи Сергей Бородиннинг невараси эди.

Мен дарҳол Митяни чақириб, музқаймоқхўрликка таклиф этдим. Ёнимиздаги «Чархпалак» қаҳвахонаси-дан бешта музқаймоқ олиб, яна аргимчоққа қайтдик.

Мен чиндан ҳам баҳтиёр эдим.

– Эй, Жаҳон, ким эди у – сенга бир сўм берган одам? – деб сўради Митя.

– Баҳодир ака, – деб жавоб бердим.

– Нега энди у сенга пул беради? Қариндошларинг бўладими?

Мен нима дейишни билмасдим.

– У киши менга... ҳа, «амаки» бўлади. Дадамнинг эса – яхши ўртоғи.

– Яхши «амакинг» бор экан, – деди Митя.

Шунда калламга шу гап келди:

– Митя, катта бўлсан, пулдор бўлсан, мен ҳам у кишини нима биландир меҳмон қиласман. Албатта сий-лайман! – дедим.

Мана энди шу «амаким»нинг дарсида ўтирадим. У киши «Алпомиш»у қадриятлардан кейин жуда узок ўтмишдаги адабиётимиздан гапиради. Албатта, Баҳодир аканинг гаплари жуда қизик, ҳар бир сўзи янгилик эди. Шунга қарамай мен муҳим фикрларни қайд этиб боришини унуглан эдим. Ёнимда ўтирган Гулчехра шигиллатиб ёзиб олмоқда эди. Унинг менга ҳайратла-ниб, бир-икки қараб қўйганини ҳам сездим.

Аммо болалик хотираларидан кейин уйғонган хаёлларимни бўлгим келмасди: «Баҳодир акага ўхша-ган тагин неча «амаки»ни кўрибман экан?» Биттасини дарҳол эсладим: у киши яқинда вафот этган, дадам

билан таъзиясига борган эдик. У одамни сиз ҳам биласиз: «Гулхан» журналиниң бош мұхаррири Сафар ақа Барноев әди. Бу инсоннинг мен билан мұносабатлари жуда ғалати әди. Таҳририятта кириб қолсам, оддийгина қилиб: «жиян» деб қабул қилар, хикоямни ўқир, фойдали маслаҳатлар берарди. Күпинча ўзининг бир пиёла күк чойидан қуиіб берар, кейин дадам, опам ҳақида сўрарди-да, гоҳида мана бундай гапларни айтарди: «Сен «Гулхан»га ўтмаяпсан ишга. Майли. Маоши кам... Яқында күпаяди. Кейин сени бўлим мудири қилиб ишга оламан. Қариб-чуриб нафақага чиққанимда эса, сени ўз ўрнимга тавсия этаман. Ўшанда сен менга муовин бўлиб ишлаётган бўласан. Қаламинг яхши. Колаверса, ахир, сен менинг жиянимсан...»

Яхши кунларни ҳам, яхши инсонларни ҳам қадрлашга улгуролмай қолар экансан...

Дадам ҳам, у кишининг дўстлари ҳам бир ёшга бориб қолишиди. Оқсоқол Рўзи Чори эса етмишни коралади...

Уни сўнгги бор кўрганим кўз олдимга келди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам, етмиш ёшни қоралаган, оппоқ соқоли қўксига тушган, соchlари тўзиган бу одам, яъни машхур рассом, Бадиий академиянинг академиги яланг шорти-шимда, қўлида резина ичак, атрофи четан девор билан ўралган боғасида ирғишлиб юрар, кулар, бақирава боғчадаги расмларни кўргани кириб қолган қўшни қизларни шалаббо қилиб, уларнинг устига сув сепар эди.

Қизлар ҳам бу беғараз инсоннинг қилиғидан кулишарди. Бир маҳал Рўзи ақа четан ортидан мени кўриб қолди-ю:

– Во-о, – деб юборди. – Ана ёзувчи! Ёзувчининг ўғли – ёзувчи! Жаҳонгир! Кел, кел.

Мен боғча эшигидан кирдим. Рассом менга тикилиб, ниманидир чамалаб турарли... Мен эса яхши кийинган, костюм, бўйинбоғда эдим. Нихоят, рассом бир

хулосага келди шекилли, қўлида осилиб турган резина ичакни менга қаратди. Бирпасда уст-бошим шалаббо бўлиб қолди.

У яна кула бошлаган, унга қўшилиб қизлар ҳам қиқирлашар, мен эса тек қотиб турадим.

Нихоят, ниятига етдими, қўлидаги ичакни ташлаб, олдимга келди.

– Кўпдан бери кўринмайсан? Мана, анча асарлар яратдим. Дўстинг Абдужаббор ҳам! Уларни кўришинг керак-да, ахир! – деди-да, қучоғини очди.

Вой, бу одамдан зигирча ҳам нолиб бўлмас эди. Бунинг учун унинг кўзларига бир бор қарашиб кифоя қиларди. Бу кўзлар худдики ёш боланинг беғубор кўзлари бўлиб, уларда ўта соддалик ва қандайдир шўхчанлик кўриниб туради. Тағин бу инсоннинг барча қилиқларида умрини ўтаб бўлаётган, ҳаётни бөҳад севадиган доно қариянинг тотли эркаликлари бор эди.

Мен беихтиёр Рўзи ака билан қучоқлаша кетдим.

– Сизни соғинган эдим, Рўзи ака... Дадам сўраб юборди...

Хаёлим бўлинди.

Қўнғироқ чалинди. Дарс тугади. Аммо Баҳодир ака, афтидан, тарихлар тарихи Шумердан-у Гилгамиш дostonидан гапираварди. Талабалар шошилиб савол бера бошлади. Баҳодир ака ёмғирпўши билан шляпасини кияётиби ҳамки, саволларга жавоб берар, маърузасининг кемтик жойларини тўлдирад эди.

Фольклор деганингизни адабиётдан ажратиб бўлмас экан. Аксинча, адабиётнинг онаси экан у... Шунинг учун Баҳодир ака кейинги дарсларда фольклор замирада яратилган асарлар хақида кўпроқ гапирадиган бўлди. Ана шунда фавқулодда сезиб қолдимки, Баҳодир ака тилга олаётган ёзувчилар орасида дадам йўқ... Ҳолбуки, адабиётшунос олимлар – Умарали Норматов ҳам, Қозоқбой Йўлдошев ҳам дадамни биринчилар қаторида тилга олишарди...

Бу нима сир бўлди? Баҳодир ака қайси ақидага кўра бунақа қилаётир?

Мен у «ақида»ни излаб-излаб Баҳодир аканинг соғ ўзбекона андишасидан топдим: назаримда, шунча тингловчиларнинг кўзи олдида мени «алоҳида» қилиб кўрсатишни истамади ёки шундай алоҳида бўлиб қолишимни истамас эди... Ҳа, бу одамнинг қалбида ўзига хос ички маданият бор.

Хуллас, ўша куни дарсдан чиққанимизда ҳаво булатли эди. Тингловчилар тўғри ётоқقا йўл олишди. Мен эса ёлғиз ўзим 82-автобус бекатига қараб юрдим: менинг ётогим-уйимизда. Кўлимдаги соябонни очиб-ёпарканман, шундай четдаги ёғоч ўриндиқда музқаймоқ ялаб ўтиришган ўзбек йигити билан рус қизга кўзим тушди. Кўзим тушди-ю, ўша кун – Митя билан мазза қилиб музқаймоқ еганимиз кўз олдимга келди. Ўшанда: «Катта бўлсан, пулли бўлсан, мен ҳам Баҳодир акам учун нимадир қиласман», деган эдим. Мана, кап-катта бўлиб қолдим, дурустгина стипендия ҳам беришар экан. Қачон ўша ваъдамнинг устидан чиқаман?

Ўйладим-ўйладим, ўйимнинг тагига етолмадим...

Орадан бир ой ўтди. Ўша куни ҳам ҳаво намчил эди. Бир финжон иссиқ қаҳва ичайин, деб университет ёнидаги қаҳвахонага кирдим. Пештахта ёнида тик турганча, жануб ичимлигини ҳузурланиб сипқора бошладим. Бармен ичувчи-ю хўрандалар билан қачондир бошланган гапларини давом эттирас, унинг орқасидағи деворда денгизга чўкиб кетаётган улкан кема тасвири бор эди. У – машҳур бўлиб кетган «Титаник» фильмидан кичкина лавҳа экан. Лавҳада фильмнинг бош қаҳрамонлари ҳам кўриниб турарди. Ўйланиб қолдим: «Титаник» кемасининг Атлантикада чўкиши ўз замонасида улкан фожиа бўлган. Кейинчалик унча-мунча йўловчилар умуман кемаларга тушмай қўйишган ҳам экан... Фалакнинг гардишини қарангки, бир улкан ре-

жиссёр майдонга чиқиб, ушбу фожиани иккита ёшнинг романтик муҳаббати тарихига айлантирилди-қўйди.

«Ҳаёт шу экан, деб ўйладим. Дюма ўз ўғлига: «Сен асарларингда яратган тарих истиқболда ҳақиқий тарих бўлиб колади, болам. Шуни ёдингдан чиқарма. Тарихчилар далилларни ёзишади, холос», деб бежиз маслаҳат бермаган экан».

Иттифоқо, калламга шу фикр келди: «Курск»нинг расми солинган сақични бозорга чиқарсалар ҳам, шундай талаш бўлармикан?» Кулимсираб қўйдим: вақти келганда, ушбу кеманинг ҳалокати ҳақида ҳам ижодкорлар қизиқроқ бир нималар тўқиб чиқаришар...

Қахвани ичиб тутатаётганимда орқа томонимдан таниш бир овоз эшитилди. Танишларим кўпайиб қолган эди. Хуллас, энди жилмоқчи эдим, шундай биқинимда Баҳодир аканинг гапини эшигдим. Ҳа, бармен ёнидаги официантта иссиқ овқат буюрмоқда эди. Шарт ўгирилдим. Бир-бирилизга қараб қолдик. Жилмайишдик. Назаримда, у киши мени учраттанларидан мамнун эди. У кишининг ёнида яна бир йигит бор экан: кейин билсан, Баҳодир аканинг аспиранги бўлиб чиқди. Баҳодир ака шундайтина ёнимиздаги бўш столга ишора қилди. Бориб ўтиридик. Кейин у киши:

– Жаҳонгир, биз овқатлангани кирувдик,—деди. – Буюртма бердик. Балки сизгаям битта лағмон...

Ана шунда кўзим очилиб кетди. Митяга берган вадамнинг устидан чиқишининг хонаси келгандек эди. Демак, у ерда ташаббусни ўз қўлимга олишим керак.

– Ҳозир, Баҳодир ака, – дедим-у, официантни чақирдим. Ва анча-мунча таому ичимлик, газак буюрдим. Ахир, мен ҳозир... саккиз яшар боламасман. Бўйим Баҳодир аканинг бўйи билан teng! Қолаверса, йиллар давомида орзу қилганим, яъни бу инсонни «нима биландир сийлаш»нинг мавриди келмадими? Майли, энди, ўзимга яраша-да. Қолаверса, бугун ўн беш минг сўм пул олган эдим...

Менинг официантта айтаётган ҳар бир гапимга эъти-
роз билдириб турган профессор Баҳодир Саримсоқов,
ниҳоят, мени... ўзларига тенг кўргандек жимиб қолди.

Кейин сұхбатимиз бошланди. Домла дарҳол дадам
ҳақида сұрадилар-у, дадамнинг ўттан иили чиққан ҳи-
коя ва бадиалари ҳақида ҳам тўлиқиб гапира кетдилар.
Кейин беихтиёр фольклор мавзуига ўтиб, дадамнинг
«Алпомиши» достонини яхши билиши (беش яшарли-
гидан эшитиб катта бўлгани...), «Алпомиши»нинг неча
ёшга кирганини аниқлаш мақсадила Тил ва адабиёт инс-
ти тутида бўлган муҳокама-мунозара да дадамнинг ҳам
иштирок этганини айтиб: «Тавба дейсан. Шукур акамдан
бошқа ёзувчи бормади...» дея афсусланди. Ва айни чоғда
достоннинг ёши хусусида дадам билан келишолмаслиги-
ни айтди... Кейин сұхбатимиз Бойсунга қўчди.

Сұхбатимиз шу тариқа жиддий мавзуларга ўтди:
бозор иқтисодининг, яъни рақобат бозорининг но-
соғлом рақобатни ҳам туғлираётгани ҳақида гапла-
ша бошладик. Ана шунда менинг бир нарсага кулгим
қистади: Баҳодир аканинг аспиранти кўзларини лўқ
қилиб қолди-да, қўлинин арта бошлади. Баҳодир ака
ҳам буни сезиб, менга кулимсираб қўйди-да, сұхбатни
янада авж олдирди. Шуниси ёқимли эдики, мен – тинг-
ловчи билан у киши-профессорнинг кўпчилик фикр-
лари бир-бирига мос тушар эди...

Ниҳоят, Баҳодир ака соатига зимдан қаради, мен эса
тушундим: ўрнимдан ирғиб туриб, официантни чет-
га тортдим. Егуликнинг ҳақини тўлаб қайтдим. Шунда
Баҳодир ака қўлимга пул қистирмоқчи бўлди. Қандай-
дир изтиробли нигоҳлар билан боқди. Кейин тирсагим-
дан олди-да, йўлга тушдик. У кишини кузатиб, метро
бекатигача бордим. Кейин ўзимнинг автобусим тўх-
тайдиган бекатга йўл олдим.

Мен мақсадимга етган эдим. Ўриндиқقا ўтирган-
дан кейин, ишонасизми, хаёл яна ўтмиш кунларга
олиб кетди.

Барча саргузашт ва сұхбатлар сұнгыда: «Митя, мен ваъдамнинг устидан чиқдим», деб үйладим.

Автобуснинг орқа ойнаси бир оз туширилган, со-вук эпкиндан асрарди. Мен ёмғирпўшимнинг томоқ тугмаларигача ўтказиб олдим-да, қўлларимни чўнта-гимга тиқдим. Қўлларим пулга тегди... Ҳолбуки, мен қаҳвахонада охирги чақамгача тўлаган эдим. Ҳайрон бўлиб, у қоғоз пулларни ташқарига чиқардим.

– Жин урсин сени, – деб эзилдим. Чунки бу пуллар меники эмас, булаr – Баходир aka ўшанда билинар-би-линмас чўнтағимга солиб қўйган пуллар эди.

Назаримда, мен ҳамон саккиз яшар бола эдим-у, қўлимда бир сўм турарди.

2002.

(“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси,
2002 й. 6 декабрь)



СҮНГИ РОМАНИК

Бир неча кундан кейин менинг асарларим хусусида семинар бўлиши керак эди. Миллий университетда. Табиий, семинарда адабиётшунос олимлардан ҳам, филология факультети магистратураси талабаларидан ҳам, қўйинг-чи, ўзим таҳсил олаётган Олий адабиёт курси тингловчилари ҳам иштирок этиши керак эди. Лекин деканимиз яна бир киши қатнашса яхши бўлишини айтди. У одам – Шукур Холмирзаев, яъни, менинг отам эди. Лекин яна айтдиларки, Жаҳонгирнинг асарлари ҳақида Шукур аканинг ҳам фикрларини эшитсак, ёмон бўлмасди. Кейин таниқли ёзувчимиз билан бир сұхбат – савол – жавоб қиласадик, дедилар.

Хуллас, мен бу тўғрида дадам билан келишиб олиш учун шайланиб, йўлакка чиқдим.

Шундай қилиб, бир неча дақиқадан кейин биз – ота-бала кичкина столча ёнидаги креслоларда ўтирадик. Сұхбатимиз бўлажак семинар устида эди. Дадам семинар қатнашчиларига тегишли баъзи нарсаларни сұраб олди-да, боришга розилик билдириди. Хона бурчагида турган каттакон портретга кўзим тушди. Илгари бу сурат йўқ эди. Секин туриб, унинг олдига бордим. Портретдан ўрта яшар, дўппили, кўзлари шиддатли бир киши қараб турарди.

– Ада, ким бу? – деб сўрадим.

– Бу – раҳматли дўстим Менгзиё Сафаровнинг портрети.

Шу орада яна кўзим портретга тушди-ю, пастида Рўзи Чориевнинг имзосини кўрдим.

Рўзи ака дадамнинг эски дўстларидан эди. Бу портретни, демак, Рўзи ака дадамга совға қилибди-да, деб ўйлаган бўлсам ҳам, сўрадим:

– Навбатдаги совғами бу?

– Қайда. Ўғирлаб келдим, – деди дадам сигаретни кулдонга босиб.

– Сиз? Сиз ўғирладингизми?

– Ҳа, мен. Устахонасининг коридорида осиғлик турарди. Сурхондарёга борганида чизиб келган-да... Лекин Менгзиё акангни Рўзи яхши билмас эди. Мен учун эса, Менгзиё – Менгзиё...

Кулиб қўйдим-да, креслога ўтириб, сигарет тутатдим. Кейин истехзо билан шу гапларни айтдим.

– Кўзга кўринган ёзувчи – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўзбекистон халқ рассоми ва академиги Рўзи Чориевнинг коридорида осиғлик турган Менгзиё Сафаровнинг портретини ўғирлаб келса... Бирор эшитса, ишонмайди. Рўзи ака билиб қолса хафа бўлмайдими?

– Каёқдан билиб ўтирибди мен ўғирлаганимни? Хўш, билса нима бўпти? Менгзиё Сафаров билан Рўзини мен таништирган эдим. Назаримда, Рўзи уни икки-уч марта кўрган, холос. «Сурхондарё одамлари» деган серияси бор Рўзининг. Ўшанга чизган-да. Лекин коридорда туарди. Осилиб... Чанг қўниб. Мен қачон борсам-у, Рўзи мастерскойда бўлмаса, коридорда кезинардим. Менгзиё эса мени кузатиб туарди... Қайтаётганимдаям кузатиб қоларди. Мен бир-икки марта «Менгзиё»ни обкетай», дедим Рўзига. Ўзини у ёқ-бу ёққа ташлади. Мана, ниҳоят...

– Тушунарли. Лекин, ада, бу киши қандай ёзувчи ўзи?

– Менгзиё аслида археолог эди. Олимлар бор – мозийни илм учун ўрганади. Менгзиё аканг, аввало, ўзи учун ўрганаарди. Мен одам кўриб, ватанини, тупроқни учалик севадиган зотни кўрмадим. Айтмоқчи, унинг биринчи публицистик китоби «Она Ер қўшиғи» деб аталади. – Дадам ўрнидан турди. – Мен унинг портрети

тини, ана, Ботир акангнинг ёнига осиб қўяман, – деб ўзининг марҳум дўсти, ўзбек эстрада санъатининг асосчиси Ботир Зокировнинг портретига ишора қилди. Кейин яна Менгзиё акага боқиб давом этди: – Мен у билан гаплашишни яхши кўраман. Ҳе, болаликни эслаймиз. Тентирашларимиз... Айниқса, у дайди эди. Ажойиб кунлар, қайтиб келмас кунлар ўтди. Мен баъзан Менгзиёга ҳозирги адабий ҳаёт ҳақида, ўзимнинг дардларим ҳақида ҳасрат қиласман. Илгари у Сурхондарёда яшаганида, ҳасратларимизни мактублар етказарди бир-биримизга... Ҳозир у рўпарамда... Баъзан мунозараям қиласмиш. Кейин ов, балиқ ови ҳақида гурунглашамиз. Сурхоннинг бўйлари, тўқайзорлар, Амударёнинг бўйи. Дарё ўртасида яшилланиб кўриниб турадиган Пайғамбар ороли... Умуман айтганда, Менгзиё тиниб-тинчимас, қандайдир... романтик эди. Ҳа, шунақа эди.

Шундан кейин дадамнинг ўзи ҳам дўсти ҳақида гапиришга қизиқиб кетди, гоҳ қулимсираб, гоҳ ғамгин тортиб, анча-мунча нарсани айтиб ташлади.

Менгзиё ака оғзини тўлдириб, пафос билан гапирав экан. У кишининг оҳангода кишини мафтун этадиган бир сир бордек – эшитувчиларни жойига ўтқазиб қўяркан. Ўзлари Деновнинг Ҳайробод қишилогида туғилган, болалик-ёшлик йиллари пахтазорлар ёқасидаги тепаликларда ўйноқлаб юриш, Сурхону Тўполон бўйларида балиқ овлаш, шимолдаги Боботоқقا тез-тез саёҳатларга чиқиш билан ўтган экан. У кишига тарихчи бир уқитувчисининг таъсирида жуда ўтиб кетган, Менгзиё ака табиатан ҳар қандай масаланинг ҳам таг-томирига етишни исташи боис беихтиёр тарихлар тарихи – археологияга қизиқиб қолган эканлар. Ана ўшанда – талабаликда дадам билан танишган эканлар. Уларнинг танишуви ҳам кутаринки руҳда бўлган экан...

Менгзиё ака университетнинг тарих-археология бўлимини битиргач, касбининг этагидан тутиб, ғоятда

хурмат қиласиган ўқитувчилари академик Галина Анатольевна Пугаченкова экспедициясига қўшилиб, олиманинг суюкли манзили Сурхондарёга кетибди: бориб, текшириб қарасалар, бу ўлка – энг қадимги Бактрия ёхуд «Минг шаҳарли мамлакат»нинг ўзгинаси экан. Айтмоқчи, ҳамон Ленинградда (Петербургда энди) «По следам исчезнувшийся культур Востока» сериясида «Страна тысяча городов» номли китоблар чиқиб турад экан. Сурхондарё тарихи ҳақида, демак...

Аммо Менгзиё ака бир жойда узоқ вақт ўтиrolmas экан. Бунинг ҳар хил сабаблари ҳам бўларкан. Лекин асосий сабаби, масалан, нимадандир қаноатланмаслик экан. Ана ўшанда ўзларини қаёққа уришларини билмасдан, Боботоғ чўққиларига чиқиб кетарканлар... Карангки, Менгзиё Сафаров кутилмагандан ўзи ўқиган мактаб яқинидаги жойда ўқитувчи бўлиб ишга кирибдилар. Ўшанда дадамга «Катталар ва кичиклар» деган қиссанинг қўлёзмасини юборган эканлар. Дадамнинг назарида, асар анча бўш чиққан экан. Аммо у асарда мактаб болаларига тарихимиз ҳақида ҳаққоний илм бериш масаласи қўйилган экан...

Менгзиё ака кутилмагандан мактабдан ҳайдалибдилар. Дадамга ёзган хатларида шундай сатрлар бор экан: «Шукуржон, ҳайдалдим. Кучага чиқсан, уфқда катта-катта оппок булувлар муаллақ турибди. Кўзимдан тирқираб ёш оқиб кетди!»

Дарвоқе, маорифдаги муҳокамада Менгзиё акамнинг тарафини фақат битта киши-шоир Низомжон Парда олган экан...

Шошиляпман. «Турналар баланд учади» асалари археологик экспедицияда юрган маҳалларида ёзилган, аникроғи, дадамга ёзган хатларининг йиғмасидан пайдо бўлган экан.

Кейин Менгзиё ака вилоят газетаси таҳририятига ўтиб кетибдилар. Афтидан, газетанинг раҳбари у кишининг тоғаси экан. Балки Менгзиё акага ёрдами

теккандир... Газетада ишлаган пайтларида, хусусан, Боботоғу Сурхон табиати ҳақида, яна мозий ҳақида қатор-қатор очерклар ёзган экан. Битта тарихий очеркларининг номи «Ер остидан репортаж» экан...

Ўшанда Менгзиё ака Узбекистон Ёзувчилар союзи (уюшмаси)га қабул қилинган эканлар.

Редакцияда нима бўлган-нима қўйган, дадамгаям номаълум, аммо бир куни Менгзиё ака Тошкентга келиб, дадамни топади ва ишдан бўшамоқчи эканлигини айтади. Дадам у кишидан: «Энди нима қиласан?» деб сурайди. Менгзиё ака: «Редакциягаям сифмай қолдим. Ғаламислик, ёлғончилар жонимга тегди... Бирон томонга бош олиб кетаман», деб жавоб берибди.

Орадан бир-икки ой ўтгач, Менгзиё ака яна Тошкентга келиб, дадамга «Айришоҳ» деган қиссани тутқазибди. Дадам ўқиб чиқиб (уйимизда), Менгзиё акани табриклабди. Эртаси «Шарқ юлдузи»га биргалиқда боришибди. Қадимдан қолган хонгуллар (Бухоро буғулати) ҳақидаги бу қисса Менгзиё ака режалаган етти қиссадан биринчиси экан...

Кунларнинг бирида дадам Менгзиё акадан ҳасратнома олибдилар. Номанинг охирида бир калима бор экан: «Шукуржон, мен кетдим. Биласизми, қаерга? Амударёнинг ўртасидаги «Пайғамбар ороли»га. Назоратчи-егар бўлиб кетяпман. Ўша хонгуллар орасида яшамоқчиман. Бошқаси бекор экан. Кўришгунча хайр!»

Қисқаси, ёзувчи, археолог, ажойиб муҳбир Менгзиё Сафаров Амунинг ўртасида жойлашган қадимги «Пайғамбар ороли»га қоровул-егар бўлиб кетади ва ўша оролда-бир «вагончик»да икки йилча яшайди. Ўша ерда у кишининг «Пайғамбар ороли» деган, дадамнинг айтишича, «Пришвинона» ёзилган очерклари пайдо бўлади. Мен дадамнинг дидларига ишонаман. Айтишларича, ҳалигача узбек адабиётида «Пайғамбар ороли»чалик гузал ва мафтункор асар яратилмаган экан...

Қисматни қарангки, кунларнинг бирида «Пайғамбар ороли»га яшин тушади. Яъни, «шаровая молния» тушади ва миллион йиллик тўқайзорлар ёна бошлийди. Ёнгиннинг шуъласини олти-етти километр йироқда жойлашган Термиз аҳли ҳам кўриб туради. Ниҳоят, ёнгин ўчирилгач, Менгзиё ака вагончиги билан ҳам, омон қолган тўқайзорлар, хонгуллару bemalol юрадиган бўрилар билан ҳам хайрлашиб, яна Термизга қайтибдилар. Энди нима қилмоқ керак?

Айтмоқчи, «Пайғамбар ороли» шундай орол эканки, унда Африкада ўсадиган ўсимликлар ҳам, Ҳиндистон ўрмонларидағи лианалар ҳам ўсаркан. Охирги йўлбарс 1945 йилда чегарачилар томонидан ўлдирилган экан. Дадамнинг айтишича, Термизга бир боргандарида, Менгзиё ака у кишини «Пайғамбар ороли»га олиб борган (обкомнинг рухсатномаси билан) эканлар. Дадам пахта дараҳтини ўша ерда кўрган эканлар. Катта-катта дараҳтлардан қамиш тўзғоқларига ўхшашиб оппоқ пухлар учар эмиш. Атроф шу тузғоқларга тўла, уларни оралаб юриш... эртакда юришга ўхшаркан. Қамишларнинг бўйи эса икки қаватли уй баравари келаркан. Хуллас, бу эртакмонанд жой экан.

Ха, бир замонлар бу оролчада Александр Македонский ҳам, кейин Чингизхон ҳам, кейинчалик Амир Темур ҳам қўниб – дам олиб, ов қилишган экан...

Шундан кейин Сурхондарёда вилоят ёзувчилар ўюшмаси тузилади-ю, обком секретари Ҳайитбой ака Азимов деган кишининг (у кишининг ўзлари ҳам «Азимий» таҳаллуси билан шеърлар ёзаркан) тавсиясига биноан Менгзиё ака ёзувчилар бўлими (ҳа-ҳа, бўлими)га котиб этиб тайинланган эканлар.

Дадам кулимсираб ҳикоя килди:

– Ўшангача Менгзиё шаҳар четидаги кўримсиз бир бетон уйчанинг неchanчилир қаватида яшарди. Балконида бир каклиги бўларди. Каклик кўп сайрап экан. Раҳматли айтар эди: «Назаримда, Шукуржон, шу бетон

айвонни тоғлар дарасига ўхшатади. Ўзининг туғилган маконига...» Ўша кунлари Менгзиёнинг уй йўриғидаям омади юришиб қолди. Обласполкомда Хуррам Жўрақулов деган бир адабиётсевар, олийжаноб одам ишларди. Иқтисод бўйича раҳбар эди. Арбоблардан бири ишдан кетадиган бўлиб қолибди. Демак, уйи бўшайди. Уйи – ҳовли экан. Хуррам ака Менгзиёга телефон қилиб: «Менгзиё, шу кечадан қолмай ўша ҳовлига кўчиб ўт. Ҳеч бўлмаса, китобларингни обориб жойлаштири. Эртага обкомдан биронтаси таъма қилиб борса, чиқа кўрма! Бу ёғини ўзим ҳал қиласман», дебдилар. Ҳа, ўғлим, яхши раҳбарлар ҳам бор эди. Лекин яхши раҳбар бўлиш учун санъатга, айниқса, адабиётга яқин бўлиши лозим. Тарих ҳам шуни кўрсатади. Бизда ўтган подшоларнинг қайси бири шеър ёзмаган, адабиётнинг ихлосманди бўлмаган. Ёки ёзувчи-адибларнинг бошини силамаган... Ўйлаб кўр. Хуллас, Менгзиё аканг ҳам ишли, ҳам ҳовли-жойли бўлди. Унинг севимли хотини Сайёра янганг учта ўғли билан ҳалиям ўша ерда яшапти. Қизлари Саида узатилиб кетган. Рўзгори бўлак...

– Исмлари ўзимизга ўхшар экан-а? – дедим мен. – Сайёра, Саида...

Дадам завқланиб кетди.

– Ҳа, биз талабаликда уйланганмиз. Ўшанда орзу қилган эдик. «Мен қиз кўрсам, отини Сайёра қўяман», дегандим. Менгзиё аканг: «Мен қиз кўрсам, отини Саида қўяман», деган эди. Мана, иккимизнинг ҳам тўнгичларимиз қиз бўлди. Онанг билади бу тарихни. Сайёра билан яқин ўртоқ эди. Термизга борсам-у, Менгзиёнинг уйидан хабар олсан, Сайёра янгангнинг биринчи саволи шу бўлади: «Саида яхши юрибдими?» Шунақа яқин эдик, ўғлим...

– Кейин нима бўлди?

– Менгзиё аканг толиққан экан. Оламдан ўтди. Лекин... Менгзиёнинг даврида вилоят ёзувчилар бўлими – бўлим эди. Ҳовлиси, хоналари бор эди. Вилоятдаги бар-

ча ҳаваскор адибларнинг қароргоҳи эди у ер... Йиғинлар, семинарлар, учрашувлар бўлиб турарди...

– Дада, мен гапларингизни эшишиб ўйлаяпман да: Менгзиё ака ҳаётда нимани истардилар? Нимани излардилар?

– Э, болам, «Земля Санникова» деган фильмни кўрганмисан?

– Ҳа, яхши фильм.

– Ўшанда... кинонинг охирида музликлар орасида ёлғиз қолиб, бўриларга ем бўламан, деб ётганида, чандада келиб қолган чукчалар экспедиция бошлигини ёнларига олишади. Эслаяпсан а?

– Ҳа-ҳа.

– Кейин бир чукча ҳалиги кишига қараб: «Эй, человек, что ты ишешь в этом мире?» дейди.

– Ҳа.

– Менгзиё аканг ана шу гапни яхши кўради. У кино Обручевнинг романи асосида ишланган. Менгзиё аканг... – Дадам жимиб, портретга тикилиб, давом этди: – Ўша олим-археологнинг барча романларини ўқиб чиқкан эди. «Плутоний» деган бир романини менга совға қилган эди... Эслайсизми, Менгзиё? Ҳа, эслайди. Нега ўша жумлани айтганингизда кўзингиздан ёш оқаверар эди?..

– Дада, чекасизми?

– Раҳмат. Тутатиб бер... Шунақа гаплар. Гапирсанг, гап кўп. Менгзиё ҳақида бир эссе ёзишим керак. Лекин сен яхши ёзсанг, мен ёзмай қўя қоламан.

– Мен у кишини яхши билмайман.

– Шу эшигнларинг ҳам мундайроқ асарга етади.

– Раҳмат.

Мен кетаётиб дадамга кўмаклашдим. Менгзиё аканинг портретини Ботир Зокировнинг портрети ёнига кўтариб жойлаштиридик. Кўчага чиқдим. Энди аламим келарди: шундай одамлар келиб-кетибди. Мен билмайман... Яна пиёдалаб йўлга тушдим. Уйимга кел-

дим. Қарангки, энди ечиниб бўлиб тамадди қилишга ўтиргандим, қўнғироқ жиринглади. Бориб, гўшакни кўтардим-у, «Ало!» деган бақириқдан Рўзи Чориев эканини билдим.

– Салом, Рўзи ака.

– Э, как дела, Жаҳонгир? – деб сўради у.

– Да, ничего, спасибо. Как у вас?

– Нормально. Отца навещаешь?

– Да, я сегодня был у него. Недавно пришёл.

– Тогда ты и портрет наверно видел.

– Какой портрет? – оҳиста сўрадим мен.

– Да, ладно! Портрет Менгзиё Сафарова, который он у меня украл. – Рўзи ака қаҳқаҳа отиб кулди, кейин яна давом этди: – Лучше бы я ему его подарил, когда он меня просил.

– Так вы не в обиде? – очиқласига сўрадим энди.

– Не-ет. Я знал Менгзиё и уважал его. Но Шукура с ним связывал дружба долгие годы. Лучше пусть портрет у него дома висит, чем будет пилиться в моей мастерской.

Тагин бир оз гаплашганимиздан кейин хайрлашдик. Хуллас, Рўзи ака дадамдан хафа эмас экан. Менинг эса кутилмаганда Менгзиё Сафаровга ҳавасим келиб кетди. Бироқ, масалан, ўн йилдан кейин ҳам бирон киши эслармикан менинг асаримни – Менгзиё Сафаровнинг асарини йигирма йилдан кейин эслаганларидек? Дўстларимдан биронтаси ўғирлаб кетармикан менинг ҳам портретимни? Кўриб туриш, сухбат қуриб туриш учун...

Шунаقا бўлдики, бугунги кун менинг ҳаётимда Менгзиё Сафаровнинг сиймоси «ҳамроҳ» лигига кечди. Дарвоқе, нафақат ушбу кун...

Кечаси туш кўрдим. Кимсасиз – одам оёғи етмаган бир оролда эканман. Тагин денг, қандайдир ҳис билан бу оролни «Пайғамбар ороли» деб үйлар эканман. Мен қалин чангалзор ичидан зўрға чиқиб олдим. Атрофдаги

қамишлар орасидан қирғовуллар учишар, ёлғизоёқ сүқмоқда нотаниш ҳайвончалар югуриб юришарди. Аńча нарида эса шохлари тарвақайлаб кетган баҳайбат буғу менга ҳайрат билан тикилиб турармиш. Мен унга яқинлашишдан құрқиб, тағин чангалзорга кирдим-у, бир маҳал ҳамма ёғим тилиниб-шилиниб, сув бўйига чиқиб қолдим. Жуда катта сув эди. Аникроғи, каттакон дарё эдики, унда қуёш нурлари жимиirlар, осмон эса шишадек тиник эди.

Соҳилдан сал нарида – чайқалиб турган қайиқда ўрта яшар бир киши сувга қармоқ солиб ўтиради. Менинг шарпамни эшитиб, секин бурилиб қаради ва мен унинг шиддатли нигоҳини қаердадир кўргандек бўлдим.

2003.

(“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси,
2003 й. 3 октябрь)

ТҮЙГА ТҮЁНА

Қароқчилардан бири вагон йўлагида турарди. Қолган иккитаси охирги купелардан бирига кириб кетишганди. Вагон мутасаддиси – проводник ҳеч курмаганда бу учовлондан нечук энди иккитаси купега кириб кетиб, учинчиси ташқарида қолганию атрофга олазарак бўлиб турганидан шубҳаланиши лозим эди; аммо у ҳеч нарса бўлмаётгандек чойнак кўтартган қўли қалтираганча йўлакдан келмоқда, афтидан нимадандир қўрқиб қолганга ўхшарди. Тун эди, поезд Қозогистоннинг бепоён даштлари узра елиб борарди.

Купеда эса барваста рус йигити:

– Давай быстрей, Эрсенқул. Скора станция, ты же знаеш там патруль может подняться, – деди бир қўлида сумка, бир қўлини бикинига тираганча: бикинида эса, яъни камарга осиғлиқ қинли пичоқ кўриниб турарди; бу золим шу пайтгача ўнг томонда ва сўл томонда ўтирган икки бечорани тунаб бўлган, эндиги гал – ўлжа Эрсенқулники эди. Шу тобда Эрсенқулнинг ўзи ҳам аламдан-газабдан қутуриб бормоқда: илло у бурчакда ўтирган Узбекистонлик Маҳмуд Парпиевнинг кафе ресторанда Русияда ишлаб топган олти ойлик жамғармасини уйига олиб кетаётгани ҳақида қувониб айтган гапларини ўз қулоғи билан эшиштан эди. Яна шуни айтмоқ лозимки, бундан салгина олдин купега олиб киргани «Барматуха»ни ҳам Парпиев билан баҳам кўрган, тўғрироғи ўзи номига ичиб, уни сархуш қилаётган эди.

Улар икки кундан бўён поездда келишмоқда. Биринчи кун Эрсен кўп буларнинг купесига «салом, қўноқлар!»

дея кириб, барчасининг қўйнига қўл солиб олган, энди – иккинчи куни амалиётга ўтишган эди.

Эрсенқул ўзи танлаган Маҳмуднинг чўнтакларини ковлаб, уч-тўрт рубль Россия пулидан бошқа нарса топмаган, шундан жигибийрони чиқиб турганида рус шериги ёрдамга келганди.

– Где твои деньги? – энди Парпиевга зулм қилиб сўради барзанги рус йигити. Эрсенқул эса эгнидаги пахталик бушлаги чўнтағидан буқлама пичоқ чиқарди.

– Сиз кўрдингиз-ку, ҳамма ёғимни титкилаб. Мен шунчаки мақтаниб қўйгандим-да, пул ишлаб келаяпман, деб. Кайфим бор эди, – деди ўрта яшар Маҳмуд Парпиев чиндан ҳам эзилиб ва деразага қаради.

Эрсенқул қулоқ солмади: пичогини очиб, Парпиевни четга суриб юборди-да, остидаги тўшак-матрасни йиртиб-ёриб кўра бошлади. Кейин Маҳмудга қаршидаги ўриндиқни кўрсатиб, энди унинг остиларини «чавақлаш»га тушди. Сўнг бурчакда ётган саквояжни дабдала қилди.

Бу ёқда бекатга яқинлашиб қолишган, афтидан, беш дақиқалардан сўнг қароқчилар тушиб кетишар эди.

Қозоқ Эрсенқул Парпиевнинг уст-бошини обдан тинтув қилиб, ҳеч бало тополмади. Кейин жаҳл билан тўшакни бурчакка – емак столчаси тагига отиб, рус шеригига:

– Ладно, к чёрту, пойдём, – деди.

Бироқ уни боядан бери шошириб турган қароқчи жавоб бермади. Зеро унинг назари полга қадалиб қолган эди. Эрсенқул ҳам қаради-ю, табассум қилди.

Дабдала бўлган тўшак ёнида – Парпиевнинг саквояжидан чиқсан эски-туски кийимлари ёнида бир нарса йилтираб кўринар – у целофан қоғозга ўралган беш-олтита кирсовун эди. Эрсенқулнинг кўзи ҳалиёқ унга тушган (кийимларини титкилаганди), аммо эътибор қилмаган эди. Энди эса ўғриларнинг илинжлари

шу совунлардалек бўлиб туюлди. Қолаверса, совунлардан бири бўлиниб кетган эди. Ва бир бўлакнинг ичидан ўшандай салафанга ўралган долларлардан ҳам кўриниб турарди.

Эрсенқул энганиш, совун ичидан ақчаларни чиқариб олди. Сўнгра шоша-пиша бошқа совунларни ҳам бўлаклай кетди. Аммо улар ичидан ҳеч нарса чиқмади. Нихоят, пулларни чўнтағига уриб, ранг-қути ўчиб ўтирган Маҳмуд Парпиевни тепасига борди.

– Ақча йўқ дейсан... – истеҳзоли илжайиб, бояқишигни эгнидаги курткаси ёқасидан тутиб силкитди. – Бу нима?!

Парпиев тамом бўлган эди.

Номард, қўлингни торт, – деди бирдан бўғилиб. – Олганларингни олдинг-ку... Худо ҳаққи, ёнингда бу барзанги бўлмаганда, пичоғингни ҳам ҳар дам чиқариб турмаганингда, сен билан эркакча гаплашиб қўядим. Шу ердан қип-яланғоч қилиб чиқарадим, ҳароми!

– Сен-а, мени яланғоч қилиб, қанчик... Қани, курткангни чеч! Чеч деяпман! – дея яна пичогини олди.

Маҳмуд Парпиев қаршилик билдирамади. Уни аёли ва еттита фарзанди кўзлари тўрт бўлиб кутишмоқда эди. Катта қизини икки ҳафтадан кейин куёвга узатиши керак, боёқиши унаштириб кўйилганига кўп вақт бўлган, аммо Парпиевнинг ночорлиги туфайли тўй орқага сурилгандан сурилиб келмоқда эди. Нихоят, Маҳмуд Парпиев мардикорликка кетаётганлар тўпига қўшилган – унинг қурувчиликдан ҳам хабари бор эди. Улар қандайдир бир рус мафиози учун Москва яқинидаги ўрмонда дача қуришди. Улар уч ойни мўлжаллашган эди – олти ойга чўзилди қурилиш. Чунки хўжайнин инжиқ экан: қурилишга кўп таҳрирлар кириди. Бунинг устига дача битгач, келишган хизмат ҳақини тўлашдан бош тортди. 250 доллар ўрнига, яъни, ойига 250 доллардан тўлайман, жами бўлиб олти ойда 1500 дан олсизлар деган номард, 700 доллардан берди.

Ниҳоят, Маҳмуд билан Россияга борғанлар бошқа иш топиш ва күпроқ маблағ ишилаш учун қолиши. Маҳмуд эса қизининг түйини ўтказиш учун ватанга йўл олди.

Ҳозир бўғзига пичоқ қадалиб турганда, болалари кўз олдига келди. Айниқса, катта қизи билан кенжа ўғли ва хотини кўриниб кетди. Табиий, меҳнатда суюги қотган Маҳмуд унга ташланиб қолиши мумкин. Аммо қўрқди: 30 долларга олган куртка учун пичоққа қарши бора олмади.

У ўтирган ерида икки кун бурун Москвадан харид қилинган курткани ечиб, ёнига қўйиб қўйди. Эрсенқул эгнидаги эски паҳталик – бушлакни тезгина ечиб, ерга ташлади-да, янги курткани кийиб олди. Кейин эски куртканинг киссаларини ковлаб, бояги долларни ҳам, яна алламбалоларни-да олди- да, бир сония ўйлаб туриб, эски паҳталикни Маҳмуд Парпиевга отди.

– Бу сенге землягингдан совға, совуққа қатиб ўлиб қалмийсан.

– Қанақа землягимдан? – чайналиб сўради рухи тушиб кетган Парпиев.

– А, мен муни ўтган ҳапта битта тажигингдан шешиб алиб эдим. Ахчаси жўқ экан, шуни ола қолдим. Кун совуб кетиб эди...

– Уходим! – Эрсенқулнинг сўзини бўлди рус шериги ва купенинг эшигини очди.

Шу пайт поезд тўхтади. Эрсенқул шеригига эргашиб чиқди ва учинчи ҳамроҳлари ҳам уларга қўшилиб, йўлакдан гизиллаб кетишиди.

Тахминан беш дақиқадан кейин поезд қўзғалиб, йўлида давом этди. Маҳмуд Парпиев ўзини қўярга жой тополмас эди. Қизининг кўзига, хотинига қайси юз билан рўпара бўлади? Тишлари ғижирлаганча дам деразага қаради, дам ерда ётган бушлакка тикилди. Ноябрнинг боши эса-да, Қозоғистон ерларига, у ёғи шимолдаги Россия ерларига ҳам қор тушган эди. Де-

разанинг зихлари орасидан совуқ ҳаво кирмокда. Маҳмуд Парпиев битта жемперда бўлгани учун дарҳол совқота бошлади. Унинг рўпарасида ота-бола қозоклар ўтиришар, барзанги рус шуларни тунаб олган эди. Ўғри – қароқчиларнинг миллати бўлмас экан. Йўлтўсарлар купега кирибоқ пичоқларини чиқариб ва уларга ўқталиб, пул талаб қилдилар. Қозоқ чол Эрсенқулга тикилиб қолиб, тавалло қилди:

- Биз-де қазақмиз-ку, балам. Бизге тегменгизлер.
- Жўқ, мен жутутмен, – деб жавоб берди Эрсенқул.

Маҳмуд шу мискин ҳолда ўгирад экан, чолнинг боласи ўрнидан туриб, полдан исқирт пахталикни олди-да Маҳмуднинг ёнига қўйди. Титраб қақшаганча ҳовучига күхлаётган Маҳмуд Парпиев пахталикни кийиб, барча тугмаларини ҳам ўтказиб қўйди. Кейин ғамгин нигоҳ билан деразага қаради. Ташқарида Қозогистоннинг бепоён даشتни ястаниб ётар ва унда-бунда кичик-кичик кулбалар кўзга ташланарди. Уларнинг ҳар бири кимсасиз бўлгани боис қандайдир сағана-қабрларни эслатар, поезд бу ерлардан тезроқ узоклашишини истагандек елиб бормокда эди.

Бу орада Тошкентгача бир ярим кунилик йўл қолган эди. Эртаси куни Маҳмуд кутилмаган Ўзбекистонлик юртдошларини кўриб қолди. Сурхондарёлик ёш йигитлар Парпиевнинг бошига тушган савдони эшитиб, унга жуда ачиндилар ва буфет ресторанга таклиф қилиб обордилар. Овқатланиб ва ичиб – бир оз қизиб олишгач, шу ерда оз-оздан пул чиқариб, унга бердилар.

Яна бир кундан кейин Маҳмуд Парпиев ўз уйида ўтиради. У Лайлаксой тумани четидаги Эски қишлоқда яшарди. Бу қишлоқ Самарқанд вилоятига қарап, шунинг учун ўзбеклар билан тожиклар аралаш ҳолда истиқомат қилишарди. Маҳмуднинг хотини Сетора – тожик бўлиб, икки тилда сўзлашар, негадир болалари билан кўпроқ тожикча гаплашар эди. Улар рўзгор бoshининг аламли ҳикоясини жим ўтириб тинглашган, фақат хўрсинишарди, холос.

– Энди нима бўлишини билмайман, бошим қотган, – деди ниҳоят Махмуд Парпиев. – Балки қуда томон билан келишармиз, а? Тўйни яна бирон йилга қолдирсак... – Шунда унинг кўзи бурчакда ётган ўша эски бушлакка тушди-да, бақирганча ўрнидан туриб кетди: – Хотинжон, анави бушлакни ол, йўқот, кўзимга кўринмасин! – деди.

– Нега йўқотиш керак? Ювиб тозаласа бўлади-ку? – деб жавоб берди Сетора. – Кейин уни кийиш ҳам мумкин.

– Мен буни киймайман, – яна бақириб юборди Махмуд, – сен йўқотмасанг, ўзим йўқотаман. Ёндираман.

– Вой, нимага мунча қичқирасиз? – яна муросага чақирди аёл.

– Ҳа, энди бўлар иш бўлибди... Лекин нима учун бутунгина буюмни йўқотиш, ёндириш керак экан? Кўйинг, тозалаб, ўзим кияман, дадаси, – дея бурчакда етимчадек ётган пахталикни олиб, ташқарига чиқиб кетди. Ва бир муддатдан кейин кириб келиб, ҳамон жаҳлидан тушмай, кўрпачада ўтирган эрига муштадеккина тугунчани узатди. Эр олдин тугунчага, кейин хотинига ғашлик билан тикилди-да, тугунчани тортиб олиб йиртгудек қилиб очди-ю, кўзларига ишонмай қолди: унда бир даста доллар бор эди. Кейин уни аста санай бошлади: 2000 экан.

– Буни қаердан, кимдан олдинг? – деб сўради Махмуд Паврпиев астагина.

– Бушлакингизди ичиди бир чок бор. Ипиям осилиб ётиб экан. Шу ипидан бир тортсам, йиртиқ очилиб кетди. Ман қайта тикмоқчи эдим. Лекин шунга кўзим тушиб қолди... Махмуд бир дақиқа ўйланиб қолди. Ва Эрсенқулнинг «землягингдан совға» детанини эслади; тагин землякнинг пули йўқлиги... Демак, унинг ақчаси шу хилват жойда экан! Сўнг ўзининг кирсовун ичига бор долларини жойлаб қўйгани ёдига тушди-да, ниҳоят ўзича жилмайди.

– Тавба, бироннинг тўшагини титкилаб кўришни билган Эрсенқул ўзининг устидаги курткани пайпаслаб кўришниям билмапти-а хумпар, деди овоз чиқариб.

– Нима дедингиз? – сўради аёли.

– Эй, шунчаки кимдир-биров ҳақиқатан ҳам бизга совға деб, тўйга тўёна берган экан-да, онаси... Энди сен жилла ачинмай бушлакни йўқотишинг мумкин. Пулимиз уч карра кўпайиб қайтиб келди... Қанақа ажойиб аёлсан-а «йўқот» деганимда – йўқотмадинг. Кайвони хотинсан-да.

Шундай қилиб, Маҳмуд Парпиевнинг саргузашти деймизми, Россия саёҳати деймизми – адо бўлди. Сетора эса ушбу пахталикни барибир ташлаб юбормади: оғилхонага бекитиб қўйди. У жуда хурсанд эди. Ахир уни йўқотганидами...

Алқисса, тўй куни қайтадан тайин бўлди. Бунинг устига Маҳмуд Парпиев хотинига қишлиқ-пахталик харид қилиб берди.

Тошкент, 2004.

(“Оила ва жамият” газетаси, 2004 й.)

Эсселар

БУ КУНЛАР ҲАМ ЎТИБ КЕТАР...

Ҳаёт ўз моҳиятига кўра фожиадир, бироқ унинг интиҳоси аввалдан маълум.

Эрнест Хемингуэй

— Кечирасиз, Сизни йўқлаб келишибди, — деди мени парваришаётган ҳамшира Жаннат каравотимга яқин келиб.

— Ким экан?

— Исмини Тўқли, деди шекилли, айтишича Сиз билан бирга ўқиган эмиш.

Жаннат мен учун нафақат ҳамшира эди. Кейинги икки йил давомида у менинг деярли барча турмуш ташвишларимни бўйнига олган; мен учун овқат пиширап, уйимни супуриб-сидирап, ҳатто кир-чиримгача ювиб берарди. Унинг эри бир неча йил аввал ароқхўрлик балоси туфайли нобуд бўлган, айни пайтда у бева эди. Бироқ шундай бўлса-да, у ҳанузгача ароқхўрликда эридан қолишмайдиган қайнотаси ҳамда қайниси билан яшашга мажбур эди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ҳеч қаерда ишлашмасди. Боз устига Жаннатнинг икки нафар боласи, уларнинг бири ўн ёшда, иккинчиси эса ўн бешларга кириб қолган. Мен шу сабабли имкониятим даражасида унга молиявий томондан кўмаклашишга ҳаракат қиласдим. Аммо, билишимча, менинг кўрсатаётган кўмагим, унинг каттагина оиласи учун урвоқ ҳам бўлмасди. Икки йиллар муқаддам мен автоҳоло-катга йўлиқиб, шол бўлиб қолдим, ўшанда бирорнинг ёрдамисиз ҳатто ўрнимдан ҳам қўзғалолмасдим. Шу

сабабли, у-бу ишларимга күмаклашиб туриши учун мана шу қозоқ қүшнимиз – Жаннат опани ишга ёллагандим.

Энди Түқли ҳақида айтсам, чиндан ҳам биз у билан «Олий адабиёт курслари»да бирга үқиганмиз. Түгри, у бизлардан бир курс қуйида үқирди. Мени у билан курсдошим Немат Ҳайрат (Сайдвалиев) таништирган. Дарвоқе Нематнинг ўзи ҳам зап аломат, юзлари баркашдек, бўйлари ҳам барваста йигит эди. У узок йиллар қассоб бўлиб ишлаганди. Менга бир нарса жуда ғалати туюларди : зеро, мен ўта баҳайбат, вазни камида ярим тонна келадиган не-не буқаларни пинагини ҳам бузмай туриб бўғизлаб, гўштини нимталаб ташлайверадиган қассоб йигитнинг, қандай қилиб, ўта романтик шеърлар ёзиши мумкинлигини ақлимга ҳам сиғдиролмасдим. Яна қизифи, у ўзини аввало шоир деб, гарчи тан олинмаган, унинг шеърларини ҳали ҳеч ким чоп этиб чиқармаган эса-да, айнан шоир деб биларди. Аммо, нима бўлганда ҳам, унинг ўзи одам сифатида ёмон бола эмасди. Бироқ, кейинчалик, у нимадир сабаб билан «Олий адабиёт курслари»дан ҳайдалиб кетди.

Жаннат менинг меҳмонхонамга чиқиб, диванга ўтириб олишимга күмаклашиди. Хонага Түқли кириб келди. Биз қучоқлашиб кўришдик, кейин хонтахта ёнига чўқдик. Ҳар галгидек, Түқли қуруқ қўл билан келмаганди. Унинг қўлидаги целофан пакетда, икки жуфт тандир нони, аллақандай ширин пишириқлар, ичимлик ва яна икки килоча эндинга сўйилган лаҳм гўшт бор эди. Мен Жаннатдан гўштни олиб, ковуриб келишини илтимос қилдим. Қолган нозу нематларни эса хонтахтага ёзиқлик дастурхонга қўйдим.

- Қалайсиз, энди, Жаҳон? – кулимсираб сўради Түқли.
- Ёмон эмас. Чидаса бўлади.
- Сиз ҳалиям тузалмадингизми? – қувлик билан сўради у.

– Эй, нимасини айтасиз, бу ётиш ўзимнинг ҳам жонимга тегиб кетди. Ростини айтсам, баъзан ўзимни ўлдириб, ҳаммасидан қутулиб қўя қолсамми, дейман.

– Худо сақласин-ей, қўйинг, бунақанги совуқ гапларни. Ахир Сиз ёзишингиз керак. Бунинг устига, ўғлингиз ҳам катта бўлиб қолди.

– Ўғлим? Мен уч йилдан бери бир марта ҳам кўрмаган ўғлимни айтасиз-да?!

– Нима, хотинингиз уни Сизга қўрсатишни хоҳла-майдими?

– Ҳа, мен уларга алоҳида квартира олиб бермаслигимни билгач, у менинг ўғлимни батамом ўзиники қилиб олган. Эҳ, агар мен улар ҳозир қаерда эканикларини билсам... агар ўзим юра олсан эди... Мен ўзим уларни, аникроғи, ўғлимни қидириб топган бўлардим... Эҳ... қўйинг, Тўқли, бу гапларни. Яхиси, ўзингиздан гапиринг. Ярим йилдан бери кўринмай кетдингиз?!

– Эй, дўст, нимасини айтай, оиласада яна битта қиз, тўртинчи қиз ҳам дунёга келди, – Тўқли шундай деркан, жуда хушкайфият билан коњякни очиб, рюмкачаларга қуя бошлади.

– Ўҳ-хў, зўр-ку! Табриклайман, умри билан берган бўлсин, – дедим мен худди қадаҳ сўзи айтаётгандек қўлимдаги мўжаз рюмкани бармоқларимнинг учлари билан тутиб. Кейин сухбатни давом эттириш учун: – Ўзингиз, кейинги пайтлар нималар билан бандсиз? – деб сўрадим.

– Ижарага бир «Жигули» олувдим. Таксичилик қилдим. Энди эса Питерга қараб сурсамми, деб турибман.

– Санкт-Петербургами? У ёқда нима қилмоқчисиз?

– У ерда менинг бир-иккита яқин дўстларим бор, ҳозир бир қурилишда ишлашаяпти. Ўшалар сен ҳам келгин, деб сира қўйишмаётир. Шунга... бир пул ишлаб келсаммикин, деб турибман-да.

– Тўқли, биласизми, албатта, бу фақат ўзингиз ҳал қиладиган иш, аммо у ёқларда бизнинг юзлаб юртдош-

ларимиз алданиб, уйларига қайтишига ҳам пул тополмай қолаётганлари ҳақида эшитгандирсиз. Айтишларича, юртдошларимизнинг паспортларини олиб қўйишаркан-да, қул қилиб сотиб юборишарканлар...

– Йўқ, дўстим, бундан сира хавотир олманг, менинг дўстларим яхши одамларнинг қўлида. Уларга ишониш мумкин, дейишаяпти.

– Ҳай, майли, тағин ўзингиз биласиз.

– Жаҳонгир, мен иложи бўлса, кейинги ҳафтанинг ичидәёқ, жўнаб кетмоқчиман!.. – деди Тўқли бир оз, истиҳолали оҳангда.

– Хўш, хўш... айтаверинг, бу ёғини ҳа... тортинишга ҳожат йўқ?

– Биласизми... мен Сиздан озроқ пул қарз олмоқчи эдим... Йўлкирага етмайроқ турибди... Мен у ёққа боришим биланоқ, биринчи имкониятдан, сизга уларни қайтариб юборардим...

– Азизим, хабарингиз бор, мен бир муддат, аниқроғи беш йилларча, одамларга озгинагина фоиз эвазига қарз бериб келдим. Бироқ, бугун у ишларими ни йиғишириб қўйганман. Ростини айтсам, савобнинг кети тешиқ, деган гап рост экан. Бир гал мен ўз пулларимни, яъни фоизларимни олиш учун Жиззахга бордим. Мен қарз берган одам шу кунга қадар ҳамма пулларимни ўз вақтида тўлаб бораётганди. У мен берган пулларга қорамол олиб, чорвачилик билан шуғулла-наётганлигини айтувди. Кейин пулларни жўнатишни чўза бошлади. Жиззахлик дўстим Неъмат Сайдвалиев бизнинг ўртамиизда кафиллик қилган эди. Шунинг учун мен уни ҳам ўзим билан эргаштириб, қарз олган танишманинг ахволидан огоҳ бўлай-чи, деб бориб кўрдим. Ишонасизми, уникига борсам, уйида қорамол тугул, эчки -улоғи ҳам йўқ экан. Аниқлаб билдим-ки, у мендан олган пуллар эвазига укасига бир енгил машина олиб берибди. Укаси шу машинада киракашлик қиларкан. Худди, мен уларникига йўқлаб борган кундан

бир кун аввал, укаси уйига қайтаётиб, ўша машинасида катта «КамАЗ» машинаси билан түкнашиб, ҳалок бўлиди. Биз борганда уйда мотам эди. Марҳумнинг онаизори, йиғлаб-сиқтаб, кўз ўнгимда уйидаги бор тилла тақинчоқларини ўғилларининг қарзи эвазига менга товон пули деб, олиб чиқиб берди.

– Бир ҳовуч тилла-я...

– Нима дейсиз, мен шундай пайтда қандай йўл тутишим керак эди? – сурадим Тўқлидан, қўлимга сигарет олиб тутатар эканман.

– Билмадим, ўртоқ...хўш, сиз нима қилдингиз?

– Ҳеч нарса, ўрнимдан турдим-у, индамай уларнинг уйидан чиқиб кетдим. Ахир у пайтда менинг тос суюгим синмаганди, bemalol ҳаракатланардим, оёқ-қўлларим бут, мутлақо соғлом эдим-да. Олтинлар эса, жуда салмоқли эди... билмадим, неча миллионлик эди улар... Яна бир мисол айтай... Биласиз, мана шу уйимизнинг ёнгинасида «Табиат» деган бир тамаддихона бор. Ўша ерда менинг асли ўзи Тошкент вилоятидан келиб қолган Ҳамид деган бир танишим бармен бўлиб ишлайди. У менинг фоизга пул беришимни кимдандир эшитиб, қарз сўраб чиқиб қолди. Мен унга сўраган пулинин беролмадим. Кейин орадан бирор ҳафта ўтиб нима бўлди, дeng, ўша мендан қарз сўраган Ҳамид: «Одамларга фоизга қарз бериш судхўрлик бўлади. Бу ислом динимизда ҳаром қилинган», – дея ҳамманинг олдида мени изза қилмоқчи бўлди. Ўшанда мен унга: «Ислом дини ҳақида мен ҳам сендан кам нарса билмайман, динимизда судхўрлик қилган одамнинг ўзигина эмас, ундан пул олган одам ҳам гуноҳга ботади», дедим. Кейин яна мисоллар келтириб тушунтирдимки: мана мен бир одамга пул қарз бердим, у менинг берган пулим эвазига машина олиб, бола-чақасини ҳалол меҳнат билан боқаяпти. Ризқини топяпти. Аммо сен-чи, сен нима қиласан, ароқ сотасан, ароқ ичадиган одам болаларининг ризқини қийиб, сендан ароқ олади. Уйида ҳар

куни жанжал-түполон, ҳатто оиласи ҳам бузилиб кетиши мумкин. Энди айт-чи, иккимиздан қайси биримиз кўпроқ гуноҳкормиз, одамларга яхши ишлари учун зарур пулдан кўмаклашган менми ёки уларнинг пулини ҳаромга сарфлашга мажбур қилаётган сенми, дедим?!

– Оббо, Жаҳонгир-ей, қаёқдаги думбул одамлар билан баҳсланиб, ади-бади айтиб юришингизга борман-да, – деди кулиб Тўқли.

Бу орада Жаннат ҳалиги гўштларни чиройли қилиб қовуриб олиб келди, Тўқли эса рюмкаларни яна қайта тулдириди.

– Аммо, Дўстим, ҳали айтганимдай, энди бу ишларнинг ҳаммаси ўтмишда қолди. Ўша пулларимдан ҳозир менда бир мириси ҳам қолгани йўқ. Энди менга ёрдам бериб турган шу дастёrlаримга ҳам қандай қарзимни узарканман, деб юрибман.

– Қайси дастёrlарни айтасиз?

– Жаннатдан ташқари унинг Омон деган қайниси ҳам бор, у мени кечқурунлари сайрга олиб чиқади. Тағин зарур ҳолларда мени у ер-бу ерга олиб-бориб келадиган шофёrim ҳам бор. Унгаям уч-турт сўм бермасам хижолат тортаман...

– Жаҳонгир, Жиззахлик ошнамиз Неъматни қаердан топсам бўларкин... Бир гал келганимда унинг ишлари беш, анчагина кўтарилиган, дегандингиз, шу гап ростми?!

– Ҳа, унинг пули бор-йўқлигини билмайман-у, аммо ҳозир дўстимизнинг обруси жойида. У вилоят ҳокимлигининг Матбуот марказига раҳбар бўлган. «Сангзор» деган ижодий клуб, худди шу ном билан бир журнал ҳам ташкил этганилигидан хабарим бор. Бир нечта китобларини ҳам нашрдан чиқарди. Охирги марта қўнғироқлашганимизда, яқинда босмахона ҳам очмоқчи эканлигини айтувди. Ҳатто менга, ана шу ишларига шерикчилик асосида пул тикишимни ҳам таклиф қилди. Уни топиш унчалик қийин эмас. «Ол-

мазор» метро бекати ёнидан Жиззахга деб, таксига ўтирасиз. Жиззахнинг ҳокимияти ёнига борсангиз, иккита салобатли иморат бор, уларнинг бири тўққиз қаватли, икинчиси эса беш қаватли. Сиз беш қаватлигига кирасиз, ўзи узун қилиб солинган, ойнаванд қилиб ишланган, алоҳида ажралиброқ турган бино. Шу бинонинг тўртинчи қаватида ҳали мен айтганим – Матбуот маркази жойлашган.

Шундан кейин биз Тўқли билан бирор фурсат гаплашиб ўтиридик, едик, ичдик, сухбат асносида у ўзининг янги ижод намуналаридан ўқиб берди. Кейин хайрлашиш учун жойидан кўзғалди.

– Сизни кўрганимдан жуда хурсандман, Жаҳонгир, – деди у ёйилиб куларкан.

– Мен ҳам хурсанд бўлдим, Тўқли, йўқлаб туринг.

– Хўп, унда... Мен эртагаёқ Жиззахга, Неъматнинг олдига бораман ва унинг кабинетидан Сизга қўнғироқ қиласман.

– Албатта, шундай қилинг. Унга саломимни айтинг. Мен ҳам уни анча соғинганман.

Тўқли қучоқлашиб хайрлаши-да, чиқиб кетди. У кетгач, мен яна ўтмиш хотираларига берилдим...

Мен Неъматни ilk маротаба учратган кунимни эсладим. Бу ўн йиллар илгари «Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси»да бўлган эди. Биз «Олий адабиёт курси»га кириш учун сухбатга чақирилгандик. Биз – бир неча даъвогарлар имтиҳон мақомидаги ушбу сухбатга навбат кутиб турадик.

Шунда бир йигит менга дабдурустдан:

– Қалайсиз, ўртоқ? – дея қўл узатди. Унинг эгнида яшил рангдаги костюм бўлиб, бўйнига турфа рангларда жило қилиб турган хитойча галстук тақиб олганди. Мен ҳам беихтиёр қўлимни узатдим-у ажаблангандек унга қараб туравердим.

– Сиз мени танимаяпсизми? Ахир Сиз билан илгари ҳам, Жиззахда, тўғрироғи Зоминда учрашган-

дик-ку, – деди. Эсингиздами, бундан уч йил илгари... ўшанда Сиз наср соҳаси бўйича биринчи ўринни олган Эдингиз.

– Ҳа, бўлди, эсладим. Сиз, янгишмасам, шоир Эдингиз-а?! – тахмину таваккал аралаш сурадим, гарчи уни ҳеч эслай олмаётган бўлсам-да.

– Ҳа, топдингиз. Исмим Неъмат, агар эсингиздан чиқсан бўлса.

– Сиз Ўзбекистон ёш ижодкорларининг Зоминдаги ўқув-семинарини назарда тутаяпсиз-да?! Эсимда, ўшанда, наср йуналишида атиги олтига одам, шеърият бўйича эса нақд эллик чоғли йигит-қизлар иштирок этишганди.

– Афсуски, Сиз 1994 йили бўлиб утган Дурмон семинарида қатнашмаган Эдингиз-да.

– Ҳа, унда қатнашишим ҳам мумкин эмасди. Сабаби, менинг ҳикояларим фақат 96-йилдан бошлабгина матбуот нашрларида чиқа бошлаган. Дарвоҷе, ўшанда нима бўлганди, ўзи, янгишмасам у пайтлар уюшма раиси Жамол Камол эди шекилли...

– Йўқ, шунчаки, ўша йили наср соҳаси бўйича семинарда биргина ижодкор иштирок этганди. Нихоят ўринларни тақсимлаш чоғида ана шу ягона ижодкорга биринчи ўринни ҳам, иккинчи ўринни ҳам беришганда... Роса кулги бўлганди ўзиям...

– Ҳа, зўр иш бўлган экан, – дедим кулиб. – Сиз чекасизми?

– Ҳа.

– Унда юринг, бир чекиб келайлик. Назаримда, ҳали бизнинг навбат келишига анча борга ўхшайди.

Биз у билан чекиш баҳонасида анча гурунглашдик. Орадан бир ҳафта ўтиб бизлар «Олий адабиёт курси»га ўқишига қабул қилинганлигимизни маълум қилишди. Курсимизда ҳаммаси бўлиб саккиз киши эдик. Тингловчилар республикамизнинг турли вилоятларидан келишган. Орадан кўп ўтмай, биз Неъмат билан жуда яқин дўст бўлиб кетдик.

Бир куни мен уни уйимизга мөхмөнга чақирдим. Дадамлар мөхмөннинг шарафига ўзларининг суюмли таомлари бўлган – палов дамладилар. Кечқурун биз учаламиз узоқ вақтгача ҳаёт тўғрисида, адабиёт ҳақида сұхбатлашиб ўтиридик. Ўша куни Неъмат бизницида ётиб қолди. Ярим тунда мен шигалаб ёғаётган ёмғирнинг шитир-шитиридан уйғониб кетдим. Бошимни ўтириб, Неъмат учун түшак солинган диванга қарасам, у ётган ўрнида йўқ. Мен охиста ўрнимдан туриб қўшни хонага чиқдим, ундан эса балконга ўтдим. Неъмат ўйлаганимдек, балконда экан. У балкондаги мўъжазгина столча ёнига ўтириб олган, стол устида эса эски стол лампаси нур таратиб турарди, шоир дўстимнинг қўлида дафтар ва қалам. Менимча, унинг айни тун чоғи илҳоми қайнаб кетган, шекилли, кўнглидаги туйғуларини қоғозга туширишга чоғланган. Мен унга халақит қиласлик учун яна ўрнимга қайтдим. Эрталаб, чиндан ҳам, у менга ўша тунда битилган ажойиб шеърини ўқиб берди.

Баъзан биз – уч-тўртта сабоқдош дўстларимиз билан биргалашиб Миллий университет биноси ҳамда кўпқаватли ётоқхоналар оралиғидаги майсазорда ўтириб олиб обдон гурунглашардик. Шундай пайтларда Неъмат Есениннинг шеърларидан, айниқса, ўзининг таржимасида ўқишини хуш кўтарди. Шундай кунлардан бирида Неъмат яна ҳар сатридан романтик рух уфуриб турган шеърларини ўқиди. Лекин ўша куни менга дўстимнинг овозида аллақандай мунг ва изтироб оҳанглари сезилгандек туйилди.

– Неъмат, Сизга нима бўлди? – дея сурадим, ҳайратимни сездирадиган бир оҳангда.

– Ҳеч нарса, нимайди?

– Йўқ, дўстим, мен кўриб турибман-ку, Сиз нимадандир безовтасиз... хафароқмисиз-ей. Ахир кечагина уйингизга бориб келдингиз, ота-онангизни, оилангизни кўриб қайтдингиз... Уйдагилар, оилангиз тинчмикин?..

– Оилам... ҳа, ҳамма гап шунда-да... Ота-онамлар мен оиласми, яъни хотиним, яна уч нафар ўғлимни ўзим билан Тошкентга олиб келишимни хоҳлашяпти. Ё бўлмасам, уларни боқиши учун мен уйга пул жўнатишм керак эмиш. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, мен уларга қаердан пул жўнатаман? Ахир мен Кореядаги заводда ишлаётганим йўқ-ку...

– Ҳа, ётоқхонада турган тақдирингизда ҳам, агар бола-бақрангизни олиб келсангиз, стипендия-ю, унда-мунда чиқиб қоладиган гонорарлар билан оиласмини боқа олмайсиз.

– Ҳамма гап мана шунда-да. Ўқишимни ҳам ташлаб кета олмайман. Биласизку, адабиёт – менинг қисматим, деганман. Усиз менга ҳаётнинг ҳам қизифи қолмайди...

– Неъматжон, келинг, кўп куйинманг. Эҳтимол, Сиз борган пайтингизда уйда пулга боғлиқ бир муаммоли вазият юз бергандир. Шунинг учун улар ҳам бор дардларини сизга тўкиб сочишгандир-да. Бунда ҳеч бир фожиа йўқ, аслида. Бир оз сабр қилсангиз, ҳаммаси ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади. Вақт ҳаммасини ўз ўрнига қўяди. Мени айтди дерсиз. Мен қаердадир ўқиганман, Эрон шоҳи Доро I нинг қўлида бир узуги бор экан, узукда бир сехрли сўз ёзилган бўлиб, шоҳ ҳар қандай тушкунликка тушган чоғда, ана шу ёзувни ўқиб ўзига таскин топаркан.

– Қанақанги ёзув экан ўша, Жаҳон?!

– Узукка «Ин ҳам мегузарат!», яъни «Бу кунлар ҳам ўтиб кетар!» деб ёзилган экан, – жавоб бердим мен.

Ҳа, ўқишига нафақат Неъмат, курсимиздаги ҳар бир тингловчи жиддий қаради. Биз – барча курсдошлар: самарқандлик сабоқдошимиз Ориф Ҳожини ҳисобга олмаганда, деярли бирорта ҳам дарсни қолдирмасликка ҳаракат қиласардик. Ориф Ҳожининг эса дарслардан баъзан қолиб кетиши сабаби ҳам жуда ғалати эди, у ҳаммани лол қолдириб, Тошкентда Олий адабиёт курсида ўқир, Самарқандда эса... дарс берарди. Ҳали

айтганимдек, курсимизда ҳаммаси бўлиб саккиз киши эди. Курсимиз оқсоқоли, хоразмлик модернист шоир Даврон Ражаб эди. Асл сабабини ҳозир аниқ эслай олмайман-у, аммо бизлар ўзимизча курсимизга Даврондан бошқа яна бир сардорни сайлаб олгандик. Бу шоира – Хосият Рустамова эди. Шуни таъкидлаш керакки, биз Хосиятни сардор қилиб сайлаганимизнинг иккинчи куниёқ, ҳар жабҳада аёлнинг назокатли қўли сезила бошланди. Ҳонамиз деразасига ажабтовур бир парда осилди, ҳонамиз ўртасида ҳаммамиз бақамти ўтириб дарс тинглайдиган узун стол устига клеёнкасимон чиройли дастурхон тўшалди. Ҳаммамиз оладиган стипендиямиздан маълум қисмини курсимизнинг умумий жамғармасига ўtkазиш ҳақида ҳам келишиб олдик. Қизларимиз эса дарсхонамизнинг тозалигини ўз зиммаларига олишиб, уни тартибга солиши, орасталигини таъминлаш борасида навбатчилик ҳақида ўзаро шартлашдилар. Орамизда ёши ҳаммамиздан кичик бўлган қорақалпогистонлик шоира қиз Нилуфар, дарс бошланишидан аввал бутун курс учун чой дамларди. У чой солинган чиройли финжонларни тақсимчаларга жойлаштириб, худди янги келинчакдек назокат или ҳар биримизнинг олдимизга қўйиб чиқарди. Албатта, бундай лутфу карам билан чойхўрлик маросимларимиз узоқ давом этмади. Боиси, бундай эмин-эркин тингловчилар олдида сабоқ бериши, бизнинг муҳтарам профессорларимиз ва адабиётшуносларимизга бир оз эриш туюлди, чоғи. Аммо нафси ламрини айтганда, бизларга, агар маъruzalari ёқмаса, истаган ўқитувчининг сабоқларидан воз кечиш ва унинг ўрнига ўзимизга маъқул домлани танлаш имконияти берилган эди. Биз бир неча бор, ана шу хуқуқимиздан фойдаланган ҳам эдик. Менимча, ҳозирги тингловчиларда бундай хуқуқ бўлмаса керак. Аммо шуни унугмаслик лозимки, ҳар ҳолда бизлар ушбу «Олий курс»нинг ilk қалдирғочлари эдик, шу боисдан ҳам барча қоидаларни бизнинг

ўзимиз жорий қиласынан. Бугунга келиб, «Олий адабиёт курси»нинг битирүвчилари магистрлик мақоми бериладиган бўлди. Бизнинг пайтимизда эса ҳали кўп нарса ноаниқ эди. Эҳтимол, шу сабабданadir, бизларнинг ҳар нарсани ўзимиз ҳал этиш имкониятимиз кўпроқ эди. Энди эса кўп нарса ўзгариб кетган, эшишимча, ҳатто курснинг Низоми ҳам ўзгартирилибди.

Ҳафтанинг пайшанба кунлари биз турли газета ва журналларнинг таҳририятларига ташриф буюрадик ёки ҳаммамиз йифилишиб, у ёки бу нашриётга борардик. Албатта, нашриётдагилар олдиндан бу ҳақда хабардор қилинарди. У ерда бизлар мұхаррир-ноширлару матбаачилар билан бугунги китобхонларнинг эҳтиёжлари, адабиётдаги янги тамойиллар ва оқимлар түғрисида қызғин баҳсу мунозаралар ўтказардик. Ҳатто айримларимиз нашриётлар билан ўз асарларимизни чоп этиш борасида шартномалар тузишга ҳам муваффақ бўлардик. Ана шундай амалий учрашувларнинг шарофати билан кўп ўтмай китобларимиз ҳам дунё юзини кўради.

Биз ўқиш жараёнида устозларимиз билан тенгматенг мақомда муомала-мулоқотда бўлишга интилардик. Баъзан ҳатто улар билан қызғин баҳсларга ҳам киришардик. Албатта, ҳар қанча баҳсу мунозарамиз бўлсин, биз одоб доирасидан, устозларимизга хурмат билан муомалада бўлиш чегарасидан чиқмас эдик. Зеро, уларнинг ҳаммаси ҳам бири-биридан зукко ва маърифатли домлалар эди. Хусусан, улар орасида профессор Умарали Норматов, Баҳодир Каримов, таникли тилшунос олим Ёрмат Тожиев, адиблардан Усмон Азим, Ҳуршид Дўстмуҳаммад, Абдулла Шер, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг маслаҳатчиси Абдулла Аъзам ва бошқалар бор эди. Бир куни курсимизга ҳалқаро муносабатлар мавзуида қалам тебратувчи ижодкор-журналист Карим Баҳриев меҳмон бўлгандилар. Яна бир куни эса, мен ниҳоятда хурмат қиласынан профессор Баҳодир Сарим-

соқов (ағсуски, айни пайтда улар оламдан ўтиб кетдилар) ташриф буюргандилар. Дарвоқе, кейинчалик мен улар ҳақида «Орадан йигирма йил ўтиб» номли бадиа ҳам ёзгандим.

Үқиш чоғида бизларга стипендиялардан ташқари вақти-вақти билан турли мукофот пуллари ҳам бериб туриларди. Ҳатто бир гал бизга Самарқанд вилояти ҳокими томонидан маҳсус зиёфат ҳам ташкил этилганди. Бу талабалар шаҳарчасидаги «Ёшлиқ» ресторанида ўтказилиб, барчамиз учун кутилмаган хурсандчиликни баҳш эттани ёдимда. Зеро, бу тантаналар чоғида ҳар биримизга алоҳида халтачаларга солинган маҳсус совғалар ҳам тухфа этилганди. Бу ҳадялар орасида маълум миқдордаги пул, блокнот, ручка, қалам ва энг муҳими, эрталаб уйғотадиган қўнғироқли соат ҳам бор эди. Ҳа, буларнинг барчаси, назаримизда, биз «Олий адабиёт курси» тингловчилари учун айни зарур буюмлар эди.

Икки йиллик ўқиш гўё икки кундек ўтди-ю кетди. Ниҳоят бизларга диплом бериладиган кун ҳам етиб келди. Шу кунгача ҳар биримиз ўзимизча, бизга қизил диплом беришармикин ёки кўк рангли диплом беришармикин, деган ўй билан бош қотириб, ўзимизча муайян тахминлар қилиб юргандик. Бироқ олган дипломларимизнинг ранги ям-яшил эканлигини кўриб, ҳали кўп нарсани ўкиб, ўрганишимиз лозимлигини яна бир карра ҳис этгандек бўлгандик.

Нимадир сабаб бўлиб, Неъмат диплом олиш маросимиға кела олмаганди. Бунинг сабабини мен орадан уч ийл ўтгачгина билдим.

Неъмат доим ўқишни тутатгач, яна Жиззах телевидениесидаги ишини давом эттириши ҳақида гапиради. Шу сабабдан мен ушбу шаҳарга келишим биланоқ, тўғри вилоят телевидениеси томон йўл олдим. У ерга боргач, эса дўстимнинг Вилоят ҳокимлиги қошидаги Матбуот марказига раҳбар этиб тайинланганини эшилдим. Орадан бирор соат вақт ўтгач, мен унинг

янги иш кабинети эшиги олдида пайдо бўлдим. Эшикни очишим билан эса :

– Э-э, Жаҳон, – хурсанд бўлиб, ўрнидан туриб кетди Неъмат мени кураг-кўрмас. Унинг юзида аввалига ҳайрат ифодаси зоҳир бўлди, кейин эса бу туйгу ўз ўрнини алланечук ғуур ва фахр хиссига бергандек туюлди. Неъмат ёнимга шаҳдам қадамлар билан келиб, бағрини очди. Иккимиз қучоқлашиб сўрашдик.

– Хуш, дўстим, қайси шамоллар учирди? – ҳамон елкаларимдан қўлини олмасдан сўради у.

– Сизнинг соғинчингиз шамоли дўстим! – дедим мен ҳам кулимсираб, унга тикиларканман.

Унинг бир оз тўлишганилиги, юзининг қирмизи ранги, эгнидаги ниҳоятда дид билан таниланган кийим-боши, хуллас унинг бутун кўриниши киши қўзини қувонтирас, кўнгилга бир ёруғлик баҳш этадиган даражада эди. Тушлик маҳали яқинлашиб қолганди ва биз Неъматнинг таклифига кўра ҳокимият биносидан ташкарига чиқдик. Кейин эса катта кучани кесиб ўтдик-да, «Нафиса» дея аталган савдо маркази биқинидаги та-маддихонага кирдик.

– Неъмат, сизни биринчи марта ичкиликни рад этишингизни куряпман. Нима чиндан ҳам ичишини ташладингизми? – дея сўрадим мен овқатланаётуб.

– Ҳа, Жаҳон, ичкиликни чинданам йиғиштиридим. Ростини айтсан, айни шу ичкиликни деб, мен ўшанда, дипломимни олишга ҳам бора олмагандим. Эй, ўша вақтларда бу балога шундай киришиб кетгандим-ки, асти қўяверасиз. Ўзимни ҳеч тухтатолмасдим.

– Ҳа, бу дард менгаям бегона эмас. Хўш, шу даражага борган экансиз, ундан қандай халос бўлдингиз?

– Ҳозир, Сизга айтишим ҳам ноқулай, аммо, шу дардан даволаниш учун ҳатто Тошкентга бориб келдим.

– Тошкентга?! Оббо Сиз-эй, нега менга бир оғиз қўнгироқ киммадингиз- а?!

– Биласизми, мен ўшанда Тошкентга бордим-у, ўша куннинг ўзидаёқ қайтиб келдим. Аниқроқ айтсам, шаҳар наркологик диспансерига бориб қайтувдим.

– Агар сиз бир кунда борибоқ, ортингизга қайтган бўлсангиз, демак машхур профессор Довженконинг шогирди Раиса Федоровна Рожкованинг муолажаларини олгани борибсиз-да. Яъни алкоголизмга қарши кодлаштирилгансиз, тўғрими?!

– Ие, Жаҳон, Сиз уларни қаердан танийсиз?!

– Эҳ, Неъмат, азизим. Мана, Сиз бу гапларни эслаш менга нокулай, деяпсиз. Аммо эътиборингиз учун, мен у ерда сиздан аввалроқ бўлиб қайтганман... Ҳа, нима бўлмасин, бу менинг ҳаётим. Ҳаёт ҳам бамисоли бир яхлит китобдек, унинг у ёки бу саҳифаларидан воз кечиб, уларни йиртиб ташлашга ҳожат йўқ, деб үйлайман. Шу сабабдан мен ҳаётим саҳифаларини бошқалардан яшириб ўтирумайман. Ҳа дарвоҷе, бу усул, яъни гипноз усулида даволаниш менга таъсир кўрсата олмагач, мен яна хусусий бир реабилитация марказида ҳам даволандим. Ана шу кейинги даволанишим назаримда менга бирмунча самаралироқ бўлди шекилли.

– Шунақа денг? Аммо менга таъсир қилди гипнозиям. Мана, уч йилдирки оғзимга бир қултум ҳам олганим йўқ.

– Буниси яхши. Аммо ҳали айтганимдек, гипноз ҳаммага ҳам бир хилда таъсир қилавермас экан. Мен кейинги гал, оз эмас-кўп эмас роппа-роса бир ой давомида реабилитация марказида ётиб даволандим. Даволанишимга олам-жаҳон пул кетди, бироқ муолажаларнинг таъсир кучи менга атиги ярим йилга зўрга етди холос. Биласизми, у ерда аракхўрлар билан бирга гиёхвандлар ҳам даволанишарди. Биз ҳар куни кечқурун футбол ўйнардик. Тасаввур қиляпсизми аракхўрлар жамоаси – гиёхвандлар жамоасига қарши футбол жангиди... Ҳа, бу чинданам ажойиб кунлар эди...

– Ҳўш, уларнинг қайси бири кўпроқ ютарди? – кулимсираганча сўради Неъмат.

– Эй, айтсам ишонмаслигингиз мумкин, аммо доим, ярамас гиёхвандлар ғолиб чиқишарди.

Биз иккаламиз ҳам бирдек кулиб юбордик.

– Менинг эсимга шу тобда, курсдошимиз Даврон Ражаб тушиб қолди. Биласизми, бундан саккиз йиллар муқалдам мен Зоминда бўлиб ўтаётган ёш ижодкорлар семинарига эндиғина борган эдим. Мени яна икки нафар ёшроқ шоирларни бир коттеджга жойлаштиришди. Бироқ, мени ҳайрон қолдиргани, бу ёш шоирларнинг иккалови ҳам мутлақо спиртли ичимлик ичишмас экан. Мен эса семинарга келишимдан аввалоқ бу анжуман даврида бир қултум бўлсин ичимлик ичмаслик учун ўзимга сўз бергандим. Зеро, бу ердагиларнинг ҳаммаси мени яхши танишар, ҳар бири ҳам кўзи зийрак, қулоги динг кишилар бўлиб, уларнинг наздида таниқли ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг ўғли хақида нотўғри таассурот қолдиришни истамасдим. Хуллас, ўшанда Даврон бир неча бор, хонамизга кириб бизларни ичкилик ичишга чақирди, аммо ҳаммамиз худди келишиб олгандек, унинг таклифини рад этавердик. Учинчи бор унга яна рад жавобини бергандик, у жаҳл билан эшикни катта қилиб очди- да, бизларга қараб баланд овозда:

– Эй, ҳайф сизларга-ей, Сизлар ароқ ичмасангиз қанақанги адабиётчисизлар ўзи! – дея бақира кетди.

Биз яна биргаликда кулиб юбордик.

– Аммо, ростини айтсам, Неъматжон, сиз учун хурсандман. Менинг қанча-қанча дўстларим мана шу арокхўрлик, гиёхвандлик деб, гулдек умрларини хазон қилдилар. Мана, яқиндагина таниқли ёзувчи Сергей Бородиннинг набираси, менинг болалик дўстим Митя гиёхванд модда қабул қилаётиб меъёрни ошириб юборганидан нобуд бўлди. Аммо, яна бир бор айтаман, сиз ичкиликни ташлаб жуда яхши иш қилибсиз...

– Ҳа, Жаҳон, асти гапирманг. Ростини айтсам, агар ичкиликни ташламаганимда мени ҳеч қачон Матбу-

от марказига раҳбар этиб тайинлашмасди, «Сангзор» номли адабий клубимни ҳам ташкил этмаган бўлардим. Қолаверса, менинг иккита китобимнинг бирортаси ҳам дунё юзини кўрмаган бўларди. Айтганча, яқинда биз «Сангзор» деган янги бир журнални ҳам нашр этишни бошлаймиз. Ҳа, агар ҳозиргача ичкиликнинг ортидан қувиб юрганимда, буларнинг бирортаси бўлмасди, ҳатто ўзим ҳам бор бўлармидим ёки йўқ, бунисини айтолмайман, дўстим...

– Э-эй, энди бу ёғини жа оширвордингиз, ўрток...

– Йўқ, йўқ, Жаҳон, сиз ишонаверинг, мен жудаям ночор аҳволга тушиб қолгандим. Ҳайрият бариси ортда қолди...

– Ҳа, бунақаси бўлади, азизим. Мана, мен ҳам баъзида ўз-ўзимга савол бераман: нега мен ароқ ичаман? Биласизми, айтсан ишонмайсиз, шу саволга тайинли жавоб тополмай қоламан... Ташқи томондан қараганди, ёмон яшамайман. Пойтахтнинг ҳам қоқ марказида ўсиб улгайдим. Таниқли ёзувчининг ўғли сифатида ҳеч бир камчиликларсиз ўсдим, ҳеч бир нарсага зориқмадим, муҳтож бўлмадим. Доим ҳам куришиб турмасак-да, ҳар холда ўғлим бор... Бир умр яхши кийинаман, еб-ичаман... Тўғри бакалавриатта ўқишга кира олмадим ва ўқимадим. Аммо, биратўла магистрик мақомини таъминлайдиган «Олий адабиёт курслари»ни тамомладим, яъни бир зинани ташлаб бирваракай ундан баландроқ мартабага эга бўлдим. Одамлар беш-олти йиллаб заҳмат чекадиган даражани салкам икки йилга яқин муддат ичида қўлга киритдим. Ахён-ахёнда бўлса-да, асаларим босилиб турибди. Тағин менга нима керак ўзи... Менга бу ичкилик балоси нега ёпишган? Наҳотки, бу дард ҳам қисматнинг бир ёзини бўлса?!.. Балки менинг пешанамга ҳам кўпилаб адиллар, шоирлар қаби ичкилик туфайли ўлиб кетиш ёзилгандир?!

– Ў-ў- ўв, дўстим, энди сиз бу ёғини оширвордингиз! – дея кулади Неъмат.

– Наҳотки?

– Энг мұхими – сиз ёзишни ташлаб құяётганингиз йүк. Менга сизнинг эсселарингиз жуда ёқади.

– Аммо, билиб, құйинғ, бир куни сиз ҳақингизда ҳам ёзаман.

– Худо хоҳласа! – у шундай дер экан, мийигида чиройли кулимсиради.

– Неъматжон, назаримда сұхбатимиз бир оз чўзилиб кетгандек, эҳтимол мен сизнинг вақтингизни олиб, мұхим ишларингиздан чалғитаётгандирман. Иложи бўлса, кейинроқ бафуржа вақт топиб, сиз билан ўзимнинг маблағларимни бирор бир соҳага оқилона йўналтириш масаласида гаплашмоқчиидим. Биласизми, менда унча-мунча пул бор. Уларни бирор манфаатли ишга тиксамми деб турибман, ахир пулнинг қадри бу ерда пойтактдагидан кўра кучлироқ ва олинадиган самара ҳам шунга яраша бўлади. Кейин яна бир гап: сиз менга қайси меҳмонхонага қўнишни маслаҳат берасиз?

– Жаҳон, дўстим, нималар деяпсиз?! Қанақанги меҳмонхона, ахир сиз бугун менинг меҳмонимсиз. Ўзим уйимга олиб кетаман. Уйда ҳаммасини батафсил гаплашиб оламиз. Ҳозир эса бу ерга Шухрат билан Ғайбулла деган йигитлар келишади, уларнинг иккиси ҳам менинг ёрдамчиларим. Бу йигитлар сизни дунёга донғи кетган Жиззах сомсаси билан сийлашади. Унгача мен ҳам бу ердаги ишларимни тутатиб улгураман. Кейин биргаликда бизникига кетамиз. Эртага эса бизнинг адабий клубимиз мажлисида иштирок этасиз. Келишдикми?!

Ха, чиндан ҳам шундан кейинги барча воқеалар худди у айтгандек бўлиб ўтди. Кўп ўтмай ёнимизга Неъматжон тилга олган ёрдамчи йигитлар келишди ва бизлар биргаллашиб шаҳар бўйлаб сайрга отландик.

Эртаси куни кечқурун, мен Жиззахдаги ҳамма ишларимни кўнгилдагидек саранжомлаб тугалладим ва ажойиб бир кайфиятда Тошкентга қайдим. Шундан кейин ҳам мен тез-тез Жиззахга бориб турардим. Бироқ, автоҳалокатга учраб, тос суюгимни синдириб

олгач, уйимдан бир қадам ҳам ташқарига чиқолмайдиган бўлиб қолдим.

Тўқли билан бўлиб ўтган сұхбатимизнинг эртаси куни эрталабданоқ, мен бу икки дўстимнинг кўнғирогини интиқлик билан кута бошладим. Ниҳоят чошгоҳ пайтида телефон қўнғироғи жиринглаб, гўшакни ҳамширам Жаннат кўтарди. У гўшакни олиб, охиста ёнимга келди-да менга тутқазаркан, – бу кечаги дўстингиз, Тўқли, сизни сўраяптилар, – деди мулойим оҳангда. Мен гўшакни олдим.

– Алло, Тўқли...

– Ҳа, Жаҳонгир, қалайсиз?

– Салом, дўстим, мен зўрман. Ўзингиз қалай етиб бордингиз? Неъмат қалай экан?

– Менда бир хунук хабар бор, дўстим... – Тўқли шундай деди-ю, бир неча сония жим қолди.

– Нима гап, тинчликми?

– Мен бугун ҳокимиятга боргандим. Борсам, Матбуот маркази берк экан. Неъматни сўрасам... у... уни оламдан ўтди дейишди...

Мен ўтирган жойимда қалқиб кетдим.

– Нималар деяпсиз, Тўқли?! Ҳазил бунақанги бўлмайди, дўстим... Қанақасига Неъмат ўларкан?! Ахир у соппа-соғ эди-ку?!

– Ҳа, ўртоқ, ҳазиллашганим йўқ. Айтишларича, уни машина уриб кетибди. Неъмат тўйдан қайтаётган экан. Ўзи анчагина маст ҳолда бўлган экан дейишяпти...

– Бўлиши мумкин эмас... Ахир у бир неча йилдан бўён мутлақо ичишни ташлаган эди-ку...

– Билмадим, ўртоқ, аммо бу ерда айримлар бу иш атайдан уюштирилган бўлиши ҳам мумкин, деб ҳисоблашмоқда.

– Ҳўп, унда қолган гапларни Тошкентта келганингизда гаплашамиз, – мен шундай дедиму ортиқча гап тополмай, телефон гўшагини жойига қўйдим.

Кейин креслога суюнганимча сигарет олиб тутатдим. Жаннат нимадир деб, ёнимга қулдон келтириб қўйди. Аммо мен унинг гапларини мутлақо эшитмас, гўёки

қулоқларим мутлақо том битиб қолғандек эди. Күз ол-димдан ҳаётимнинг Неъмат билан боғлиқ лавҳалари; у билан илк учрашувимиз, ёзувчилар уюшмаси олдидағи сұхбатимиздан бошлаб, ҳамма - ҳаммаси бамисоли кино тасмалари каби бир-бир үтә бошлади. Назаримда шу тобда мени энг қадрли нарсамдан мосуво этишган, ҳат-токи, танамдаги үзимгагина хос бўлган энг муҳим бир бўлагимдан жудо қилишгандек эди. Ахир менинг үзим ҳам йўл транспорт ҳодисасига гирифтор бўлганман, автоҳалокат туфайли мана шу мажруҳ ахволга тушдим. Лекин, баҳтли эканманки, тирик қолдим. Гарчи, ҳозир ўрнимдан туриб юра олмасам-да, ҳар ҳолда тирикман. Шу тобда, нимагадир, хаёлимга «қанийди Неъмат тирик қолиб, унинг ўрнига автоҳалокатда мен ўлганимда – яхшироқ бўлармиди?» деган бемаъни үй келди... Зеро, мендан фарқли ўлароқ, у бу ҳаётда кўпроқ эзгу ишларни, хайру савоб амалларини қилиши мумкин эди. Қолаверса, унинг бир эмас учта ўғли етим қолаяпти... Миямда нимагадир шу тобда Неъмат севиб мутолаа қиласиган шоир Есениннинг «Алвидо, де, хайр дўстинам» сатри чарх уради. Кейин Шекспирнинг «Қирол Лир» асаридағи «Отлар яшар, итлар яшар, каламушлар ҳам, Бироқ Сенга торлик қилди бу кўхна олам» сатрларини эсладим.

Ҳа, чиндан ҳам Хэмингуэй айтганидек: «Ҳаёт ўз моҳи-ятига кўра фожиадир». Аммо яна бир ақидаги кўра: «Токи ўтган одамнинг хотираси кишилар қалбида яшар экан, у инсон барҳаётдир». Қадрли дўстим Неъматжоннинг хотираси эса менинг юрагимда ҳамиша барқарор. Лекин барибир, ҳаёт шу қадар шафқатсизки, унда барқарорлик деган тушунчанинг ўзи ҳам омонатдек. Борлик оламдаги ҳамма нарса ўзгаради, турланади, тусланади, ҳатто инсоний кайфиятлар, муносабатлар ҳам. Бир сўз билан айтганда эҳтимол, бу кунлар ҳам ўтиб кетар...

2011 йил, декабрь.
("Аъло кайфият" журнали, 2012 йил №9)

ИЛК ҚАДАМ

Умрим йиллари – хазинам менинг.

P.Рождественский

1994 йил, декабрь.

Адам (Шукур Холмирзаев) ўша пайтлар Дўрмондаги «Ёзувчилар ижод уйи»да яшардилар. Улар «Динозавр» номли янги бир роман устида иш бошлаган эдилар. Адам иш билан қанчалар банд бўлсалар-да, ҳар куни телевизорда кечки пайт бериладиган «Время» информацион дастуридан сўнг, албатта бизга – уйдагиларига қўнгироқ қилишни канда қилмасдилар. Баъзан бир-икки кунга бўлса-да шаҳардаги уйимизга ҳам келиб кетиб турадилар.

Аммо бир куни улар телефонда мени ўз ҳузурларига боришимни, гаплашадиган гап борлигини айтиб қолдилар.

Адам яшаб, ижод қилаётган 36-рақамли хона, ижод уйининг учинчи қаватида жойлашган эди. Дарвоқе, уларнинг айни шу рақамдаги хонани танлаганлари ҳам, назаримда, бежиз эмасди. Боиси, бизнинг шаҳарнинг «Марказ-1» мавзесидаги уйимизнинг ҳам рақами 36 эди. Мен адамнинг олдига борганимда, Ижод уйининг учинчи қавати йўлакларида осуда бир жимлик ҳукмрон бўлиб, бу жимликка уларнинг ёзув машинкасининг чиқиллаши-ю, менинг паркет пол юзаси бўйлаб тараалаётган қадам товушларимдан бўлак ҳеч нарса дахл қилмаётгандек эди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, биз ота-бола уларнинг хоналарида бафуржা гаплашиб ўтирадик. Хона-

нинг ҳар бир кунжагига адам чекадиган ўша пайтдаги «Карвон» деган тамакининг ҳиди ўрнашиб, сингиб кетгандек эди. Улар, сигаретани бирини иккинчисига улаб чекар, ора-сира, пиёладаги чойдан ҳам ҳўплаб қўярдилар. Пиёладаги чойнинг ранг-рўйи ҳам тим-қора бўлиб, чойдан кўра кўпроқ кофени эслатарди. Улар одатда доимий паст юрадиган қон босимларини қўтариш мақсадида чойни шундай аччиқ қилиб ичардилар. Менга чой берадиган бўлсалар, ярим пиёла қилиб қўярдилар, мен эса бу чойни устига бир оз қайноқ сув қуйиб ичардим.

– Мен янги роман ёза бошлаганимдан ва унинг номи қандай эканлигидан хабаринг борми? – деб сўрадилар улар дабдурустдан. Шундай дер эканлар, улар нимадир ўзларининг узоқ йиллик қадрдони – қизил рангли ёзув машинкасига кўз қирларини ташлаб жим қолдилар, кейин лабларига сигарет қистириб тутатдилар.

– Ҳа, хабарим бор. Янги романингизни «Динозавр» деб атагансиз.

– Нима учун айнан «Динозавр» лигиниям биласанми?

– Йўқ.

– Бунинг сабабини ҳозир тушунтираман. Ҳеч ўйлаб кўрганмисан, нима учун минг йиллар муқаддам ер юзида яшаган, дунёдаги энг баҳайбат, кучли, чидами хайвон саналган динозаврлар вақт ўтиши билан бирданига қирилиб битишган. Бунинг сабаби, улар янги иқлим шароитларига мослаша олишмаган. Менинг романим ҳам янги ҳаётга кўнига олмаган, аниқроқ қилиб айтсам, мослаша олмаган инсоннинг тақдири ҳақида.

– Бу романим ўзим ҳақимда, демоқчимисиз? – дея ўсмоқчиладим, бир оз кулимсираб ва ўзим ҳам адамнинг сигаретларидан бирини олиб тутатдим.

– Ҳа. Умуман олганда, ёзувчининг ҳар қандай асарида ҳам унинг ўзидан нимадир бўлади. Эсингдами, сен бир пайтлар Жек Лондоннинг «Мартин Иден» романидан қанчалар тўлқинланиб, ҳаяжонланиб юрадинг ёки

Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни» романини ти-лингдан қўймасдинг.

– Ҳа. Мен бу асарларнинг автобиографик характерга эгалигини биламан.

– Дарвоқе, мен чиндан ҳам янги шарт-шароитларга мослаша олмаяпман. Бироқ, аминманки, вақти келиб ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Ниҳоят, узоқ йиллик асоратдан, жабру ситамлардан кейин мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритди, озод ва эркин бўлди. Ҳозирги кунлар, менинг назаримда, ўтиш даври бўлиб, бу албатта, табиий жараён, деб ўйлайман. Худога шукрки, баҳтимизга оналаринг бор. У чиндан ҳам янги замонга тез мослашиб, ўзининг уддабуронлигини кўрсатди. Мана мен учун ҳам, ўзи учун ҳам сизларни ҳар томонлама қўллаб-қўлтиқлаб юрибди. Унинг Ҳиндистон, Эрон каби давлатларига бориб келаётганлиги туфайли тижорат ишларининг шарофати билан нафақат сен, балки опанг, аканг ва уларнинг оиласидагиларнинг ҳам еб-ичиши тайинли, кийиниши бадастир. Тўгри, менгаям тижорат асосидаги айрим таклифлар бўлганди.

– Ҳа, эсимда, ҳалиги, биз ҳақимида бирор нарса ёзсангиз, деб илтимос қилган нефт базаси директори ёки бозоркомнинг таклифларини айтмоқчимисиз?

– Ҳа, шунга ўхшаган ва...бошқалариям бўлган.

– Буюртма бўйича ёзиш? Нимагадир, сизнинг бундай қилишингизга ҳеч кўзим етмайди-да, – дедим мен яна қулимсираб.

– Биласанми, бу галгиси, сен ўйлагандек, шунчаки пулдор корчалону тужжорлардан эмас...

– Ҳўш, унда ким ?

– У киши – Сурхондарё вилояти Касаба уюшмалири кенгашининг раиси Ҳумойиддин Шароғиддинов.

– Ҳўш, уларнинг Касаба уюшмасига раислигидан ташқари яна бирор фазилатлари ҳам борми?

– Сен ундей дема, ўғлим. Мен уларни узоқ йиллардан бери биламан. У тилла одам. Энг муҳими, у менинг

она юртим – Сурхоним учун нихоятда катта ишларни қилган. Ҳали ўзинг ҳам кўриб, бунга гувоҳ бўласан.

– Мен, гувоҳ бўламан?

– Ҳа, ҳа. Сени ўзим билан Термизга олиб кетмоқчиман.

– Нимага?

– Нима, десам экан... биринчидан, сен менга ёрдам берасан. Чой-пой дамлайсан, керак бўлиб қолса, магазинга чиқиб келасан... Ҳолбуки, Шарофиддиновнинг айтишича, у ерда бизга нимаики керак бўлса, ўzlари муҳайё қилишади. Ҳатто ихтиёrimизга ҳайдовчиси билан машина ҳам беришади. Овқатларни ҳам ўз таъбимизга қараб буюртирамиз... Маъқулми...

– Ҳммм... Неча кунга боришимиз керак экан?

– Назаримда, бир ойлар етса кераг-о-ов... эҳтимол, сал кўпроқдир.

– Ростини айтсам, ҳозир унчалик ҳам банд эмасман. Шошилинч ишим ҳам йўқ. Қолаверса, сиз билан Сурхондарени бир кезиб келишга ўзим ҳам қизиқяпман. Аммо сиз, ҳали менга «биринчидан сен менга ёрдам берасан», дедингиз, иккинчидан, нима қилишимни айтмадингиз-ку?!

– Ҳа, иккинчидан, мен сенинг ўша ерда нимадир ёза бошлишингдан умидворман. Чунки сенда қобилият борлигига ишонаман. Ахир илк ҳикоянгни ёзганингда атиги ўн ёшда эдинг.

– Э-э, қўйсангиз-чи, ада... Улар бари сизнинг таъсирингизда бўлган эди. Ҳалиям эсимда ўша ҳикоя. Унда онамларнинг туғилган кунларига совға бўлсин, деб кўп қаватли уйимизнинг кичкина балконида ўсма ўстирганим ҳақида ёзган эдим.

– Ҳўш, нима қипти? Яхшигини ҳикоя чиқсан эди ўшанда. Тўғри, ўшанда мен сенга онангнинг туғилган куни учун ўсма ўстиришинг мумкинлигини айтиб, асосий декорацияни қуриб берувдим. Аммо, қолган ҳам масини ўзинг бажаргансан. Ҳикоянгда онандан сир

сақлаган ҳолда балконда ўсма ўстириб, унинг туғилган кунига кутилмаган совға қилганингни жуда чиройли ёзувдинг. Менга ишонавер, яхши ёзувчи одатда яхши рухшунос ҳам бўлади. Мен назаримда, унчалик ёмон ёзувчи эмасман. Шундай экан, мен сенда ёзиш иқтидори борлигига ишоняпман. Қолаверса, сен етарли даражада ўқимишлисан, сенда ёзувчи учун зарур бўлган ички туйғу, сезиш яъни воқеа-ходисаларни ҳис қилиш, идрок этиш, моҳиятини англаш қобилияти бор, мана шуларнинг ҳаммаси менимча, истеъододнинг муҳим кирралари бўлади. Сени бир пайтлар мусиқа тўгарагига қатнаганинг ҳам эсимда, бироқ, мен ўшандәёқ, мусиқа йўлидан кетмаслигинги билгандим ва боришинг шарт эмаслигини ҳам айтган эдим.

– Биласанми, нима, мен ҳам бир шайтлар, талабалигимда шеърлар ёзганман. Аммо, бир куни, бу талабалар ётоқхонасида бўлган эди, янгишмасам, Абдулла(Орипов)нинг шеърий дафтарини ўқиб қолдим. Унинг ижодидаги бетакрорликни кўриб, ҳайратга тушдим... ўзимнинг шеърларимдан воз кечдим, воз кечдимгина эмас, балки минбаъд шеъриятда ижод қилмасликка онт ичдим. Сабаби Абдуллажоннинг ёзганлари олдида менинг машқларим шунчаки қофиябозликдан иборатдек туйилганди. Одатда, барча ёш шоирлар ўз юртининг водийларини, дарёларини, боғу роғларини таърифу тавсиф этиб шеър ёзадилар. Гўёки ватанини фақат бирор бир фазилати учун севиш керакдай. Аммо Абдуллажоннинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» номли ўша шеърида, масалага бутунлай бошқа ракурсдан қаралади. Унда шундай сатрлар бор эди:

Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу мулқларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Мехрим бермасмидим ўша музларга.
Ватанлар, Ватанлар,

Майли, гулласин,
Боғ унсин мангулик музга ҳам аммо
Юртим, сени фақат бойликларинг – чун
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

Кўрдингми, шоир агар фақат бойликларинг учун севадиган фарзандингни кечирма асло, деяпти. Бунинг тагида бир оламча маъно бор...Ҳа, Абдуллажон буюк шоир, халқимизнинг фахри. Уни асраримиз керак...

– Ада, сухбатимиз зўр бўляпти-ю, аммо кеч тушиб қолди. Менга рухсат берсангиз, шаҳарга қайтсам. Айтган гапларингизнинг ҳаммасига розиман. Сурхонга қачон десангиз, ўша куниёқ мен шайман.

Эртаси куни адам Ҳумойиддин ака берган телефон ракамига қўнгироқ қилди. Гўшакни Ҳумойиддин аканинг Тошкентдаги дўстларидан бири кўтарди. У бизлар учун самолётга чипта олиб, Сурхондарёга кузатиб қўйди.

Термиз аэропортида ҳам бизларни икки киши кутиб олди. Улардан бири Ҳумойиддин аканинг ёрдамчиси, иккинчиси эса ҳайдовчиси экан. Бир неча дақиқалардан сўнг биз Шарофиддиновларнинг уйи ёнида эдик. Мезбонлар бизни жуда катта иззат-икром ва самимият билан кутиб олишди. Уйнинг кенг ва ҳашаматли меҳмонхонасида дабдабали дастурхон тузалган эди. Дастурхондаги айрим салатлар ва таомларни мен умримда биринчи маротаба кўриб турардим. Кенг стол устига спиртли ичимликлардан «Наполеон» конъяги ва шишалари ниҳоятда гаройиб кўриниш касб этган бир неча турдаги ароқлар қўйилган эди. Ароқ идишларининг бири ичида илоннинг танаси, яна бирининг ичида эса, (албатта, мен буни кейинчалик сўраб билиб олдим) Хитойда ўсадиган женшен, яъни меҳригиёҳ ўсимлигининг илдизи солиб қўйилган эди. Ташқарида қаҳратон қиши бўлса-да, дастурхонда лиммо-лим ёзги нозу неъматлар, мева-ю узумлар турарди.

Ҳумойиддин Шарофиддиновнинг ўзларига келсак, бир нарсани айтишим керак. Улар менга биринчи кўрганимдаёқ ёкиб қолдилар. Бу одам чин маънодаги зиёли, билимдон ва айни пайтда аристократ, яъни оқсусяклиги билиниб турадиган ноёб кишилардан эди. Мен аввал бу тоифадаги одамлар даврасида ҳеч бўлмагандим. Биз билан бир дастурхон атрофида уларнинг яна икки ўғли ҳам ўтиришарди. Улардан бири тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўзининг шахсий меҳмонхонаси бор экан. Иккичиси эса – милиция майори. Адам Ҳумойиддин aka Шарофиддинов билан жуда узоқ йиллардан буён таниш эканликлари туфайли, уларнинг сұхбат мавзуларининг чеки йўқдай эди. Улар ўзларининг умумий танишлари ҳақида бир-бирларидан тинмай сўраб-суриштиришарди. Масалан, адамнинг синфдошлидан бири – Денов ҳокими Тилла Менглиев, вилоят ҳокими Жўра Нуралиев ва бошқалар тўғрисида ўзаро гаплашиб ўтиришарди. Мен уларнинг сұхбатлари асносида билдимки, Ҳумойиддин Шарофиддиновнинг ўзлари ҳам қарийб ўттиз йил мобайнида масъулиятли ва катта раҳбарлик вазифаларида фаолият юритган эканлар. Улар сұхбатлари давомида адам билан тез орада Бойсунга боришлари, уерда имкон бўлса, тоққа овга ҳам олиб чиқишилари ҳақида келишиб олдилар.

Нихоят, гап мавзуи айланиб, асосий масалага, яъни бизнинг бу ерга келишимизга сабаб бўлган ишга: – Адам қаерда, қандай шароитда ва энг муҳими Ҳумойиддин Шарофиддинов ҳақида нима ёзиши кераклиги мавзусига келди. Мезбонлар шу куннинг ўзида бизларга бир неча вариантларни таклиф этишди, яъни улар адамнинг ижод қилишлари учун ҳеч ким халақит бермайдиган бир ижара уйни, ёки «Сурхон» меҳмонхонасидаги супер – люкс хоналардан бирини, буям маъқул келмаса, Термиз шаҳрининг марказидаги Ҳумойиддин аканинг уйини таклиф этишди. Адам ана шуларнинг ичидан ўзларига маъқулини танлашлари лозим эди.

Ўзаро келишувларига кўра, ҳар куни муаяйн бир вақт оралиғида Ҳумойиддин ака Шарофиддинов келиб, бир неча соат ичида ўз ҳаётларига оид муҳим воқеаларни адамга ҳикоя қилиб беришлари ва адам ана шу хотиралар асосида бадиий асар яратишлари керак эди.

Дарвоқе, бу орада мезбонлар, хонадаги музлат-кичларни озиқ-овқатлар билан лиқ тўлдириб қўйишиларини, агар хоҳласак, ўз таъбимизга кўра тайёр овқатларни ҳам буюртма қилишимиз мумкинлигини айтишди. Улар ваъда қилганилариdek, биз учун алоҳида машина ва хайдовчи ҳам ажратишган эди.

Суҳбат ниҳоясида Ҳумойиддин ака ўз одатига кўра, кафтларини қулогининг устидан бир оз сийпалаб, гўё соchlарини тартибга келтираётгандек бўлдилар. Менинг кузатишимча, улар хаёлларига бирор бир муҳим воқеа келиб қолса, ёки суҳбатдошларига бирорта савол бермоқчи бўлсалар, ана шундай ҳаракат қилардилар.

– Шукуржон, – дея гап бошладилар, кейин худди, мен тахмин қилгандек, – ўтган галги учрашувимизда ҳам мен пул ҳақида оғиз очсан, гапиртиргани ҳам қўймагандингиз. Аммо бутун мен билмайман, сиз билан қай тарзда...

– Ҳумойиддин ака, мен бу ерга пул учун келганим йўқ, – деб жавоб бердилар адам кулимсираб.

– Биламан, биламан, Шукуржон... аммо мен сизнинг бу олийжаноблигингизни қайсиdir маънода қадрлашим керак-ку, ахир... Ҳа, майли, «бирор нарса» ўйлаб топармиз... – Ҳумойиддин ака ҳам мийиғида кулиб қўйдилар.

– Аввало, мен сизга берган ваъдамни бажарай. Ана ундан кейин жуда хижолат бўлишдан қўрқсангиз, мен учун ўйлаб топадиган ўша «бирор нима»нгизни ўғлим Жаҳонга бера қоларсиз, – адам шундай дея, мен томонга қараб қўйдилар.

Эртаси куниёқ, адам ўзлари айтганларидек, мезбонга берган ваъдаларининг устидан чиқиш учун

жиддий ишга шўнғиб кетдилар. Мен аввалдан тахмин қилганимдек, улар ижод қилиш учун на ижара уйни ва на-да ҳашаматли меҳмонхонанинг супер-люкс хонасини банд этдилар, балки аксинча, шаҳар четидаги оддийгина бир далаҳовлини танладилар. Келишувга мувофиқ, Ҳумойиддин ака ҳар куни адамнинг ҳузурига бир-икки соатга келар ва улар узоқ сұхбат қиласылар.

Орадан уч кун ўтиб, илк ҳикоя тайёр бўлди. Ҳикоя «Ўлдирса, мард ўлдирсин» деб номланганди. Шарофиддиновнинг ўzlари ҳам уни ўқиб кўриб, ниҳоятда тўлқинланиб кетдилар.

Менинг ўзим ҳам илк маротаба адамнинг бошқалар учун у қадар аҳамиятсиздек туюлгувчи оддий бир ҳаётий воқеадан, ўта чуқур маъноли ва ибратли, ҳаётий хулосаларга етакловчи бадиий асар яратганигининг шоҳиди бўлиб турардим. Бу ҳол мени ҳам илҳомлантириб юборди.

Албатта, мен ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг кенжা ўғли эмас, балки энг тўнгич ёки ягона фарзанди аржуманди бўлганимда ҳам, гарчи томиримда ана шу бетакрор ижодкорнинг қонлари мавжланиб турган бўлса-да, адамдаги юксак профессионализм ва истеъдоднинг менга кўчиб ўтишига ишонмайман. Бироқ, бундан қатъи назар, мен Сурхонга келишимиздан илгарироқ адам билан Дўрмондаги ёзувчилар ижод уйидаги сұхбатимизни эслаб, ўзим ҳам нимадир коралаб кўришга аҳд қиласым. Ўша куннинг ўзидаёқ, ушбу қароримдан отамни воқиф этдим. Шундан сўнг биз узоқ сұхбатлашдик. Тўгрироги, улар сұхбат асносида менга ижод борасида талайгина маслаҳатлар, ўйтитлар бердилар.

Хусусан, улар менга:

– Ҳаётингда учрайдиган жуда кўп нарсаларга сен, ўзинг ёзадиган асарингнинг материали, яъни хомашёси деб қарашга ўрган, ҳатто ўз ҳис-туйғуларинг, кечинмаларингга ҳам, – дедилар.

– Билмадим, ўзимнинг ҳис-туйғуларим, кечинмаларимга, ҳали ёзилмаган асаримнинг материали сифатида қарашиб қўлимдан келармикин? – дедим ўйланиб.

– Келганда-чи, албатта, эплайсан, – далда бердилар адам. Ахир ёзувчилар худо эмаски, ҳар бир асари учун янги бир одамни яратсалар. Агар билсанг, ҳар қандай бадиий қаҳрамонда ҳам қайсиидир бир тирик, реал шахснинг феъл-атвори, фазилатлари, айрича жиҳатлари намоён бўлади. Улар мана шу ёнимизда ҳаёт кечираётган, яшаётган кимларнингдир прототиплари бўлишади. Колаверса, ҳар бир асар қаҳрамонида ёзувчини ўзининг ҳам қайсиидир бир қисми инъикос этилади. Сен ёзишдан аввал, ўз ҳаётингнинг турли лаҳзаларини эслаб кўришга ҳаракат қил. Майли бу лаҳзалар энг қувончли, ёки энг аянчли, ҳатто оғриқли дамлар бўлиши мумкин, бунинг аҳамияти йўқ. Мухими, сенинг ҳиссиётларинг. Энди сен уларга ўз ихтиёрингга кўра нимадир қўшасан, ниманидир олиб ташлайсан, қарабсанки, бадиий образ, қиёфа шакланади, қўяди. Ахир сен журналист эмассан-ки, ҳамма нарсани борича, реал акс эттириш масъулиятини зимманга олсанг. Сенда, яъни ёзувчида «бадиий ҳақиқат» бўлмоғи керак, энг муҳими – миянгда оригинал, оҳори тўкилмаган ғоялар бўлиши лозим. Ана шунда, А.П.Чехов айтганидек; «Ҳар қандай кишининг ҳаёти асосида ҳам, ҳеч бўлмаганди, битта ибратли ҳикоя ёзиш мумкин бўлади». Айтганча, сени Жек Лондон, О'Генри, Э.Хемингуэй каби ёзувчиларнинг асарларини кўп ўқишишингдан хабарим бор. Ирвин Шоунинг ҳам бирорта асарини ўқиганмисан?

– Ундан фақат битта асар – «Бой ва қашшоқ» романини ўқиганман.

– Унинг «Византия туни» романини ҳам ўқиб кўр. Яна бир нарсани айтаман, мутолаада ҳам фақат ғарб адабиёти билан чекланиб қолмагин. Ўзимизнинг Чингиз Айтматовнинг асарларини ҳам синчиклаб ўқиб чиқишишингни маслаҳат бераман. Дарвоқе, сен Робин-дранат Тагордан ҳам ҳеч нима ўқимагансан, шекилли?

– Тагордан айнан нимани ўқишимни маслаҳат берасиз?

– «Гора» романини ҳамда «Ҳаёт бўстони» повестини албатта ўқигин.

– Яхши. Биласизми, ада, мен анчадан бери сиздан бир нарсани суроғчи эдим. Бироқ ҳеч мавриди келмаганди. Назаримда, сизда ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг ривожини интуитив тарзда, ички сезги билан аввалдан билиш, башорат хусусияти борга ўхшайди. Бундай дейишимга сабаб, сиз бир пайтлар «Қора камар» номли пьесангизни ёзганингизда мен, уни саҳнада кўриб, ундаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиб, ҳаётингиздан ташвишга тушиганигим ва ҳатто «Ада, бу асарингиз учун сизни турмага қамаб қўйишмайдими?» – деб савол ҳам бергандим, шу эсингиздами?

– Ҳа, болам, эслайман, – деб, нимагадир қулиб қўйдилар.

– Ахир унда ҳали 1989 йил эди, сизнинг пьесангизда эса миллий истиқлол ҳақида, эркинлик, мустақиллик ҳақидаги кескин фикрлар айтилган эди. Бу ҳам етмаганидек, пьесанинг якуний саҳнасида «Эрк учун, озодлик учун кураш ҳали давом этади!» деган чақириклар бор эди. Аммо, не баҳтким, менинг ҳадикларимга қарши ўлароқ, сизни қамаб қўймадилар ва бугина эмас, балки аксинча, айнан шу асарингиз учун сизни юксак мукофот билан тақдирладилар. Ҳамза номидаги Давлат мукофоти. Ўтган йили газетада сизнинг «Адабиёт ўладими?» номли мақолангиз чоп этилганлиги ҳам жуда катта шов-шувларга сабаб бўлди. Мақоланинг мавзусидан ташқари унинг сарлавҳасининг ўзиёқ, не-не кишиларнинг қалбидаги түғёнларини жунбишга келтириб юборди. Ахир ўша пайтлари, нашриётлар ёпилиб, бир қатор адабиётчилар қўлидаги қаламни ташлаб, ижодларини ҳам йиғиширишиб, адабиётдан бошқа ҳар қандай иш билан шуғуллана бошлаган эдилар-да. Бундай шароитда, ҳақиқатан ҳам «Адабиёт ўладими?»

деган савол ҳамманинг фикру хаёлини банд этган эди. Бирок, ҳамма шу ҳақда ўйласа-да, сиздан бошқа бирор кимса шу саволни баралла овоз билан ўргага ташлай олмаганди. Бунга ҳеч кимнинг журъати ҳам, фикрати ҳам етишмаганди.

– Ҳа, ўғлим. Мен ҳали айтганимдек, буларнинг ба-
риси, вақтингчалик утиш даврига хос бўлган табиий
жараёнлар эди. Мақола да кўндаланг иуйилган савол-
га келадиган бўлсак, унга истаган одам «йўқ, адабиёт
ўлмайди», деган тўгри жавобни бериши мумкин эди.
Агар эсласанг, Назар Эшонқул телевидениеда ҳам худ-
ди шу номдаги бир неча кўрсатувлар ташкил этиб,
ҳамманинг эътиборини тортганди.

– Ҳа, эсимда, – дедим мен, ўша қизгин мушоҳадалар-
ни қайта идрок этарканман, яна бир карра ҳаяжонланиб.

– Энди аввалдан сезиш, интуиция ва башорат ҳақи-
даги гапларга келсак, мен бундай деб ўйламайман. Бал-
ки, гапингда жон бордир, бирок, менинг интуициям
аклу шуурим даражасида. Мен ҳамма нарсани фикрим,
аклим воситасида таҳлил этаман ва унга таянган ҳолда
хуносалар чиқараман. Хуносаларимнинг ҳақиқат бўлиб
чиқиши эса менга боғлиқ эмас.

– Бу жуда зўр-ку. Афсуски, менда бундай хусусият
ийўқ, деб қўрқаман.

– Сен ҳеч нимадан қўрқма. Кўпам ўйлайверма. «Ўичи
үинни ўилауңча, таваккалчи ишини битирибди» деган
наклни эшитганимисан? Шундай экан, қўлингта қаламни
олу, ёзишга кириш. Сен ёзавергин, бу ёғи бир гап бўлар...

Шундай дея, адам ўзларининг хоналарига, навбат-
даги ҳикояларини ёзиш учун чиқиб кетдилар.

Мен ҳам ўзимга ажратилган ёткоҳонага чиқиб ўр-
нимга ётдим-да, адам айтган гаплар ҳақида мушоҳада
қила бошладим. Кўп ўтмай, ёзилиши лозим бўлган ҳи-
коямнинг скюжети ҳақида уйлашга тутиндим.

Адам томонидан ёзилган ҳар бир ҳикоя Ҳумойид-
дин ака томонидан уқиб чиқилгач, маъқул деб топи-

лар ва мен уларни бирин-кетин «Сурхон тонги» газетаси таҳририятига олиб бориб топширадим. Орадан бир-икки кун ўтар-ўтмас, ушбу ҳикоялар мазкур газета саҳифаларида босилиб чиқарди.

Вақти-вақти билан Ҳумойиддин ака Шарофиддинов бизларни турли тадбирларга ҳам чақириб турардилар. Масалан, бир куни биз, бир янги ресторанинг очилиш маросимида иштирок этдик. У айтишларига кўра, Ўзбекистон ва Хитой республикаси қўшма корхонаси тадбиркорларининг саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган экан. Яна бир кун Ҳумойиддин аканинг ўғилларидан бири – милиция майориникида жойлашган саунага бордик, иккита коллежга қўймай учрашувга таклиф этишган эди, адам «йўқ» дея олмадилар. Ўқувчиларнинг ҳайратини кўрсангиз эди, «тирик» ёзувчини кўриш, дастхатлар ёздириб олиш, саволлар бериш, расмларга тушиш уларга чексиз қувонч баҳш этган эди.

Шундай қилиб кунлар, кунлар кетидан ҳафталар ўтиб борарди... Баъзан адамни йўқлаб, ҳузуримизга меҳмонлар ҳам келиб қолишарди. Масалан, уларнинг синфдоши бўлган Асқар Ҳўжақулов бир неча бор меҳмонга келиб кетгандилар. Янгишмасам, улар ўшанда Термиз Аграр коллежининг директори бўлиб ишлардилар. Яна бир гал отамни йўқлаб, Сурхондарё вилояти ёзувчilar уюшмасининг раҳбари Болта Ёриев ҳам ўзларининг Ўрок исмли дўстлари билан ташриф этган эдилар. Мен ўшанда нимагадир, уларнинг исмлари ни эшитиб: «Ола, ана холос... накд қишлоқ хўжалик буюмлари магазини-я» – деб ўйлагандим. Яна шоира Шафоат Раҳматуллеванинг келганлари ҳам эсимда. Дарвоке, адамнинг яна бир шогирдлари – рисоладаги-дек исму шарифга эга бўлган Раҳим Искандаров ҳам бизга ажратилган «ижодхона»да бир кеча тунаб кетгандилар. Қизиги, нимагадир улар «Фолькин» деган тахаллус остида ижод қилар эканлар. У киши эннига

мовий тусли ёмғирпүш кийиб олган, бошида эса шунга мос күкимтири беретка. Унинг юзлари кенг, қолаверса, ўзи ҳам хийла тұладан келган киши эди. Фолькин нуқул қулиб турар, гап-сұzlаридан, ўзини тутишларидан отамни ніхоятда ҳурмат қилиши шундоққина сезилиб турарди.

– Кечирасиз, амаки, «Фолькин» деган ғаройиб тахаллусни қаердан олгансиз? – дея қизиқсииңиб сүрадим мен.

– Фолькин дегани, бу фольклор сўзидан олинган. Мен аслида фольклорчи, яъни ҳалқ оғзаки ижодини пухта ўрганувчи олим, филолог бўлишни истаганман, – дея қулиб жавоб берди у. Ва муҳим бир гапни айтишга чоғлангандек, фикрларини жамлаб, берилиб гапира кетди: – Биласизми, Жаҳонгир, менинг Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка ўтишим жуда қизиқ бўлган.

– Қани, айтиб беринг-чи?

– Менинг Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш-бўлмаслигим ҳал этиладиган мажлис куни, минбарга бир неча киши қутарилиб менинг ижодим ҳақида, китобларим хусусида ўз фикрларини айтишди. Бироқ, бу фикрларнинг бирортаси ҳам менинг фойдамга эмасди, аксинча, улар ҳали уюшмага кириш учун кўп ўқиб-ўрганишим, изланишим лозимлигини таъкидлашганди. Шунда... Шунда бирдан сизнинг отангиз, Шукур ака ўринларидан турдилар-да, қўлларига сигарет олиб тутатдилар ва «Бу йигит уюшмага аъзо бўлиши керак», – деб, оҳиста мажлис залидан чиқиб кетдилар. Зал сув қўйгандек жимжит бўлиб қолди. Уларнинг гапини ҳамма эшигиди. Бироқ ҳеч ким изоҳламади ҳам, эътиroz ҳам билдирамади. Хуллас, орадан икки кун ўтиб, билдимки, мени Ёзувчилар уюшмасига қабул қилибдилар.

– Ўшанда мен уюшмага қабул қилиш бўйича маҳсус комиссиянинг раиси эдим, – дея бу воқеага шарҳ бердилар адам.

Кейин бир-икки бор менинг амакиваччам, Сурхондарё вилоят театрида режиссёр бўлиб ишлайдиган

Искандар Эркаев ҳам бизни йўқлаб келдилар. Хуллас, бундай ташрифларнинг кети узилмасди. Майли, санъат, адабиётга алоқадор кишиларнинг ёки қариндош – уруғларнинг келишини тушунса бўлади, аммо баъзан бизларга, тұғрироғи адамга мутлақо нотаниш ва бегона кишилар ҳам «Шукур Холмирзаев шу ерда эканлар», – деб сўроқлаб келиб қолишарди. Шунда мен улар адамнинг Термизда эканлигини қаёқдан билиб олишдикин, дея ўйланиб қолардим. Масалан, бир гал аллақандай билим юртининг бир гурӯҳ талабалири келиб, адам билан бир-икки соат сұхбатлашиб кетишиганди. Адам уларнинг раъийга қараб барчаси билан бафуржы сұхбат қилишга ҳаракат қилған эдилар. Гарчи ўзларининг вактлари зик бўлса-да, бундай хурмат учун бағрикенглик билан муносабатда бўлардилар. Аммо, қизиғи шундаки, баъзан адамга жудаям ғалати илтимослар бўлиб туради. Бир куни бир аёл келиб, адамдан ўзи учун ҳокимият орқали бир квартира ундириб беришларини илтимос қилиб қолди. Бундай илтимосдан адам ҳангуман бўлиб қолганлари ҳали-хануз кўз олдимдан кетмайди. Эҳтимол, бу ҳам ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг оддий одамлар орасидаги обрўсидан, уларнинг тасаввурида «ёзувчининг имкониятлари шу қадар бекиёс бўлади, уларнинг айтганини ҳамма инобатга олади» – деган содда ишончнинг ҳосиласидир, тағин билмадим... Ҳар ҳолда ана шундай воқеа ва ташрифлар шарофати билан бу ерда зерикишнинг умуман иложи йўқ эди.

Ана шундай кунларнинг бирида мен оҳистагина адамнинг ёзув столлари ёнига бордим-да, уларга индамасдан ўз қўлларим билан битган беш-олти варакди қўлёzmани қўйдим. Бу менинг «Абориген» номли ҳикоям эди.

Адам ҳам худди шуни кутиб тургандек, уни бамайлихотир қабул қилдилар. Кейин лом-мим демасдан, кўзларига кўзойнакларини қўндириб, ҳикояни ўқишига

түшдилар. Улар ҳикояни ўқир эканлар, мен диванда ўтириб, ҳаяжонланганимдан адамнинг сигаретларидан бир-иккитасини худди улар каби бирини иккинчи сига улаб чекиб қўйдим. Нихоят, улар ҳикоямни ўқиб тугатдилар. Кўзойнакларини пешаналарига суриб қўйдилар-да, истеҳзоли жилмайдилар.

– Жуда яхши-ку, баракалла, – улар шундай деб, қўлларини мен томон чўздилар. Уларнинг мени алқаган пайтларида елкамга қоқиб қўядиган, ёки оталарча меҳр билан пешанамдан ўпиб қўядиган одатлари бор эди, ҳозир ҳам шундай бўлишини гумон қилиб, мен ўнг кифтимни уларга тутиб, бошимни қуи эгдим. Мен янгишмаган эканман...Бу гал ҳам шундай бўлди.

– Биласанми, ўғлим, менинг яна озгина ишим қолди, эҳтимол, ўн беш дақиқа, балки ярим соатларда тугалларман. Кейин бир-икки жойга қўнғироқ қилиш им керак. Сен ҳозирча яхшилаб бир дастурхон тузатгин-да, мени кутиб тур. Менимча, бугун «қигтак-қиттак» олишиб, бир отамлашсак бўлади, – адам шундай деб, пешанасидаги кўзойнакни яна тақиб олдилар.

– Мен ошхонадан бир литрик сиғимга эга «Распутин» ароғини ва газак учун хилма-хил егуликларни, яна беш-олтита бежирим тунука идишдаги немис пиволаридан олиб келиб дастурхонга қўйдим. Дарвоқе, бу неъматларнинг ҳаммасини галма-галдан Ҳумойиддин аканинг одамлари келтириб, музлаткични тўлдириб туришарди. Мен ҳали бигта пивони ичиб улгурмасимданоқ, адам ёнимга келиб ўтирдилар. Биз ота-бола, бир-бирилизнинг кайфиятимизни кўтариб, далда бериш асносида менинг «ижодий йўлим, учун, ижоддаги илк қадамим учун» қадаҳ кўтардик.

– Ада, ростини айтсам, ҳикоямни у бирор бир нашрда чоп этилгандан кейин «ювсак», маъқул бўларди, дедим мен.

– Парво қилма, мен аллақачон бу ҳақда ўйлаб қўйдим, – дея далда бердилар адам. – Сен ҳикоянгни рус

тилида ёзгансан. Бу ўз-ўзидан тушунарли. Зеро, сен рус мактабида ўқигансан, ҳаётинг давомида ўқиган китобларингнинг ҳам деярли барчаси рус тилида бўлган. Керак бўлса, ҳикоянгни Тошкентга борганимизда ўзбек тилига ўгирамиз. Мен ўзим сенга бу масалада ёрдам бераман. Балки бора-бора ўзбек тилида ҳам ёза бошларсан. Аммо бунга ҳали анча бор, деб ўйлайман. Лекин сен ҳикоянгнинг имкон қадар тезроқ, иложи бўлса, шу бугуноқ чоп этилишини истаяпсан, тўғрими? Шундай экан, бу ишни чўзиб ўтиришдан нима наф? Биласан, Термизда рус тилида «Заря Сурхана» номли газета нашр этилади. Мен ҳозиргина Володя билан гаплашдим.

– Ким у, Володя деганингиз?

– Ана шу газетанинг бош муҳаррири. Газетанинг таҳририяти сен ҳар куни менинг ҳикояларимни олиб бориб топшириб келаётган «Сурхон тонги» газетасидан бир қават юқорида жойлашган. Ушбу нашр ҳафтасига бир маротаба чоп этилади. Янглишмасам, яна тўрт кундан сўнг унинг навбатдаги сони чоп этилиши керак. Шунинг учун, сен ҳозирнинг ўзидаёқ ҳикоянгни «Заря Сурхана» таҳририятига олиб бориб топширганинг маъқул.

– Ахир, мен ҳали уни оққаям кўчириб улгурганим йўқ. Ҳикоя қўлёзма ҳолида-ку, лоақал, машинкада ёзсан ҳам майли эди.

– Хавотир олма, мен бу ҳақдаям Володяни хабардор қилиб қўйдим. Сендан бор-йўғи ўз қўлёзмангни унинг қўлига топшириш талаб қилинади, холос. Айтганча, унчалик ҳам ҳаяллаб қолма. Сабаби яна роппа-роса икки соатлардан кейин Шарофиддиновнинг машинаси келади ва бизлар Бойсунга жўнаб кетамиз.

– Нима, бугун биз Бойсунга кетамизми? – дедим мен, беихтиёр еевинчимни яшира олмай.

– Ҳа, ўғлим. Менинг ишларим деярли тугали ҳисоб. Ҳозир сўнгти ҳикоям устида ишляяпман. Бойсунда

бир-икки кун бўламиз. Мен бир оз дам олганимдан сўнг Тошкентта қараб учамиз. Мен Шарофиддинов билан ҳаммасини келишиб олдим. Ўзинг ўйлаб кўр, бир яrim ой Сурхонда бўлсам-у, қадрдон, туғилиб ўстган тупроғим, Бойсунни зиёрат қилмай кетсан, уят бўлмайдими, ахир. Ўйлашимча, биз Бойсундан қайтишимизга, сенинг ҳикоянг ҳам чиқиб қолса керак.

Шундан кейинги ҳамма воқеалар айнан шу тарзда кечди. Мен ҳикоя қўлёзмасини «Заря Сурхана» таҳриятига, Володя амакининг қўлларига олиб бориб топширдим. (Ҳа, айтганча уларнинг тўлиқ исми шарифларини ҳалигача билолмаганимдан хижолатдаман.)

Орадан озгина фурсат ўтиб, биз Бойсунга қараб йўл олдик. Бойсунга борган кунимизоқ, бизни йўқлаb бор қариндош-уругларимиз, адамнинг дўсту қалрдонлари жамулжам бўлишди. Биз у ерда адам тахмин қилганларидек, бир-икки кун эмас, балки нақд тўрт кун қолиб кетдик. Термиз шаҳри худудига киришимиз биланоқ, мен ҳайдовчидан машинани биринчи матбуот нашрлари сотиладиган дўконча олдида тўхтатишларини сўрадим.

Қўлимга «Заря Сурхана» газетасини олиб, юрагим ҳаприққанча уни варактай бошладим. (“Заря Сурхана”, 1995 й. 27 июль.) Дастлабки саҳифаларда ҳикоямни топмадим, кейинги саҳифаларини очар эканман, юрагим тобора гурсиллаб ураётганини ҳис қиласдим. Ниҳоят, ҳаяжондан кўзларим ёниб, охирги саҳифани очдим. Не баҳтким, газетанинг энг сўнгги устунида ҳикоямга сарлавҳа қилганим – «Абориген» деган ёзув гўё ял-ял ёниб турап эди. Шу лаҳзаларда шод-у қувончимнинг чеки йўқ эди. Мен газета дўкончасидаги «Заря Сурхана» газетасининг ҳаммасини сотиб олишимни айтгандим, сотувчи менга атиги беш дона газетани тутқазди ва бори шу дегандек жилмайди.

Биз Тошкентга қайтишга чоғланиб, ҳатто Ҳумойиддин aka билан ҳам хайр-хўшлашиб бўлганимиздан сўнг, ён ойналари қорайтирилган бир ваҳимали автомобиль

келиб ёнгинамизга тақалиб тұхтади. Ундан үтә чаққонлик билан баланд бўйли ва басавлат икки киши тушиб келишди. Уларнинг уст кийимларининг ўнг томонида пистолет солинадиган филоф кўзга ташланиб турарди. Тўғри, мана шу ўттан бир ярим ой мобайнида адамнинг ҳузурига турфа тоифадаги одамлар келиб-кетишганди, аммо мен қуролли кишиларни илк маротаба кўриб, бир оз ҳадик ва ҳайрат ичида эдим.

– Ассалому алайкум, Шукур ака, – дейишиди ҳалиги салобатли амакилар деярли бир вақтда.

– Ваалайкум, – дея алик оларкан, адам ҳам уларга саволомуз тикилиб қолдилар.

– Бизни Сафар ака юборгандилар, Сафар Сафаров, – деди улардан бири.

– Сафар? Ахир, биз ҳозиргина Бойсундан қайтиб келдик-ку?! Янгишмасам, сизлар Бойсуннинг прокурори Сафарни айтаяпсизлар-да, тұғрими?!

– Ҳа, бироқ Сафар Сафаров мана қарийб икки йилдирки, Термиз шаҳрининг прокурори бўлиб ишлайдилар. Улар сизнинг шаҳримизга меҳмон бўлиб келганингизни эшитиб, бизни юбордилар. Улар шахсан ўzlари кутиб ололмаганликлари учун узрларини қабул қилишингизни сўрадилар. Аммо, ҳализамон келиб қоладилар.

Мен ушбу гап-сўзлардан тушундимки, бу барваста икковлон прокуратура ходимлари экан.

Адам прокуратура ходимининг ҳозирги жумласини англамадилар, чоғи, қайта сўрадилар:

– Узлари келиб қоладилар, деганингиз нимаси, қаерга келадилар Сафаржон?

– Қаерга бўларди, Термизнинг энг зўр ресторанингда! – кулиб деди улардан бири.

– Биласизми, инижонларим, мен ҳам албатта, Сафаржонни жудаям ҳурмат қиласман. У менинг энг яхши укаларимдан. Аммо-лекин, бир соатдан кейин бизнинг самолётимиз учиб кетади.

– Шукур ака, агар биз сизларни кейинги рейс билан учириб юборсак-чи? Бунга нима дейсиз? Аслида-ку, сиз бир оз ушланаман, десангиз, самолётни ҳам тұхтатиб тұраверамизкү-я, – дея ҳазиллащы иккінчи ходим.

Бундай мулозаматдан адам ҳам кулимсираб мен томон юзландилар.

– Хүш, Жаҳон, болам сен нима дейсан? Мана, худо хоҳласа, ҳикоянг ҳам чоп этилди. Бу ерда қилишимиз зарур бўлган ҳамма ишлардан қутулдик. Сенинг илк ҳикоянгни Термизнинг энг зўр ресторанида, бунинг устига шаҳар прокурори ҳисобидан, у билан бирга нишонласак, деган таклифга нима дейсан? Мен розилик билдириб, бошимни қуи эгдим. Бизни аэропортга-ча кузатиб қўйиш учун чиққан Ҳумойиддин аканинг ёрдамчиси ва шофёри, вазиятни тўғри англаб, машинадан бизнинг нарсаларимизни тушира бошладилар. Прокуратура ходимлари эса уларни олиб, ўз машиналарига юкладилар. Кейин биз Шарофиддиновнинг одамлари билан хайрлашиб, прокуратура ходимларининг машинасида ресторанга йўл олдик. Дарвоқе, энди бизнинг Тошкентга кейинги рейсда учишимиз ҳам ҳал бўлган эди.

Хозир қандай номланиши ёдимда йўғу, лекин биз ташриф буюрган ресторан чиндан ҳам ўта ҳашаматли эди. Бизга пешвоз чиққан прокурор ҳам адамга ниҳоятда катта иззат-ҳурмат билан муносабатда бўларди. Биз улар билан роса маза қилиб ўтиридик. Ҳали «унинг учун», ҳали «бунинг учун «дегандай қадаҳ сўзларининг охири кўринмасди. Ростини айтсам, ўшанда мен умримда илк маротаба адамнинг ҳузурларида сал кўпроқ ичиб қўйдим. Аммо буни у қадар сездирмасликка тиришардим. Билмадим, ўша куни бу «базми жамшид» қанча давом этгани аниқ эсимда қолмаган-у, бироқ, биз барибири ўша кунги самолёт рейсларидан бирида Тошкентга қайтдик. Эсимда, мен самолётда ўтирап эканман, ушбу сафарнинг энг нурли ва ёрқин

саҳифаларини бирма-бир хаёлимдан ўтказардим. Дарвоқе, ўшанда Ҳумойиддин ака хайрлашув чогида бизларга бир олам совға-саломлар ҳадя қилдилар, кийим-кечаклардан тортиб, қимматбаҳо ручкаларгача бор эди. Яна улар келганимизнинг биринчи куни «бирор нарса ўйлаб топарман» деган ваъдасига кўра, менга бир пакет ҳам бердилар. Пакетда «озроқ пул» ҳам бор экан. Бироқ бу пул Шарофиддиновнинг наздидагина «озроқ пул» эди. Аслида мени хурсанд қилган нарса на бу совға – саломлар ва на бу пул эди, балки менинг юрак-юрагимдан шодланиб, кўзларимдан қувонч учқунлари сачрашига мана шу камтаргина «Заря Сурхана» газетаси, янада аниқроғи, унинг сўнгги вараклари – менинг «Абориген» номли ҳикоям босилган саҳифалари эди.

Кейинчалик ҳам биз адам билан турли сабабларга кўра яна саккиз маротаба Сурхондарё вилоятига бориб келдик. Аммо менинг хотирамда айнан ўша биринчи галги сафаримиз бир умрга муҳрланиб қолган. Зеро, худди ана шу сафар чоғида мен ўзимни адабиёт оламига илк қадамимни ташлаб, ижодий фаолиятимни бошлагандим. Мен ҳали, ҳикоям бошида Дўрмондаги сұхбатимиз асносида, адам мени ижод билан шуғулланишга даъват қилганлари хусусида айтган эдим. Аслида, улар мени ўзимни ана шундай қарорга келишимни, қалб амри билан қўлимга қалам тутишимни истаган эдилар. Ва алал-оқибат шундай бўлди ҳам. Гарчи бу иш қайсиdir маънода адамнинг менга кўрсатган таъсирлари ҳосиласи сифатида юз берган бўлса-да, мен барибир... мана орадан ўн тўққиз йил ўтса-да, бир нарсани барабалла айтишим мумкинки, мен бундан бенихоя хурсандман.

Нима ҳам дердим, шунинг билан ушбу ҳикоям ҳам ўзининг мантиқий интиҳосига етиб қолди. Ўша илк ҳикоядан кейин ҳам мен албатта бошқа ҳикоялар, эсслар, қиссалар ёздим, турли ижодий танловларда

иштирок этдим, Олий адабиёт курсига кириб таҳсил олдим. Аммо бугун мен булар ҳақида эмас, балки ижодимдаги илк қадам хусусида тўхталишни истагандим. Мен ўшанда 20 га кирган эдим.

Дарвоқе, ўша Сурхон сафаридан бирор ой ўтиб, мен адамнинг ҳузурига ўзимнинг илк қиссан қўлёзмаси билан ташриф буюрдим...

Аммо бу энди, тамоман бошқа бир ҳикоя деб ўйлайман....

Toшкент, 2013



ЕТТИНЧИ ҲАЁТ

Онам Саида Холмирзаевага
багишлайман

Ким чекмаган бўлса дард, бешак,
Бошламабди яшашни, демак...

Расул Ҳамзатов

Яратгандан неча бор ўзимга завол сўрадим... Ахир, мендан, мавжудлигимдан нима наф? Кўзим фақат шарпанигини сезади, оёғим ишламай қолган. Кўрпа-тўшакка парчинланиб, жойимдан қўзғала олмасам. Менимча, бу – барча гуноҳларим учун Ҳудонинг жазоси.

Ҳеч қачон ўлимдан қўрқмаганман, бироқ қон ва оғриқдан нафратланганман. Ҳудди санъаткор Владимир Висоцкий куйлаганидек:

Эҳ, биз қанчалар хоҳлар эдик,
Нақадар буни биз истар эдик,
Уйқуга кетгандек ўлимга кетсанг...

Нариги хонадан телевизор овози эшитилади. Қандайдир қизиқиши билан, зим-зиё хаёллардан чалғиб унга қулоқ бердим. Бошловчи кўрсатув иштирокчилирига Марсел Прустдан ўн савол берарди. Саволлардан бири шундай эди: “Сизга эвазига ҳеч нима сўрамасдан мангу яшашни таклиф қилишса, рози бўлармидингиз?”. Суҳбатдошлиар таниқли шахслар эди. Уларнинг бирортасиям бу саволга тасдиқ жавобини беролмади. Ҳақиқатан ҳам, фарзандларингнинг, яқинларингнинг, дўстларингнинг қазосини кўриш жуда даҳшатли бўлади. Шунда мен Оскар Уайлднинг “Дорион Грей пор-

трети" романидаги бош қаҳрамонни нафрат билан эсладим.

Гүё гапираётган бошга айланиб қолганман. Танамнинг бошқа қисмлари илгари бўлмагандек... Буни ҳис қилиш мутлақо тоқат қилиб бўлмайдиган даражада эди. Худди жароҳатланган бўридек бор кучинг билан увиллашни хоҳлайсан. Мени кўришга келадиган одамлар олдинига ҳар куни, кейин ҳафтада бир марта йўқлашар, сўнгра умуман кўринмай кетишарди. Ягона ишончли ёрдамчим менга қарайдиган ҳамшира эди.

Бир жойда йиллаб ётавериб шуни англадимки, инсон оиласисиз, яқинлари ва дўстларисиз кўрпа-тўшакка михланиб қолиб ҳам яшаща давом этиши мумкин экан. Агарда ёнимда онажоним бўлмаганида, билмадим, қанча яшаган бўлар эдим. Буни айтмаслик, албатта, инсофсизликдан бошқа нарса эмас. Доим шундай эди, эсласам, алланечук бўлиб кетаман. Оиласизга қандай бало, хавф-хатар йўламасин, асосий зарба онамнинг гарданига тушар эди. Мен онамни қуёшга тенглаштираман. Негаки, қуёш бизга нур, илиқлик ва ниҳоят ҳаётни баҳш этган ва эвазига ҳеч нарса сўрамаган.

Шу ерда оиласиз қадрдони Ўткир Ҳошимовнинг отам Шукур Ҳолмирзаев 60 ёшга тўлиши муносабати билан айтган бир гапи эсимга тушди. "Ҳар бир ёзувчининг рафиқасига бир ҳайкал қўйиш керак, – деган эди у. – Шукурнинг рафиқасига эса икки ҳайкал қўйиш лозим".

Ҳозирги аҳволимда фақат бир нарса билан машғул бўлишим – хаёл суришим ва хотирамда ниманидир тиклашим мумкин, холос. Негаки, энди на ўқий оламан, на ёзишни уддалайман. Шунда хаёлимга ҳаётими ни бошқатдан бошлиш имкони бўлганида нимани ўзгартирасар эдим, деган фикр келди. Тушундимки, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Мен Яратганга ва тақдирга ишонаман. Айнан шундай, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳа, яна шундай қилган бўлар эдим...

Балки бошидан ўзгача тахаллус билан чиқсам яхши бўлармиди? Менга буни жуда кўп танишларим айтишган эди. Жумладан, ёзувчи Назар Эшонқул ёзгандаримни доимо отамнинг асарлари билан қиёслаб кўради. Бироқ энди гишт қолипдан кўчди.

Гап тахаллус ҳақида кетганда ғалати бир воқеа эсимга тушибди. Бир вақтлар Жиззахга раҳматли дўстим ва курсдошим Неъмат Ҳайрат олдига кўп борардим. У ҳақда кейинрок “Бу ҳам ўтади” номли эссе ёздим. Унинг шарофати билан Жиззах адабий мұхитига сингишиб, кўнишиб кетгандим. У “Сангзор” адабий клубида фаол эди. Бир сафар адабий клуб мұхокамасида қатнашишимга тўгри келди.

Ўшанда 20–25 ёшдаги бир йигитча ёнимга келиб сўради:

- Сиз ҳам шоирмисиз?
- Йўқ, мен ёзувчиман.
- Сиз қандай тахаллус билан ижод қиласиз?
- Жек Лондон, – дедим жилмайиб.

Йигит менга бир лаҳза таажжубланиб қараб қолди.

Тез орада у, мен ва вестибюлдагилар – ҳаммамиз залга кириб, жой-жойимизни эгалладик.

Тепада Неъмат, Ёзувчилар уюшмасининг Жиззах вилояти булими котиби Туроб Максуд ва ҳокимиятдан бир аёл утиради. Заңда юзга яқин киши бор. Шоирлар бирма-бир даврага чиқиб шеърларидан ўқирди. Ва дафъатан Неъмат менга маъноли қараб, сұзға чиқишимни эълон қилди.

Ўқилган шеърлар ва адабий клуб фаолияти ҳақида фикрларимни билдирам. Шундан сўнг ўтирганлар ичидан бир қиз: “Сизни кўпроқ нима илҳомлангиради?” деб сўраб қолди.

– Пушкиндан иқтибос олиб шундай дейишим мумкин: “Ҳақиқий ижодкор илҳом изламайди, балки илҳомнинг ўзи ижодкорни излаб келиши керак”.

– Айтинг-чи, нега ўзбек фарзанди бўла туриб Жек Лондон деб тахаллус олгансиз? – бу савол эгаси ўша, вестибюлдаги йигитча эди.

– Бу нима деганингиз? Ахир, Жек Лондон американлик буюк ёзувчи-ку! Унинг тахаллусини олишга ким журъат этар эди?! Ўзимга келсак, умуман тахаллус қўйишини ёқтирмайман. Шунинг учун ҳам сиз вестибюлда кимлигим билан қизиққанингизда, хаёлимга келган биринчи ёзувчининг исмини айтиб юборгандим. Бу ҳазилимни тушундингиз, деб ўйлагандим. Шундай адабий клубнинг аъзоси буни фаҳмлай олмаслиги, Жек Лондон ҳақида билмаслиги хаёлимга ҳам келмаганди.

Залда кулги кўтарилиди. Шундан кейин ёзувчи Туроб Мақсуд ўрнидан туриб Жек Лондон ҳақида гап бошлиди ва унинг “Мартин Иден” романининг мазмунини сал бўлмаса тўлиқ гапириб берди.

Бир оз ўтиб мени Жек Лондон деб ўйлаган ўша иигитча ёнимга келиб ғўлдиради:

– Узр, мен сизни тушунмабман. Бундан кейин кўп ўқишга ҳаракат қиласман...

Бу воқеани “тахаллус” шарофати билан эслаяпман.

Шундан сўнг Неъмат баҳтсиз ҳодиса туфайли кутилмаганда оламдан ўтганини эшийтдим. Жуда ғалати. Бу воқеа мен автоҳалокатга учраб ётиб қолган пайтларда юз берганди. Уни дафн этишганида реанимацияда эканман. Бироқ қўзим ожизлашиб бораётганини бундан анча олдин – 2002 йилнинг декабрида пайқаган эдим.

У пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси ҳамда Миллий университет қошидаги Олий адабиёт курсида ўқирдим.

Ҳар куни эрталаб, одатдагидай, 82 автобусга чиқиш учун уйимиз яқинидаги шоҳбекатга борардим. Ўша кун ҳам худди бошқаларидан фарқ қиласди, назаримда. Ҳавони ҳарир туман пардаси қоплаб олгандек эди. Декабрь ойи бўлгани учунми, табиатнинг бу манзарасидан ажабланмадим. Ўшанда менга жуда яқин турган автобуснинг рақамини ажратса олмадим.

– Бу неchanчи автобус? – дея сўрадим ёнимда турган ёши улуғ қишидан.

– Саксон иккинчи, – деди у таажжуб билан қараб.

Бир неча лаҳзадан кейин автобусда кетардим. Атрофимни яна ўша туман қоплаб олди. Шунда ўйладим: агар бу туман бўлса, унда нима учун бу чол мен кўрмаган автобус рақамини дарров фарқлай олди?! Ахир, кечагина атрофимдаги манзараларни аниқ кўрадим, гўё ҳеч нарса юз бермагандек эди. Бироқ ҳозир, чамамда, уч метр узоклиқда турган кишиларнинг юзларини ҳам кўрмаётгандим.

Биз Қорақамишга яқинлашганимизда кимнингдир овози эштилди.

– Илтимос, Республика кўз касалликлари шифохонасиға қайси бекатда тушилади, айттолмайсизми?

– Кейингисида, – дея жавоб берди чиптачи аёл.

Мен ҳам тушишга ҳозирландим. Ўқиши бир гап бўлар, аввало кўзимга нима бўлаётганини билишим керак эди.

Кўриқдан ўтдим. Ушанда кўз шифокорининг айтган гаплари худди ҳукмдек этимни жунжикириб юборди. Бу – кўз нерв толаларининг қуриши экан. У менга кўзим гавҳари асаб ҳужайраларидан таркиб топганини, улар ўлиб бўлганини бамайлихотир айтди. Маълумки, асаб толалари қайта тикланмайди. Мен тўқсон олти фоизга сўқир эдим. Қолган тўрт фоизни ушлаб туриш учун мунтазам даволанишим керак экан. Кўзимнинг бу ахволга тушиши кучли толиқиши, менингит ёки кучли мия чайқалиши асорати, дейишди.

Ҳа, мен рафиқам билан ажрашганимда кучли асабийлашгандим. Бундан ташқари, мия чайқалишини ҳам бошдан кечирганман. Ушанда ўн кун даволанишим керак эди. Мен эса олти кун шифохонада ётиб, зерикканимдан чиқиб кетдим.

Кейин яна Республика кўз касалликлари шифохонасида даволандим. Бир неча хусусий шифохоналарга ҳам бордим. Уфадан тажриба алмашиш учун келган кўз шифокори ҳақида эшитиб, кўриқдан ўтишга бордим. Тошкентга Америкадан врачлар келгани ҳақидаги миши

мишларларни ҳам эшигдим. Ўша куниёқ уларнинг ёнига ошиқдим. Кейин Самарқандда таниқли профессор даволади. Икки марта Термизда Узбекистон Қаҳрамони, профессор Раҳмон Муҳаммадиев операция қилди. Жуда кўп бора ҳалқона даволаш усули билан шуғулланувчи табиблар қабулида бўлдим. Хуллас, югур-югур кўп бўлди-ю, натижа чиқмади.

Шундан сўнг ҳаммасига қўл силтадим. Даволаниши тўхтатдим. Барчаси жонимга тегиб, бутунлай кўрмай қолишимни кута бошладим. Ҳаёлимга тез-тез ўз жонимга қасд қилиш фикри кела бошлади. Чунки ҳадемай бутунлай кўрмай қоламан, деб ўйлардим.

Бирок орадан ойлар, йиллар ўтса-да, ҳеч нима содир бўлмаётган эди. Шунда борига мослаша бошладим. Сўқир полковник ҳақидаги “Аёл ифори” фильмини қайта-қайта кўрардим. Ҳиндларнинг кўзи ожиз қиз ҳақидаги “Зулматдаги рақс” фильмни ҳам бутун рухимни жодулаб қўйган эди. Бу фильмда кўзи ожиз, қулоги кар қиз университетга киради ва аъло баҳолар билан якунлайди. Кўзи ожиз рус қўшиқчиси Диана Гурская ва сўқир рок юлдузи Стивен Уандернинг қўшиқларини муңтазам эшигадиган бўлиб қолдим. “Маслин В билимлари” кўзи ожизлар жамиятининг раиси маърузаларини диққат билан эшитиб кўрдим. Бу жамоада ўзимни яхши ҳис қила бошладим.

Кейинчалик яқинларим ва таниш кишиларнинг юзларини кўрмасдан, масофадан туриб таниб олишга ўрганиб қолдим. Уларнинг овозлари ва бўй-бастидан таниб олардим. Йўлни кесиб ўтаётганда яқинлашиб келаётган машинанинг мотор товушини эшитиб, мендан қандай масофада эканини билиб олардим. Баъзида нима ёзганимни кўрмасам ҳам, ёзишга ҳаракат қиласдим. Ҳаммаси хотирамда эди.

Қандай содир бўлди, билмайман, хаёл олиб қочдими, ёз оқшомларининг бирида хориж машинасининг мотор товушини эшитмай қолибман. Ёки йўлни кесиб

ұтаётиб үртада түхтадимми? Менинг хира тортган күзларимга машина чироклари жуда яқин келди. Кучли тормоз товушини эшитдим...

Зарба!!! Ҳушдан кетдим...

“Тез ёрдам” машинасида күзимни очдим ва оғрикдан чинқириб юбордим. Кейин билсам, тос суюгим синган экан.

Яна шифохона. Олдинига травматология бўлими, кейин неврология. “Турон” сиҳатгохида анча ётдим. Турли дориларни қабул қиласкерганимдан кўнглим айниятидиган бўлиб қолди.

Вақт ўтиши билан суюкларим тузалди. Бироқ энди юра олмас эдим. Гарчи шифокорлар: “Ҳаммаси яхши бўлади, оёққа туриб кетасан”, деган бўлса ҳам.

Энди кунларимни шунчаки ётган ҳолда ўтказишим керак. Тирик мурдадек эдим. Ўзининг сўнгги дамларини кечираётган, куриб қолган дараҳтдан фарқим қолмаганди.

Бир замон Архимед: “Менга таянч нуқтасини кўрсатинг, ерни ўрнидан қўзгатаман”, деган эди. Бирорта таянч нуқта тополмасдим. Хаёлимга фақат ёмон фикрлар келарди. Баъзида бошимни сал қўтариб, барчасини унугиш учун устимдан сув қуярдим.

Ҳиндулар инсон кетма-кет еттига ҳаётни яшаб үтади, дейишади. Мен эса яна қачондир оёққа турсам, ҳеч иккиланмасдан айтишим мумкин, иккинчи эмас – янги ҳаётимни бошлайман.

Бир пайлар Махатма Гандининг “Ёмон нарсага қараманг, ёмон нарсани эшитманг; ёмон нарсани гапирманг ва ёмон нарса ҳақида ўйламанг”, деган мулоҳазаларини ўқигандим. Ўша пайларда бу маслаҳатларни умуман бажариш мумкин эмасдек туюларди. Мен энди асабийлашишдан чалғиши учун фақат яхши нарсалар ҳақида ўйлашга ҳаракат қилиб кўрдим.

Бир замонлар Жюль Вернга “Асарларингизни ўқиган китобхон Сизни худди бутун дунёни айланиб

чиққан бўлса керак, деб ўйлади. Бу ҳақиқатан ҳам шундайми?" деб савол беришгани ёдимга тушди. Ёзувчи шундай деб жавоб қайтарган экан: "Ха, ҳақиқатан ҳам, бутун дунёни айланиб чиқдим. Бироқ буни мен ўз кресломдан қўзғалмасдан, ўз тассавуримда амалга оширдим".

Мен ҳам худди шундай йўл тутдим, кўзларимни юмиб (дарвоҷе, улар барибир кўрмайди-ку) хаёлларим ва тасаввурим билан дунёнинг қай бир четига сафарга отландим. Бироқ қанча уринмайин, Швейцариянинг кентликлари, Ниагара шаршараси ёки ҳинд жунглиларига кўчиб ўтишни эплолмаётган эдим. Балки ўша жойларда хеч қачон бўлмаганим учундир? Бироқ мен Қримга, Қора денгиз бўйларига осонликча бориб келардим. Кавказнинг Бештов ва ҳайбатли Маъшук тогининг яйловларини кезардим. Бу жойларнинг манзарасини тасаввур этиш жуда осон эди. Негаки, болалигимда ўша жойларни кўрганман-да!

Йўқ-иўқ, қирқ йил умримни бежиз яшамаган эканман. Эслаган сайин хаёлимда жуда кўп хотиралар жонлана бошлади. Менинг ҳам дўстларим, душманларим бор эди. Кимдир менга ёрдам берган, кимгадир мен ёрдам берганман. Тўғри, оиласи ҳаётда омадим чопмади.

1996 йил, август. Ўша йиллари мен ҳар йили ёзнинг бир ойини Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйида ўтказишга кўниккан эдим. Чунки у ерда отам ижод қиласарди.

Бир куни ижод уйининг мармар зиналаридан кўтарилаётib Жумагул опага дуч келдим ва салом бердим.

– Ваалайкум ассалом. Отангиз сизга яна 20 кунга хона олиб қўйди.

Чап томонимда бир гуруҳ одамларнинг яқинлашганини кўрдим ва беихтиёр уларга қайрилиб қарадим.

– Ассалому алайкум, – деди менга ҳаммадан ҳам яқинроқ турган қиз.

Унга қарашим билан нигоҳим бир лаҳза тўхтаб қолди. Менга бир жуфт чараклаган катта кўзлар тикилиб

туарди. Ферузаранг кўзларда нур акс этарди. Бу нур ўшандада менинг кўзларимда ҳам акс этган бўлса керак. Унинг тим қора сумбул соchlари, узун киприклари ва ўзига ярашган бурни қалбимни ром қилди. Қиз тахминан менга тенгдош эди, назаримда. Ёнида яна икки қиз бўлиб, сингиллари бўлса керак, деб ўйладим. Ва яна бир аёл бор эди.

– Узр, сизни ҳеч танимадим, – ўхшовсиз ғудурладим унинг ферузаранг кўзларидан кўзларимни узмай.

– Бу – қизим Гулчехра. Мен бўлса, Фани Жаҳонгировнинг қизи бўламан. У киши бир вақтлар отангизни ўқитган экан.

– Ҳа, ҳа, эсимга тушди. У киши бир пайтлар адабиёт фондида ишлаган.

– Ҳа, шундай, – жавоб берди аёл.

– Бу ерга келганингизга анча бўлдими?

– Бугун уч кун бўлади.

– Демак, унда яна кўришамиз. Мен ҳозиргина етиб келдим. Яхши қолинглар, – дея хайрлашдим.

Зинадан секин “Менинг феруза кўзларим учун сен мени жодугар дединг” деган ашулани хиргойи қилиб кўтарилиб борардим. Учинчи қаватга етганимда ёнимдан икки киши ўтиб кетди. Бири бақувват, кенг елкали киши, чехраси жуда таниш кўринди. Бироқ қанча уринмайин, уни эслай олмадим. Унинг ёнида эса башанг кийинган аёл.

– Жаҳонгир, – дея фикримни бўлди аёл овози. Қайрилиб қарадим.

– Мен Фотима опангиз бўламан. Бу кишини таниган бўлсангиз керак. Бокс тарихида афсонага айланган жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев! Деярли ҳар куни отангиз билан учрашиб турибмиз.

Улар билан хайр-хўш қилгач, ниҳоят отамнинг хужрасига етиб келдим. Хонадан ҳар доимгидек тамакининг ёқимсиз ҳиди анқирди. Отам ёзув машинкаси олдида хаёл суриб ўтирибди. Мен отам билан кўришдим-да, балконга қараган деразани очиб қўйдим.

– Ишларинг қалай? – сўради у қўлларимни сиқиб кўришар экан.

– Яхши, ёмон эмас.

Отам ўчиб қолган тамакисини ёндириди.

– Қачондан буён боксёrlар сиздан хабар оладиган бўлиб қолди? Яна қандайдир ғалати аёллар билан?

– Нима, сен Руфатни кўрдингми? Ёнидаги аёл – Фотима, Руфат ҳақида китоб ёзган. Уша китобни уч тилда нашр қилишмоқчи. Улар китобни ўқиб фикр билдиришимни ва маъқул бўлса, сўзбоши ёзишимни исташяпти.

– Ҳа, тушунарли.

– Янги ҳикоя ҳақида ўйлаяпсанми?

– Ҳа.

– Бу бошқа гап.

– Дада, мен боя пастда Жаҳонгировлар оиласи билан учрашиб қолдим.

– Бу ерда унинг қизи ва неваралари дам олишяпти. Сен туғилиб ўсган ёзувчилар уйи қалитини раҳматли Фани Жаҳонгиров топширган эди. Ҳа, айтганча, уч кундан кейин айланамиз.

– Бўпти, тушундим, – дея жавоб бердим.

Дадам “айланамиз” деганда газета ва журналлар, телерадиокомпания таҳририятларидан ёзилган гонорарларни бориб олишни назарда тутар эди. Бу сафар биз яна театр арбоблари жамиятига ҳам кириб ўтишимиз керак эди. У ерда дадам “Театр санъати ривожига қўшган ҳиссаси учун” мукофоти билан тақдирланиши кутилаётган эди. Бироқ буларнинг ҳаммаси яна уч кундан кейин юз бериши керак. Уша куни дадам билан яна бир оз сұхбатлашиб ўтирдим-да, кейин хонамга ўтдим. Нарсаларимни жой-жойига қўйдим ва сочиқни олиб бассейнга йўналдим.

Бассейн олдидағи ўриндиқларда одам кўп эди: Уйғуннинг невараси, Учқун Назаровнинг фарзандлари, Аскад Мухторнинг неваралари... Бурчакда эса менга

таниш Жаҳонгировлар оиласи... Гулчехра онаси ва синилиси билан туради.

– Сиз нимага чўмилмаяпсиз? – дедим Гулчехрага кўзим тушиши билан.

– Мен сузишни билмайман.

– Унда мен сизга ўргатиб қўярман.

Гулчехра сокин жилмайди. Мен эса ўзимни сувга отдим. Бир оздан кейин бассейндан чиқиб, яна уларга яқинлашдим.

– Билмайсизми, бу ерда ким шаҳарга тез-тез тушиб туради? Аҳмоқлик қилиб сигарет обкелишини унтибман. Агар кимдир борса, илтимос қилмоқчи эдим.

Сузимга онаси жавоб берди.

– Бу ерга яқин маҳалладаги бир ҳовлида дўконча бор экан.

– Узоқ эмасми?

– Йўқ, йўқ, унчаликмас. Гулчехра бир марта қатиқ учун борганди, ярим соатда келди. Қизим унда Ҳамид билан борган эди. Энди эса у билан ҳамроқ бўлгиси йўқ. Бир ўзини эса у ёққа юбормайман. Балки сен Жаҳонгир билан бориб келарсан? – дея суради у Гулчехрадан.

Гулчехра “хўп” дегандек бошини қимиirlатди.

Бир оздан сунг қалин узумзор оралаб сухбатлашиб кетиб борардик.

– Эшитишимча, сиз ҳам ёзувчи экансиз, шу тўғрими?

– Ҳа, тўғри. Ўзингиз нима иш қиласиз?

– Мен педагогика институтининг учинчи курсида ўқийман.

– Қайси факультетда?

– Музика бўйича.

– Мактабда мусиқа ўқитувчиси бўласизми?

– Болалар боғасида музикачи бўлишим ҳам мумкин. Мен болаларни яхши кўраман.

– Мен ҳам.

– Сиз, менимча, “Ц-1”даги Ёзувчилар уйида турсан-
гиз керак.

– Ҳа, бу уйнинг калитини дадамга сизнинг бобонгиз
топширган экан.

– Ўша уйларга яқин жойда менинг дугонам Мавлу-
да яшайди...

– Шундай денг. Айтинг-чи, Ҳамид ким ўзи?

Гулчехра жилмайди.

– Ҳа, у-ми, “Литфонд” раисининг жияни. Шу ерда
яшайди. Доим мен билан сұхбатлашишга ва нима билан-
дир меҳмон қилишга уринади.

– Англашимча, у сизга ёқмаса керак.

– Ҳа, у менга ёқмайди.

Яқинимиздан от түёкларининг товуши эшитилди.

Үпирелиб қарадик. От ёнимизга келиб тұхтади. Унда
қўлида бир даста атиргул ушлаган йигит ўтиради.

– Сизга нима керак, Ҳамид? – дея Гулчехра хўмра-
йиб суради.

– Бу сизга, – дея ғудурлади Ҳамид қўлидаги гул-
дастани узатаркан.

– Гулни яхши кўрган қизингизга совға қиласиз,
менга керак эмас, – деди Гулчехра.

Ҳамид изимиздан қолмасди.

– Ҳамид, чамамда, Гулчехра сизни кўришни иста-
маяпти, – дедим.

– Мен унга шунчаки гул совға қилмоқчи эдим. Ахир,
бу гул-ку, олса нима бўпти?!

– Биринчидан, Гулчехра гулни олмоқчи эмас, ик-
кинчидан, гулни олса нима бўпти, деб нотүғри айт-
япсиз. Қиз бола бегона эркақдан гул олавермайди-ку.
Билмадим, сизларда қандай, аммо Тошкентда бўлгуси
куёв ва келин уч марта учрашади. Биринчи марта – та-
нишув, иккинчи учрашувда кафе ёки кинога бориша-
ди. Учинчи учрашувда эса йигит қизга гулдаста совға
қиласди. Агар қиз гулни олса, демак, унга турмушга
чиқишга рози бўлган бўлади. Агар олмаса... бу ёғини

ўзинг тушунарсан. Кейин, Гулчехра бу ерда ёлғиз эмас-лигини айтмасам ҳам кўрган бўлсанг керак.

Ҳамид отини буриб чоптириб кетди.

– У бу атиргулларни анча танлаган кўринади.

– Келинг, у ҳақда гапирмайлик, – деди Гулчехра ва чапга бурилиб бир шингил узумни узиб олди. Бир донасини эҳтиёткорона артди-да, менга узатди.

– Қара, қўлларим ювилмаган, сен уни оғзимга яқин обкела олмайсанми?

У қўлларим тоза эканини биларди, албатта. Бироқ узум донасини оғзимга ташлади. Орқага қайтаётганимизда ундан бирпас кутиб туришни илтимос қилдим. Яқинимиздаги дала гулларидан гулдаста ясадим. Совғамни Гулчехрага берганимда у жилмайиб гулларни қучоғига олди-да, тўйиб ҳидлади.

Унинг нафасини бутун туйғуларим билан сезгандек бўлдим. Бу жуда гўзал лаҳзалар эди, атрофимиздаги манзаралар ҳам нафосатга бурканган эди.

Шу кундан бошлаб бу каби сайрларимиз одатий тус олди. Кун ўтган сайин бир-бирилизга қўника бошлидик.

Дам олиш кунларимиз дадам режалаштирганидек яхши ўтди. Бир неча кундан кейин Руфат Рисқиевнинг ҳайдовчиси билан бориб онам, опам ва жиянларимни олиб келдим. Дадам ош дамлади. Мен онамни Гулчехра билан таништирдим. Ҳаммаси кўнгилдагидек яхши кетарди.

Эртасига дадам билан таҳририятларни айландик. Ундан кейин театр жамиятида ўзбек балети афсонаси Бернора Қориева дадамни мукофот билан тақдирлади. Яна ижод оламининг қатор намояндалари ҳам мукофот билан тақдирланди. Мукофот шарафига базм уюштирилди.

Ўша базм кечасида дадамга Гулчехра ҳақида гапирдим. Отам бу қароримдан хурсандлигини яширмади. У бизнинг бирга сайр этганимизни бир неча бор хона-

си деразасидан кўрган ва шундай бўлишини олдиндан билган экан.

Отам бизни ҳар томонлама бир-бири мизга мос ва тўғри келади деб ҳисоблади. Ёнимизга Ҳусан Шарипов келиб ўтирганида, улар оилавий ҳаётимга оқ йўл тилаб қадаҳ кўтардилар. Гўё тўйимиз аллақачон бўлиб ўтгандек эди.

Шаҳарга қайтганимиздан кейин Гулчехра билан яна бир неча бор Анҳор бўйида учрашдик. Бу сайрларимиз аввал гиларидан-да сурорли ва эсда қоларли эди.

“Дўрмон” ижод уйидан қайтганимиздан икки ҳафта ўтгач, 1996 йилнинг 29 августда бизнинг тўйимиз бўлди.

Аммо иккимизнинг биргаликдаги ҳаётимиз кўп чўзилмади. Бор-йўғи бир неча йил давом этди. Бунга бизнинг ёш ва иродасизлигимиз сабаб бўлди, деб биламан. Майда-чуйда гап-сўзлар, гап кетидан кўп қувганимиз ва ҳеч қачон бир-бири мизга ён бермаганимиз туфайли муросамиз келишмади. Ўйлашимча, мен биринчи бўлиб кўнишим ва таслим бўлишим керак эди.

Кейин мен яна уйландим, аммо баҳтли бўлолмадим.

Чеховнинг бир ҳикоясида ўқиган эдим. Ўша асар қаҳрамони кема сахнида ётганича жон таслим қилаётib, қонталаш боши билан дод-уввос соларкан, ўз аёlinи чақиради. Ёнидаги аёlinи эмас – у иккинчи хотини эди – қачонлардир ажрашиб кетган биринчи хотинини чорлайди.

Баъзан мен билан ҳам худди шундай бўлади, деб ўйлаб қоламан. Ўзимнинг турли ёқимсиз фикр-хаёлларимдан, хотираларимдан тийилиб, бугунги кунимга қайтаман. Баъзи хотиралар эзгин руҳимга илинж, ёруғлик багишлайди.

Мен уларни Бабуга айтиб бердим. Бабу бу тукли дуҳобадан қилинган ўйинчоқ айиқча. Унинг ёқимли панжасига “Baby” ёзуви туширилган. Албатта, бу инглизча талаффузда “Бейби” бўлиб жаранглайди. Менга эса ўзбек-лотин имлосида ўқиб-талаффуз қилиш ёқади.

Бабу билан жуда узок дарлашган пайтларимиз бўлган. У доимо менинг фикримга қўшилади.

Бир пайтлар таниқли француз қўшиқчиси Эдит Пиафдан “Сиз ўлимдан қўрқасизми?” деб сўрашган экан.

– Йўқ, мен кўпроқ ёлғизликдан қўрқаман, – деб жавоб берган экан у. Мен унинг жавобини ич-ичдан тушунаман. Ёлғизликдан ақлдан озишимга бир баҳя қолган пайтлар ҳам бўлган.

Бироқ худди қўллаб-қувватлаб туришга келишишгандек, дабдурустдан ҳол-аҳвол сўрагани яқинларим келишарди. Бир неча марта курсдошим ва дўстим Даврон Ражаб йўқлаб кетди. Мана, ким билан сұхбатлашибим керак. Ҳа, бу Бабу эмас. Кейин қариндошларим, танишларим кела бошлади. Қўлларимга жон киргандек бўлди ва ўрнимдан туриб ўтиришга ҳаракат қилдим. Олдинига иккала қўлим билан каравотим ёнида турган тумбочкани ушлаб, ўрнимдан туришга ҳаракат қилдим. Кейин эса тумбочкани ушламай ҳам тик тура оладиган бўлдим. Илтимосимга кўра, турли аудио китоблар олиб келишди. Аристотелнинг “Помпей”и, Гюгонинг “Париж черкови илоҳаси”, Робинзон Крузо, Шекспирнинг бир нечта фожиаларини овозли китоблар ёрдамида “мутолаа” қилдим. Гарчи қачонлардир бу китобларни ўқиган бўлсам-да, уларни интиқлик билан навбатма-навбат тинглаб чиқдим.

Хаёлимда иккита ҳикояни пишишиб қўйгандим. “Баҳор қайтади” ва “Дайди булуллар”. Қогозда нима ёзаётганимни кўрмасам ҳам, ёза бошлаган эдим. Кейин “Бу ҳам ўтади”, “Биринчи қадам” деб номланган эсселаримни хаёлимда тиклай бошладим. Дўстим Даврон Ражаб мен билан учрашгани адабиётшуносларни бошлаб келарди. Бу орада олдинги ҳамширам Жаннат ҳам хабар олиб турадиган бўлди. Унинг қизиқ қиликлари бор. Ўзи қозоқ миллатига мансуб бўлиб, ўзбекчани тўла-тўқис ўргангиси келади. Аслида ўзбекчада жуда яхши гапиради.

У охирги келганида мендан “Зимистон қаерда жойлашган?” деб суради. Мен ўзимни кулгидан тутиб тура олмадим.

– Сен бу сўзни қаерда эшилдинг?

– Уйимиз олдида ўзбек аёллари гаплашганида эшилдим. Бир аёл иккинчисига, қаранг, зимистон бўп қолди, кетишим керак, деганди. Билишимча, Сирдарёда Гулистон бор, Самарқандда эса Регистон, аммо хайронман, “Зимистон” қаерда жойлашган экан.

– Жаннат, зимистон бу – қоп-коронғи дегани. Бу туман ёки кўча номини англатмайди. Тунда кўчага чиқсанг, зимистонга дуч келишинг мумкин, – дедим мен.

Хуллас, нимадир юз бераётгандек эди. Ўзгариш яхшилик томонга эди, назаримда. Мен тикилаётган коронғилик охирода гира-шира нур кўринаётгандай бўлди. Ба бу гира-шира нур борган сайин ёруғлашиб бораётгандек. Мен пайпасланиб эшикни топдим ва уни ушлаб ўрнимдан турдим. Бошида беш, кейин ўн лаҳза ва бир дақиқа...

Назаримда, олдингига нисбатан равшанроқ кўра бошлагандекман. Бундай бўлиши мумкин эмас эди-ку. Куч топиб, оғриқларга бардош бериб, машқ қила бошладим. Ҳар куни шу тартибда ҳаракат қилишга уринардим.

Мен жисмонан ва руҳан ўлгандим. Қайта тирилиш им пешонамда ёзилган бўлса, бу албатта, биринчи навбатда онам шарофати билан эди. Бошимдан кечган воқеаларни қоғозга туширас эканман, ҳаммаси учун онамга қарздорлик ҳиссини тұяман. Тақдиримнинг баҳтли якун топишига ишонмаган, умид қилмаган эдим. Бироқ яна қайта ва такрор айтаманки, Худога ва тақдирга ишонаман. Шу кунларда секин, эхтиёткорлик билан қадам ташлаб зинамиз суюнчиқларини ушлаганча ташқарига чиқдим. Юзимни куз қуёшининг ожиз нурлари силагандек бўлди. Бу нурлар менга илиқдек туюлди. Енгил шабада кўнглимни кўтарди.

Агар тақдир ҳукми билан оёққа туриб кетишим керак экан, демак, бу дунёда ҳали қиладиган ишларим кўп, деб ўйладим. У дунёни ўйлашга эса ҳали вақт бор, чаммада.

Олий адабиёт курсида ўқиган йилларимни тез-тез эслаб, хотираларни қоғозга туширишга ҳаракат қилиб турман. Билмадим, ёқимли хотира бўлгани учумми, ўша даврлар руҳимда соғинч туйғусини уйғотади. Агар қирқ йиллик ҳаётимнинг энг яхши уч йили ҳақида сўрашганида, бир йилни ўйлаб кўрадим-у, қолган икки йилини ўйлаб ўтирмай ўша Олий адабиёт курсида ўқиган чоғларим, деб айтган бўлардим. Негаки, у ерда ўзимга ўхшаганлар билан адабиёт уммонида бирга сузган эдик.

Бизга дарс берган ўқитувчиларни-ку айтмай қўя қолай. Улар ўқитувчилардек маъруза ўқишишас, машғулотлар ўзаро дўстона сұхбат тарзида ўтар эди. Дарс чоғида биз ўзимизни профессор ва таниқли адабиётшунослар билан тенгдек тутардик. Ҳар бирининг ўзига хос дунёси, ўзига хос дарс ўтиш услуби бор эди. Сабоқларни қандай “ҳазм” қилиш бизнинг ишимиз эди.

Масалан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али бизга эстетика фанидан дарс берарди. Эсимда, у аудиторияга кириши билан бугунги дарсимиз ҳинд эпоси “Рамаяна” ҳақида бўлади, дея эълон қилган эди. Баъзи ҳамкурсларимиз норозинамо бир-бирларига қараб олишди. Менга эса ҳиндаларнинг бу халқона асари қизиқарли туюлди ва асар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишни хоҳладим. Бунинг устига, билишимча, у киши эпосни ўзбек тилига таржима қилган. У асар мазмунини гүё Браҳма илоҳининг ёнида тургандек ҳикоя қилиб берарди. Хонада барча тингловчилар, ҳатто боя мавзудан норози бўлаётганлар ҳам эпоснинг давоми билан қизиқиб қолишганди.

Ҳа, Муҳаммад Али мавзуни тингловчиларга етказиш психологиясини мукаммал эгаллаганди. Ахир, ҳар

йили бир ой давомида АҚШнинг Вашингтон шаҳрида дарс бераттани бежиз эмасди-да.

У бир гал биздан: “Сиз дунё деганда нимани тушунасиз?” деб сўраб қолди. Шоирларимиз ҳар доимгилик биттадан шеър ўқиб беришди. Доим шундай бўлади: шоирни даврага таклиф қилсанг ёки сўз берсанг, ўзининг энг яхши чиққан шеърини ўқиб бериб, вазиятдан чиқишга ҳаракат қиласди. Шунинг учун ҳам шоир деймиз-да уларни.

Курсада носирлардан икки киши эдик. Иккинчи прозачимиз саволга жавоб берар экан, дунё – ҳеч қачон чиқиб бўлмайдиган панжара, деб фалсафа сўқишига ҳаракат қиласди.

– Сиз айтгандек панжара бўлса, демак, уни бузиб ташқарига чиқиш керак, – деди Муҳаммад Али.

– Мен бу панжарани бузолмайман. Бу нарсанинг имкони йўқ, деб ўйлайман, – деб ўз фикрида туриб олди курсдошимиз.

Жавоб бериш навбати менга келди. “Назаримда, – дедим, – дунёни қандай кўришимиз, бу бизнинг айни пайтдаги руҳий ҳолатимизга, ички нигоҳимизга боғлиқ. Агар ичимизда зулумот бўлса, оғриқ-қийноқлар таъсирида бугун олам бизга жаҳаннам каби туюлиши мумкин. Аксинча бўлса, яъни борлиғимиз ёргу туйғулар оғушида бўлса, дунёни жаннатга тенглаштирамиз. Яъни, ҳаммаси айни дамда суннган ҳақиқатимизга боғлиқ”.

Жавобим устозимизга ёққанини англадим. Назаримда, у дунёнинг аслида нимадан иборат эканини билишимизни, тўғри идрок қилишимизни истагандай эди. Руҳий нотинчлик, безовталик билан ёзилган асарлар доим баҳсга сабаб бўларди. Мен у киши билан учийилдан кейин, отам вафот этган куни учрашдим. Отамнинг шогирдлари, тутинган укалари кўп эди. Уларнинг айримлари ўша куни ҳамдардлик билдиришга ҳам келмади. Бироқ Муҳаммад Алини отамнинг барча маърака кунларида кўрдим. Гарчи, тўғрисини айтган-

да, у киши билан отам жудаям яқин эмас эди. Аммо ёзувчи сифатида бир-бирларига ҳурмат билан қарадилар.

– Ёзаяпсанми? – деган эди у отамнинг маъракаларидан бирида.

– Ҳа.

– Бу яхши, энг муҳими шу, унутма...

Бу жумла отамнинг сўзларини эслатди. У доим ёзишдан тўхтатмаслигимни, биринчи навбатда ижод муҳим эканлигини таъкидлар эди.

Шу кунларда Сайёра опам билан телефонда гаплашдим.

– Ёзувчилар уюшмаси раиси қабулида бўлдим. Отамнинг асарлари бешинчи жилдининг нашри ҳакида суҳбатлашдик. У сени ҳам сўради.

– Мен ҳақимда нима деди? Майли, айтмасангиз ҳам бўлади, биламан. У “Жаҳонгир ёзяптими?” деган бўлса керак?!

– Ҳа, у айнан шундай деб сўради.

Бу гап менга катта куч, далда бўлганини сездим. Ичимда бир овоз “Таслим бўлма, Жаҳонгир, сен яна ёзишинг керак” дегандай бўлди. Ва ҳозирча ёзганларимни сизга илиндим...

2014.

(«Ёшлик», № 2. 2016.)



ТУМОР

Зулфия опа Мусоқова хотирасига

Мен Зулфия опа ҳақида бир неча йил олдин эшитган эдим. Бу аёл олтмиш ёшларни қоралаган, набираси унинг туғилган кунида отам – Шукур Холмирзаевнинг уч жилдлик сайланмасини совға қилган экан. Аёл бу китобларни үкиб, отам ижодининг ихлосмандига, янаям аникроқ айтадиган бўлсам, унинг садоқатли мухлисига айланганди. Орадан сал вақт ўтиб, аёл эсселар туплами булган туртинчи жилдини ва отам ҳақидағи яқинда нашр этилган китобни ҳам харид қилганди. Ёзувчи ҳақида бор нарсаларни билиб олган Зулфия опа унинг қабри олдига ҳар йили бир неча марта зиёратга борарди. Унинг туғилган ва вафот этган кунларида, шунингдек, “9 май – Хотира ва қадрлаш куни”да ҳам зиёрат қиласидан бўлибди. У ҳар сафар зиёратга келганида гул олиб келар ва қабри атрофини тозалаб, узоқ вақт шу ерда хаёлга чумиб ўтирап экан. Аёл муҳим саналарда келишга одатлангани сабабли, бир куни оиласиз аъзоларини учратиб қолибди. Вақт ўтиши билан улар билан яхши танишиб олган. Биринчи навбатда, албатта у Сайёра опам билан яқин бўлиб олган. У опамга тез-тез қўнтироқ қилишга одатланган. Аёл ҳар сафар телефон орқали бешинчи жилд, қиссалар тўплами қачон чиқишини сурар экан. Умуман олганда, у турли сабаблар билан телефонда тез-тез сұхбатлашиб турган, негаки, бу аёлга Шукур Холмирзаевнинг қизи билан сұхбатлашиш жуда ёқимли эди. Эсимда бор, бир куни менга унинг: “Қани эди, олтинчи жилд, романлар тўплами чиққанини ҳам ўз кўзим билан кўрсам эди”, деганини етказишиди. Бу гапни у жуда оғир ётган пайтида айтган ва бу унинг орзузи экан.

Баъзан ўйлаб қоламан, қани эди менинг ҳам Зулфия опа каби муҳлисим бўлса, ҳаётимни бежизга яшамабман, деб ўйлармидим?!

Хуллас, Зулфия опа нафақат опам билан, балки жиянларим Қаҳрамон ва Жавлонбеклар билан ҳам ҳол-аҳвол сўрашиб турган экан.

Бу аёлнинг жиянларимга оналарча меҳри бор экан. Жиянларим ҳам ўзларини катталардек тутиб бу аёлга ҳурмат билан ёндашишар, ёшлирига нисбатан ўзларини расо тутишар эди. Уйлайманки, уларнинг ўзларини тутиши ва ташқи қўриниши ҳам кўнгилдагидек эди. Мен буни улар менинг опамнинг ўғиллари бўлгани учун эмас, балки менинг ҳам жигарларим бўлгани учун айтяпман (бу ҳазил).

Шундай қилиб, икки йил олдин кайта жияним Қаҳрамон Олма-Отадаги Жаҳон иқтисодиёти ва менежменти университетига ўқишга кирган эки.

Энди яна ўша отамнинг муҳлиси Зулфия опага қайтамиз. Чунки у киши яқинда Олма-Отага худди шу жиянимга бир қаращдан жуда ғалати нарсалар жўнатибди. Бу – бир доллар пул ва бир банка қулуپнай мураббоси.

Бу омонатни у Олма-Ота шаҳрига бориши лозим бўлган қўшиносидан бериб юборибди. Гўё бир бўлмаган гапга ўхшайди, аммо бу айни ҳақиқат эди. Яқинда бир учрашганимизда дўстим Давлат Ҳабиб менга шундай деб қолди:

— Жаҳонгир, нега кейинги ёзаётганларингизнинг ҳаммаси биринчи шахс томонидан ҳикоя қилинади?

— Негаки буларнинг ҳаммаси – менинг ҳаётим. Мен ўйлаб топилган ёки бегона нарса ҳақида ёзолмайман. Ишонаманки, ҳаётимнинг турли лаҳзаларидан ҳали пишитиб юрган эссе сифат хотираларим бор. Улар менга гўё ҳикоядек туюлади. Бироқ бу ёзишмаларим нечоғли қизиқарли ва оригинал чиқади, бу ўқиганларга ҳавола, – дея жавоб бердим.

Албатта, бир долларга Олма-Отада ҳатто бир сих кабоб ҳам олиб бўлмаслиги ҳаммага тушунарли. Аммо

у ўзида борини ва қўлидан келганини берган эди ва бу купюра ва мураббо Қаҳрамоннинг оғирига ярайди, деб ўйлаган.

У опам Сайёрага ҳар сафар қўнғироқ қилиб, совғаси борган-бормаганини сўрар экан. Жияним бўлса телефонда ҳеч нима етиб келмагани айтар экан, зотан бу нарсалар аллақачон етиб бориши керак экан. Гўё Тошкент билан Олма-Ота ўртасида Қаҳрамонга аталган совға йўқолиб қолгандек.

Мен оромкурсида кўзларимни чирт юмиб олиб хаёл суриб ўтирадим. Ва шу алпозда уйқуга кетибман. Тушимда эса менга О'Генри асари қаҳрамонлари бўлмиш гоҳ олийжаноб қаллоблар, гоҳ америка президенти Жорж Вашигтон бир долларлик купюрадан менга қараб жилмайиб турармиш. У менга тикилиб туриб, негадир, қозоқ тилида ғулдирармиш...

Телефон қўнғироги уйғотиб юборди. Гўшакни олдим.

— Алло.

— Алло, Жаҳон, салом.

— Санжар, сенмисан?

— Ҳа.

— Сен қаерга йўқолиб кетдинг, телефонинг доим “хизмат доирасидан ташқарида”.

— Нима, сен эшитмадингми? Мен ҳозир Европада ишляпман.

— У ёқларда нима қилиб тентираб юрибсан.

— Яхши иш таклиф қилишди, моянаси ҳам анчагина.

— Сен ахир яхшигина нейрохирург эдинг-ку. Яхши ишни шу ерда ҳам топар эдинг. Яна ўзинг биласан. Ҳозир Тошкентдамисан?

— Ҳа, жигарим хуруж қилиб қолувди. Шу ерда операция қилишди...

— Англашимча, овозинг яхши эшитиляпти, ҳаммаси яхши ўтдими?

— Ҳа, ҳаммаси жойида.

— Менимча сен номеримни автоответчиқдан таниб олдинг шекилли. Мен сендан Ҳакимов Омон ҳақида сўрамоқчи эдим. Уни кўп бўлди кўрмадим. Ахир сизлар синфдош эдингизлар-ку!

— Ҳакимов Омон мана етти йилдирки Канадада.

— Қаерда?

— Канадада дедим-ку, нега ҳайрон бўласан? Ҳар қалай Шимолий Америка!

— Бунча тўзғимасанглар. Сен бошқа жойда, Жалил аллақаерда, Омон тупканинг тубида. Сизларга туғилиб ўсган юртни бошқасига алмаштириш шунчалик осонми, энди ота-оналарни ҳам алмаштиришни хоҳламаяпсизларми?

— Айтганча, мен Тошкентда анчадан бери юрибман. Эшитишимча, сенинг қадрдон жиянинг ҳам Қозғистонда яшаётган экан?!

— Қаҳрамон у ёқда ўқияпти. У менинг маслаҳатларим билан улғайган. У ҳеч қачон у ёқда умрбод қолмайди. Эшит, Санжар, у ёқда яшаш яхши дейсану, даволанишга эса бу ёққа келасан? Бу нимаси?

— Биласанми, у ёқда даволаниш ҳаддан ташқари қиммат эканини? Бу ерда эса қиммат эмас.

— Кўрдингми нима бўляпти. У ёқда сенга кўп тұлашади. Касал бўлганингда эса ҳаммасидан воз кечасан. Ва ўзингнинг она юртингта қараб югурасан. Майли, ҳечқиси йўқ, бизнинг юртимиз салга хафа бўлавермайди. Яхши қол, Санжар, — дедим мен ва телефонни учирдим. Шунда бирдан отамнинг “Қора камар” пъесаси қаҳрамони Хуррамбекнинг: “Наҳотки сенларни на юрт, на миллат тақдири қизиқтирмаса. Наҳотки, сенлар бир парча нон кетидан итдай эргашиб юрсаларинг!”, деган юракни титратадиган сўzlари қулоғим остида жаранглаб кетди.

Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг Зулфия опанинг касали янада оғирлашганини эшитдим. Бу аёл ўлим тўшагида ётиб, ҳамон Қаҳрамонга бериб юбор-

ган совғанинг борган-бормаганини билишни истаётган экан.

Дунёнинг ғалати ишлари бор. Ахир...

Бир пайтлар мен ҳам бир доллар топаман деб анча елиб-югурадим.

Бу воқеа 1996 йилнинг сентябрида бўлганди. Яқинда уйланганим ва ота-онамдан алоҳида яшаганим туфайли зудлик билан иш топишим керак эди. Тез топилган бу ишим куръерлик вазифаси эди. Идора қўшма корхона эди. Бу ташкилот почта компанияси бўлиб, у ерда менга ўхшаган кўплаб куръерлар хизмат қилишар экан. Ишхонамиз бизга ҳар бир етказилган конверт учун бир доллар тўларди. Ҳар биримиз, кўпроқ пул топиш илинжида иложи борича кўпроқ конверт тарқатишга уринардик. Ҳаммамиз шаҳар бўйлаб қушдай учардик, кечкурун эса чарчаб-қақшаб уйга етиб келардик. Баъзан рафиқам Гулчехра менга почта тарқатишда ёрдам берарди. Эсимда бор, қорли кунларда пойабзалим титилиб кетганди. Янгисини олишни эса ўзимга эп кўрмасдим. Ота-онамдан сўраш эса... туғри келмасди. Гулчехра бўлса пойабзалим ичига нималарнидир қўйиб ииртилган жойларини тикиб берарди. Ишлаш керак эди. Ҳар бир доллар ҳисобда эди-да!

Қўшма корхонадаги ишим ҳам кўпга бормади. Ярим йилдан сўнг ишдан бўшаб, телевиденияга ўтдим, бошланишига режиссёр ёрдамчиси, кейин эса “Пойтаксът” ахборот дастурида телемухбир бўлдим.

Икки йилдан сўнг бир танишим менга бошқа иш таклиф қилиб қолди. Бу танишим бундан йигирма йил олдин чет элга уч ойга маъруза ўқиш учун кетган адабиётшуноснинг ўғли эди. У Тил ва адабиёт институти томонидан жўнатилган эди. Бироқ унга янги иши шу қадар ёқиб тушибдими, ҳатто ҳозирги қунгача ўша ерда. Ўғлининг ишларига эса унинг ҳеч қандай алоқаси йўқ экан. У кишини отамнинг таниши бўлганлиги учун ҳурмат қиласадим. Отам вафот этганида ҳам узок

жойда бўлишига қарамасдан ҳамдардлик билдириш учун ўз номидан одам юборганди.

Унинг ўғли бир куни хорижда эмиграция бўлимида ишлашини айтиб қолди. Ҳа, шундай деб ишонтирганди. Гўёки у хорижга боришни хоҳловчиларга ёрдам бера олар экан ҳамда у ерда муҳожирларни иш билан таъминлаш ва ҳоказолар қўлидан келаркан. Аммо буларнинг ҳаммаси ёлғон бўлиб чиқди. Ўша пайтларда долларнинг яшил рангига учиб, телевидениедан ишдан кетиб, унга қўшила бошлагандим. Унинг отасига ҳурматим баланду аммо у учига чиққан фирибгар бўлиб чиқди.

Дollar ортидан қувиб жиноятчи бўлишимга бир баҳя қолди. Ҳозир юз, кейин минг доллар... буларнинг ҳаммаси негадир менга моғор ҳиди босган жирканч бир тушлек бўлиб кўринди.

Зулфия опа жўнатган бир доллар эса дунёдаги энг тоза бебаҳо пулдек туюлди. Мен учун бу бир долларлик эмас. Бу пулдан ҳам анча катта нарсани англатарди. Мен О' Генрининг "Сўнгги япроқ" ҳикоясини эсладим. Унда қизалоқ охирги япроқ узилиб тушиши билан ўлишга тайёр эди. Бироқ факир рассом ўз ҳаётини таҳликага қўйиб, шу бир дона япроқни деразада акс эттиради. Нега ахир биз Қаҳрамон бу бир долларни ва қулупнай мураббосини аллақачон олган деб айтмадик-а! Зулфия опа буни ростми-ёлғонми эканини қаердан ҳам биларди?!

Мен шуларни ўйлаб, Зулфия опага қўнфироқ қилишга аҳд қилиб телефонга яқинлашдим. Бироқ шу пайтда телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтариб мен жиянимнинг овозини танидим.

— Ассалому алайкум, тоға.

— Ваалайкум ассалом, Қаҳрамон, қалай, яхшимисан?

— Жуда яхши. Бугун менга Зулфия опа номидан бир доллар ва бир банка қулупнай мураббо бериб кетишиди.

— Йўғ-ей, нималар деяпсан. Хайрият! Менга қара, бу бир долларликни алоҳида асраб қўй. Бу сенга бир тумор бўлсин. Жиян, шуни унутмаки, сен бу каби тоза ва ҳалол пулни бошқа ҳеч қачон ҳаётингда учратмасанг ҳам керак.

Ҳа, мен ҳақиқатан ҳам шундай ўйлаяпман, омонат ўз эгасини топибди.

Бир кундан кейин опам қўнғироқ қилди. У Зулфия опага жияним совғани олганини айтганида у аллақачон гапиролмай қолган экан. Бироқ унинг юзларида мамнунилик акс этибди.

2014

(“Китоб дунёси” газетаси, 2014 й. 11 июнь)



УКАЖОНИМ, ЖАҲОНГИР...

Йиллар, ўтаётган йиллар ҳақида, хотирага айланган ва айланаётган, қайтарилемас лаҳзалар ҳақида ўйлагим келяпти. Ҳа, уларни фақатгина эслаш, таҳлил қилиш мумкин, таҳрир қилишга ва ўзгартиришга ожизмиз.

Яшаш – бу эртанги кунга умид билан қара羞ми? Қўйилган мақсаду орзулар сари интилишими? Умр йўлларимизни, ўтган йилларимизни, қувончли ва баҳти дамларимизни ёдга олиб, шукроналик қилишми? Ҳар бир ўтаётган кунимиздан маъною юпанч излашми? Ушалмаган орзуларимиз, кимгадир айтилмай келган, меҳрли сўзларимиз армоними? Кутимаган қийинчиликлару, ҳаётнинг турли зарбаларига чираб, енгиб ўтишми? Ҳаётнинг ҳар бир куни тухфа, ғанимат эканлигини қадрлашми?

Укажоним, Жаҳонгир, сен оиласизда фарзандлардан кенжаси эдинг, ҳаммамиз сени болалигиндан эркалатордик, роёнингта қарадик, яхши кўрадик. Сени – киприклари узун, кўзлари катта-катта чиройли болачани қўлдан қўймай кўтариб юрадик.

Барчамизни ғафлатда қолдириб, нега бувижонларимнинг, адажонимнинг ёнарига боришга бунчалар шошилдинг, ҳали ўйлаган ишларинг, эртанги кундан бизга айтган, айтмаган умидларинг, ишончларинг бор эди-ку!

Қайси дамларни эслай, укажоним. Бундан 42 йил аввал, 1974 йилнинг 7 август куни кучли шамол – бўрон турган куни туғилганингнimi, бувим, адам, мен, Жамшид сен билан опамни тугуруқхонадан чиқишинглар-

да кутиб олганимиз, кейин Тинчликдаги ҳовлимизга (ўша пайтлар ёзда ҳовлида яшар эдик) борганимизними, сени болалар боғчасидан олиб келишларимними ёки илк ҳикоянг чоп этилгандаги қувончларингними?

Болалигингда якшанба кунлари ҳайвонот боғига олиб боришимизни сурардинг. Галма-гал, баъзан адам, баъзан опам, баъзан мен бўш вақтимизга қараб, сени ҳайвонот боғига олиб борардик (у пайтлар ҳайвонот боғи уйимизга яқин жойда эди). Сен болалингдан саёҳатларга чиқиб, юрт кезишни яхши кўриб вояга етдинг. 2-3 ёшингдан бошлаб, опам билан ёзги таътилда Кавказ, Крим, Сочи, Иссиккўл каби дам олиш масканларига борар эдинглар. Мен ҳам, аканг Жамшид ҳам талаба эдик, яъни, “катта” бўлиб қолган эдик. Адам эса ҳар йили сизлар билан дам олишга бирга боришга ваъда берардилар-у, лекин яқинлашганда доимгидек ишларини (ёзаётган асарларини тўхтатишга) кўзлари қиймасди. Бувим, адам, мен ва Жамшид сизларни интиқлик билан қайтишингларни кутардик. Келгач эса, сен опамга ҳам гап бермай, кўрган жойларинг, нарсаларинг, бўлган воқеалар ҳакидағи таассуротларингни айтиб чарчамасдинг. Ҳаммамизга совғалар, ўша юртнинг бирор белгисини билдирувчи ёдгорликлар олиб келардинглар. Ўша йиллардан қолган бўлса керак, улғайганингда ҳам турли совғаларни яқинларингта, дўстларингта ҳадя қилишни ёқтирадинг. Сенга ҳам ёдгорликлар, совғалар беришганда хурсанд бўлардинг. Ўз хонангда турли юртлардан келтирилган ёдгорликлар, буюмлар худди ўша мамлакат тарихи ҳакида сўзлаётгандек қаторлашиб турарди. Рус боғчасига борганилигинг ва рус мактабида таълим олганилигинг сабабли баъзан русча сўзларни ҳам аралаштириб гапирадинг. Кейинчалик ўзбек тилида соф, чиройли гапириб кетдинг.

Укажоним, қўлимда сенинг қўл ёзмаларинг, турли йиллардаги газета, журнал ва адабий тўпламларда чоп этилган асарларинг нусхалари, ҳужжатларинг, керак-

таъкидлашган эди. Бу ўртада 2005 йилнинг 29 сентябрь куни оиласизнинг суюнган тоги, меҳрибон адажоним Узбекистон халқ ёзувчisi – Шукур Холмирзаев вафот этдилар. Ҳамма нарса тамом бўлди деб ўйладим, ҳатто мен ҳам қандай яшашни, қаердан куч олишни билмай қолдим. Ўшанда опамга қандай далда бўлишни, бу оғриқларни, қайғуларни енгиб ўтишларига қандай ёрдам бера олишимни ҳам билолмай қолгандим. А.Навоий бобомиз айтганилариdek, “сабр этагини тутиш, барча қийинчиликларни сабр-чидам билан енгиш”дан бошқа иложимиз йўқ эди.

Сенга докторлар бирор кишининг ёрдамисиз, ҳеч бўлмаганда ҳассасиз кўчага чиқмаслик кераклигини тайинлашган эди. Четдан қараганда, кўзларингнинг нурсизлигини дарров илғаш қийин эди. Шунинг учун сен аввалгидек, иш юзасидан кўчага чиқавердинг, лекин бу хавфли эканлигини ўзинг ҳам билардинг. Опам ҳам, мен ҳам сени кўчага ёлғиз чиқармасликка ҳаракат қиласидик, “хавотир олманлар, жудаям эҳтиёт бўлиб юраман” деб ўз айтганингдан қайтмасдинг. Ҳар 6 ойда касалхонага ётиб, кўзингга зарурий муолажаларни олардинг.

Эй худойим, “дард келса, қўшалоқ келади”, деб шуни айтсалар керак-да. 2007 йилнинг ёзида ғира-шира қоронфида машина йўлидан ўтаётганингда машина яқинлашганини сезмай қолиб, автоҳалокатга учраганинг оиласиз учун яна битта оғир мусибат бўлди. Укажоним, омон қолганинга шукр қиласидик. Бир неча ой касалхонада ётганингдан сунг (умуртқангни операция ҳам қилишганди) уйга рухсат бериши ва шу кундан бошлаб опам билан ҳамишира назоратида бўлдинг. Доимий массажлардан, жисмоний ҳаракатлардан сунг бир қўлда деворни ушлаб, иккинчи қўлда ҳасса билан туришни машқ қила бошладинг. Кетма-кет келган касалликлар, турли майда гаплар, шахсий оиласий нотинчлик сени тушкунликка тушириб юборди,

ҳамма нарсага қўл силтадинг. Ҳаётнинг кутилмаган эврилишлари ёнида ўзингни бутунлай ожиз сездинг. Ҳаёт тугагандек туюлди, ёзмай қўйдинг. Ҳатто яқин дўстларингни сени бундай бемор ҳолда кўришларини, ачиниб қараашларини истамасдинг. Уйга ҳам энг яқинларгина келадиган бўлди. Опам ва сенга қаровчи ҳамширагина асл ҳолатингдан хабардор эдилар. Вақти келса, менга ҳам оғрикларингни билдиргинг келмасди, сездирмасликка, ўзингни тетик, бардам тутишга ҳаракат қиласдинг.

Бирин-кетин кунлар, ойлар, ҳатто йиллар ҳам ўта бошлади. Сен аста-секин шундай ҳолатда яшашга ўзингни кўниклира бошладинг, мослашишга ҳаракат килдинг.

Укажоним, сенга яшашга куч берадиган ягона нарса – бу қалам тебратиш, ёзиш эҳтиёжи эканилигини айтганингда сени руҳлантирадиган қандайдир гаплар айтгандим-у, ўзим эса бошқа хонага чиқиб кўз ёшларимни артгандим. Шунда, эсингдами, Жаҳонгир, опамга нималар деганинг, мени кечагидек ёдимда турибди-я. Сен, “Опа кўчага чиққанингизда иккита қалин дафтар, иккита ручка олиб келинг. Ёзишни бошлайман. Қатори текис бўлмаслиги мумкин, майли, секин-секин машқ қиласман. Кейин ўзингиз чиройли қилиб кучириб, менга ўқиб берасиз” – делинг. Энди сенинг ёстифинг ёнида қалин дафтар (ичида ручкаси билан) пайдо бўлди. Кунларнинг бирида “И это пройдёт” (“Бу кунлар ҳам ўтиб кетар”) номли эссенгни тугатганингни, хозир опам уни дафтардан оқ қоғозга кўчираётгандарини айтганингда, овозингдаги қатъийлик, дадиллик мени қувонтирганди, ўзингдан қониқиши ҳисси пайдо бўлгани шундай сезилиб турарди.

Укажоним-а, бир бошинга шунча нарса-я. Эссе ни опам яна бир неча марта ўзингга ўқиб берганларидан кейин, сунгги нуқтани қўйдинг. Энди эссе ни рус тилидан ўзбек тилига ўгиртириш масаласи турарди. Бу

масалани ҳал қилишни мен ўз бўйнимга олгандим. У ёқ-бу ёқдан суриштириб, шоир Муҳиддин Омон бадиий асарларнинг таржимаси билан шугулланишини билгач, унга бериб келган эдим. Бир неча ойдан кейин эссе “Аъло қайфият” (2011й.) журналида чоп этилганди. Кейинги йилларда “Илк қадам” (2013й.), “Еттинчи хаёт” (2014 й.), “Тумор” (2014 й.) номли автобиографик эсселарингни ёздинг. Асарларинг чоп этилган газета ва журналларни пайпаслаб ушлаб, хурсанд бўлдинг.

Жаҳонгир, ўзингга ҳеч қачон айтмаган эканман, энди айтаман – сен кучли инсон эдинг. Бир неча йиллар давомида кўрпа – тўшакка михланиб, уйдан ташқарига чиқолмай қолганингда ҳам яшашдан маъно-мазмун изладинг, ҳаётнинг берган қувончли дамларига шукроналик қилдинг, эртанги кунга режалар тузиб, умид билан қарадинг, яқинларингта ҳамдард бўлдинг, жиянларинг келажагига ишонч билан қарадинг ва улар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатдинг. Ҳаётни борича қабул қилишни ўргандинг.

Жаҳонгирим, болаларни, ёш болачаларни қанчалар яхши кўрадинг. Танишларимизни, қўшниларимизни фарзандларини уйга тўплаб, улар билан гаплашиб, ҳазиллашиб, кулишиб ўтирадинг. Улар ҳам сенга интилишарди. Лекин ўз фарзандинг Жавохир сендан йирокда эди, дийдорига тўя олмадинг. Унга ҳам бутун умрлик армон бўлиб қолганингни йиллар ўтган сари янада хис қиласи. Менинг икки ўғлим Қаҳрамон ва Жавлонбек учун эса, сен – ҳам тоға, ҳам дўст, ҳам сирдош эдинг. Уларга кичкинтойлигиданоқ бўлакча меҳр билан қарадинг, умринг давомида уларнинг ўқиши, қизиқиши, интилиши, қисқаси уларнинг тарбияси сен учун муҳим эди, улар ҳам буни қадрлардилар. Сен уларни қанчалик яхши кўрган бўлсанг, уларники ҳам сеникидан кам эмасди.

Укажоним, қалбинг кенг эди, кундалик ҳаётдаги баъзи арзимас нарсалардан хафа бўлганимни эшитиб, менга суюнчи бўлардинг, кўнглимни кўтарардинг. Мен

хар гал борганимда, овозимни эшитишинг билан, ётган жойингдан сўрашишни бошлардинг. Мен эса шоша-шоша янгиликларни гапириб кетардим. Сен хам шуни пойлаб тургандек, жиддий тинглардинг. Опам хонтахтани турли егуиллар билан тўлдириб ташлардилар, кейин ўтириб чой ичардик. Баъзан ҳазиллашиб, “Зериккан пайтларимда мени ҳамма гапимни сўзсиз тинглайдиган, эътиroz билдирмайдиган, фикримга доим қўшиладиган айиқчам бор,” – деб қўядинг. Дарҳақиқат, кулранг айиқча каравотингнинг бўш жойини эгаллаб, сенга қараб ўтиради.

Уйнинг тўрисида сенинг энг баҳтли дамларингдан хотира бўлиб, дўстинг, рассом Абдужаббор Эрмеминовнинг “Жаҳонгир” номли портрети осиғлиқ турарди, энди шу портретдан ҳаммамизга қараб, кузатиб турибсан-а.

Асарларинг матбуотда чиқа бошлагач, таниш-билишлар, дўстларинг, адамнинг шогирдлари қўнғироқ қилиб, ҳал-аҳвол сўрайдиган, эсселаринг ҳақида фикр билдирадиган бўлишганди. Уларнинг уйга ҳам келиб туришларидан, адабиёт ҳақида, санъат ҳақида ва умуман турли мавзуларда сухбатлашиб ўтиришларидан қувонардинг, нафақат қувонардинг, балки бир неча кун қўтаринки кайфиятда бўлардинг.

Энди битта дафтарга телефон рақамларни катта-кatta ҳарфлар билан ўзингга қулай қилиб ёзиб юрадиган бўлдинг. Мана телефон рақамлари – Ёзувчилар уюшмасиники, Сирожиддин Сайдники, Қўчкор Норқобилники, Нодир Жонузокники, Даврон Ражабники, газета ва нашриётларники... Қўнғироқ қилиш зарурати туғилганида дафтарни қўлингга яқинлаштириб, лупа орқали қидирадинг. Кўпини хотирангда сақлашга ҳаракат қиласдинг.

Классик киноларнинг (овозини эшитардинг), қўшиғу мусиқаларнинг, бадиий асарларнинг дисклари ни олдирадинг. Умуман, мусиқаларни, қўшиқларни

тинглашни яхши кўриш ҳаммамизга хос шекилли, биласан-ку, адам ҳам қўшиқ тинглашни ёқтиардилар, қўшилишиб хиргойи ҳам қилишлари мумкин эди. Мен ҳам яхши қўшиқларни тинглаб, роҳатланаман, қайсиdir маънода улардан малҳам излайман. Сен ҳам ўринда ётганча, сенга ёд бўлиб кетган қўшиқларни қайта-қайта тинглаб ўйга толардинг. Нималар ҳақида ўйлардинг, укажоним, қўшиқлар қай кунларингни ёдингга соларди-а.

Турли хаёллар суардинг. Узок-узокларга саёҳатга яна чиқиш ҳақида орзулар килардинг. “Оёқка туриб кетсам эди, Сурхондарёга, Учқизилга борардим, Жиззахга бориб дўстим Невмат Ҳайрат оиласидан хабар олардим. Фарзандларига совгалар олиб борардим,” дердинг (Невмат Ҳайрат баҳтсиз ҳодиса туфайли ва-фот этган эди). Бир неча йил авввал оиланг билан Жиззахга, Невмат Ҳайратникига борганиларингда бундан кейин албатга, оилавий борди-келди қиласиз, деб келишганларингни кўп эслардинг.

Жаҳонгирим, куни кеча қабрингга бориб бир даста оптоқ гуллар қўйиб келдим. Карагин-а, қайси гулларни яхши кўришингни билмас эканман. Чунки шу пайтгача сен менга гуллар совға қилардинг, хатто сўнгти йилларда ҳам байрам ва туғилган кунларимда куръер орқали юборардинг. Мен эса сенга қўнғироқ қилиб, гулларни келтиришганларини айтиб, миннатдорлик билдирадим.

Дўрмондаги далаховлимиздан хабар олгани борар эканман, Ёзувчилар боғининг ёнидан ўтиб кетаётиб, шу ерда сен илк бора, 21 ёшингда – Гулчехрани учратганинг, баҳтиёр дамларни бошдан ўтказганингни эслайман. Бор овозимни тўлдириб “Жаҳонгир” деб бақиргим келади. Лекин ҳар қанча бақирмай, ҳеч ким кўринмайди, ҳеч қандай садо чиқмайди...

Қўлимда сенинг дафтарга ёза бошлаган иккита чала хикоянг. Бири “Узбек”, иккинчиси “Когда засыпают

ангелы” деб номланган. Укажоним, ётган жойингда се-
кин каравотингта ўтириб, “Опа, мен ёзувчиман-а, ҳали
куп асарлар ёзаман-а,” дер эдинг.

Ёзувчилар уюшмасининг китобингни чоп этишига
бош-қош бўлаётгани ҳамда уюшмага аъзо қилишни
ҳам тезлатиш ниятида эканликлари ҳаммамиз учун
кутилган хабар эди.

Шунда, эсингдами, укажоним, китобингни қандай
номлашни муҳокама қилгандик. Сен ўйлаб куриб,
адам, Р. Чориев ва ўзинг билан боғлиқ воқеалар тас-
вирланган “Сунги романтик” номли асарингни но-
мини қўйишини таклиф қилган эдинг. Бу гап опамга
ҳам, менга ҳам маъқул келганди. Кейин бир нечта
суратларингни китоб учун танлаб олган эдик. Китоб-
нинг биринчи корректураси ўқилаётганини нашриёт
тахририятидан қўнғироқ қилиб айтишганда, сен тез
кунларда китобингни қўлингга олишни кўз олдингга
келтиргандинг. Туғилган кунинг арафасида китобинг
чоп этилиши сен учун қилинадиган энг катта совға
бўларди. Бизлар туғилган кунингта кимларни таклиф
этишимиз, қандай ташкил қилишимиз ҳақида бирга
ўтириб фикрлашган эдик.

Ҳеч қандай тўсиқ йўқдек эди... Лекин бир кун келиб
кундалик муолажалар ҳам ёрдам бериши қийинлиги-
ни, соғлиғинг ёмонлашаётганини сезардинг. Шунинг
учун нималарнидир тезроқ қилишга, улгуришга ҳара-
кат қиласдинг-а, укажоним.

Эртага нима бўлиши, бир ҳафтадан кейин, бир ой-
дан кейин нима бўлиши бандасига маълум эмас экан.
19 июль куни докторни уйга чақирганимизда, сени тек-
шириб кўргач, “иситмасини туширсак бўлди, ёш экан,
тузалиб кетади, ҳар куни келиб ўзим хабар оламан” де-
ган эди. Эртаси куни эрталаб йиги-сиги устига кириб
келганида, ёшгина аёлнинг аҳволини кўрсанг эди-я.

Биз ҳам ўғлим Жавлонбек билан кечқурун сен уй-
қуга кетгач ўз уйимизга кетишга отланган эдик. Кет-

масимдан олдин секин бошингни күтариб, сенга совук чой ичирдим, чиройли соchlарингни, қўлларингни силаб қўйдим, “эртага эрталаб вақтироқ келамиз” дедим. Сен “яхши” дегандек, бош иргадинг ва кўзингни юмдинг. Эй укажоним-а, жоним-а, бу сўнгги хайрлашув эканлигини қайдан билайин?

Укажоним, туғилган кунингда сени ёдга олиб яқинлар тўпланишди, асарларингни бир-бир варакладик, суратларингни томоша қилдик, тури воқеаларни эсладик, сўнг... Чифатой қабристонига йўл олдик. Қабринг тепасида бир калима қуръон ўқидик, шундан кейин энгashiб, нималар деганимни эшийтдингми, мен шундай дегандим: “Жаҳонгиржон, ҳеч ҳам қўрқмагин, бу ерда бувиларим, адажонимнинг паноҳи остиласан, улар сени доим ҳимоя қилишади. Ёнингта тез-тез келиб турман. Ҳамма янгиликларни ўзингга айтиб кетаман. Ахир, ҳаётимдаги тўртта яқиним шу ерда-я. Укажоним, жойларинг жаннатда бўлсин. Сени жуда яхши кўрамиз”.

Жаҳонгиржон, Оллоҳ менга қанча умр ажратган, билмайман, ўзига маълум. Аммо бир нарсани аниқ биламан, сенинг қўлёзмаларинг, сен учун муҳим бўлган буюмлар, суратларинг адамнинг архивлари қаторида сакланади ва бир куни келиб адамнинг уй-музейларидан жой олади.

Сайёра Холмирзаева
филология фанлари номзоди,
доцент



ТАҚДИР ЎЙНИ

Жаҳонгир (ўғлим) “Еттинчи ҳаёт” эссеини “Яратгандан неча бор ўзимга завол сўрадим...” деб бошлайди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлган. Кўзи ожизланиб, оёқлари юрмай, тўрт девор ичидагашга маҳкум бўлганидан кейин у ўзига ўлим тилай бошлаган эди. Баъзан мен унга дори берганимда ҳатто “Опа менга заҳар беринг, мен ўлай...” дер эди.

Адасининг (Шукур Холмирзаев) вафотидан кейин унинг қулогига “Энди Жаҳонгир ёза олмайди” деган гаплар чалинган эди. Шунинг учун ҳафсаласи пир бўлиб, у “Энди мен ёзмайман, барибир адамнинг соясида қолиб кетаман”, дер эди. У янги асар ёзиш ҳақида ўйламай ҳам қўйди. Аммо туриб-туриб бирор таъсирли воқеани эслаганда, у “яхши эпизод экан, бирорта асарга киритиб юборса бўлар экан”, деб қўярди. Унинг томирларида ёзувчининг қони оқарди, шунинг учун миясида ўз-ўзидан қандайдир сюжетлар, воқеалар айланиб юраверар эди.

Нихоят бир куни “Опа, мен ёзаман, ёзмасам бўлмайди, қўлимдан бошқа нима ҳам келарди,” деди. У ётган жойида аста-секин ёза бошлади. Кўзи яхши кўрмагани сабабли катта-катта, қийшиқ-бийшиқ ҳарфлар билан бирин-кетин тўрт асар ёзди. Охирги асарлари “Тумор” ва “Еттинчи ҳаёт” ўқувчиларга, хусусан, адабиёт аҳлига манзур бўлганида, уларнинг мақтовига сазовор бўлганида унинг дили қувончга тўлди. “Мени ёзувчи сифатида тан олишди, мен ёзувчиман” деб баралла, бор овозда бақирди. Ёзувчилар уюшмаси раҳбарлари

унинг китобини чоп этишга розилик берганларида, у ўзида йўқ хурсанд бўлди. “Демак, мен бекорга яшамаган эканман,” – деди.

Унда яна бир бор яшашга, ижод қилишга иштиёқ пайдо бўлди. У яқинлашиб келаётган туғилган кунини қандай нишонлашни, китоби нашрдан чиққанида ким-кимларни уйга таклиф қилиш ҳақида режалар туза бошлиди.

Аммо у аҳволи оғирлашиб бораётганини ҳис қилар, жон ҳолатда нашриёт муҳаррирларига, уюшма ходимларига қўнгироқ қилар эди. “Наҳотки, китобим энди чиқаётганида ўлиб қолсам-а”, – дер эди. Нашриётга боғлиқ айрим сабабларга кўра китоб чиқиши кечикди. Афсуски, унга китобини кўриш насиб этмади. “Еттинчи ҳаёт” эссесида у Владимир Висотскийнинг қўшиғидан бир мисра келтирган.

“Эҳ, биз қанчалар хоҳлар эдик,
Нақадар биз буни истар эдик
Уйқуга кетгандек ўлимга кетсак...”

Худди шу қўшиқда айтилгани каби Жаҳонгир ўзи хоҳлагандек уйқусида бу дунёни тарқ этди...

Саида Холмирзаева



МУНДАРИЖА

Бу йўл: «Борса – ё келар, ё келмас».....	3
Фақат ҳаёт абадий	5
Олтинчи ҳукм	17
Ўткан кунлардан	44
Ўлмаган жондан умид	56
Совға	66
Овчи	72
Орзу дарахти	82
Хуш қол...	94
Йигирма иилдан кейин	131
Сўнгги романтик	141
Тўйга тўёна.....	151
Бу кунлар ҳам ўтиб кетар..	158
Илк қадам	178
Етгинчи ҳаёт	200
Тумор	219
Укажоним, Жаҳонгир	226
Тақдир ўйини.....	237

Адабий-бадиий нашр

Жаҳонгир Ҳолмирзаев

Қиссалар, бадиалар ва ҳикоялар

Муҳаррир Санжар Турсунов

Бадиий муҳаррир Дилмурад Жалилов

Техник муҳаррир Екатерина Корягина

Мусаххих Доно Тўйчиева

Компьютерда саҳифаловчи Зилола Алиева

Нашриёт лицензия рақами AI № 290. 04.11.2016

2017 йил 1 июнда босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Palatino Linotype гарнитураси.

Офсет босма. 12,6 шартли босма тобоқ. 11,5 нашр тобоқ.

Адади 1000 нусха. 504-рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг

Faafur Ғулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида чоп этилди.

100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz,

e-mail: info@gglit.uz

Жаҳонгир ХОЛМИРЗАЕВ

*Сўни
романик*



ISBN 978-9943-03-931-5

9 789943 039315